

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МАКТАБГАЧА МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-
МЕТОДИКА МАРКАЗИ

БОЛАЖОН

(Тақомиллаштирилган “Мақтабгача ёшдаги болалар
ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”
асосида ишлаб чиқилган)

Тошкент-2010

74.102 - Мақтабача тарбия

Ушбу дастур "Мақтабача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари" асосида ишлаб чикилди.

Дастурда илк ёшдан 6-7 ёшгача бўлган болаларни жисмоний, ижтимоий-хиссий, нутқ, ўқиш ва саводга тайёрлаш, ақлий ривожлантириш бўйича педагогик вазифалар асосида ҳар бир ёш гуруҳ болалари ўқув йили охирига келиб эгаллашлари лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажми берилган.

Дастур мактабгача таълим муассасалари педагоглари, ота-оналар, болалар тарбияси билан қизиқувчи барча мутахассис ва методистларга мўлжалланган.

Н а ш р у ч у н м а с ъ у л :

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири А. М. Марахимов
Илмий маслаҳатчилар: ф.ф.н. Б.Х.Данияров, п.ф.д., Ф.Р.Қодирова
Тузувчи муаллифлар:

- С.С. Мирджалилова
- М. Ш. Расулева, п.ф.н., доцент
- Д. Шарипова, п.ф.д., профессор
- З. Ибрагимова, ф.ф.н.
- Т.Л. Чаброва, п.ф.н.
- М. Файзуллаева
- М. Рустамова
- З. Раҳимова
- Д. Мухитдинова
- К. Низомова
- З. Раҳмонкулова
- М. Нурматова
- С. Абдуллаева

Такризчилар:

Низомий номидаги ТДПУдоцентлари: Ш.Тошпўлатова, Х.Жабборова, Ш. Хасанова, Б.Бойматова, Н. Ш. Нурмухамедова, Г.Шарипова, А.Шахмурова, катта ўқитувчи Н.Қудратова;

Тошкент педагогика коллежи директори, п.ф.н.М.Тожиева, катта ўқитувчилари: Д.Каримова, Н.Юсупова, Ф.Юнусова, З.Нодирова, М. Камолова;

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 460-МТМ мудираси Х.У.Ризаева, Учтепа тумани 19-МТМ методисти С.Мажидова, Собир Рахимов тумани 229-МТМ мусиқа раҳбари М.Икромова

Мухаррирлар: Ш. Ш. Шомансуров, Н.Соатова

Муассис: Ж. Кўчаров

Ўз.РХТВнинг ММХҚТМОРЎММарказидаги ИМКнинг 16.07.2010 йил 3-сонли навбатдан ташқари йиғилишида нашрга тавсия этилган.

2013/18	Alisher Navoiy
A 1404	nomidagi
	O'zbekiston MK

HD 40797
282

К И Р И Ш

Бугунги болалар қаерда яшашидан қатъий назар, доимий равишда ижтимоий, сиёсий, экологик, илмий, техникавий ва индустриал соҳалардаги ўзгаришлар билан тўкнаш келишларига тўғри келади. Боланинг ривожланиши ва ўсиши узлуксиз давом этадиган жараёндир. Бу даврда унинг шахс сифатида шаклланиши, илк бор оламни атрофидаги ашё ва буюмлар орқали англаб, ундан ўзича маъно топишга интилиши, кизикиш ва ҳиссиётлари ривожланишини кузатамиз.

Ҳаётнинг ҳар бир даври, ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига кўра ўзига хос босқичларга эга. Боланинг ўсиб, улғайишида мактабгача бўлган даврни шулар сирасига киритиш мумкин. Болалар оҳанграболи олам ҳисобланиб, жуда тез ўсиш, ривожланиш ва ўзгаришлар ичида яшайдилар. Бу фарзанд тарбиясида айнан шу палла қанчалик аҳамиятли эканининг яна бир исботидир.

Боланинг ривожланиши, руҳияти ва таълим-тарбиясидаги ўзига хос даврлар, даврларга монанд ўзгаришлар, муаммолар ҳақида ҳикоя қиладиган ушбу дастур нафақат тарбиячилар, балки, оилалар ва ота-оналар учун энг яқин маслаҳатчи ва сирдош бўла олади.

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, шу билан бирга мактабга тайёрлаган ҳолда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида: “Бу таълим 6-7 ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади”,- деб таъкидланган. Дарҳақиқат, таълим-тарбия қанчалик эрта бошланса, унинг самараси шунчалик эрта намоён бўлади ва инсоннинг бутун ҳаёт тарзига ижобий таъсир қилади.

Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини тарбиячилар томонидан тўғри ташкил этилиши, масъул шахслар томонидан уни назорат қилинишининг афзаллигини таъминлаш, мактабгача ёшдаги болалар ота-оналарининг оилада бола тарбияси билан шуғулланиши учун қулайлик яратиш мақсадида “Болажон” таянч дастури “Таълим тўғрисида” ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактабгача таълим Концепцияси ҳамда Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари асосида ишлаб чиқилди.

Дастур мазмун-моҳияти билан болаларнинг психофизиологик камол топиш тамойилидан келиб чиқиб, уларнинг атроф-оламдаги воқеа-ҳодиса, нарсаларга муносабати ҳамда турли соҳалар билан алоқа қилишларини назарда тутди.

Дастурда ўзбек халқ оғзаки ижоди, халқ ўйинлари, мусиқаси, рақслари, амалий санъат асарлари ва табиатига катта аҳамият берилган. Шу билан бирга дастурда бошқа халқларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш назарда тутилган ва болаларни меҳрибонлик, гўзаллик хайрихоҳликка ўргатишга алоҳида урғу берилади.

Дастурни амалга оширишда болаларнинг жисмоний ва психик соғлигини мустаҳкамлаш, ҳаракат ва гигиеник малакалари асосларини шакллантириш вазифасини бажариш муҳим ҳисобланади. Дастур болаларга валеологик таълим беришни назарда тутди: болада соғлом турмуш тарзи ҳақида тасаввурлар шаклланган бўлиши, гигиеник ва ҳаракат маданиятининг муҳимлигини англаши, саломатликни асраш, организмни химоя қилиш, ўзи ва ўзгаларга вақтида зарур ёрдам кўрсатишни билиш қабилар боланинг шахс маданияти, ижтимоий ҳимояланганини билдиради.

“Болажон” таянч дастури мактабгача таълим тизимидаги барча муассасалар

учун бажарилиши зарур бўлган дастур ҳисобланади.

Таянч дастурнинг мақсади “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”нинг бажарилишига эришишдан, яъни мактабга жисмонан соғлом, ақлан ва маънан етук, жамиятнинг турли аъзолари билан мулоқотда бўла оладиган, борликни аниқ идрок этадиган, ҳаётга ижтимоий жиҳатдан мослашувчи, умуммиллий қадриятларимизни қадрлайдиган, шунингдек, мустақил ва онгли яшайдиган болани тайёрлашдан иборат.

Дастурнинг вазифаси болаларни жисмоний, ақлий ҳамда ижтимоий-ҳиссий жиҳатдан камол топтириш ва уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш; болаларнинг эркин фикрлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ахлокий ва маънавий жиҳатдан баркамол, шунингдек, келажақда мустақил ва онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Дастурнинг мазмуни қуйидаги тамойилларга таянади:

- мактабгача таълимнинг давлат ва жамият талабларига мослиги;
- мактабгача таълимнинг демократиклиги;
- бола шахсига йўналтирилганлиги;
- болаларни соғломлаштиришга қаратилганлиги;
- болаларнинг қобилияти, эҳтиёжи, имкониятига мослиги;
- мактабгача таълимда ўйин фаолиятининг етакчилиги;
- мактабгача таълимнинг инсонпарварлиги;
- мактабгача таълимнинг ижтимоий турмуш билан мослиги;
- мактабгача таълимнинг оила ва бошланғич таълим билан узвийлиги.

Муассаса дастурни амалга оширишда ҳар бир болага қуйидаги сифатларни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйиши лозим:

- ижодкорлик, тасаввур, зукколик;
- мустақил фикрлаш лаёқатига эга бўлиш;
- муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўлларини топиш;
- жамият, мамлакатлар, атроф-муҳит муаммоларига бефарқ қарамаслик.

“Болажон” таянч дастурида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш қуйидаги омилларга асосланади:

- давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш ва унинг баркамол шахсга бўлган муносабатнинг кучайганлиги;
- эркин фуқаро маънавиятининг шаклланиши;
- миллий урф-одатлар ва тарихий хотира, ўзликни англаш туйғуси ривожланаётганлиги;
- миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шаклланаётганлиги.

Айнан шу омиллар бола шахсининг жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена, ижтимоий-ҳиссий ривожланиш, нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик, билиш жараёни, атроф-олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш йўналишларига мос тарзда умумий ривожланишини таъминлайди.

Ушбу дастурда болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш даври шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлинади:

- гўдаклик (1 ёшгача);
- илк ёш (1-2 ёш);
- илк ёш (2-3 ёш);
- кичик ёш (3-4 ёш);

- ўрта ёш (4-5 ёш);
- катта ёш (5-6 ёш);
- мактабга тайёрлов даври (6-7 ёш).

Мазмун жиҳатдан дастур таркибига:

- болаларни жисмоний ривожлантириш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена;
- болаларни ижтимоий-хиссий ривожлантириш;
- болаларнинг нутқи, ўқиш ва саводга тайёргарлиги;
- болаларнинг билиш жараёни, атроф-олам тўғрисидаги тасаввурга эга бўлиши ва уни англаши;
- болаларда тасвирий фаолиятни ривожлантириш;
- болаларда мусикий фаолиятни ривожлантириш;
- болаларда ўйин фаолиятини ривожлантириш йўналишларида таълим-тарбия вазифалари келтириб ўтилган.

Ушбу дастур болани шахс сифатида шакллантиришда мактабгача таълим тизими муассасалари ва мутахассислари ҳамда оилалар, мактабгача ёшдаги болалар ота-оналари учун хизмат қилади, деган умиддамиз.

1. Илк ёш даври

Илк ёшли болалар таълим- тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари

Инсоннинг ривожланиш даври она корнидан бошланади. Бола она корнида тўққиз ой мобайнида жуда тез ривожланиш жараёнини ва мураккаб тараққиёт даврини ўтайди. Бу даврда ҳам бола маълум даражада ташки муҳит таъсирида бўлади. Шунинг учун ҳам бу таъсирнинг ижобий бўлишини таъминлаш лозим.

Ўздакнинг вазни туғилган пайтда 3,5 кг, бўйи 50 см бўлган бўлса, уч ойлик даврида унинг вазни тахминан 5 кг, бўйи 60 см, 6 ойлик бўлганда эса тахминан 7 кг, бўйи 64 см бўлади.

Фарзанд ила олам мунаввар. Зеро, у наслимиз давомчисидир. Қўзимизнинг оку қароси бўлган дилбандларимиз ҳар доим ардоғимизда экан, биз оламга улар нигоҳи билан қарашга интиламиз. Ҳар бир ҳаракати ва имо-ишоралари орқали уларни англашга уринамиз. Болалар билан мулоқот пайтидагина бу олам мўъжизаларидан баҳраманд бўлиш мумкин.

Бунда ота-оналар, оиладаги катталар болаларнинг сенсор ҳаракатларини тараққий эттириш, кўриш, эшитиш ва сезиш органларининг фаолиятини ривожлантириш, чақалоқ билан мулоқот қилаётган кишилар чехрасига диққат билан қарашга, ҳаракатланаётган буюмларни кўз билан кузатишга одатлантириш, қулоғига чалинган товушларга, атрофдаги кишилар нутқи, қўшиғи, шақилдоқларнинг овозига қулоқ солишга ўргатиш, чақалоқнинг бошини кўтара олиш ва маълум муддат шу ҳолда тутиб туриш кўникмасини шакллантириш, унинг қорни билан ётиб талпиниш фаолиятини шакллантиришга ёрдам бериш, бармоғини сўришга йўл қўймаслик, болани парваришлашни тўғри ташкил этиш, боланинг ухлаш муддатини аниқ белгилаб қўйиш каби талабларга риоя этишлари лозим.

Бир ёшгача бўлган даврда боланинг ривожланиши асосан оила муҳити таъсирида бўлиб, у она сути билан озикланиши лозим. Бола бу даврда нутққа эга бўлмаса ҳам нутқни тушуниш, англаш, ҳаракатларни идрок этиш, оила аъзоларини таниш қобилиятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам ўздаклик давридан бошлаб уч ёшгача бўлган даврда боланинг нутқи ва тафаккури жадал ривожланади. Бола бир ёшгача бўлган даврда дастлабки сўзларни айта бошлайди. Бу даврда катталар, асосан, оила аъзолари ўздакни тўғри парвариш қилишни йўлга қўйишлари лозим. “Бола тушунмас экан” деб, унга бефарқ бўлмасликлари, атроф-муҳитдаги буюмларнинг номини тўғри талаффуз қилиб, уларнинг нутқини тўғри ривожлантириш учун кенг йўл очишлари керак.

Оилада болани тарбиялашда ота-она билан бола ўртасида қалбан яқинликка эришиш лозим. Ота-оналар ҳеч қачон тарбияни ўз ҳолига ташлаб қўймаслиги, яъни боланинг илк ёшлигидан бу жараёнга киришиш талаб этилади. Чунки, бола оилада биринчи ҳаётий тажрибани ўрганади, кузатади ва ўзини турли хил вазиятларда қандай тутиш кераклигини ўрганади. Биз болани нимага ўргатсак уни аниқ, ҳаётий мисоллар билан мустаҳкамлашимиз зарур, яъни бола катталар айтган гапларига амал қилишлари, шахсан тарбиянинг самарадорлигини таъминлайди.

Туғилганидан 6 ойликкача бўлган болаларнинг ривожланиши

Боланинг йирик моторикаси ривожланган бўлиши, бола ўз танасини бошқара олиши, тепасига осилган ўйинчоқларни томоша қилиши, унга қўли билан талпиниши, ўз қафтларини оча олиши, қўлида ўйинчоқларни ушлай билиши, ўйинчоқни катталарнинг қўлидан олиши, ўйинчоқ билан фаол ўйнаши (силтайди, шикиллатади, оғзига олиб боради, ўйинчоқни ташлайди, ўз қўлларини ушлаб кўради.) керак.

Бола катталарга нисбатан ташаббус кўрсатиши ва уларни ҳис этиши, катталар билан мулоқотга кулгу билан жавоб бериши, яқинлари билан алоқада бўлганида жонланиши лозим. Бола эшитган ва кўрганларига муносабат билдира олиши, турли хил имо-ишораларга ҳиссий жавоб қайтариши (кулиши, гугулаши), товушга, ашулага, атрофдаги товушларга кулоқ солиши, таниш бўлган катталарнинг нутқига ҳиссий жавоб бериши, рақс оҳанги таралганида хурсанд бўлиб жонланиши, онасини кўрганда, унинг товушини эшитганида суюниб кетиши, алоҳида товушларни талаффуз қила олиши (ба, па, ма, га) лозим.

Бола онасининг мулоим муносабатига кулоқ солиши, илк товушларни чиқара олиши, товуш чиқаётган томонга қараши, унга эгилиб гапираётган катталарга нигоҳини қаратиши, овоз орқали муносабат билдириши, (гугуллаши), мусиқа товушларига қизиқиши лозим.

Бола ҳаракатдаги предметларни кузатиши ва нигоҳларини ҳаракатланаётган предметларга қаратиши, ўзини ўраб турган атрофидаги предметларни томоша қила олиши керак

6 – 12 ойгача бўлган болаларнинг ривожланиши

Бу ёшдаги болаларда асосий ҳаракатлар шаклланган бўлади. Бола тизза ва қафтларини ерга тираб тура олиши, ётган ҳолатдан тура олиши, ўтирган жойида ёта олиши, кўмаксиз ўтира олиши, таянган ҳолда предметлардан ҳатлаб ўтиши, мустақил биринчи қадамни босиши лозим.

Бола икки қўли билан предметларни ҳаракатлантира олади, кутичани очиб предметни олади, шикилдоқни шакиллатади, коптоқни юмалатади, битта предмет билан турлича ҳаракат қилади: босади, иргитади, думалатади, бир-бирининг ичига солади, ўйинчоқни томоша қилади, у қўлидан бу қўлига ўткази, товуш чиқарадиган резина ўйинчоқларни эзгилайди.

Болалар катталар билан мулоқотга киришади, ўзига яқин кишилар билан мулоқотга киришишда ташаббус кўрсатади (катталарнинг кўзига қарайди, ёпишади, қўлларига олишларини хоҳлайди, қийкиради, қўлидан тортади, эркаланади), тенгдошлари билан мулоқот қилишга интилади. Кўзгудаги ўз аксини кўриб, табассум қилади ва ўз акси бўйича бармоқларини юргизади. Катталарга тана аъзоларини (боши, қўли, оёғи, бурни) кўрсатади. Предметлар қаерда жойлашганини айта олади.

Турли оҳангдаги мусикани (шўх, тез, секин) ҳис қилади. Бола кулади, чапак чалади, рақсга тушади, катталарнинг имо-ишорасига тақлид қилади, ўзи хоҳлаган предметни олганда лаззатланади, ёқтирган предметини тортиб олинганида норозилик билдиради.

Бола яқин атрофдаги кишиларнинг сўзларини тушунади, ўз исмини эшитганида унга жавоб беради. Предметларни кўрсатади. Халқ ижодиётини тинглайди (овутмачок, эркалама) ва унга хиссий жавоб беради, рангли китобларни томоша қилади.

Предметлар билан тадқиқот эта бошлайди, ирғитади, узиб олишга интилади, уни тақиллатади, предметлар, ҳаракатлар, таниш инсонларнинг номларидан танийди (ота-она ва бошқалар).

Илк ёшдаги бөлаларнинг ривожланиши

Жисмоний ривожланиш.

Боланинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг тана аъзоларини чиниқтириш, асосий ҳаракат турларини ривожлантириш, бөлаларни тетик тутувчи, толиқишларининг олдини оловчи ҳаракатларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш. Бармоқларининг майда мускулларини ривожлантириш, юриш ва ҳаракат қилишнинг айрим кўникмаларини ривожлантириш.

Эмаклаш. Керакли масофага, ўриндик ва халқанинг тагига эмаклаш, 1м. узунликдаги зинага катталарнинг ёрдамида чиқиш ва ундан тушиш.

Юриш. Таянчсиз тўғри йўналишда ерда ётган тахтача устидан, йўлкачадан, қия (10-15см юқорига кўтарилган) тахтачадан юриш, 10см баландликдаги сатх устига чиқиш ва ундан тушиш. Пол, ердаги ёки 5-10см баландликда жойлашган арқон, хода ёки тахтача устидан ўта олиш.

Югуриш. Тўғри йўналишда югуриш.

Сенсомоториканинг ривожланиши. Унча катта бўлмаган тепалиқдан коптокни думалатиш, уни олдинга, юқорига ирғитиш. Қаламни ёки мўй қаламни ушлаб туриш, улар билан (ажи-бужу) чизиклар чизиш.

Майда моторика. 3 ва ундан ортиқ қисмлардан иборат миноралар қуриш, қопча ва қутичага майда предмет ва ўйинчоқларни солиш ва уларнинг ичидан олиш.

Маданий-гигиеник малакалар. Ўз-ўзига хизмат қилиш, қўлларини ювиш, чўмилишга ижобий муносабатда бўлиш, пиёладан чой ичиш, мустақил юз-қўлларини ювиш ва артиш

Йил охирида бола:

Эмаклайди, юради, мувозанат сақлайди, югуради, болада йирик, сенсомоторика ва майда моторика, ўз-ўзига хизмат қилиш малакаси шаклланади.

Ижтимоий- хиссий ривожланиш

Ижтимоий ривожланиш:

Катталар билан мулоқот. Мулоқотга мойиллик сезиш (катталарнинг товуши, имо-ишора, қўлини чўзиш), товушга қараб мақтов ва танқидни фарқлаш, мулоқот турларидан (йиғлаш, кулги, бақириш, табассумдан) фойдаланиш, ўз истагини имо-ишора билан билдириш.

Тенгдошлари билан мулоқот. Тенгдошлари билан ёнма-ён ўйнаш.

Ҳиссий ривожланиш:

Бола кундалик мулоқотда бўладиган катталарнинг исмларини билиш, ўз исмини билиш, ўзини кўзгуда таниш, ўз хоҳиши катталарнинг талабларига мос тушмаганда норозилик билдириш, онла ҳаёти фаолиятига кириша бошлаш

(супуради, ўйинчоқларни йиғади), ўзига яқин инсонларга муҳаббат ва меҳр кўрсатиш (ўпади, ёпишади, кучоқлайди), мусиқага монанд ҳаракат қилиш, катталарнинг ўзига нисбатан муносабатини сезиш ва ҳис этиш.

Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик

Нутқ. Катталарнинг нутқини тушуниш, сўз бўлақларини ва 1-2 бўғиндан иборат оддий сўзларни айта олиш.

Предметларнинг номларини айтиш ва улар билан ҳаракат қилиш (бу “нинни”, “нинни ух”), “нинни қани?” каби саволларни бериш, расмда предметларни таниш (Бу бо-бов), ўз ҳаракатларини сўз билан ифодалаш, мураккаб бўлмаган ҳаракатларни бажариш (кубикни олиб кел).

Бадий адабиёт билан таништириш. Болаларда бадий адабиётга нисбатан қизиқиш уйғотиш. Уларга доимий равишда халқ оғзаки ижодидан: алла, эркалама (“Ҳамма гулни гул десам...”, “Менинг кизим оппоққина...”, “Акбаржомим отлидур...” в.б.); овутомчоқлар (“Йиғлама-ей, йиғлама”, “Вой, йиғлама жон ўғлим...” в.б.); олқиш қўшиқлари (“Югурса онаси кўрса...”, “Оймома илла...”, “Айланайин оқчамдан...” в.б.) айтиш. Қисқа шеърларни ифодали ўқиб бериш.

Ўқиш ва саводга тайёргарлик. Китобдаги расмларни томоша қилиб, тасвирланган предметларни номлаш, қалам ёрдамида горизонтал, доирасимон ва вертикал чизиқларни чизиш.

Йил охирида бола:

Катталарнинг нутқини тушунади, сўз бўлақларини ва 1-2 бўғиндан иборат оддий сўзларни айта олади.

Қалам ёрдамида горизонтал, доирасимон ва вертикал чизиқларни чиза олади.

Билиш жараёни, атроф-олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш:

Элементар математик билим ва малакалар. Икки-уч қисмли, таълимий ўйинчоқларни йиғиш, қутчаларга мос қопқоқларни танлаш, 2-3 та халқалардан пирамида йиғиш, катталарнинг илтимосларига кўра предметларни йиғиш ва олиб бериш, предметларни жойлаштириш.

Атроф-оламни ўрганиш ва англаш. Катталар билан саломлашиш, катталарнинг саломига жавоб бериш, миннатдорчилик билдириш, расмларни томоша қилиш, образга қараб ҳаракатларни ифода эта олиш (айиқча, қуёнча), яқин атрофдаги предметларнинг номини айта олиш ва кўрсатиш, ўзининг кўриниши, кийими, чиройли ўйинчоғи билан мамнун бўлиш.

Йил охирида бола:

Ранг, шакл, катталиқ каби тушунчаларни тушунади, предметларни ўзича таниб ва унинг хусусиятларини билади.

Ўйин фаолияти

Болаларнинг сенсор тажрибаларини бойитишда давом этиш. Турли шаклдаги буюмлар билан ўйнашга ўргатиш. Ўзакка 2-3 та бир хил ўлчамдаги халқани кийдириш, катталар ёрдамида 2-3 та халқачадан иборат бўлган конус асосли пирамидани йиғиш, тўртта қарама-қарши ўлчамдаги халқалардан пирамида йиғиш;

Нарсаларнинг ўлчами (катта, кичик), рангига (қизил, кўк) қараб улар билан турлича шуғулланишни такомиллаштириш (очиш-ёпиш, кийдириш, олиш, ўтказиш, киргизиш, ипни ўтказиш, устига кийдириш). Турли дидактик ўйинчоқлар билан ўйнашга ўргатиш (шар отиш, дидактик қутичалар ва уларга мос столчалар ва х.)

Қурилиш материали (столдаги, полдаги) билан ўтказиладиган ўйин машғулотлар. Болаларни айрим шакллар билан (кубча, гиштча) таништириш.

Болаларнинг сенсор тажрибаларини бойитишда давом этиб, буюмларни ҳажм жиҳатидан фарқлашга ўргатиш, катталар ёрдамида 4-5 та халқадан иборат пирамида йиғиш.

Шаклига қараб қутича учун қопқоқлар (думалок, квадрат) танлаш кўникмаларини шакллантириш, икки ўринли дидактик ўйинчоқлар йиғиш.

Дидактик қутича (“Сехрли қутича”) тешиқларига мос келадиган ясси шаклларни (доира, квадрат, учбурчак, тўғрибурчак) мослаштиришни машқ қилдириш.

Эшитиш қобилиятини ривожлантирадиган таълимий ўйинлар ўтказиш (“Уйчада ким яшайди?”, “Ким бизни чақирди?”).

Тўртта рангни (қизил, кўк, сариқ, яшил) фарқлашга ўргатиш; катталарнинг тақлифи бўйича маълум рангдаги нарсаларни ажратиш.

Дидактик ўйинчоқлар, майда ва йирик қурилиш материаллари билан мустақил ўйнашга имкон бериш.

Қурилиш материали (кичик ва катта ҳажмдаги) билан ўтказиладиган ўйинлар. Болаларга айрим шаклларни (кубча, гиштча) устма-уст қўйишга ўргатиш. Катталар билан биргаликда ўйин-қурилишни амалга ошириш.

ИЛК ЁШ ГУРУХ

2-3 ёшли болаларнинг ривожланиш хусусиятлари

Бу давр ўзига хос хусусиятларга эга. Бир ёшдан икки ёшгача бўлган давр мобайнида боланинг нутки ва ўзгалар томонидан айтилган сўзларни тушуниш қобилиятлари жадал ривожланган бўлса, 2-3 ёшга келиб, ўзгалар нутқига тақлид қилиш жараёни бошланади, бола мусиқа, бадиий сўз таъсирига тез берилади.

Шунинг учун ҳам унга худди шу даврдан бошлаб шеърлар айтиш ҳамда рақсга тушунишга ўргатиш лозим. Уларда катталарга жўр бўлиб қўшиқ айтиш, мусикага мувофиқ ҳаракат қилиш, оҳангни ҳис этиш кўникмаси шаклланади.

Бу ёшдаги болаларни бир жойга жамлаганда улар орасида ўзаро мулоқотга киришиш кўникмалари шакллана бошлайди. Таълим- тарбиявий ишлар болаларда шакллана бошлаган худди ана шу кўникмаларни ривожлантиришга ва уларни малакаларга айлантиришга йўналтирилмоғи лозим.

Жисмоний ривожланиш

Мактабгача таълим муассасасида жисмоний ривожлантириш бўйича кун тартибини тузишда овқатланиш, чиниқтириш, жисмоний машқ ва ўйинларни ташкил этишда дифференциал ёндашишга амал қилинади. Бунда болаларнинг ўзига хос ёш хусусиятлари ҳисобга олинади. Тарбиячи жисмоний ривожлантиришда мактабгача таълим муассасасида жисмоний тарбия дастури

талабларига асосланади. Шу билан бирга тарбиячи, шифокор, ҳамшира билан келишилган ҳолда оилада болаларни жисмоний томондан тўғри тарбиялаш тарғиб қилинади.

Тарбиячи эрталабки бадантарбия, жисмоний машғулотлари, ўйинлар, саломатлик кунини ташкил қилиш усулларини мукамал билиши шарт. Жисмоний тарбия бўйича ўтказиладиган тадбирларда гуруҳ тарбиячиси ва мусиқа раҳбари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Болаларнинг жисмоний тайёргарлигини текшириш, машғулотларни ташкил қилишда тозалик, гигиена талабларига ва хавфсизлик қоидаларига жиддий роия қилинади. Машғулотлар очик ҳавода, шу билан бирга махсус жиҳозланган спорт залида ўтказилади.

Мактабгача таълим даврида болаларни жисмоний томондан тарбиялашнинг асосий мақсади болалардаги турли кўникма ва малакаларни шакллантириш, улардаги кучлилик, тетиклик, чаққонликни амалга ошириш, зийраклик каби жисмоний сифатларни ривожлантиришдан иборатдир. Мунтазам равишда ўтказиладиган жисмоний машғулотлар болаларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнига ижобий таъсир қилиб, ижодий имкониятларини оширади.

Дастурда мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний тарбиялашнинг вазифалари қуйидагича белгиланади:

- жисмоний жиҳатдан бақувват қилиш;
- шахснинг ахлоқий томондан ижодий сифатларини тарбиялаш;
- болаларда мақсадга тўғри йўналтирилган ҳаракатларни фаоллаштириш учун шароит яратиш;
- ҳаракатларнинг муҳим ҳаётий турларини шакллантириш, юриш, югуриш, сакраш, эмаклаш, ўрмалаш, отиш, илиб олиш, сузиш, велосипедда учиш, оёқ, қўл, тана, бош ҳаракатларини ривожлантириш, сафланиш ва қайта сафланиш;
- ўйин ҳаракатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, жисмоний сифатларни ривожлантириш: чаққонлик, эпчиллик, зийраклик, иродалилиқ, сабр-қаноат, кучлилиқ ва бошқаларга тенглашиб тик тутиш малакасини ошириш;
- бола қоматини тўғри шакллантиришга таъсир кўрсатиш ва ясси оёқлилиқ касаллигининг олдини олишга ёрдам бериш;
- жисмоний машқ ва ўйинларнинг фойдаси, асосий гигиеник талаблар ва қоидалар ҳақида етарли даражада тасаввур ва билимлар бериш;
- фаол ҳаракатга қизиқишни тарбиялаш.

Жисмоний тарбия дастурида ҳар бир гуруҳ учун кундалиқ ҳаракат тартиби кўрсатилган.

Болалар жисмоний тарбиянинг асосий мазмунини мунтазам равишда бажаришлари учун турли усулдаги машқлар мавжуд. Булар асосий ҳаракатлар (юриш, югуриш, сакраш, ирғитиш, илиб олиш, эмаклаш, сирланиш); оёқ ва тана учун умумривожлантирувчи машқлар (турли буюмлар ёрдамида ва уларсиз) рақс машқлари, сафланиш ва қайта сафланиш, ҳаракатли ўйинлар, турли спорт ўйинларининг муҳим хусусиятларини эгаллаш, спорт машқлари, роликли конькида сайр қилиш, велосипедда юриш, сузиш ва бошқалардан ташкил топади.

Болаларни халқимизнинг энг буюк анъаналари руҳида тарбиялаш ниҳоятда

мухимдир. Ўзбек халқи бошқа халқлар каби ўзининг қадимий анъанавий ўйинларига эга. Улар асрлар мобайнида шаклланиб ва сайқал топиб бугунги кунгача етиб келди. Дастурга замонавий ҳаракатли ўйинлар қаторига ана шундай ўзбек халқ миллий ўйинлари ҳам киритилди.

Шу билан бирга дастурда ҳаракат сифатларини ривожлантирувчи, қоматни тўғри шакллантирувчи ва ясси оёқлик касалининг олдини олувчи махсус машқлар ҳам тавсия этилади.

Жисмоний тарбия бўйича бажариладиган ишни тўғри режалаштириш ва ўтказиш уни самарали ҳал этишда ниҳоятда мухимдир.

Кун давомида турли хилдаги машғулотларни жисмоний машқ ва ҳаракатли ўйинлар билан қўшиб олиб борилиши, боланинг тўғри ҳаракатини таъминлашга ёрдам беради.

Машғулотларга тавсия этилаётган дастур материали ўтказиладиган жисмоний соғломлаштириш тадбирлари мустақил машқлар ва ўйинлар учун асос бўлади. Таълим вазифасининг асоси, жисмоний тарбия машғулотларида, тарбиявий ва соғломлаштириш вазифалари жисмоний сифатларни ўстириш, болалар организмнинг иш қобилиятини такомиллаштириш, унинг ишга лаёқатлилигини ошириш орқали амалга оширилади.

Машғулотлар тўғри ташкил этилса, қизиқарли, ибратли жиҳатлари оширилса, болалар ўз вақтида дам олишларига эътибор берилсагина жисмоний машқларнинг самарадорлиги ортади. Машғулотда энг муҳими машқ ва ўйинларнинг тўғри тақсимланишидир. Бунда машғулотнинг асосий вазифасини ажрата олиш лозим, унинг мазмуни кўзда тутган мақсадни ҳисобга олиб, бола танасининг маълум қисмларига ҳар томонлама таъсир ўтказиш зарур. Шу жумладан, машғулотлар унумдорлигини ошириш мақсадида турли машқларни бир-бири билан боғлаш ҳам мухимдир.

Машғулотни режалаштиришда ҳаракат тартибини ва такрорийлигини, вазифани тўғри тақсимлаш ва болаларни уюштиришнинг энг аниқ ва оқилона усуллари кўзда тутилади. Бунга, аввало, етарли ҳаракат фаоллиги ва машғулотларнинг зичлигини таъминлаш орқали эришиш керак. Машғулотларни режалаштиришда гуруҳнинг шароити, машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади. Очик ҳаводаги машғулотлар мазмуни йил фаслларига, об-ҳавога мувофиқ равишда танланади. Машғулотни режалаштириш ва ўтказиш усуллари турлича бўлиб, улар асосий ҳаракат ва ўйин машқлари, бир қолипдаги машғулотлардан тортиб турли хилдаги, яъни ҳаракатли ўйинлар, халқ ўйинлари, эстафеталар, очик ҳавода ўтказиладиган машғулотларни ўз ичига олади.

Эрталабки бадантарбия, сайрдаги жисмоний машқ ва ўйинларни машғулотларнинг ўқув материалига мувофиқлаштириш муҳим. Куннинг турли пайтида болаларнинг ҳаракат фаоллигини ҳисобга олиш, шунга кўра, ҳаракат кўникма ва малакаларини такомиллаштириш учун ҳаракат сифатларини ўстирадиган машқларнинг турли усуллари тавсия этилади.

Болаларнинг мустақил фаолияти тарбиячининг бевосита раҳбарлигида ўтади. У ҳар бир боланинг ўйин ва машқларни эркин танлашига ҳаракат қилади.

Тарбиячи ҳаракат фаолиятига мос жиҳозни танлаш йўли билан болаларнинг ташкилотчилик қобилиятини ўсишига ёрдам беради. Тарбиячи (мактабгача таълим муассасасида ва оилада амалга ошириладиган) жисмоний тарбия жараёнининг кетма-кетлиги ва узлуксизлигига алоҳида эътибор қаратади. У бу ишни

режалаштираётганда боланинг ўзига хос хусусияти, ривожланиши, саломатлиги, жисмоний ўсиши, қизиқиши, қобилиятлари ҳисобга олинади. Жисмоний тарбия дастурида ҳар бир гуруҳдаги кундалик ҳаракатлар белгиланган.

Ҳаракатнинг шаклланишига ёрдам қилиш, боланинг теварак-атрофга кўникишини таъминлаш, гавданинг тик ҳолатини сақлашга ўргатиш.

Болаларни мустақил ўйинларда ҳаракат фаоллигини бошқаришга ёрдам бериш ва унга шароит яратиш.

Ҳаракатли ўйинларни ўйнашга бўлган эҳтиёжни ҳосил қилиш.

Болаларни тарбиячининг кўрсатмасига таклид қилган ҳолда ҳаракатни тушуниб, биргаликда ҳаракат қилишга, ўз ҳаракатини бошқалар ҳаракати билан солиштиришга ўргатиш.

Ҳаракат йўналишини ўзгартириш, юриш ва югуриш вақтида ҳаракат характери ни сигналга боғлаб олиб бориш. Болаларни сакраш, жойидан узокқа сакраш, икки оёқлаб юмшоқ ерга тушишга ўргатиш. Болаларни эмаклаш, тирмашиб чиқиш ва тўп билан ҳаракат қилиш бўйича машқ қилдириш. Бу машқлар бажарилаётганда болаларнинг гавдани тўғри ва товонни мустаҳкамлаб тутишига эътибор бериш.

Болаларда жисмоний тарбия машғулотларига, шунингдек, эрталабки гимнастикага ижобий эмоционал муносабатни уйғотиш. Тарбиячи томонидан ташкил қилинган ўйин машқлари, ҳаракатли ўйинларда фаол иштирок этиш.

Тайёрланган предмет ва ўйинчоқлардан мустақил ўйинларда ҳаракат фаоллигини оширишга ўргатиш.

Асосий ҳаракатларга доир машқлар

Юриш машқлари. Тарбиячи кетидан белгиланган йўналишда тўп-тўп бўлиб юриш, йўналишни ўзгартириб юриш, предметни оралаб ўтиш, доира бўйлаб жуфт-жуфт бўлиб, қўл ушлашиб юриш. Юришдан югуришга, югуришдан юришга ўтиш. Олдинга ва ёнга кадам ташлаб юриш.

Югуриш учун машқлар. Тарбиячи орқасидан югуриб ўтиш, ундан қочиш, ҳар томонга бир-бирларини итармасдан югуриш. Думалаб бораётган предметни қувиб этиш, икки чизик ораллигида уларни босмасдан югуриш, 30-40 сония давомида тўхтамасдан югуриш. 80 метргача бўлган масофани секин югуриб ўтиш.

Сакраш учун машқлар. Икки оёқлаб турган жойида сакраш, секин-аста олдинга сурилиш, бола қўлидан юқориқ қилиб осилган предметга тегишга ҳаракат қилиш. Чизикчадан ёки полга параллел ҳолда икки қатор қилиб ташлаб кўйилган арқончадан (20-25см. кенлигида) хатлаш. Турган жойида икки оёқда, иложи борича узокқа сакраш, 20-30 см. баландликдаги предметдан сакраш.

Думалатиш, иргитиш ва илиб олиш машқлари. Предметларни йиғиш, маълум жойга кўйиш. Думалаб бораётган предмет орқасидан сурилган ҳолда тўпни бир қўллаб ва иккала қўл билан тарбиячига қаратиб, қиялатиб ва бир-бирига қаратиб думалатиш. Тўпни икки қўллаб олдинга пастдан, кўкрак олдида, бошдан ошириб отиш. Тарбиячига тўпни икки қўллаб иргитиш, тарбиячи отган 50-100 см. ораллиқдаги тўпни илиб олишга ҳаракат қилиш. Бола кўкраги баробар қилиб тортилган лентадан тўпни отиб тушуриш. Предметларни иргитиш (тўплар, қум халтачалар ва бошқалар горизонтал нишонга (100-120 см. масофага) икки қўллаб, ўнг ва чап қўл билан иргитиш; узунасига чап қўл билан ўнгга иргитиш.

Эмаклаш ва тирмашиб чиқиш учун машқлар. 3-4 м. га эмаклаш, 25-30 см. ли тўсиқ тагидан ўтиш, полда ётган ҳода устидан ошиб ўтиш. Арқонли нарвонча,

гимнастика деворчасидан болага қулай бўлган усул бўйича юқорига тирмашиб чиқиш ва пастга тушиш.

Мувозанат сақлаш учун машқлар. Тўғри юриш, илон изи йўлакчадан, тўғри, илон изи, доира бўйлаб ташлаб қўйилган арқончадан, бир томони полдан кўтариб қўйилган тахтачадан, гимнастика ўриндиғи устида юриш.

Усти силлиқланган тахта бўйлаб, гимнастика ўриндиғи устида эмаклаб юриш.

10-15 см баландликдаги тўсиқлардан: халқадан - халқага, яшиқдан- яшиқка сакраб ўтиш, табуретка (25 см. баландликдаги), ўриндиқ устига чиқиш, қўлларни икки ёнга узатган ҳолда туриш. Оёқ учида кўтарилиш ва яна дастлабки ҳолатга қайтиш. Турган жойида аста-секин айланиш.

Умумривожлантирувчи машқлар. Қўл ва елка ўмров мускуллари учун машқлар, қўлларни юқорига кўтариш, юқорига ва ёнга буқиш ва чўзиш, кўкрак олдида чалиштириш ва ёнга узатиш, қўлларни орқага яшириш, чапак чалиш, бош устида чапак чалиш, қўлларни олдинга ва орқага силташ (қўллар пастда), пастга-юқорига (қўллар ён ҳолатда), қўлларни бош устида ва олдинга силкитиш. Шунингдек, машқларни турли хил предметлар (шақилдоқлар, кубиклар, лентачалар, рўмолчалар) билан турлича ҳолатларда бажариш.

Оёқлар учун машқлар. Турган жойида юриш, олдинга, ёнга, орқага қадам ташлаш. Оёқ учида кўтарилиш, оёқни олдинга қўйиб, товон билан туриш, оёқ бармоқларини қимирлатиш.

Гавдани ривожлантирувчи машқлар. Ўнг ва чапга ўгирилиш, қўлларни энгил силкитган ҳолда предмет ёнида турган болага узатиш. Олдинга ва турли томонга энгашиш. Полда ўтирган ҳолда оёқларни буқиш ва ёзиш. Чалқанча ётган ҳолда оёқларни юқорига кўтариш ва тушириш, қўллар ва оёқларни бир вақтда биргаликда қимирлатиш. Тиззалаб ўтириб, товонда ўтириш ва туриш. Қорин билан ётган ҳолда қўлларни ва оёқларни кўтариш, ёнбошдан-ёнбошга ағдарилиш.

Сафланиш ва қайта сафланиш. Тарбиячи ёрдамида гуруҳлар ва бутун гуруҳ билан айлана бўйлаб сафланиш, жуфт-жуфт бўлиб сафланиш, бир-бирининг кетидан туриш.

Ҳаракатли ўйинлар ва ўйин машқлари

Юриш ва югуришга оид ўйинлар: “Кўғирчоқларникига меҳмонга”, “Йўлакчадан”, “Ким секин”, “Таёқчадан хатлаб ўт”, “Мени қувиб етинг”, “Чумчуқчалар ва автомобиль”, “Поезд”, “Самолётлар”, “Пуфак”, “Қуёш ва ёмғир”, “Буюмни олиб кел”, “Қушлар учмоқда”.

Эмаклаб ўйналадиган ўйинлар: “Шақилдоқкача эмаклаб бор”, “Дарвозага тушир”, “Чизиқни босма”, “Эҳтиёт бўл”, “Маймунчалар”.

Тўпни отиш ва олиб олиш ўйинлари: “Тўпни ўртага ташла”, “Тўпни илиб ол”, “Дарвозачага тушир”, “Тўғри мўлжал ол”.

Сакраб ўйнайдиган ўйинлар: “Менинг қувноқ коптогим”, “Оқ қуёнча ўтирибди”, “Қушчалар учмоқдалар”, “Ариқчадан хатлаб ўт”.

Очиқ жойда мўлжал олиш ўйинлари: “Қаерда чалинаяпти”, “Байроқчани топ”

Турли ҳаракат ва қўшиқ билан ўйналадиган ўйинлар: бир-бирига ҳалақит бермасдан юриш ва югуриш; икки оёқлаб жойида сакраш ва олдинга силжиб сакраш, тўпни олиш, ушлаб туриш, бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтказиш, жойига солиб қўйиш, думалатиш, иргитиб, эмаклаш, тортилган арқонча тагидан эмаклаб ўтиш, ерда ётган ходача устидан ўтиш.

Чиниктириш ва соғломлаштириш.

Эрталабки бадантарбия. Ҳар куни эрталаб бадантарбия қилиш, ҳаракатларни намунага мувофиқ бажариш. Бадантарбияни очик ҳавода, енгил кийимда бажариш. Эрталабки бадантарбия машқларини сув муолажалари билан тугаллаш (катталар кўмагида).

Чиниктириш. Ёзда очик ҳавода иложи борича кўпроқ бўлиш. Катталар назорати остида кичик очик сув ҳавзасида (бассейнда) чўмилиш (гигиена талабларига амал қилган ҳолда).

Қоматни тўғри тутиш. Катталарнинг назорати остида жисмоний машқларни мунтазам бажариш. Тўғри қоматни шакллантириш, ясситовонлиликнинг олдини олишга имкон берадиган мушаклар гуруҳини шакллантириш.

Ҳаракатлантирувчи тартиб. Ҳар кунги сайрларда иштирок этиш. Ҳаракатли ўйинларда ўйинчоқлар ва жисмоний машқларда спорт анжомлари билан фаол иштирок этишга ҳаракат қилиш.

Гигиена ва ўз-ўзига хизмат

Тахминий кун тартиби:

7.00 – 7.30	Ўридан туриш, эрталабки ювиниб-тараниш (уйда)
7.30 – 8.30	Қабул, соғлиғини текшириш, ўйинлар, эрталабки бадантарбия
8.30 – 9.00	Нонушта
9.00 – 9.30	Ўйинлар, машғулотларга тайёргарлик
9.30 – 10.00	Машғулотлар
10.00 – 10.20	Сайрга тайёргарлик
10.20 – 12.00	Сайр
12.00 – 12.20	Сайрдан қайтиш
12.20 – 13.00	Тушлик
13.00 – 15.30	Уйқу
15.30 – 16.00	Уйқудан туриш, ювиниш
16.00 – 16.30	Енгил 2 тушлик
16.30 – 17.00	Ўйинлар, мустақил фаолият
17.00 – 17.20	Сайрга тайёргарлик
17.20 – 18.20	Сайр, ўйинлар
18.20 – 8.35	Сайрдан қайтиш
18.35 - 19.00	Кечки овқат
19.00 – 19.30	Ўйинлар, болаларни уйга кетиши
19.30 – 20.00	Сайр (уйда)
20.00 – 20.30	Тинч ўйинлар, гигиеник муолажалар (уйда)
20.30 – 7.00	Тунги уйқуга тайёрланиш, тунги уйқу (уйда)

Ухлаш гигиенаси.

Ухлашга айнан бир вақтда ётиш. Уйқудан олдин ва кейин ювиниш, алоҳида ўринда ухлаш.

Шахсий гигиена:

- овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан сўнг ва қўл ифлосланганда (жониворлар билан ўйнагандан кейин) ювиш;

- қўл ва оёқ тирноқларини ўз вақтида олиш;
- ювиниш, кийиниш, чўмилиш жараёнларини тўғри айта олиш;
- ювиниш учун зарур бўладиган нарсалар (совун, сочиқ ва бошқалар)ни билиш;
- юз ва қўлни ювиш, ювингандан кейин артиниш, сочиқни мустақил равишда олиш ва осиб қўйиш;
- шахсий буюмлардан (дастрўмол, тарок ва шу кабилар) фойдаланиш;
- тиш чўткасидан фойдаланишни ўрганиш;
- иссиқ ва совуқ овқатларни кескин алмаштиришга йўл қўймаслик;
- тоза, чиройли либосдан кувониш, сочларни тартибли турмаклар юриш, ифлос кийимбош, қўллар, таралмаган сочларни баргараф этишда катталарга ёрдам сўраб муурожаат қилиш;
- янги дастрўмолдан фойдаланиш ва уни чўнтакда олиб юриш.

Овқатланиш гигиенаси:

- тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш;
- мустақил равишда овқат ейишга интилишни намойиш этиш, “Қошиқда овқатлантириб қўйиш” таклифидан воз кечиш;
- овқатланаётган пайтда бадан аъзоларига қўл теккизмасликка, қошиқни ўнг қўл билан ушлаб, тўкмасдан ейишга ўргатиш;
- мустақил равишда овқатланаётганда, сочиқчадан фойдаланаётганидан кувониш. Чиройли қилиб тузалган стол, мазали овқатларни илғай билиш;
- овқатланиш коидаларига риоя қилиш: овқатни шошилмасдан, яхши чайнаб ейиш, гаплашмаслик, шўрва, чойни тўкмаслик;
- овқатланиб бўлгач, “рахмат” айтиш.
- маданий – гигиеник кўникмаларни эгаллаш ва ўз-ўзига хизмат қилиш:
- шахсий гигиена кўникмаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш: енгни ўзи шимариб, қўл ва юзни ювиш, совундан тўғри фойдаланиш, юз ва қўлларни артиш;
- муайян тартибда ечиниш ва кийиниш, кийимларни яхшилаб тахлаб қўйишга ҳаракат қилиш;
- тугмаларни қадаш, пойабзал ипларини боғлай олишга ҳаракат қилиш;
- ўз буюмларини билиш;
- ўйин давомида ювиниш, кийиниш, овқатланиш жараёнларини акс эттириш: ўйинчоқларни овқатлантириш, кийинтириш, чўмилтириш, ўзининг сеvimли кўғирчоқларини тўғри овқатланиш, ювинишга ўргатиш;
- кўғирчоқлар билан ўйинларни намойиш қилиш давомида кўғирчоқ қандай қилиб тўғри кийинишини кўрсата билиш;
- катталар билан биргаликда ўйинчоқларни жойига олиб қўйиш, кийимларни осиб қўйиш, оёқ кийимини жойига тахлаб қўйишга одатлантириш.

Ўзига хос гигиена:

- тоза чойшаб, кўрпа – тўшакда, шамоллатилган хонада ухлаш, эргалаб бадантарбия ва сув муолажаларини ўтказишга одатлантириш;
- ичак ва қовуқни ўз вақтида бўшатиб туришга ўргатиш: ҳожатхонадан эҳтиёткорлик билан фойдаланишга одатлантириш;
- тирноқ, қалам ва бошқа нарсаларни тишламаслик, қўлларни, лабни ва бошқа буюмларни сўрмаслик.

Шикастланишнинг олдини олиш.

- сакрашда, тепалиқдан учишда юмшоқ тушиш, бир-бирини итармаслик, чопмасликка ҳаракат қилиш.

Илк ёш (2-3 ёшли) болалар учун

Машғулот номи		
1	Атроф олам билан таништириш	0,5
2	Табиат билан таништириш	0,5
3	Таълимий ўйин-машқлари(сенсор тарбия)	1
4	Нутқ ўстириш	1
5	Бадий адабиёт билан таништириш	0,5
6	Расм	1
7	Қуриш-ясаш	1
8	Лой иши	0,5
9	Жисмоний тарбия	2
10	Мусика	2
Жами		10

Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш

Болалар билан ишончли муносабат ўрната олиш. Бошқа одамларнинг ҳиссий муносабатларини тўғри қабул қила бошлаш, боланинг мактабгача таълим муассасасига келиши билан катталар ва тенгдошларининг ҳиссий муносабатларини “бола-катталар” муносабати, “бола-тенгдош” муносабати билан тўлдириш.

Ўйинчоқлар ва хона жиҳозларининг номларини билишга қизиқиш уйғотиш.


Катталар билан мулоқот. Катталар ва болалар билан ташкил этиладиган ўйин жараёнида:

Ўзига таниш катталар томонидан бериладиган, ҳар қандай танқидни тўғри қабул қилишга ўргатиш. Нотаниш катта одамлар билан бўладиган мулоқотдан ўзини четга тортиш, яқин кишисига интилиш. Нимани қилиш мумкин, нимани қилиш мумкин эмаслигини англай олиш. Яқин кишиларисиз бошқа одамлар билан мулоқот вақтида безовталанмаслик. Катталарнинг топшириқларини бажаришни исташ. Ўйин давомида барчага мурожаат қилиш. Катталарнинг ҳикояларига, китобларнинг суратларига нисбатан қизиқишни тарбиялаш.

Тенгдошлари билан мулоқот. Бошқа болалар билан ўйнаш истагини билдириш. Қизиқарли маълумотларни бошқа болаларга етказа билиш. Ўйин давомида ўз ўртоқлари билан яхши алоқа ўрнатиш (ўз ўйинчоқлари билан ўртоқлашади). Тенгдошларининг ўйинларини кузата олиш. Ўйин ва бошқа фаолиятларда биргаликда иш олиб бориш.

“Мен” концепцияси ёки ўз-ўзини англаш. Ҳамма нарсани ўзи бажаришга интилиш. Амалларни бажарар экан, “Мен” олмошидан фойдаланиш. Ўз муваффақиятларидан ғурурланиш (расм чизганида, нарсаларни ясаганда). Ўзи ёқтирган нарсаларни олиб беришни сўраш. “Мен олмани олишни истаيمان, сут ичишни истамайман, мен бу коптокни олмоқчиман, бошқасини эмас” ва ҳақозо.

Ҳиссий ривожланиш. Имо-ишораларни англаш, атрофдагиларнинг ҳиссиётларини тушуниш. Ўз ҳиссиётларини билдириш (суюнади, ўз муваффақиятлари билан фахрланади, таниш катталарни шақиради). Ўзига нисбатан катталар муносабатларини тушуниш. Тўғридошлари билан мулоқотдан



завқланиш. “Раҳмат” сўзини ўринли қўллаш.

Ўқув йили охирида бола:

- катталар ва болалар билан ўйналадиган ўйинлардан суюнади;
- катталар томонидан ижобий баҳо беришларига муҳтож;
- нотаниш одамлардан ўзини четга олади;
- бошқа болаларнинг қувончини тушуна олади;
- қизиқувчан;
- “Мен” тушунчаси ифодаланади.

Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик

Болаларда катта ёшли кишиларнинг нутқини тинглаш ва тушуниш, катталар ва тенгдошлари билан мулоқотга киришиш, катталарга илтимос орқали мурожаат қилиш “Ким?”, “Нима?”, деган саволлар бериш, алоҳида сўз ва қисқа-қисқа жумлаларни тушунишдан катталарнинг оғзаки кўрсатмасини бажариш, мустақил ўйинларда бола ўз ҳаракатларини нутқ орқали ифодалаш, предметлар ва уларнинг бўлақларини ва сифатларини айтиб бериш (машина, унда руль, ғилдирақлар бор, у юради, у катта), турли буюмлар ва расмларни диққат билан кўриш малакасини ҳосил қилиш.

Нутқда товуш маданиятини тарбиялаш. Сўзга тақлид қилувчи товушлардан фойдаланиб, унли (e, i, a, o, u, o') ва ундош (m, n, b, p, t, d, k, g, f, v) товушларни тўғри талаффуз этишни машқ қилдириш. Болаларга берилган саволларга жавоб беришни ўргатиш. Тўғри жумла тузишларига эътибор бериш. Болаларда эрмак, овутомчоқ ва шеърларни қайтариш кўникмасини таркиб топтириш, уларда чиройли, тўғри гапириш иштиёқини тарбиялаш.

Луғат иши. Товушга тақлид қилишдан одатдаги сўзларни талаффуз қилишга ўтказишни давом эттириш: товушга тақлид қилувчи (“вов-вов”, “чик-чик”) кабиларни осонлаштирилган тўғри сўзлар (кучук, соат) билан алмаштириш, тақлид қилишни ўстириш, яъни “айт”, “қайтар” каби топшириқларни бажартириш, бу билан сўзларни тушуниш болага турли товуш, бўғин ва сўзларни талаффуз этиб машқ қилдириш орқали сўз бойлигини орттириш.

Болаларнинг сўз бойликларини буюмлар номини англатадиган отлар (кийим, идиш-товок, мебель, ўйинчоқлар), ўсимликлар (дарахт, ўт, гул ва б.), сабзавот (сабзи, помидор, бодринг ва б.), мевалар (олма, олча ва б.), уй ҳайвонлари (хўроз, товук, сигир, ит, мушук ва б.), уларнинг болалари (жўжа, бузоқча, кучукча ва б.) билан айрим ҳаракатларни ифодаловчи феъллар (югурмок, артмок, кир ювмок, дазмолламок, эмок ва б.), сифатлар (катта, кичик, қизил, сарик, кўк, оқ, қора, иссиқ, совуқ, ширин, аччиқ, думалок), равишлар билан (узок, яқин, паст, баланд) бойитиш.

Катта-кичик, баланд-паст, кўп-кам каби сўз бирикмаларини болалар луғатига киритиш.

Луғатни фаоллаштириш. Расмларни, уй-рўзгор буюмларини кўздан кечираётганда уларнинг номларини, вазифаларини ва баъзи сифат хусусиятларини билдирувчи сўзларни тўғри ишлатишга ўргатиш.

Болаларнинг ўз нутқларида ўрганган сўзларини сўз ўйинлари орқали мустаҳкамлаб бориш.

Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш. Ҳайвон ва паррандаларни бирлик ва кўпликда ифодалашга ўргатиш. Айрим ҳайвонлар

Болаларнинг сўз бойликларини буюмлар номини англатадиган отлар (кийим, идиш-товок, мебель, ўйинчоқлар), ўсимликлар (дарахт, ўт, гул ва б.), сабзавот (сабзи, помидор, бодринг ва б.), мевалар (олма, олча ва б.), уй ҳайвонлари (хўроз, товуқ, сигир, ит, мушук ва б.), уларнинг болалари (жўжа, бузоқча, кучукча ва б.) билан айрим ҳаракатларни ифодаловчи феъллар (югурмоқ, артмоқ, кир ювмоқ, дазмолламоқ, эсмоқ ва б.), сифатлар (катта, кичик, қизил, сариқ, кўк, оқ, қора, иссиқ, совуқ, ширин, аччиқ, думалоқ), равишлар билан (узок, яқин, паст, баланд) бойитиш.

Катта-кичик, баланд-паст, кўп-кам каби сўз бирикмаларини болалар лугатига киритиш.

Лугатни фаоллаштириш. Расмларни, уй-рўзгор буюмларини кўздан кечираётганда уларнинг номларини, вазибаларини ва баъзи сифат хусусиятларини билдирувчи сўзларни тўғри ишлатишга ўргатиш.

Болаларнинг ўз нутқларида ўрганган сўзларини сўз ўйинлари орқали мустаҳкамлаб бориш.

Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш. Ҳайвон ва паррандаларни бирлик ва кўпликда ифодалашга ўргатиш. Айрим ҳайвонлар болаларини билдирувчи сўзларнинг ясалиш йўлларига эътиборини қаратиш. Болаларга воқеанинг вақтини, жойини ифодалайдиган сўзларни, содда гапларнинг тузилишини ўзлаштириб олишларида ёрдам бериш.

Боғланишли нутқни шакллантириш. Сўзлашув нутқини ўстириш. Болаларда тарбиячининг нутқини тинглаш ва тушуниш, берилган саволларга тортинмасдан жавоб бериш малакасини шакллантиришни давом эттириш. Уларни савол билан мурожаат этишга ўргатиш.

Болаларни таниш ҳикоя ва эртак (тарбиячининг саволлари ва китобдаги расмлар ёрдамида, кейинчалик мустақил)ларни қайта ҳикоя қилишга ўргатиш. Ўйинчоқ, буюм ва расм мазмуни бўйича ҳикояни (3-5 сўзлар орқали) такрорлаш кўникмасини тарбиялаш.

Таниш эртаклардан олинган парчаларни саҳналаштиришда қатнашишга ундаш.

Бадий адабиёт билан таништириш. Болани китобни кўришга бўлган қизиқишини уйғотиш, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш.

Болаларда ҳажми катта бўлмаган эртак, эрмак, шеърларни берилиб тинглаш, тушуниш, воқеалар ривожини диққат билан кузатиш иштиёқини тарбиялаш.

Болаларга доимий равишда ўзбек халқ болалар кўшиқларини айтиш: эркаламалар (“Гулижон ўзи-ўзи...”, “Менинг ўғлим отланадур...”), мавсум кўшиқлари (“Бойчечагим хиллолик...”, “Лайлак келса, саз бўлар...”), айтишмалар (“Куёним-куёним”, “Адажон, ҳорманг...”). Ихчам шеърлар билан таништириш (А.Обиджон. “Баҳоройнинг ашуласи”, Ҳ.Раҳмат “Қуёнча”, О.Маҳкамов. “Капалак”) орқали шеърый оҳангнинг жозибадорлигидан завқланиш, шодланиш каби ҳис-туйғуларни таркиб топтириш.

Болалар тушунчасига мос қисқа, содда эртак ва ҳикояларни (“Икки эчки”, “Очкўз ит”, М.Муродов. “Велосипед ҳайдаган кўғирчоқ”, А.Ирисов. “Билмай қолиб” в.б.) тинглаш ва тушуниш каби дастлабки кўникмаларни таркиб топтириш. Болаларни аста-секин асар воқеалари асосида берилган оддий, содда саволларга жавоб беришга ўргатиш. Уларнинг эътиборини асар мазмуни асосида ишланган расмларга қаратиш, диққат билан томоша қилишга одатлантириш.

Ўқиш ва саводга тайёргарлик. Болаларда таниш асарларда алоҳида сўз ва ибораларни ифодалай олишга ўргатиш. Воқеалардаги мураккаб бўлмаган диалогларни такрорлаш, ҳаракатлар билан бажариладиган эрмакларни ижро этиш кўникмаларини уйғотиш.

Қалам ёрдамида эгри чизиклар, доираларни чизиш.

Ўқув йили охирида бола:

- предметлар ва уларнинг бўлақлари ва сифатларини айтиб бера олади (машина, унда руль, ғилдирақлар бор, у юради, у катта);

- китобга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади;
- китобдаги расмларга қараб номини айта олади;
- 3-5 сўзлар орқали гапира олади;
- расм мазмуни бўйича бериладиган саволларга жавоб беради;
- ҳаракатлар билан бажариладиган эрмакларни, қисқа шеърларни, эртакнинг мазмунини бузмай (тарбиячи билан бирга, мустақил ҳолда) такрорлаш каби кўникмаларига эга бўлади;
- болаларнинг ҳаётига яқин шеърларни, кушлар, ҳайвонлар, ўйинчоқлар ҳақидаги тўрт қатор шеърларни ёдлай олади;
- болада китоб кўришга бўлган қизиқиш уйғонади, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш малакаси ҳосил бўлади;
- шеърий оҳангдан эмоционал таъсирланади, қисқа эртак ва ҳикояларни тинглайди, бадиий асар мазмуни асосида ишланган расмларга қизиқади.
- қалам ёрдамида эгри чизиқлар, доираларни чизади.

Билиш жараёни: Атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Илк ёш гуруҳида илк математик тасаввурлар алоҳида машғулотларда эмас, балки сенсор тарбия, нутқ ўстириш, лой иши, жисмоний тарбия каби машғулотлар орқали бериб борилади.

Бу ёшдаги болалар нарсалар, уларнинг миқдори, шакли, ранги ва шунга ўхшашлар ҳақидаги дастлабки тасаввурларни ўйин давомида, кундалик ҳаёт тарзида ва мазкур дастурда кўзда тутилган машғулотлардан оладилар.

Болаларга нарсаларни сенсор белгиларидан бири (катталиги, шакли, ранги, миқдори) бўйича бир жойга тўплаш (йиғиш), устма-уст қўйиш, остига қўйиш, қатор қилиб териш, намуна ва оғзаки кўрсатмаларга асосланиб катта, кичик, шунча, кўп, кам сўзларидан фойдаланиб топширикни бажаришга ўргатиш.

Икки гуруҳдаги нарсаларни сонига кўра таққослашга (“кўп”, “кам”) болалар эътиборини қаратиш. Аввалига, хусусиятлари кескин фарқ қиладиган, сўнгра, анча ўхшашроқ нарсалар (масалан: доира-овал, тўртбурчак-квадрат)- ларни таққослаш.

Ҳар хил нарсалар тўпламини кузатиш ва кўриб чиқиш, тузилишига кўра бир турдаги нарсалар тўпламини ранги, миқдорига кўра гуруҳларга ажратиш. Айни бир вақтда икки турдаги предметларни гуруҳлаш лозим.

Геометрик шакллардан доира ва куб билан таништириш.

Болалар билан икки-уч қисмли таълимий ўйинчоқларни йиғишни машқ қилиш, масалан, 2-3 та халқалардан пирамидани йиғиш, 2-3 та кутичаларга мос копоқларни танлаш.

Ўнг ва чап кўлини фарқлашни ўргатиш.

Тез, секин сўзларини фарқлашга ўргатиш.

Болалардаги илк математик тушунчаларни кундалик ҳаётий вазиятларда қўллаб машқ қилиш. Турли ҳажм, шакл, рангдаги мозаикаларни йиғиш. Турли ҳажм, шакл, рангдаги қоғозларга расм чизиш. Ўйинчоқларни йиғишни, олиб келиб беришни ёки жойига қўйишни ўргатиш.

Атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Она Ватан ва атроф-олам. Болаларнинг теvarак атроф ҳақидаги дастлабки тасаввурларини ҳосил қилиш ва унга қизиқиш уйғотиш мақсадида уларнинг

этиборини болалар гурухларининг хоналари (ётоқхона, кийиниш, ювиниш хонаси ва б.)га, ундаги бурчаклар (китоб, ўйинчоқ, табиат бурчаклари)га қаратиш, ҳар бир хонанинг ўз вазифаси борлиги, хонани тартибли, саранжом-саришта тутиш лозимлиги ҳақида тушунча бериш.

Болаларга оила-аъзолари, қариндош-уруғлари ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш ва уларга нисбатан муҳаббат ҳиссини тарбиялаш.

«Нима қаерда жойлашган», «Оила», «Оила аъзоларим», «Мен ким билан яшайман» каби мавзуларда суҳбатлар уюштириш.

Катталар меҳнати. Катталар меҳнатига қизиқишни тарбиялаш. Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг меҳнати ҳақида болалар тасаввурларини бойитиш, уларнинг меҳнат жараёнлари билан таништириш.

Болаларда катталарнинг меҳнатини ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш.

«Кимга нима керак?», «Энагага нима керак?» дидактик ўйинларидан фойдаланиш.

Буюмлар. Болаларнинг маиший буюмлари ҳақида тушунча бериш ва мунтазам янги маълумотлар билан кенгайтириб бориш.

Устки кийимлар. Йил давомида болаларга кўйлак, пальто, бош кийимлар ва уларнинг вазифалари ҳақида тушунча бериш. «Кўғирчоқни кийинтираммиз», «Кўғирчоқ кийимлари дўкони» каби дидактик ўйинлардан фойдаланиш. Болаларда буюмларга тўғри муносабатни тарбиялаш.

Бола ўз танасининг қисмларини ўрганади. Болага ўз танаси қисмларини ва уларнинг вазифаларини тўғри кўрсатишга ўргатиш. (қулоқлар эшитади, кўзлар кўради). Болаларни катталардан ажратишга ўргатиш.

Болаларни табиат билан таништириш. Қуёш ва ой ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Болаларни уй ҳайвонларининг номини аташга, уларнинг товушига тақлид қилишга ўргатиш. Болаларни ҳайвонлар гавдасининг асосий қисмлари, баъзи бир ўзига хос аломатлари, ҳаракатларига диққатларини жалб этиш. Ҳайвонларни парвариш қилиш ҳақида тасаввур уйғотиш.

Болаларни дарахт, гул ва ўт-ўланни фарқлашга ўргатиш. Уларнинг диққатини хонада ўстириладиган гулларнинг чиройига жалб қилиш, уларни суғориб туриш зарурлигини тушунтириш. Номлари таниш бўлган сабзавот ва меваларни фарқлашга ўргатиш. Ўсимликларни эҳтиёт қилишга одатлантириш.

Болалар билан фасллар алмашиши ва об-ҳаводаги айрим ўзгаришлар (ёмғир, қор ёғиши, қуёш чарақлаб туриши)ни кузатиш.

Гуруҳ хонасида аквариумдаги баликларни, қушни кузатиш. Уларни парваришлаганга қизиқиш уйғотиш. Бутун жонли табиатга нисбатан ғамхўрлик ҳиссини тарбиялаш.

Ўқув йили охирида бола:

- гуруҳ ва хоналарнинг номи ва вазифасини билади;
- оила аъзоларининг аталишини фарқлайди;
- энага меҳнатини қадрлашга одатланади;
- кундалик ҳаётда ишлатиладиган буюмларни билиб олади;
- Бола ўз танаси қисмларини ва уларнинг вазифаларини тўғри кўрсата олади;
- Болаларни катталардан ажратишга ўргатиш.

- уй ҳайвонларининг номларини билади, уларнинг овозларига тақлид қила олади.

Тасвирий фаолият

Тасвирий санъатнинг тарбиявий вазифалари. Тасвирий санъатга нисбатан қизиқиш уйғотиш, болада расм ва иллюстрацияларда тасвирланган ҳолат мазмунига мос ҳиссий идрокни таркиб топтириш. Қалам, фломастер, мўйқалам, бўёқ (акварель) ва лой билан ишлашда қўлланадиган турли ҳаракатларга қизиқиш уйғотиш; унда қалам, фломастер, гуаш бўёқ билан чизиш ва бўяш, лойдан турли нарсалар яшаш мумкинлиги ҳақида тасаввур уйғотиш.

Мазкур ёшда бола муайян бир нарса тасвирини чизишга интилади.

Сенсор белгилар (ранги, ҳажми, шакли)га кўра нарсаларни таснифлашга ҳаракат қилади.

Шунга кўра, уни оғзаки кўрсатма ёки намунага кўра тасвирий фаолият машқига ўргатиш лозим. Асосий ранг турлари (қизил, кўк, сариқ ранг)га ва оқ-қоралигига, шакли: думалок, квадрат, учбурчак, тўғри бурчак, яссилигига ҳамда ҳажми катта-кичиклигига кўра нарсаларни гуруҳлашга ўргатиш.

Расм чизиш. Болаларни рангли қалам, фломастер, мўйқаламни фарқлай билишга, турли расм ва тасвирлар чизишга ўргатиш, бунда болалар диққатини тасвирий материалларнинг қоғозда муайян из қолдириши, қоғозда нима чизилгани, турли чизиклар ва уларнинг ўзаро бирлашиб кетиши натижасида нима тасвирлаганига қаратиш керак.

Болаларни қалам ёрдамида эгри чизиклар, доиралар, горизонтал, вертикал, узун-қиска, ясси чизикларни чизиш, мазкур чизиклар ёрдамида турли тимсоллар (қорпарчалар, байрам кунлари безак-тасмалари)ни чизишга ўргатиш. Болаларни чизик ва тасвирлар орқали атроф-борлиқдаги мавжуд товушларни англаш ва фарқлашга, (“ёмғир” чак-чак, “қадам товушлари тўп-тўп”), тарбиячи билан бирга ёки индивидуал (якка ўзи) расмлар (“дароҳт барглари тўкилмоқда”, “дароҳт бутокларида қор”, “қизча чиройли кўйлақда рақс тушмоқда” кабилар) чиза олишга ўргатиш.

Турли ранглارни уйғунлаштириб расм солишга ўргатиш (“арча учидаги фонусча”, “уй деразаларида акс этган ёрқин шуълалар”). Болаларни думалок шаклли нарсалар тасвирини чизишга ўргатиш: масалан, порлок куёш нур сочмоқда, копток йўлка бўйлаб думалаб кетмоқда.

Тасвирий материалга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга ўргатиш, қаламни учта бармоқ ёрдамида, очилган қисмидан бир мунча юқориқордан, мўйқаламни темир билан қопланган қисмидан юқориқордан, ёғочли қисмидан ушлаш (“ўрта ва бош бармоқлар билан, кўрсаткич бармоқ эса худди коптоқ каби қаламни ёпиб туради”)га ўргатиш. Уларни бўёқ билан ишлашнинг техник усулларини қўллашга ўргатиш, бунда болаларни тўғри ишлашга одатлантиришга эътибор қаратиш лозим – мўйқаламга бўёқ олиш, ортиқча бўёқни силкитиб идишга тушириш, бунда мўйқалам учини идиш четига силкитиб, ортиқча бўёқни тушириб ташлаш лозим.

Расм солаётганда қоматни тўғри тутишга (ўтирганда ўзини эркин тутиш, қоғоз varaги устига бошини ўта яқинлаштириб ўтирмасликка) ўргатиш, қўл ҳаракатини ривожлантириш зарур.

Йил давомида ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларга асосланиб, болалар расм соладилар, иллюстрация ва турли тасвирларни томоша қилдилар,

ўзларига таниш образлар номини айтадилар.

Пластилин (лой) билан ишлаш. Болаларда пластик материаллардан нарсалар ясашга қизиқиш уйғотиш. Болаларни пластик материалларнинг хусусиятлари билан таништириш: лой ва пластилин (юмшоқ, чўзилади, тортилади, узиш мумкин).

Болаларни тупроқ билан ишлашнинг техник усулларига ўргатиш: лой уюмидан бир қисмини ажратиб олиш, кафтларни бир маромда ишқалаб узунчоқ таёқчалар ясаш, уларнинг учини бирлаштириб, ғилдирак, тешиккулча, узук кабиларни ясаш, шунингдек, кафтларни доира шаклида ишқалаб, думалок шарлар, турли мева ва олма шаклларини ясаш.

Лой парчасини кафтлар орасида яссилаб, ширин кулча, печенье, патир нон, ясси лойнинг ўргасидан кўлда чуқурча ҳосил қилиш йўли билан идишча ва товоқча ясаш. Иккита нарсани бирлаштириб, бошқа нарса ҳосил қилишга ўргатиш, масалан, иккита шарикни бирлаштириб “ётса-турмас, турса-ётмас” – ўйинчоқ, шарча ва шақилдоқ-таёқча ясаш мумкин.

Лойдан тўғри фойдаланиш. Тахтача устида нарса ясаш, пластик материални тартибли кўллай билиш.

Мавжуд кўникма ва малакаларга таянган ҳолда, пластик материаллардан мустақил ҳолда нарса ясаш(нарсаясашнинг техник усулларини кўллаш).

Елимсиз аппликация. Пахмоқли ёки магнит доскага турли рангларни қўйиб чиқиб аппликация ҳосил қилиш («Байрам салоти», «Уйча ва унинг деворчаси»).

Куриш-ясаш. Стол ёки полга қўйиб ўйналадиган қурилиш ўйинларида болаларни қурилиш деталлари (кубик, ғиштча, цилиндр, уч томонли призма кабилар) билан таништириш.

Намунага кўра ва мустақил тарзда қуриш-ясашни амалга оширишда болаларда қуриш-ясаш ишларига оид бошланғич тасавурларни шакллантириш билан бирга, уларни яссилги ва текислигига кўра қуриш-ясаш материалларини аралаш кўллашга ўргатиш. Қуриш-ясашда унинг ҳажмига мос қўшимча сюжетли ўйинчоқлардан фойдаланиш: жажжи машинача учун кичкина гаражча, катта кўғирчоқлар учун катта уй каби.

Қурилиш материалларини тартиб билан таркибий бўлақларга ажратиш, қайта тахлаш ва ўз ўрнига қўйиш.

Турли қурилиш материалларини ранг-туси ва ҳажмига кўра ажратишга ўргатиш.

Тақдим этилган 3-4 жиҳоздан бирини танлашга ўргатиш

Тарбиячининг топшириғига кўра таниш шакл ва деталларни комбинациялаш йўли билан қуриш-ясаш ишларини амалга ошириш.

Ўқув йили охирида бола:

- ўз расмларидан қониқиши ва уларни чизганидан қувониши, уларда нималар тасвирланганини билиши;
- қизил, сариқ, кўк, яшил, оқ-қора рангларни билиши;
- қалам ёрдамида эгри чизиқлар, доираларни чизишни;
- қалам, фломастер, мўйқалам кабиларни тўғри тутиш, улардан тўғри фойдаланиш, бўёқ суртиш, горизонтал, вертикал, ясси, думалок чизиқлар чизишни;
- лойдан турли нарсалар ясаш мумкинлиги, унинг қайишқоқ ва юмшоқлиги, ундан батартиб фойдаланиш лозимлигини;
- пластик нарсалар билан ишлашнинг бир қанча усулларини: ўргача

каттикликдаги лойдан тўғри ва айлана шаклдаги ҳаракатлар ёрдамида турли нарсалар ҳосил қилишни, лойнинг катта бўлагидан кичик қисмини ажратиб олишни; ажратиб олинган қисмини кафт ёрдамида ясилашни; уларнинг учларини бирлаштиришни ва б;

- лойдан мураккаб бўлмаган нарсалар ясашни;
- куриш-яш материаллари асосий детал шаклларини қандай қилиб фарқлашни;
- катталар кўмагида турли куриш-яш ишларини амалга оширишни;
- ўрганган куриш-яш ишларини ўйин жараёнида қўллашни билишлари зарур.

Муסיқа

Муסיқа тинглаш. Муסיқага ҳиссий жавоб беришни тарбиялаш, муסיкий асар мазмунига мос қўғирчоқ ва ўйинчоқлар воситасида унинг мазмунини тушунишга қизиқтириш (“Қўғирчоғим-ўйинчоқ” М.Икрамова).

Болаларнинг сенсор қобилиятларини шакллантириш.

Аввал тингланган кўшиқларни таниб олиш. Қўшиқлар билан бир қаторда кичик ҳажмли, болаларга таниш образларни (самолёт, мушукча, айиқ, қушча) талқин этувчи чолғу асарларини тинглаш (“Самолёт учмоқда”, “Қуш ва қушчалар” Е.Тиллечева). Муסיқани чалғимай тинглаш, катталар қуйлаётган кўшиқларни тинглаш. Муסיқа остидаги ҳикояларни тинглашга ўргатиб бориш, болалар чолғуларидан сурнайча, шикилдоқча, доирача қабиларни овозидан фарқлашга ўргатиш (“Нима чалаяпман?” Р. Рустамова).

Турли характердаги муסיқа асарларини тинглаш. Майин оҳангдаги (“Алла” Д. Омонуллаева, “Маму поздравляют малыши” Т.Попатенко), қувнок оҳангдаги (“Праздник” Л.Ломова), рақсона (“Дўлонча” ўзб халқ куйи, “Типратикан” Н.Норхўжаев).

Кўшиқ айтиш. Катталар ва чолғу асбобида жўр бўлиб, муסיкий жумлаларнинг охири ва кўшиқнинг такрорланувчи сўзларини қуйлаш кўникмаларини ривожлантириш. “Ёмғиржон” С.Абрамова, “Чумчукча” М. Юсупов, “Сарик баргчалар” М.Икрамова қайта ишланган.

Кўшиқнинг такрорланувчи жумлаларини қуйлаш, катталар овозига ҳамоҳанг қуйлаш кўникмасини ривожлантириш (“Офтоб чикди”, “Ўрдакчам”, “Хўрозим” каби халқ болалар кўшиқлари).

Турли характердаги кўшиқларини қуйлаш (“Чапак-чапак”)

М. Иорданский, “Янги йил” Х.Мухамедова), кичик ва содда халқ болалар кўшиқларини (ихтиёрий) қуйлашга ўргатиш. Табиий товушда, бақирмасдан қуйлашга илк кўникмалар пайдо қилиш.

Муסיкий-ритмик ҳаракатлар. Тўп бўлиб юриш, турган жойларида юриш (“Марш” Э.Парлов), энгил югуриш (“Чумчуқлар” венгер халқ куйи).

2-3 оддий ва содда образли элементларини таққослаб бажаришга ўргатиш турган жойида айланиш, қўл ушлашиб айланиш.

Энгил югуриш, юриш ва югуриш вақтида икки қўлни белга қўйиш, чапак чалиш, қўлларни олдинга ва икки ёнга узатиб, кафтларини айланттириш, тиззаларини ярим букиб ўтириб-туриш (пружинка) каби ҳаракатларни муסיқа остида бажаришга ўргатиш.

Байроқча, шикилдоқча, ўйинчоқларни ушлаб, муסיқа остида юқорига кўтариш, паства тушириш, силкитиш, айланттириш.

Муסיкий таълимий ўйин. Болаларга таниш бўлган кичик образли ҳаракатларни

(куёнчалар сакряпти, мушукча ўйнапти, айиқ полвон юряпти, сичқонча югурапти ва х.к.) бажариш. Ҳаракатли ўйинлар ўйнатиш.

Муסיкий-таълимий ўйинлардан диққатни жамловчи, товушларнинг баландлиги ва регистр хусусиятларига кўра фарқлаш, муסיқа асарининг кайфияти ҳамда темпини фарқлашга ўргатувчи ўйинларни ўйнаш. Масалан: “Ким куйлаётганини топ”, “Кўғирчоқ нима қилапти?”, “Паст-баланд” Е.Тиличеева, “Ким бу” “Айиқчам” Ғ. Кодиров”.

Жониворлар ҳақидаги кўшиқларга жўр қилиб қушча, айиқча, жўжалар, мушукча ва қучукча каби ўйинчоқларни ўйнатиш. Ўз ҳаракатларини муסיқа билан боғлай олиш.

Болалар чолғу асбоби билан таништириш. Болалар чолғуларидан кўнғирокча, шиқилдоқча билан таништириш. Уларда чалиш усулларини кўрсатиш.

Ўқув йили охирида бола:

- шиқилдоқча, кўнғирокча каби болалар чолғуларини фарқлайди;
- катталарга жўр бўлиб кўшиқнинг айрим сўзларини куйлайди;
- ашула ва ўйинларда болалар чолғулари, ўйинчоқларни кўллайди;
- катталарга эргашиб рақс тушади;
- катталар ёрдамида турли образли ҳаракатларни ифода эта олади;
- муסיқа бошланишига ва тугалланишига қараб ҳаракатларини бошлайди ва тугаллайди;
- катталарга эргашиб муסיқа остида чапак чалиш, қўлларни ўйнатиш, тиззаларни ярим букиб ўтириб туриш, қўлларни ушлаб жуфт бўлиб айланиш, бир оёқни тўпиллатиш каби ҳаракатларни бажаради.

2-3 ёшли болалар билан ўтказиладиган эрталиклар

№	Эрталиклар	Ўтказиш вақти
1	Қиш байрами	25-29 декабрь
2	Баҳор байрами	20 март-20 апрель

Ўйин фаолияти

Воқеабанд – ижроли ўйинлар. Болаларни тенгдошларининг ўйин ҳаракатларига қизиқишга ўргатиш, бир-бирларига ҳалакит бермаган ҳолда биргаликда ўйнашларига ёрдам бериш.

Бир нарса билан бир неча ҳаракатларни бажаришга ва таниш ҳаракатларни бир объектдан бошқасига кўчиришга; катталар ёрдамида бир сюжет орқали бирлашган бир неча ҳаракатларни бажаришга ўргатиш. Болаларнинг ўйин учун ўйинчоқ ва нарсаларни мустақил танлаш, ўринбосар–нарсалардан фойдаланиш истакларига ёрдам бериш.

Болаларни ўйиндаги ижрони тушунишга олиб келиш. Ижрода ўзини тутишнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш, воқеабанд ҳаракатларни ижро билан боғлашга ўргатиш.

Ижод қилиш куртакларини ривожлантириш.

Ҳаракатли ўйинлар. Болаларда тарбиячиси билан бирга оддий мазмундаги ҳаракатли ўйинлар ўйнаш истагини ривожлантириш. Биргаликда кичик гуруҳлар бўлиб ўйнашга ўргата бориш. Ҳаракатлар (юриш, югуриш, қўл билан отиш,

сирғаниш) такомиллашадиган ўйинларни қўллаб–қувватлаш.

Ўйин-драматизация. Асар қахрамони (қўғирчоқ Лолахон томоша кўрсатяпти) билан мулоқотда бўлишнинг биринчи тажрибаси орқали, катталар билан алоқаларни кенгайтириш (бувижониси қишлоққа таклиф қиляпти) йўллари орқали театрлаштирилган ўйинларга қизиқишни уйғотиш.

Болаларни ўйин–ҳаракатларга (жонли ва жонсиз табиатдаги) товушлар ёрдамида жавоб беришга, ҳайвон ва паррандаларнинг ҳаракатларига мусиқа остидаги, халқ оғзаки ижодининг кичик шаклларида янграйдиган сўзларга хос ҳаракатларига тақлид қилишга ундаш.

Асардаги ўйинчоқ-қахрамонлар билан ўйнашда мустақиллик ва фаоллик кўрсатишларини қўллаб-қувватлаш.

Болаларнинг катталар педагогик театрларидаги чиқишларни мунтазам томоша қилишлари учун шароит яратиш.

Таълимий ўйинлар. Дидактик материал билан ўтказиладиган ўйинларда болаларнинг ҳиссий тажрибаларини бойита бориш. Нарсаларнинг ўлчами, шакли, ранги ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш. 5–8та турли ўлчамдаги халқчадан пирамидача (минорача) ясашга, “Геометрик мозаика”га (доира, учбурчак, квадрат, тўртбурчак) хос ясси шаклларнинг ўзаро муносабатлари ичида тўғри мўлжал олишга, тўртта қисмдан (қирқма расмлар, букиладиган кубиклар) бир бутунни ҳосил қилишга, бир хилдаги нарсаларнинг битта сенсор белгиси (ранг, шакл, ўлчам) бўйича мослиги ва фарқларини аниқлашга, киёслашга, боғланишни аниқлашга, гуруҳлашга ўргатиш.

Диққат ва хотирани (“Нима йўқ бўлди?”) эшитиш (“Нима янграяпти?”), тери орқали сезиш, ҳарорат фарқларини сезиш қобилиятини (“Ажойиб халтача”, “Иссик – совуқ”, “Енгил – оғир”), қўлнинг майда моторикасини (тугмачали, илмоқчали, молнияли, чилвирли ўйинчоқлар) ривожлантиришга қаратилган таълимий ўйинлар ўтказиш.

Йил охирида бола:

- бир–бирларига ҳалақит бермаган ҳолда ўйнай билиш, тенгдошлари ҳаракатларига тақлид қила билиш;
- катталар таклиф қилган ўйинга жонли тарзда берилиш, уларнинг ҳаракатларига тақлид қилиш, ўйин топшириқларини қабул қилиш;
- нарсалар билан бирга ўйналадиган ўйин ҳаракатларини мустақил бажара олиш, ҳаракатларни битта объектдан иккинчисига кўчира олиш;
- ўйинда етишмаётган нарсани алмаштира билиши;
- тарбиячи билан мулоқот қила олиши;
- мустақил ўйнаётган пайтда ҳаракатларини сўзлар билан изоҳлай билиши;
- қўғирчоқ театр қахрамонлари ҳаракатларини кузата билиши лозим.

КИЧИК ГУРУХ

3-4 ёшли болаларнинг ривожланиш хусусиятлари

Бола 3 ёшга кадам қўйганда жисмоний ўсиши бир қадар секинлашади. Бу даврда унинг оғирлиги 14–15 кг, бўйи 90–95 см. га етади. Бола жисмонан анча чиникиб, асаб тизими тараққий этади. Таянч ҳаракат органлари такомиллашиб боради. 3 ёшли болалар қисқа муддат давомида ўз ҳатти-ҳаракатларини идора қилиш кўникмасига эга бўладилар. Улардаги мустақиллик ортиб боради, ҳиссийёт ҳамда сенсор

идроки ривожланиб боради. Жамоа бўлиб ўйнаш кўникмалари шаклланади. Ўйин асосида амалга ошириладиган меҳнат фаолиятини фарқлаш имконияти кенгайди. Тасвирий фаолият ҳамда қуриш-ясаш фаолиятининг дастлабки кўринишлари намоён бўлади. Уч ёшли болаларнинг диққати қисман марказлашади, хотираси мустаҳкамланиб боради, моддий борлиқни идрок этиш жараёни бошланади, фараз қилиш имкониятлари вужудга келади. Бунда ўйин фаолияти етакчи роль ўйнайди. Мазкур дастур худди мана шу фаолиятни кенгайтиришга ва ривожлантиришга кенг йўл очадиган таълимий машғулотлар тизимини белгилаб беришга йўналтирилган.

Жисмоний ривожланиш

Бола ҳаракатларининг шаклланишига ёрдам бериш, гавдасини тик тутишга ўргатиш. Болаларни мустақил ўйнаётган пайтларидаги ҳаракатлари фаоллигининг барқарорлашувига ёрдам бериш. Тарбиячи томонидан кўрсатилаётган турли ҳаракатларга боланинг тушуниб боришига ва биргаликда ҳаракат қилишга ундаш. Шу билан бирга бола диққатини атрофдагилар ҳаракатига қаратиш. Болаларни турган жойда сакрашга икки оёқни жуфтлаб сакрашга ва енгил тушишга ўргатиш. Эмаклашга, тирмашиб чиқишга тўп билан ҳаракат қилишга, думалатиш, улоқтиришга ўргатиш. Болаларда эрталабки бадантарбияга нисбатан қизиқиш, ижобий муносабатларни уйғотиш ўйинларда иштирок этишга ўргатиш.

Асосий ҳаракатларга ўргатиш.

Юриш. Тўп-тўп бўлиб юришга, йўналишни ўзгартириб юришга, доира бўйлаб жуфт-жуфт бўлиб қўл ушлашиб юришга, юришдан югуришга ўтишга, ён томонга юриш, кетма-кет юришга ўргатиш назарда тутилади.

Югуриш. Тарбиячининг орқасида югуриш, думалатиб юборилган буюмни қувиб етиш, икки қизиқ орасидан чиқмай югуриш, 20-40 метр масофага ўргача тезликда, 70-80 метрга аста секин югуришга ўргатиш назарда тутилади.

Сакраш. Икки оёқни жуфтлаб турган жойда сакраш, баландликка сакраш ҳамда 20-30 см масофага ҳатлашга 10-15 см баландликдаги предметдан сакрашга, ўргатиш назарда тутилади.

Думалатиш, иргитиш, илиб олиш. Тўпни бир-бирига қаратиб думалатиш, тўпни икки қўллаб олдинга пастдан, кўкрак олдидан, бошидан ошириб отиш, 50-100 см ораликдаги тўпни илиб олишга ҳаракат қилиш, шунингдек, тўп ёки қум ҳалтачасини 1 м масофага бир қўллаб ўнг ёки чап қўл билан иргитиш назарда тутилади.

Эмаклаш ва тирмашиш. 3-4 м масофага эмаклаш 30-40 см тўсиқ тагидан ўтиш, арқонли нарвонча, тик деворчадан бола учун қулай бўлган усулда юқорига тирмашиб чиқишга ўргатиш назарда тутилади.

Мувозанат сақлаш. Бунда тўғри йўлак бўйлаб юриш, эни 20 см, узунлиги 2-3 м, илон изи йўлакчадан, доира бўйлаб ташлаб қўйилган арқончадан қия тахтачадан юриш ёки эмаклаш, халқадан – халқага, доирадан-доирага ўтишга, шунингдек, 10-15 см баландликдаги тўсиқлардан ҳатлаб ўтишга, баландликда қўлларни ёнга қилиб туришга, айланишга, оёқ учида кўтарилишга ўргатиш назарда тутилади.

Умумривожлантирувчи машқлар.

Қўл мускуллари учун. Қўлларни юқорига ва ёнга узатиш. Букиш ва чўзиш, қўлларни орқага яшириш, чапак чалиш бош устида чапак чалиш (предметлар билан)

Оёқлар учун. Турган жойида юриш, олдинга, орқага ён томонга қадам ташлаш,

бир оёқда турган ҳолда иккинчи оёқни букиш ва ёзиш, ўтириб туриш, оёқ учидан кўтарилиш товон билан туриш. Оёқ бармоқларини кимирлатиш, ётган ҳолда оёқларни велосипед қилдириш.

Гавда машқлари. Ўнг ва чапга бурилиш, олдинга ва ён томонда энгашиш, тиззалаб ўтириш, товонда ўтириш ва туриш, қорин билан ётган ҳолда кўлларни узатиш ва оёқларни кўтариш ён бошдан ёнбошга ағдарилиш.

Сафланиш ва қайта сафланиш. Доирага сафланиш, кетма-кет сафланиш, бир-бирини кетидан туриш.

Чиниктириш ва соғломлаштириш.

Эрталабки бадантарбия. Болаларни эрталабки бадантарбия вақтида 4-5 дақиқа давомида ўйин характеридаги машқларни бажаришга одатлантириш мақсадга мувофиқдир. Тарбиячига тақлид қилиб биргаликда ҳаракат қилиш кўникмасини ўстириш, ҳаракатли ўйинларда иштирок этишга ҳамда ўйин топшириқларини бажаришга ўргатиб бориш назарда тутилади.

- ҳар кун эрталаб бадантарбия қилиш;
- ҳаракатларни намунага мувофиқ бажариш;
- бадантарбияни очик ҳавода, энгил кийимда бажариш;
- эрталабки бадантарбия машқларини сув муолажалари билан тугаллаш (катталар кўмагида). Эрталабки бадантарбия машқларини аниқ ва изчил бажариш;

Чиниктириш. Бунда ҳаво, қуёш, сувдан фойдаланган ҳолда чиниктириш тадбирлари амалга оширилади. Қуёшда чиниктириш асосан эрталабки сайр вақтида болаларнинг турли фаолиятлари жараёнида амалга оширилади. Қуёшда дастлаб кун давомида 5 дақиқадан то 10 дақикагача бўлишлари, сўнг, аста секин 40-50 дақикагача кўпайтиришлари мумкин.

Болаларни юз кўлларини мустикал ювишга одатлантириш, сувни сачратмаслик, совундан тўғри фойдаланиш, баданини хўл сочиқда артиш, ёз ойларида очик ҳавода иложи борича кўпроқ бўлиш, чўмилишга, душдан фойдаланишга ўргатиш. Очик сув ҳавзасида (бассейнда) чўмилиш (гигиена талабларига амал қилган ҳолда). Чўмилиш давомийлиги 3-6 дақиқа. Чўмилиш эрталабки сайрдан сўнг тушлиқдан олдин ўтказилади.

Қоматни тўғри тутиш. Катталарнинг назорати остида жисмоний машқларни мунтазам бажариш. Тўғри қоматни шакллантириш, ясситовонлиликнинг олдини олишга имкон берадиган мушаклар гуруҳини шакллантириш. Машғулотларда, бир оз олдинга энгашиб, тўғри ўтириш, бошни ҳаддан ташқари қуйи солмаслик, кўкрак билан стол четларига суянмаслик, оёқларни тўғри ёки ўтмас бурчак остида букиб ўтириш.

Ҳаракатлантирувчи тартиб. Ҳар кунги сайрларда иштирок этиш. Ҳаракатли ўйинларда ўйинчоқлар ва жисмоний машқларда спорт анжомлари билан фаол иштирок этиш.

Ҳаракатли ўйинлар.

Юриш ва югуришга оид ўйинлар. “Кўғирчоқларникига меҳмонга”, “Йўлакчадан, таёқчадан ҳатлаб ўт”, “Мени қувиб етинг”, “Чумчуқлар ва автомобиль”, “Буюмни олиб кел”, “Қушлар учмоқда” кабилар.

Эмаклаб ўйналадиган ўйинлар. “Шакилдоққача эмаклаб бор”, “Маймунчалар”, “Дарвозага тушир”.

Иргитиш ва илиб олиш. “Тўпни илиб ол дарвозага киргиз”, “Саватчага ташла, менга иргит” кабилар.

Сакраб ўйналадиган ўйинлар. “Менинг шўх коптогим”, “Оқ куёним”, “Ариқчадан сакраб ўт” кабилар.

Гигиена ва ўз-ўзига хизмат

Тахминий кун тартиби

7.00 – 7.30	Ўрндан туриш, эрталабки ювиниб – тараниш (уйда)
7.30 – 8.30	Қабул, соғлиғини текшириш, ўйинлар, эрталабки бадантарбия
8.30 – 9.00	Нонушта
9.00 – 9.20	Ўйинлар, машғулотларга тайёргарлик
9.20 – 10.00	Машғулотлар
10.00 – 10.20	Сайрга тайёргарлик
10.20 – 12.00	Сайр
12.00 – 12.20	Сайрдан қайтиш
12.20 – 13.00	Тушлик
13.00 – 15.10	Уйқу
15.10 – 15.40	Уйқудан туриш, ювиниш
15.40 – 16.00	Енгил 2-тушлик
16.00 – 16.30	Ўйинлар, мустақил фаолият
16.30 – 16.50	Сайрга тайёргарлик
16.50 – 18.00	Сайр
18.00 – 18.30	Сайрдан қайтиш
18.30 - 19.00	Кечки овқат
19.00 – 19.30	Ўйинлар, болаларнинг уйга кетиши
19.30 – 20.00	Сайр (уйда)
20.00 – 20.30	Тинч ўйинлар, гигиеник муолажалалар (уйда)
20.30 – 7.00	Тунги уйқуга тайёрланиш, тунги уйқу (уйда)

Ухлаш гигиенаси.

Ухлашга айнан бир вақтда ётиш. Уйқудан олдин ва кейин ювиниш, алоҳида ўринда ухлаш.

Шахсий гигиена:

- овқатланишдан олдин, хожатхонага боргандан сўнг ва қўл ифлосланганда (далада ишлаш, жониворлар билан ўйнагандан кейин) қўл ювиш;
- қўл ва оёқ тирноқларини ўз вақтида олиш;
- ювиниш, кийиниш, чўмилиш жараёнларини тўғри айта олиш ва билиш малакаси;
- ювиниш учун зарур бўладиган нарсалар (совун, сочиқ, мочалка ва бошқалар) ни билиш;
- юз ва қўлни ювиш, ювингандан кейин артиниш, сочикни мустақил равишда олиш ва осиб қўйиш;
- шахсий буюмлардан (дастўрмол, тароқ ва шу кабилардан) фойдаланиш, тартибли сақлаш;
- тиш чўткасидан фойдаланишни ўрганиш, қаттиқ нарсаларни тишламаслик.

- ширин нарсаларни кўл емаслик;
- иссиқ ва совуқ овқатларни кескин алмаштиришга йўл қўймаслик;
- шикастланган тишларни ўз вақтида даволатиш;
- тоза, чиройли либосдан кувониш, сочларни тартибли турмаклар юриш, ифлос кийимбош, қўллардан, таралмаган сочлардан нафратланиш ҳиссини туйиш, буларни бартараф этишда катталарга ёрдам сўраб мурожаат қилиш;
- ана шундай нохушликлар бартараф этилганидан кувониш;
- янги дастурўмолдан фойдаланиш ва уни чўнтакда олиб юриш.

Овқатланиш гигиенаси:

- тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш;
- мустақил равишда овқат ейишга интилишни намойиш этиш, “қошиқда овқатлантириб қўйиш” таклифидан воз кечиш;
- қошиқни ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, овқатни шошмасдан, яхшилаб чайнаб ейиш, шўрва, чойни тўкмаслик;
- мустақил равишда овқатланаётганда, сочқчадан фойдаланаётганидан кувониш. Чиройли қилиб тузалган стол, мазали овқатларни илғай билиш;
- овқатланиш столи атрофида тўғри ўтириш, гаплашмаслик ва ошхона асбобларидан фойдалана билиш;
- овқатланиб бўлгач, “рахмат” айтиш;
- стол устини йиғиштиришда катталарга ёрдамлашиш;
- ўз идишларини ўзи ювишга уриниш.
- Маданий – гигиеник кўникмаларни эгаллаш ва ўз-ўзига хизмат қилиш:
- шахсий гигиена кўникмаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш: энгни ўзи шимариб, қўл ва юзни ювиш, совундан тўғри фойдаланиш, юз ва қўлларни артиш.
- муайян тартибда ечиниш ва кийиниш, кийимларни яхшилаб тахлаб қўйиш. Кийинишдаги тартибсизликни сезиш ва унга барҳам бериш;
- тугмаларни қадаш, пойафзал ипларини боғлай олиш;
- ўз буюмларини билиш;
- ўйин давомида ювиниш, кийиниш, овқатланиш жараёнларини акс эттириш: ўйинчоқларни овқатлантириш, кийинтириш, чўмилтириш, ўзининг сеvimли кўғирчоқларини тўғри овқатланиш, ювинишга ўргатиш;
- кўғирчоқлар билан ўйинларни намойиш қилиш давомида кўғирчоқ қандай қилиб тўғри кийинишини кўрсата билиш, қуёнчани чўмилтириш учун керак бўлган ҳамма нарсаларни келтириш ва х.к.;
- катталар билан биргаликда ўйинчоқларни жойига олиб қўйиш, кийимларни осиб қўйиш, оёқ кийимини жойига тахлаб қўйиш;
- катталарнинг кир ювиши, дазмоллаши, кийимларни тозалашини кузатиш, ўйинчоқларни ювиш, кўғирчоқларни чўмилтиришда иштирок этиш.
- Ўзига хос гигиена:
- тоза чойшаб, кўрпа – тўшақда, шамоллатилган хонада ухлаш, эрталаб бадантарбия ва сув муолажаларини ўтказишга одатлантириш;
- ичак ва қовуқни ўз вақтида бўшатиб туриш. Хожатхонанинг ўзига хос қоидаларидан тўғри фойдаланиш;
- тирноқ, қалам ва бошқа нарсаларни тишламаслик, қўлларни, лабни ва бошқа буюмларни сўрмаслик.

Шикастланишнинг олдини олиш:

- йўлқадан келаётганда ва кўчани кесиб ўтаётганда йўл қондаларига рию қилиш;
- сакрашда, тепалиқдан учишда юмшоқ тушиш, бир-бирини итармаслик, чопмаслик.

Кичик гуруҳ (3-4 ёш)

№	Машғулот номи	Ўқув йили давомида				
		haftада	бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	Жами
1	Атроф олам билан таништириш	1	4	16	20	36
2	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3	Нутқ ўстириш	1	4	16	20	36
4	Бадий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
5	Илк математик тасаввурларни шакллантириш	1	4	16	20	36
6	Расм	2	8	32	40	72
7	Апликация	0,5	2	8	10	18
8	Куриш-ясаш	0,5	2	8	10	18
9	Лой иши	1	4	16	20	36
	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
10	Мусиқа	2	8	32	40	72
	Жами	12	48	192	240	432

Ижтимоий- хиссий ривожланиш

Ўйин орқали болалар эркин “ижодий” жамоаларини уюштириш.

Ўзининг руҳий-хиссий ҳолатини бошқаларга нисбатан таққослашга ўргатиш: “Мен ўзим ўйнайман”, “Мен ўзим ейман” каби иборалар билан ифодалай бошлаш. Ўзи ҳақида гапирганда, учинчи шахсда эмас, балки биринчи шахс “мен” олмошини қўллай бошлаш.

Болани ўз хиссий ҳолатларини бошқаришга ўргатиш: “Йиғлама, ҳозир бирга ўйнаймиз” деганда, йиғини тўхтатиб, катталарнинг кўрсатмаларига рию қилиш.

Болада унга таниш бўлган катталар ва тенгдошларидаги турли хиссий ҳолатларни (кувониш, хафа бўлиш) хис этиш қобилятини шакллантириш, бу ҳолатлар ўзгарганида ўз муносабатини билдириш (тенгдошларига ғамхўрлик қилиш, уларга ёрдам бериш) .

Нима яхши-ю, нима ёмон эканлиги ҳақида болаларда тасаввур пайдо қилиш: нима қилиш мумкин (тенгдошларга ғамхўрлик қилиш), нима қилиш мумкин эмаслигини тушуна бошлаш (тўполон ва инжиқлик қилиш, ўйинчокни тортиб олиш, ёмон сўзларни айтиш ва бошқалар). Мулоқот қилишда самимийлик билан саломлаша олиш, мулойимлик билан миннатдорчилик билдириш.

Катталарни тинглай олиш, катталарга мурожаат қилиш, бошқа болаларга саволлар билан мурожаат қилишга ўргатиш, катталарнинг илтимосларини, топшириқларини бажаришга, кўрсатмаларига кулоқ солишга ўргатиш.

Тенгдошига нисбатан самимий муносабатда бўлиш малакасини шакллантириш, болаларни биргаликда фаолият юритишга эҳтиёж уйғотиш. Ўзига нисбатан ишонч уйғотиш: “Мен қила оламан”, “Мен ўзим”, “Мен яхшиман”, мустақил ишлашига ўргатиш.

Тарбиячи суҳбат ва ўйинларида болада:

- ўзининг ташқи қиёфасини (Мен кимман? Мен қанақаман?) изоҳлаш малакасини шакллантириши;
- ўзи ёқтирган нарсалар (Менга нима ёқади? Нима ёқмайди?) ҳақида гапириб беришга ундаши;
- ўзи ва атрофдагиларнинг ҳиссий ҳолатларини ҳис қила билишни шакллантириши;
- ўз-ўзини англаш қобилиятини шакллантириши лозим.

Катталар билан мулоқот. Катталар билан мулоқотга кириша олиш, атрофидаги катталарга таклид қилиш, катталарнинг саволларига жавоб бера олиш, катталар билан мулоқот қилишга истак билдириш, катталарнинг товушига қараб мақтовни ва танқидни фарқлаш, мулоқот қилиш истагининг яққол кўриниши, катталарни исми билан чақириш,

Тенгдошлари билан мулоқот. Тенгдошлари билан қисқа вақт давомида ёнма-ён ўйнай олиш, ўйинда ташаббускорликни намоён қилиш, тенгдошлари билан мулоқотда ўз имкониятларига ишониш.

“Мен” концепцияси ёки ўз-ўзини англаш: “Мен” тизимининг намоён бўлиши, ўзини кўзгуда таниш, ўз исмини билиш, кундалик ишларда ёрдам бериш (хонани йиғиштириш, телевизорни ўчириш). Бу тизимнинг шаклланиши болаларда ўз-ўзини баҳолаш ва у билан боғлиқ катталарнинг талаблари билан боғлиқ интилишнинг шаклланишига олиб келади.

“Ҳиссий ифодалаш”. Боланинг ўз яқинларига муҳаббат ва меҳр кўрсата олиш (ўпади, кучоқлайди), катталарнинг ўзига нисбатан муносабатини ҳис этиш.

Ўқув йили охирида бола:

- саволга жавоб бера олади;
- катталар ва тенгдошлари билан мулоқотга эҳтиёж сезади;
- тенгдошлари билан ўйнай олади;
- ташаббускорлик, мустақилликни ўзида намоён эта бошлайди;
- ўз имкониятларига ишона бошлайди;
- “Мен ўзим” тушунча пайдо бўлади;
- бола яқин инсонларга муҳаббат ва меҳр кўрсата бошлайди (ўпади, кучоқлайди, кўриб, талпинади);
- катталарнинг ўзига нисбатан муносабатини ҳис этади.

Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик

Болаларда катта ёшли кишиларнинг нутқини тинглаш ва тушуниш, ўзининг эҳтиёжини қондириш учун мурожаат қилиш (“Қўғирчоқни бер”, “Овқат ейман”), савол бериш, ўзининг ҳагги ҳаракатларини бошқаришини сўз билан ифодалаш (“Мен қиламан”), ўзини ва ўзининг фаолиятини сўз билан ифодалаш (“Мен яхшиман”, “Чиройли бўлди”) каби иборалар билан ифодалашга, турли буюмлар ва расмларни диққат билан кўриш малакасини ҳосил қилиш.

Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш. Болаларнинг аниқ, шошилмай, етарлича баланд овозда гапиришларини кузатиш. Сўзга тақлид қилувчи товушлардан фойдаланиб, бу сўзларни ҳар хил баландликда ва тезликда, унли (e, i, a, o, u, o') ва ундошлар (m, n, b, p, t, d, k, g, f, v)ни тўғри талаффуз этишни машқ қилдириш. Ҳавони оғиздан бир текисда ва чўзиб чиқаришни ўргатиш. Болаларга берилган саволларга жавоб беришни ўргатиш, бирор воқеани (расмда кўрган ёки эшитган) сўзлаб беришга ундаш. Тўғри жумла тузишларига эътибор бериш. Болаларда эрмак ва шеърларни айтиш кўникмасини таркиб топтириш, уларда чиройли, тўғри гапириш иштиёқини тарбиялаш.

Луғат иши. Болаларнинг сўз бойликларини буюмларнинг номини англатадиган отлар (кийим, идиш-товок, мебель, ўйинчоқлар), ўсимликлар (дарахт, ўт, гул ва б.), сабзавот (сабзи, қарам, шолғом, помидор, бодринг ва б.), мевалар (олма, нок, олча, лимон ва б.), уй ҳайвонлари (хўроз, товук, от, сигир, ит, мушук ва б.), уларнинг болалари (жўжа, тойча, бузук, кучукча ва б.) билан айрим ҳаракатларни ифодаловчи феъллар (югурмоқ, артмоқ, пиширмак, тайёрламоқ, кир ювмоқ, дазмолламоқ, экмoқ ва б.) сифатлар (катта, кичик, қизил, сариқ, кўк, зангори, oқ, қора, иссиқ, совук, ширин, аччик, думалоқ) билан вақтни белгилайдиган равишлар билан (кеча, бугун, эртага, узoқ, яқин, паст, баланд) бойитиш.

Болаларнинг теварак-атрофдаги нарса ва ходисалар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, сўзларнинг маъноларини аста-секин чуқурлаштириб бориш асосида сўз бойлигини орттириш (буюмларнинг сифати ва хусусиятларини, ранги, катта-кичиклиги).

Катта-кичик, баланд-паст, кўп-кам, кўп-битта каби сўз бирикмаларини болалар луғатига киритиш.

Луғатни фаоллаштириш. Расмларни, уй-рўзгор буюмларини кўздан кечираётганда уларнинг номларини вазифаларини ва баъзи сифат хусусиятларини билдирувчи сўзларни тўғри ишлатишга ўргатиш. Болаларнинг ўз нутқларида ўрганган сўзларини сўз ўйинлари, топишмоқлар орқали мустаҳкамлаб бориш.

Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш. Болаларга отларни кўпликда тўғри ишлатишни, сифатларни от билан шахс ва сонда мослашувини, феълнинг ўтган ва келаси замонда ишлатилишини машқ қилдириш, уларни сўроқ сўзларнинг интонациясини эгаллашга тайёрлаш. Отларни келишиқ кўшимчалари билан тўғри турлашга (Анварни, Анварнинг, Анварга), феълларни шахс-замон кўшимчалари билан тўғри тушлашга (олдим, олдинг, олди) ўргатиш. Ҳайвон ва паррандаларни бирлик ва кўпликда ифодалашга ўргатиш. Айрим ҳайвонларнинг болаларини билдирувчи сўзларнинг ясалиш йўлларига эътиборини қаратиш. Болаларга воқеанинг вақти, жойини ифодалайдиган сўзларни содда ва қўшма гапларнинг тузилишини ўзлаштириб олишларида ёрдам бериш.

Уюшиқ бўлакли гаплар тузишга ўргатиш (Собир коптоқ, кўғирчоқ, байроқчани олди).

Боғланишли нутқни шакллантириш. Сўзлашув нутқини ўстириш. Болаларда тарбиячининг нутқини тинглаш ва тушуниш, берилган саволларга тортинмасдан жавоб бериш малакасини шакллантиришни давом эттириш. Уларни савол билан мурожаат этишга ўргатиш.

Болаларни таниш ҳикоя ва эртак (тарбиячининг саволлари ва китобдаги расмлар ёрдамида, кейинчалик мустақил)ларни қайта ҳикоя қилишга ўргатиш.

Ўйинчоқ, буюм ва расм мазмуни бўйича ҳикояни (2-3та гапдан иборат) такрорлаш кўникмасини тарбиялаш, таниш эртаклардан олинган парчаларни саҳналаштиришда қатнашишга ундаш.

Бадний адабиёт билан таништириш. Болаларда бадний асарларга нисбатан кизиқиш, муҳаббат уйғотиш, ундан завқланиш кўникмаларини таркиб топтириш янада кенгрок режада давом эттирилади. Уларни ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан: мавсум кўшиқлари (“Келса йилбоши – Наврўз”, “Офтоб чиқди оламга”), ўйин кўшиқлари (“Мушук борди далага...”), айтишмалар (“Карим қайда?...” в.б) билан таништириш, миллий оҳангдаги жозибани, ритмнинг бир текисда такрорланишидан вужудга келадиган муסיқийликни ҳис этиш туйғусини шакллантириб бориш лозим .

Болаларда насрий асарлар: эртак (ўзбек халқ эртаклари “Эчки болалари”, “Бароқхон”), ҳикоя (А.Носиров. “Янги машина”, М.Аъзам. “Меҳрибон”), афсона (“Нон ҳамроҳ”), ривоят (“Алишер билан булбул”)ларни кизиқиб тинглашга иштиёқ уйғотиш, уларда акс эттирилаётган воқеалар маъносини тушуниш, қаҳрамонлар ҳатти-ҳаракатларини кузатиш, баҳолаш каби дастлабки кўникмаларни таркиб топтириш.

Болаларни шеър (Д.Орифбоев. “Икки мусича”, Т.Адашбоев “Насибанинг олмаси”, Ғ.Раҳмат, “Кувонч” в.б.) асар қаҳрамонлари руҳий ҳолатидан ҳаяжонланишга, шодланиш, кувониш ёки аксинча, ачиниш, раҳм-шавқат каби туйғуларни ҳис этишга ундаш. Уларни қисқа эртак ва ҳикояларни сўзлаб беришга, асар воқеалари асосида берилган оддий саволларга аниқ ва дадил жавоб беришга, кичик шеър (А.Обиджон. “Қизил гул”, Т.Ортиқхўжаев “Кулча нон”) ва эркалама (“Бойчечагим боласи”)ларни ёд олишга ўргатиш.

Болаларда китобга нисбатан кизиқиш, меҳр ҳисларини кучайтириш. Болалар эътиборини доимий равишда бадний асар мазмуни асосида ишланган расмларга қаратиш, уларни диққат билан томоша қилиш кўникмасини мустаҳкамлаш. Уларга китобдан тўғри фойдаланиш, уни тоза қўл билан ушлаш, варақларини аста, шошилмасдан очиш, букламаслик каби қоидаларни тушунтириб бориш.

Ўқиш ва саводга тайёргарлик. “Сўз”, “Товуш” сўзларини тушунишга, ўйинларда ва амалий машқларда қўллашга ўргатишни давом этиш. Оддий чизиклар, илгаклар нусхаларини кўчиришга ўргатиш.

Ўқув йили охирида бола:

- болалар шошилмай, равон гапира олишлари;
- тарбиячининг оддий саволларига жавоб бера олишлари (2-3 гап);
- тарбиячи билан биргаликда таниш эртак, эрмак ва кичик шеърларни айта билишлари керак;
- тилдаги барча унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қила олишлари;
- отларни келишиқ кўшимчалари билан тўғри турлаш, феълларни шахс-замонда тўғри тушлаш;
- жумлаларни тузиш, саволларга жавоб бериш, керак пайтда савол билан

мурожаат қилиш;

- китобга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;
- китобдаги расмларга қараб бадий асарнинг мазмунини гапириб бериши;
- асарнинг парчасини эшитганида унинг номини айтиши, асар мазмуни бўйича бериладиган саволларга жавоб бериши;
- ҳаракатлар билан бажариладиган эрмакларни, қисқа шеърларни, эртақ ва ҳикояларнинг мазмунини бузмай (тарбиячи билан бирга, мустақил ҳолда) такрорлаш каби кўникмаларига эга бўлиши;
- болаларнинг ҳаётига яқин шеърларни, қушлар, ҳайвонлар, ўйинчоқлар ҳақидаги тўрт қатор шеърларни ёдлай олиши;
- эртақ ва ҳикояларни қизиқиб тинглай олиши, шеърини нутқдаги оҳангдорлик ва мусиқийликни ҳис этиши;
- “Сўз”, “Товуш” сўзларини тушуниш, ўйинларда ва амалий машқларда қўллай олиш каби малакаларни эгаллаган бўлишлари керак.
- Оддий чизиклар, илгаклар нусхаларини кўчира олади.

Билиш жараёни: Атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Элементар математик билим ва кўникмалар

Миқдор. Болаларга алоҳида предметлардан гуруҳ ҳосил қилишни (барча қизил, барча сариқ, барча юмалоқ ва бошқа предметларни гуруҳлаш), гуруҳдан бир предметни ажратишни, “кўп”, “битта” ни фарқлашни, хонада қайси предметлар кўп, қайси битталигини, “биттадан”, “битта ҳам” ибораларини тушунишни ўргатиш.

Тўплам таркибига кирувчи предметларнинг миқдорига кўра гуруҳларнинг тенглиги ва тенг эмаслигини фарқлаш, бир предметни иккинчисининг устига ёки остига қўйиб таққослашни ўргатиш.

“Кўп”, “кам” “тенг”, “шунча” каби сўзларни тушуниш ва нутқда ўз ўрнида қўллашни, “қанча?” сўроғининг маъносини тушунишни ўргатиш.

Товарак - атрофдан битта ва кўп предметларни топишга ўргатиш.

2 гача санашга 2 та нарсаларнинг сонини айтишга ўргатиш. Масалан, “Бир, икки-иккита ёнғоқ”, “Бир, икки-иккита олма. Икки дўстга иккита олма керак”.

Катталиқ. Болаларга предметларни катта-кичиклиги бўйича гуруҳларга ажратишни, бир турдаги предметлардан гуруҳ тузишни, “катта-кичик”лигини таққослаб аниқлашни ўргатиш. “Катта”, “кичик” сўзларининг маъносини тушунтириш.

Кескин фарқ қилувчи ва бир хил ўлчамдаги икки предметнинг баландлиги ва энига кўра қиёслаш ҳамда қиёслаш натижаларини “баланд”, “паст”, “бир хил” сўзлари билан белгилаб айтишни ўргатиш.

Предметларнинг ўлчамини аниқлашда ажратилган белгилари (“узун-қалта”, “тор-кенг”) бўйича қиёслаб, устига ва ёнига қўйиш усулларида фойдаланишни ўргатиш.

Катта-кичик, узун-қалта, баланд-паст, тор-кенг сўзларининг маъносини тушуниш ва нутқда тўғри қўллашга ўргатиш.

Геометрик шакл. Доирани таний олиш ва номини айтишни ўргатиш. Уни сезиш, ҳаракат ва кўриш йўллари билан текшириш усулларини ўргатиш.

Квадрат билан таништириш. Доира, квадратни фарқлаш ва айтишни сезиш,

ҳаракат ва кўриш усуллари орқали ўргатиш.

Болаларга шар ва куб ҳақида тушунча бериш.

Турли топшириқлар ёрдамида шар ва куб ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш. Учбурчакни таний олиш ва номини айтишни ўргатиш. Уни сезиш, ҳаракат ва кўриш йўллари билан текшириш усулларини ўргатиш.

Теварак-атрофда мўлжал олиш. Ўнг ва чап қўлни фарқлай олиш ва айтишни, предмет (ўйинчоқ) ларни ўнг қўл билан чапдан ўнгга кўйишни ўргатиш.

Болаларни предметларнинг ўзига нисбатан жойлашишини аниқлашга, “якин-узок”, “тепада-пастда”, “орқада-олдинда” сўзларни айтишга ва нутқда тўғри қўллашга ўргатиш.

Вақтни чамалаш. Болаларга сутка қисмлари (эрталаб, кундузи, кечкурун, тун) ни айтишни ўргатиш ҳамда фарқлаш кўникмасини таркиб топтириш.

Куриш-ясаш. Болаларга содда воқеабанд ўйин масалаларини лойихалаб оддий қурилмаларни: “лего” туридаги ўйин бўлақларидан моделлар йиғишни, 3-4 та қисмлардан пазлар ясашни, қоғоздан буклаш йўли орқали содда шаклларни ясашни ўргатиш.

Таълимий ўйин ва машқлар. Математика машғулотларида олинган билимлар кун давомидаги фаолиятлар (ҳаракатли ўйинлар, қурилиш ўйинлари, ролли ўйин, сайр ва суҳбатлар) да қуйидаги ўйин-машқлар орқали мустаҳкамланади:

“Ким тўғри кўрсатади ва айтади?”, “Рангли доиралар”, “Сехрли халтача”, “Пазл”, “Ўз уйингни топ”, “Ўнг томонга бир қадам, чап томонга бир қадам”, “Кимга қанча?”, “Кўп, оз, битта”, “Қайси қўлимда кўп?”, “Қанча бўлса, шунчани кўрсатинг”, “Тез юрар поезд”, “Хонада саёҳат”, “Дўкон”, “Кўғирчоқни сайрга тайёрлаймиз”, “Шунча халкани топинг”, “Қопчада қанча доира бор?”, “Юқорида-пастда”, “Ўнг-чап”, “Қайси қўл билан тезроқ?”, “Олдинга-орқага”, “Ўнгга-чапга”, “Пастда-тепада”, “Эътиборли бўл”, “Узун-калта ленталар”.

Ўқув йили охирида бола:

- «Кўп» ва «битта» предметларни ва уларнинг катта ва кичиклигини ажратади;
- предметларнинг ўлчамини айтади, “катта”, “кичик” сўзларининг маъносини тушунади;
- барча қизил, барча катта, барча кичик ва бошқа предметларни ажратишни билади (копток, шарчаларни ранги бўйича гуруҳлайди қизил, яшил, сарик) ва уларни рангига мос қутиларга жойлаштиради;
- теварак-атрофдан битта ва кўп ўхшаш буюмларни топа олади;
- 2 гача санай олади (иккита олма беришни сўрайди, биттасини ўртоғига беришни хоҳлагани учун);
- “кўп”, “кам”, “тенг”, “шунча” сўзларини ўз ўрнида қўллай олади;
- доира, учбурчак ва квадратни билади ва уларнинг номларини айта олади;
- “якин-узок”, “орқада-олдинда”, “тепада-пастда” сўзларини тушунади ва нутқда тўғри қўллайди;
- катта-кичик, узун-калта, баланд-паст, сўзлари маъносини тушунади ва нутқда тўғри қўллайди;
- мустақил ҳолда ўз ўйинчоқларини тартибга сола олади (машинани гаражга, коптоқни стол остига, кийимини шкафга, ...);
- сутка қисмлари (эрталаб, кундузи, кечкурун, тун)ни фарқлайди;
- «лего» туридаги ўйин бўлақларидан содда моделлар йиғади;

- коғоздан буклаш йўли орқали содда шаклларни ясай олади;
- 3-4 қисмлардан пазлар ясайди.

Атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Она Ватан ва атроф-олам. Болаларга инсонлар маълум вақтда овқатланиши, суюқлик ичиши, ухлаши ва бунинг учун уларга нималар кераклиги, кун давомида болаларга катталар ишлашлари, болалар эса мактабгача таълим муассасаларига, ўқувчилар эса мактабларга боришлари тўғрисида тушунча бериш.

Болаларни ўз исми, ёши, бошқа болалар исмини айтишга ўргатиш, ундаш.

Оила аъзолари (ота-она, ака-ука, опа-сингил)га мухаббат, ҳурмат ҳиссини тарбиялаш. Болаларнинг қариндош-уруғ (буви, хола, амма, тоға, амаки, опоқи ва х.к.)ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Болаларда инсонлар уйда яшашлари, овқат тайёрлашлари (шўрва пиширишлари, сабзавотларни кесишлари, сутни қайнатиш); кийим-кечаклар (об-ҳавога қараб кийиниш, кийим-кечакларни тикиш, тўқиш); нарса ва жиҳозларни дўконлардан сотиб олиш мумкинлиги ҳақида тасавурларини шакллантириш.

Теварак-атрофдаги предметлар ва одатий ҳаракатлар (столда овқатланадилар, студла ўтирилади, курсига ўтириш мумкин) ҳақидаги тасавурларини кенгайтириш.

Болаларга атроф-оламдаги воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирига боғлиқлигини исботлаш. Масалан: Ҳаво совуқ, иссиқроқ кийиниш керак, қоронғу бўлса-чирок ёқиш керак, қаттиқ шамол бўлса, деразаларни ёпиш керак.

Буюк сиймолар ва байрамлар. Болаларга Алишер Навоий ҳақида илк маълумотлар бериш. Навоий расми билан таништириш. Тарбиячи Алишер Навоийнинг расмда акс этган сиймоси ҳақида тушунарли, содда жумлаларда айни пайтда меҳр ва ифтихор билан болаларга тасвирий ҳикоя (нуронийлиги, кўзларининг меҳр билан боқиши, кийимлари) айтиб бериш орқали унга нисбатан мухаббат, ҳурмат ҳиссини уйғотиш. Китоб бурчагига Алишер Навоийнинг расми акс этган китоблар қўйиш мумкин.

Болаларда “Мустақиллик”, “Меҳржон”, “Наврўз” байрами ҳақида тасавур ҳосил қилиш.

Кичиклар катталар (ота-оналари, буви, боболари)ни ҳурмат қилиб, байрамларда уларни бориб кўришлари, ҳар хил совғалар олиб боришлари, катталар уларни дуо қилишлари ҳақида тушунча бериш. Болаларда катталардан дуо олишга, “баракалла”, “рахмат” сўзларини эшитишга нисбатан қизиқиш уйғотиш.

Катталар меҳнати. Болалар мактабгача таълим муассасаси ходимлари (энага, ошпаз, қоровул, ҳамшира ва х.к.)нинг меҳнати ҳақидаги тасавурларини бойитиш. Уларнинг меҳнат жараёнлари (энага хонани тозалайди, идиш-товокларни, деразаларни ювади, сочиқларни алмаштиради, овқат келтиради, болаларнинг кийинишларига ёрдам беради ва х.к) билан таништириш. Болаларда катталарнинг меҳнати натижаларини ҳурмат қилишга ва эъозлашга ўргатиш. Ошпазнинг турлитуман овқатлар, пишириқлар, ичимликлар тайёрлаши ҳақида тушунчалар бериш. Тарбиячи болани ўз оила аъзоларини, тарбиячи, энага ва мусиқа раҳбарининг исмини билишларига ва “сизлаб” мурожаат этишларига эришишлари лозим.

Катталар меҳнати натижасида керакли нарсалар, предметлар яратилишини тушунтириш. Ошпаз, кир ювувчи, сотувчи, қурувчи, хайдовчи меҳнати ва уларнинг асосий ишлари ҳақида билим бериш. Иш натижаси ва унинг аҳамиятини ажратиб кўрсатишга ўргатиш. Катталар меҳнати учун зарур бўладиган материаллар,

кишилар меҳнатини энгиллаштирадиган, меҳнат жараёни ва натижаларига эришишни тезлаштирадиган машиналар билан таништириш.

Турли транспорт воситалари ва касблар ҳақида тушунча бериш. Болаларнинг бу борадаги билимларини кенгайтириш ва уларнинг номларини тўғри айтишга одатлантириш.

Болаларга кўчанинг машина юрадиган қисми билан пиёдалар юрадиган йўлкани фарқлаш кўникмасини шакллантириш. Светофорнинг ранглари ва уларнинг вазифаларини ўргатиш.

Буюмлар. Йил давомида уй-рўзгор буюмлари (палос, гилам, шкаф, хонтахта, курси), ошхона идишлари (коса, товоқ-қошиқ, ликопча, лаган, чойнак-пиёла, челак, патнис ва х.к.) ни фарқлашга ва номини айтишга ўргатиш.

Устки кийимлар. Кийимлар (қўйлак, нимча, пальто, тўн ва х.к.), оёқ кийимлар (туфли, этик, шиппак ва х.к.), бош кийим (дўппи, телпак, қалпоқ, рўмол)нинг вазифалари ва улардан мавсумга қараб фойдаланиш ҳақида тушунча бериш.

Бола ўз танасининг қисмларини ўрганади.

Болага ўзининг кўринишини таърифлаб беришга, юрак, тирсак, ияк, елка каби мураккаб қисмлар қаерда жойлашганлигини кўрсатишга ўргатиш.

Ўқув йили охирида бола:

- Бола Алишер Навоийни суратидан таний олади;
- “Мустақиллик”, “Меҳржон”, “Наврўз” каби байрамлар;
- мактабгача таълим муассасаси ходимларининг меҳнати;
- транспорт воситалари (юк машинаси, энгил машина) тўғрисида, светофор ҳақида тасаввурга эга бўлади;
- уй-рўзгор буюмларини (жавон, диван, курси, стол, стул, сандиқ ва х.к.) билади;
- уйда қўлланиладиган электр жиҳозларидан дазмол, радио, телевизорни ажрата олади;
- катталар меҳнати тўғрисида тушунчага эга бўлади. Меҳнат қуролларини ажрата олади;
- бола ўзининг кўринишини таърифлаб бера олади;
- юрак, тирсак, ияк, елка каби мураккаб қисмлар қаерда жойлашганлигини кўрсата олади;

Жонли ва жонсиз табиат тўғрисида тасаввурга эга бўлиш

Жонсиз табиат. Кун ва тунни, об-ҳавонинг асосий ҳолатини (шамол эсяпти, ёмғир, қор ёғяпти, ҳаво булутли, қуёш чараклаб турибди) фарқлаш ва айтишни ўргатиш. .

Сув, қор, муз, кум, лойнинг белгиларини фарқлаш ва номини айтишни (қор-оппоқ, совук, сув оқади, илиқ ва совуқ бўлиши мумкин, муз-қаттиқ ва сирпанчиқ, кум тўкилади, ҳўл кумдан нарсалар яшаш мумкин, лой-юмшоқ, ундан нарсалар яшаш мумкин, агар у қуриса, эзганда уқаланади) ўргатиш.

Табиат ҳодисалари ва инсонларнинг унга нисбатан муносабати (ёмғир-нам, кастюмсиз сайр қилиш мумкин эмас, ёзда иссиқ қуёш тафтидан бош кийим кийиб оладилар, қишда совуқ, одамлар иссиқ пальтоллар, шарф, иссиқ этиклар, иссиқ шапкалар ва х.к.)ни тушунтириш.

Ўсимликлар дунёси. Сабзавот (сабзи, пиёз, қарам, помидор, бодринг) ва

мевалар (олма, узум, ўрик, олча ва гилос)нинг номи, таъми, ранги ва шаклини билишга, ўзаро фарқлашга ўргатиш.

Хона гуллари (фикус, герань, традесканция) билан таништириш, уларни парвариш қилиш йўлларини ўргатиш.

Гуллайдиган маданий ва бегона ўтсимон ўсимликлар (коки ўт, атиргул ва лолақизғалдоқ) билан таништириш. Уларнинг номлари ва ранглари тўғри айтишга ўргатиш. Шу билан бирга болаларнинг эътиборини барглarning шаклига, пояси ва гулларидаги фарқларга, уларнинг шифобахш хусусиятларига қаратиш ҳамда ўсимликларнинг ўсиши учун ҳаво, сув ва қуёш зарур эканлигини тушунтириш.

Ёз фаслида ўсимликлар ҳақида суҳбат ўтказиш.

Олма, нок ва олча дарахтларининг мисолида дарахтларга хос бўлган хусусият: тана қисмлари (ер устки қисми, шохи, барги, гули, меваси), уларнинг шифобахш хусусиятлари билан таништириш.

Ҳайвонот дунёси. Болаларни уй (мушук, кучук, қўй, сигир) ва ёввойи ҳайвонлар (бўри, қуён, тулки, айиқ) ва уларнинг болалари билан таништириш. Уларни бир-биридан фарқлашга ва номларини тўғри айтишга ўргатиш.

Қушлар (мусича, чумчук ва қалдирғоч) ва уларнинг болалари билан таништириш. Уларнинг номи, ранги, кагта-кичиклигини айтиб ўтиш, товушларига кўра таниш ва фарқлашга ўргатиш.

Ҳашоротлар (тиллақўнғиз, оқ капалак, чумоли) билан таништириш. Уларни айрим ўзига хос хусусиятига кўра фарқлашга ўргатиш.

Аквариумдаги балиқлар (тилла балиқ, товон балиқ), қафасдаги тўтиқуш, тошбақа, қўнғиз ва капалаклар (уларни қисқа муддатда банкада сақлаш мумкин) билан таништириш, уларнинг номини, ҳаёт тарзи, нималар билан озиқланиши ҳақида қисқача маълумот бериш ва тана қисмлари, рангларидаги фарқларига эътиборни қаратиш.

Ўқув йили охирида бола:

- фасллар алмашиши ва об-ҳаводаги айрим ўзгаришлар (ёмғир, қор ёғиши, қуёш чарақлаб туриши)ни пайқашлари;
- табиатни муҳофаза қилиш ҳақида дастлабки тушунчани эгаллаган бўлишлари;
- хона ўсимликларидан 2-3 хилининг номини билиши;
- ўсимлик ва ҳайвонларнинг ташқи кўринишидан фарқлаши;
- мевалардан олма, узумнинг номини билиши;
- полиз экинларидан қовун-тарвузнинг номини билади;
- уй ҳайвонларидан сигир, қўй, мушук, итни билиш;
- ёввойи ҳайвонлардан бўри ва қуённи билиши;
- қушлардан қалдирғоч, қарғани билиши;
- паррандалардан товук, хўрозни билиши;
- сабзавотлардан помидор, бодрингни билиши керак.

Тасвирий фаолият

Боланинг тасвирий фаолияти унинг предмет ҳақидаги тасавурларига бевосита боғлиқдир. Бу ёшда улар шахс сифатида шакллана бошлайдилар. Гарчи тасавурдагини амалга ошириш усул ва воситалари етарлича шаклламаган чала, график жиҳатдан қашшоқ бўлса-да, у тасавуридаги нарса тасвирига таяна олади. Бу вақт ўтиши билан чуқурлашиб, секин-аста тасавурдаги график тимсоллар

микдори ўсиб, тасвирланадиган предмет микдори кенгайиб боради. У ўз ишларида турли ранглардан фойдалана бошлайди.

Катталар кўмагида кичик ёшидаги болалар содда предметларни ёпиштириш лаёқатига эга бўладилар.

Ушбу ёшдаги болалар жўнгина аппликация турларини қўлай оладилар.

Куриш-ясаш машғулотларида намунага кўра ёки тасаввурларидаги мураккаб бўлмаган куриш-ясаш ишларини амалга оширадилар.

Болаларнинг ҳиссий идрокларига тааллуқли эстетик туйғуларини ривожлантириш, уларни атроф-олам ва санъат асари гўзаллигини ҳис этишга ундаш, уларда ўзига ёкқан расм, иллюстрация ва тимсолли ўйинчоқларни танлаш ва томоша қилиш истагини ўстириш.

Болаларда шаклий-тимсолли ҳатти-ҳаракатларни ривожлантириш, расмлари, ясаган нарса-буюмлари, аппликациялари орқали нарса-ҳодисаларнинг унча мураккаб бўлмаган тимсолларини тасвирлашга ўргатиш.

Тасвирий фаолиятнинг барча турлари бўйича техник кўникма ва малакаларини ривожлантириш (рангли қалам, фломастер, акварел бўёқ ва мўйқаламда бўяш, лойдан турли нарсалар ясаш, нарсаларнинг қирқиб олинган қисмларини ёпиштириш кабилар). Мазкур жараёнда боланинг ҳар иккала қўлидан фойдаланишга, нарсани қўллари билан қамраб, ушлаб олишига эришиш (тадқиқот усули). Уни табиат объектлари, ҳаётий нарса- ҳодисалар, кийим-кечаклар, китоб иллюстрацияси, ўзбек халқ ўйинчоқлари (Ҳамро буви ўйинчоқлари)даги гўзалликни сезиш ва кўра олишга ўргатиш. Халқ амалий санъати ва болалар ижодий кўргазмаларини уюштириш орқали халқ тасвирий санъат асарлари, таниқли расомлар томонидан ишланган санъат намуналарига болалар диққатини жалб этиш ва уларда мазкур нарсаларга кизиқиш уйғотиш.

Болаларда тасвирий фаолият машғулотларига нисбатан барқарор кизиқишларни шакллантириш, уларни индивидуал ва жамоавий композициялар яратишга ўргатиш.

Расм солиш. Болаларни расм воситасида табиат ҳодисалари тимсолларининг гўзаллигини (ҳаво ранг осмондаги оқ булутларни), кузда истироҳат боғида турли ранглардаги барглarning тўкилиши, мавжудотларни тасвирлашга ўргатиш.

Қалам, фломастер, мўйқалам кабиларни тўғри ушлашга, бармоқлар билан қаттиқ сикмай, қоғоз устида қалам ва мўйқаламни эркин ва бемалол ҳаракатлантириш, мўйқаламга етарли даражада бўёқ олиш, бошқа рангдан фойдаланиш учун мўйқаламни сувли стаканга тикиб яхшилаб ювиш, бўёқни банкача четига силкитиб ташлашга ўргатишни давом эттириш. Мўйқаламни қоғоз салфетка ёки дока бўлакчаси ёрдамида қуритиш. Бўёқ, доғ, штрих, чизик кабиларнинг ритмик ҳаракатланишини сўзлар ва ўйин ҳаракатлари орқали тасвирлаш (“Ёмғир-ёмғир, чак-чак!”, “Дарахт барглари тўкилмоқда - шитир-шитир”).

Уларни турли йўналишлар бўйлаб (узун-қиска) тўғри чизиклар чизишга ўргатиш (тасма, йўлакча, девор).

Мураккаб бўлмаган нарсаларни чизишга, оддий чизиклар, илгаклар нухаларини кўчиришга ўргатиш. Турли шаклларда доиралар ҳосил қилиб, (айлана, тўғри бурчак) нарсалар ва уларнинг турли шакл ва чизикларини тасвирлаш (қорбобо, жўжа, вагонча).

Жонивор ва нарсаларни биргаликда тасвирлаш (“Қорбобо ва ўриндик”) ҳамда мураккаб бўлмаган сюжетлар яратишга ўргатиш (“ўйинчоқлар ўйнашмоқда”).

Нарсаларни тўғрибурчак шаклида ифодалашга ўргатиш (вагонча), тўғри бурчакли ва думалоқ шакллардан ясалган нарсалар тасвирини чизиш (байрам байроқчалари, аравачалар).

Ҳамро буви ўйинчоқлари силуэтларини (қўзичоқлар, қушчалар, тулпорлар ва х.к.) тарбиячи қирқиб, тайёрлаб берган миллий безаклар билан безашга ўргатиш.

Уларни расмда рангларнинг ифодавийлигидан тўғри фойдаланишга ўргатиш, ранглар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш (қизил, кўк, сариқ, оқ, қора), муайян нарса-ҳодисалар (яшил арча, оқ қор)ни тасвирлаш учун мувофиқ ранг танлашга ўргатиш. Ранг танлашга қийналаётган болаларга ёрдам бериш.

Ҳохишига кўра ўйинчоқ ва турли тасвирлар расмини чизиш, жамоа билан ишлашга ўргатиш (капалак учмоқда, боғ ва чиройли гул).

Пластлин (лой) билан ишлаш. Пластик материаллардан нарса ясашга нисбатан болаларда барқарор қизиқишларни шакллантириш, уларда пластик материаллардан нарса ясаш техникаси ва лойнинг хусусиятлари ҳақидаги билимларни таркиб топтириш (доира ҳаракат орқали кафтлари орасида лой бўлагини яссилаш, ҳосил бўлган шаклдан узук ясаш, болаларда ясалган нарсаларни безаш истагини уйғотиш).

Пластик материаллардан нарса ясашнинг техник усуллари (кафтларни доира қилиб ва узунасига ишқалаш) орқали нарса ва эртақ қаҳрамонларини ясашга ўргатиш.

Икки қўл кафти билан эзгилаб, кафт орасида айлана ҳаракат орқали лойдан думалоқ бўғирсоқ ясаш.

Бир неча қисмлардан тузилган персонаж шаклларини бирлаштириб, Ҳамро буви ўйинчоқларига асосланган ҳолда, оддий халқ ўйинчоқлари (қушча, қўғирчоқ кабилар)ни ясаш. Чимдиш усули асосида шаклдан персонажларнинг характерли жиҳатларини ясаш.

Болаларни таниш техник усуллардан фойдаланиб, ҳохишига кўра пластик материаллардан нарса ясашга ўргатиш.

Апликация. Апликацияга қизиқишни шакллантириш ва болаларни апликация ишларига жалб этиш. Болаларни тарбиячи томонидан қирқиб, елимлашга тайёрланган шаклларни (доирачалар, квадратларни ёки жўнгина расмлар: масалан, қўзичоқорин, уйча, қушча каби) ранг-тусига кўра навбатма-навбат тўғри қўйиш ва елимлашга ўргатиш. 2-3 қисмли шаклларни аввалдан тайёрлаб қўйилган махсус вараққа тўғри қўйиш ва тартибли елимлаш орқали муайян тасвир ҳосил қилишларига эришиш, бунда болаларни аввалдан тайёрланган тахтача устида елимдан тўғри фойдаланиш, елим суртилган шакл қисмини босма қоғоз ёрдамида қоғозга қаттиқ босиб яхшилаб ёпиштиришга ўргатиш. Болаларга ўзлари яратган нарсадан завқланишни ўргатиш.

Уларга табиий ва геометрик безакли композициялар яратишни ўргатиш (гуллар, барглар), турли ҳажмдаги қоғоз варағи устида шаклларни тўғри жойлаштириш, ранг-тусини ҳисобга олишга одатлантириш (квадратлар, тўғри бурчаклар ва б.).

Турли шакллардан нақшлар ясашга ўргатиш – йўл-йўл, квадрат, доира каби. Рангига кўра турли геометрик ва ўсимлик шаклларини навбатма-навбат қўйиш (доира, квадратлар, гуллар ва яроқлар). Яхлит тасвир яратиш ва қоғоз варағига 2-3 қисмли тасвирни елимлаш.

Болаларни геометрик шакллардан (тўғрибурчак ва доирадан) турли нарсалар (уйча, аравача ва б.) ясашга қизиқтириш.

Нарсалардан содда композициялар тузишга ўргатиш (уйча ёнида дарахт ёки ўриндик каби). Болаларда ясаган нарсаларидан завқланиш ҳиссини уйғотиш.

Ранги ва шаклига кўра турли шаклдаги контурли қоғозлардан ясалган шаклларни навбати билан қўллаган ҳолда, болаларни геометрик ва табиий (туллар ва япроқлар) материаллардан безакли композициялар ишлашга ўргатиш.

Дастурнинг барча бўлимлари бўйича ўз хоҳишига кўра эгалланган билим ва кўникмаларига таяниб, аппликация ишларини амалга ошириш.

Қуриш-ясаш. Болаларда қуриш-ясаш фаолиятига нисбатан қизиқишни тарбиялаш, уларни ўзлари яратган қуриш-ясаш объектини бирмунча жўнроқ тарзда бўлсада, тахлил қила олишларига эришиш. Асосий қурилиш материалларини (кубик, ғиштча, пластина, цилиндр, уч қиррали призма кабиларни) фарқлаш, номини айтиш ва қўллай олишга ўргатиш. Деталларни горизонтал тарзда жойлаштиришни ўргатиш (машина учун йўл).

Болаларни қуриш-ясаш деталларини горизонтал (кенг, узун тарафи билан – машина йўли қуриш) ва вертикал (айланасига қаторлаштириб қўйиш - девор) тартибда тахлай олиш, бир-бирининг устига мустақкам қилиб тахлаш ҳамда маълум бир ораликда кўя олиш (дарвоза), тарбиячининг кўрсатмасига мувофиқ соддароқ қуриш-ясаш ишларини амалга ошириш, илгари эгалланган малака ва кўникмаларига таяниб, янги қурилиш ишини амалга ошириш ва ўзи қурган қурилиш объекти билан боғлиқ ўйин турини ўйнай олишга ўргатиш.

Қуриш-ясаш ишларига янги деталлар киритиш орқали болалар учун кўп вариантли шарт-шароитларни яратиш, масалан, мазкур ишларни 2 хил усулда ўзгартириш: бирор детални бошқасига алмаштириш ёки баландлиги ва узунлигини кўшимча қўйиш орқали тўлдириш, кенгайтириш, узайтиришни тақлиф қилиш (баланд ва паст минора).

Болаларни ўзлари қурган янги қуриш-ясаш объектида ўйнашга, сюжетли тарзда бир қуриш-ясаш объектини бошқаси билан бирлаштиришга ўргатиш: масалан, уй, йўлак ва кўча; стол, стул ва кўғирчоқлар учун диван-мебель кабилар.

Болаларда ўз режалари асосида қуриш-ясаш ишларини амалга ошириш хоҳиш-истагини ривожлантириш.

Ўйин тугагач, қуриш-ясашда ишлатилган барча материалларни тартиб билан бузиб олиб, уларни сақлаш қутисига қайтадан тартиб билан тахлаб қўйишга ўргатишни давом эттириш.

Ўқув йили охирида бола:

- Расм солиш учун зарур материалларни билиш ва номини айта олиш, қалам, фломастер, мўйқалам ва бўёқдан тўғри фойдалана билиш;
- Оддий чизиклар, илгаклар нусхаларини кўчириш;
- Ҳамро буви халқ ўйинчоқларининг номини билиш (кўзичоқ, тулпор ва х.к.);
- алоҳида нарсалар ва оддий сюжетлар тасвирини ярата билиш, нарса ва сюжет тасвирлари учун ранг танлай олиш;
- пластик материаллар (лой, пластина, пластик масса)нинг хусусиятлари, ундан қандай нарсалар ясаш мумкинлиги (2-3 шакл бўлақларидан кафтларнинг айланма ёки тўғри ҳаракати, шакллар четини бармоқ учи билан ёпиштириш орқали турли-туман ёки бир хил шаклли нарсалар ясаш) ни тушуниш;

- лойдан тартибли фойдаланиш, уни қўллаш учун алоҳида тахтача ишлатиш;
- тайёр фигуралардан тасвирий материаллар яратиш, табиий ва геометрик шакллардан безакли композициялар яратиш ва аппликацияни безаш;
- хошишига кўра яратган композицияга мослаб ранг танлай билиш;
- асосий қуриш-ясаш материаллари (кубик, гиштчалар, пластина, цилиндр, уч қиррали призма кабиларни) билиш ва номини айта олишлари;
- гишт ва пластиналарни вертикал тартибда тахлай олиш, қўшимча детал қўшиш ёки бирини бошқаси билан алмаштириш орқали қуриш-ясаш ишларини ўзгартиришни билиш;
- қуриш-ясаш қисмларининг ҳажмини: катта-кичик, баланд-паст, узун-қиска, кенг-тор каби тушунчаларни билишлари лозим.

Мусиқа

Мусиқа тинглаш. Болаларда кичик ҳажмли мусиқа асарини тинглашга иштиёқ уйғотиш.

Болаларга бир-бирига ўхшаш бўлмаган (байрамона-тантанали, охиста-тебранувчан, рақсона-қувнок) кайфиятидаги қўшиқ ва чолғу куйларни идрок этишга ўргатиш “Алла” Д.Омонуллаева, «Паровоз» Филиппенко, «Бугун байрам С.Бобоев, «Дўлонча» ўзбек халқ куйи “Қашқарча”.

Қўшиқ айтиш. Катталар ва чолғу асбобига жўр бўлиб табиий овозда куйлаш, сўзларини тўғри таллафуз этиб, куйлаш малакасини шакллантириш. Куйлаш вақтида тўғри нафас олиш, ўтирган ва турган ҳолатда тўғри куйлаш “Байроқчалар” (Е.Тиличиева), “Айиқчам” (Ғ.Қодиров), “Опажон қаранг”, “Боғчамиз” (М.Икромова), “Қуёнлар” (Ғ. Қодиров). «Птичка» Попатенко.

Қўшиқ мазмунини тушуниш, матнга мос ҳаракатлар бажара олиш. Қўшиқ мазмуни ҳақида суҳбат қуриш. “Арча қўшиғи”, “Айиқча” (М.Икромова), “Кулча нон” (Б.Каримов), “Этикчам” (Д.Омонуллаева), “Капалак”, “Лола сайли” (М.Икромова), “Хўрозим” (К.Абдуллаев), “Товугим”, “Полапон” (Ф.Назаров), “Тойчоғим” (С.Бобоев).

Мусикий-ритмик ҳаракат. Тўп бўлиб энгил юриш ва югуришдан секин-аста ҳар тарафга, эркин-сочма, тўғрига, доира бўйлаб энгил юриш ва югуришга ўргатиш. Мусиқа ритмига мувофиқ оёқни тўпиллатиш,

болаларни 3-4 содда ва оддий ҳаракатлардан иборат рақсларни тўп бўлиб жувфликда, сочма тарзда, шундан сўнг доирадаги рақслар ижро этишга ўргатиш. Мусиқа асарининг тугалланишини ифодали кўрсатиш.

Қўлларида атрибутларни (байроқчалар, барглар, гуллар) ушлаб, биргалиқда ва яқка тарзда давра бўйлаб машқларни бажариш.

“Қоптоқни юқорига от”, “Кўзгуга қара”, “Майсани сила”, “Қўлларимиз чиройли” рақс элементларини катталар билан биргалиқда мусиқага мос бажариш. Марш ритминини ўзлаштириш. Катталар билан биргалиқда ҳаракатли ўйинларда иштирок этиш (“Поезд” Н. Метлова, “Чори-чамбар” ўзбек халқ куйи, “Қуёним” ўзбек халқ куйи), қўшиқ матнига мос ҳаракатлар бажариш (“Бахтли эркатой” Т. Тошматов).

Ҳаракатлар орқали турли образлар яратишга қизиқтириш (“Қуёнлар ва айиқ” Т. Попатенко, “Айиқполвон”, “Қорбобожон” М. Икромова).

Рақс. Мусиқанинг динамик ўзгаришларини ҳаракатларда акс эттириш, икки қисмли мусиқа асарининг қисмлар ўзгаришини ҳис қилиш, ҳаракатларни мусиқага

мослай олиш, катталар билан биргаликда гурух бўлиб, кичик гурухларга бўлиниб, жуфтликда рақс тушиш. “Жуфт рақс” (Ўзбек халқ куйи), “Кўғирчоқ ва ўйинчоқлар билан рақс”, “Туллар билан рақс”, “Куз баргчалари билан рақс” (“Дўлонча”), “Жуфтгли рақс” (Ўзб.х.к. “Асп бўламан”), “Ярашдик” (Вилькорейская), “Эркин рақс” (Ўзбек халқ куйи), “Полька” (ихтиёрий), “Кўғирчоқ ва ўйинчоқлар билан рақс”, “Туллар билан рақс”.

Болалар чолгу асбоблари билан таништириш. Болалар шовкинли чолғуларини (кўнғироқча, шикилдоқча, бубен, доирача) билиш, овозидан фарқлаш, катталар ёрдамида чала олиш.

Турли мусиқий фаолиятларда болалар чолгу асбоблардан фойдаланиш. Катталарнинг металлофон, учбурчак каби чолғуларда (ихтиёрий) ижросидан бахраманд қилиш.

Сурнайча, доирача, шикилдоқчалар ва кўнғироқча каби болалар чолғуларида қўшиқ (“Куёним” ўзбек халқ куйи) ва рақсларда катталар ёрдамида фойдаланиш.

Мусиқий таълимий ўйин. Мусиқий фаолиятларда олинган билимларни ўйинлар давомида намоён қилиш. (“Чумчуқлар ва мушук”, “Айиқчалар рақси”, халқ ўйинларидан “Чори-чамбар”, “Чапак чалиш”, “Қалдирғоч”) ўйнаш.

Болаларга тушунарли, қизиқарли бўлган воқеабанд ўйинларни ташкил қилиш. Ўйинда мусиқага мос ҳаракатланиш, нутқ, тасаввур ва тафаккурни ривожлантириш, болалар чолғулари, ўйинчоқ ва кўғирчоқлардан фойдаланиш.

Болаларда зийраклик ва хотирани ривожлантирувчи, “Қайси чолгу яширинган”, тасаввур ва сенсор ривожлантирувчи “Халтачада нима бор”, товуш баландлиги ва тембрни фарқлашга ўргатувчи, “Қуш ва қушчалар”, “Ўрмонда”, мусиканинг темпини фарқлашга ўргатувчи “Юрамиз, югурамиз”, “Ўйинчоғим” каби мусиқавий таълимий ўйинларни машғулот вақтида ва мустақил фаолиятлари давомида гурух хоналаридаги мусиқа бурчакларида ташкил этиш.

Мусиқага оид маълумотлар. Мусиқий товушлар ва шовкин берувчи товушларни фарқлашга ўргатиш. Мусиқий товушлар(паст-баланд) ҳақида илк тушунча бериш.

Ўқув йили охирида бола:

- турли хил мазмун ва кайфиятдаги мусиқани тинглайди, эслаб қолади;
- тингланган куйларни таниб олади
- кўнғироқча, шикилдоқлар, доирача, металлофон, сурнайча, каби болалар чолғуларини танийди;
- биргаликда куйлай олади;
- кўшиқ куйлаш билан бир вақтда ҳаракатлар бажара олади;
- ҳаракатли ўйинларда иштирок этади;
- турли предметлар билан ҳаракатлар бажаришни уддалайди;

3-4 ёшли болалар билан ўтказиладиган эрталиклар

№	Эрталик	Ўтказиш вақти
1	Меҳржон байрами	25-октябрь-5 ноябрь
2	Арча байрами	25-декабрь-30-декабрь
3	Онажонлар байрами	5-7 март
4	Салом, ёз	июнь

Ўйин фаолияти

Воқеабанд–ижроли ўйинлар. Болаларда ҳаётий мавзулардаги, адабий асарлар (кўшиқлар, эртақлар, маталлар, шеърлар) бўйича ўйинларнинг юзага келишига, алоҳида ҳаракатларни бир ягона мазмунга бирлаштириш орқали болалардаги ўйин тажрибаларини бойитишга ёрдам бериш.

Рол танлаш, ўйинчоқлар билан ўйнашда ўзаро боғланган бир неча ҳаракатларни (овқат тайёрлаш, столини безатиш, овқатлантириш) бажариш кўникмаларини ривожлантириш. Иккита шахс (ҳайдовчи ва йўловчи, она ва қизи, шифокор ва бемор) иштирок этадиган воқеабанд эпизодларда ўзаро келишган ҳолда ҳаракатланишга, ўйинчоқ–ўринбосарлар билан ўйналадиган яқка ўйинларда ўзига ва ўйинчоққа тегишли ролни ўйнашга ўргатиш.

Таълимий ўйинлардан фойдаланган ҳолда ижрода ўзини тутиш усулларини кўрсатиш.

Болаларнинг у ёки бу ижро учун зарур бўлган нарсаларни мустақил танлашга, ўйин муҳитида етишмаётган нарсаларни, ўйинчоқларни тўлдиришга бўлган уринишларини рағбатлантириш.

Кўп вазифаларга мўлжалланган нарсалардан фойдаланиш ва ўйинчоқлар сонини кўпайтириш ҳисобига ўйин муҳитини мураккаблаштириш ва бойитиш. Болаларни ўйинларда қурилиш материалларидан (куб, тўртбурчак гўлача, пластина), оддий ёғоч ва пластмасса конструкторлардан, табиий материалдан (кум, қор, сув) фойдаланишга, уларни турлича қўллаш (кўғирчоқ учун дўнгча, кўприкча, йўл қуриш, қордан).

Унча узоқ давом этмайдиган ва биргаликда ўйналадиган ўйинларда ҳамкорликда ҳамда бир–бири билан келишган ҳолда ҳаракат қилиш кўникмаларини ривожлантириш.

Ҳаракатли ўйинлар. Болаларнинг ҳаракатли фаолиятидаги фаоллигини ривожлантириш. Ўйинларни барча болалар иштирокида ташкил этиш. Аравачалар, автомобиллар, тиркамалар, велосипедлар билан бўладиган, тирмашиб чиқиш, эмаклаш кўникмалари ривожлантириладиган, коптоқ, пуфак билан ўйнаганда ҳаракат эпчиллигини ривожлантирадиган ўйинларни ташкил этиш.

Аста–секинлик билан мураккаброқ қоидали ва ҳаракат турларини ўзгартирадиган ўйинларни жорий қила бориш.

Ўйин-драматизация. Болаларда театрлаштирилган ўйинларга қизиқиш уйғотиш, уни ўтказиш учун шароит яратиш. Катталар ва катта ёшли болалар кучи билан яратилган драмалаштирилган ўйинлар ва кўғирчоқ спектакллардаги ҳаракат ривожини кузатиб бориш кўникмаларини шакллантириш.

Болаларни персонажларнинг ўзига хос ҳаракатларига (қуш учяпти, улоқча сакраяпти) тақлид қилишга, инсоннинг ҳиссий ҳолатини (юз ҳаракатлари, гавда ҳолати, имо-ишора, ҳаракат ёрдамида) бера олишга ўргатиш.

Болаларни стол усти ўйинчоқларини юргизиш қоидалари билан таништириш. Ҳаракатларини оддий кўшиқ билан биргаликда бажаришга ўргатиш.

Ижрога хос бўлган кийимлар элементлари (шапкача, ёка ва б.) ва ташки белгилари билан ҳаракатланиш истакларини уйғотиш.

Кўшиқ, эртақларнинг оддий мазмунини эркин равишда тўқишга бўлган интилишни ривожлантириш. Кўғирчоқлар ва тенгдошлари олдида чиқишлар қилиш истагини ривожлантириш. Бунда чиқиш қиладиган жойни ҳам ўзи безашга ўргатиш.

Театр ҳақидаги суҳбатларда иштирок этишга ундаш (театр – актерлар – томошабинлар, одамларнинг томоша залида ўзини тутишлари).

Таълимий ўйинлар. Болаларда нарсаларнинг ранги ва ўлчамига қараб (2–3 рангдаги катта, ўртача ва кичик пуфакчалар) нарсаларни танлаш, 2–3 та рангни алмаштирган ҳолда ўлчам жиҳатидан кичрайиб борадиган халқачалардан пирамидача йиғиш кўникмаларини мустақамлаш. 4–6 та қисмдан расмини (“Бизнинг идишлар”, “Ўйинчоқлар”) йиғишга ўргатиш.

Болаларни биргаликда ўйналадиган дидактик ўйинларда аста–секинлик билан мураккаблашиб борадиган қоидаларни бажаришга ўргатиш.

Ўқув йили охирида бола:

- ўзига қахрамоннинг маълум бир ролини олиб, тенгдошлари билан ўйинда биргаликда ҳаракат қила олиш;
- бир неча ўйин ҳаракатларини ягона сюжет чизигига бирлаштириш; ўйинда нарсалар билан ҳаракатланиш ва одамлар ўртасидаги муносабатларни акс эттириш;
- дидактик ўйинларда ўйин қоидаларига риоя қилиш;
- театрлаштирилган сахна кўринишларининг боришини кузатиш ва уларга ҳиссий тарзда муносабатда бўлиш (кўғирчоқ ва драматик театрлар);
- таниш эртаклардан кичик парчаларни катталар илтимосига кўра ва мустақил тарзда ўйнаш. Кўрсатилаётган персонажлар ҳаракатларига, мимикасига, оҳангига тақлид қилиш;
- театр ҳақидаги суҳбатларда иштирок этиш (театр – актерлар – томошабинлар, одамларнинг томоша залида ўзини тутишлари)лари лозим.

ЎРТА ГУРУҲ

4-5 ёш болаларнинг ривожланиш хусусиялари

Бола тўрт ёшга етгач, унинг жисмоний ўсиши бир мунча жадаллашади, бу давр мобайнида бўйи 105-108 см гача ўсади, оғирлиги эса 18-19 кг бўлади. Бу даврда боланинг мияси тез ривожланади. Катта ярим шарлар пўстлогининг фаолияти такомиллашиб боради. Боладаги асосий ҳаракатларнинг ривожланишида жиддий-сифат ўзгаришлар содир бўлади, уларни бажаришда табиийлик ортиб боради, болаларда қиёслаш кўникмаси шаклланади. Бу ёшдаги болаларнинг нутқи раван, хотираси анча теран, мустақил фикрлаш даражаси бир қадар ривожланган бўлади. Барча ҳаракат ва фаолитларни ўзи мустақил бажаришга интилади. Бу ёшда бола ниҳоятда серҳаракат, ўйинқароқ, ўта кизиқувчан бўлади. У ҳар қандай тадбирга бажонидил қатнашади. Шунинг учун ҳам уларни тўғри овқатлантириш, ўз вақтида ухлатиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, руҳий ҳолатини назорат қилиб бориш, қувноқ кайфиятда бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Улар билан олиб бориладиган машгулотларнинг мазмунини худди мана шунга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Жисмоний ривожланиш

Болаларни жисмоний ҳаракат турлари билан таништириш, уларни фаол бўлишга ундаш ҳамда турли ўйин ва машқларга кизиқиш уйғотиш назарда тутилади. Машгулот вақтида болаларни қўл ва оёқ ҳаракатларини машққа мувофиқ равишда оёқни судрамай, бошни эгмай енгил юришга одатлантириш. Нарвонга тирмашиб

чиқиш, тўпни панжалар ёрдамида ушлаб олиш шунингдек, турли усуллар ёрдамида тўп улоқтиришда бошланғич ҳолатни тўғри эгаллаш, велосипед учиш малакасини таркиб топтириш, турли тартибда сафланиб юра олиш, фазода чамалашни ўргатиш ҳамда мувозанат сақлашга ўргатиб бориш.

Эрталабки бадантарбия. Бадантарбия вақтида юриш, югуриш, сакраш қўл-оёқ машқларини фаол эгаллашга, гавда ҳолатини тикка тутишга эришиш. Жисмоний сифатларни ривожлантириш. Ўйинларни болаларнинг ўзлари мустақил равишда ташкил этишларига имконият яратиш. Болаларда велосипед, чанада учиш, тўп, халқа ва бошқа нарсалар ёрдамида бажариладиган ҳаракат малакаларини такомиллаштириш. Жисмоний тарбия машғулотида биргаликда дам олиш дақиқаларидаги ўйинларга эркин қўшилишларига одатлантириш.

Асосий ҳаракат машқлари.

Юриш. Оёқ учиди тиззаларни баланд кўтариб юриш, товонда, оёқ қафтларининг ён томони билан юриш, турли буюмлар оралаб ён томонга юриш. Ҳаракат тезлиги ва йўналишларини ўзгартириб сафда юриш.

Югуриш. Оёқ учиди, тиззаларини баланд кўтариб катта қадамлар билан югуриш, сафда жуфт бўлиб турли йўналишда доира бўлиб, қўлини ушлаб, илон изи бўлиб, югуриш ҳамда югуришни юриш билан алмаштириш, тўхтовсиз 1,5 дақиқагача югуришга, 30 метрга тез, 40-60 метргача ўртача тезликда югуришга, 200-240 метр масофага секин тезликда югуришга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Сакраш. Турган жойида икки оёқлаб айланиб сакраш, қўлларни юқорига кўтариб сакраш, олдинга қараб юриш вақтида сакраш, бир оёқлаб турган жойида ва юрган ҳолда сакраш. Тўсиқлардан сакраб ўтиш, 70 см узунликка 20-30 см баландликдан сакраб ўтиш, арқон билан сакрашга уриниш, думалатиш, улоқтириш, илиб олиш. Айлана орасидан тўпни думалатиш, коптокни юқорига отиб ва ерга уриб илиб олиш.

Эмаклаш ва тирмашиш. Камида 10 м масофани эмаклаб ўтиш, турли баландликдаги буюмлар остидан эмаклаб ўтиш. Гимнастика курсисиди қўлларга таянган ҳолда, қорин билан судралиш. Тўрт оёқлаб юриш, гимнастика деворига ўнгдан чапга ўтиб тирмашиб чиқиш; 20-30 см баландликда тортилган арқон тагидан, халқа орасидан эмаклаб ўтиш.

Иргитиш. Тўпни бир-бирига иргитиб, деворга ерга уриб илиб олишга, навбатма-навбат ўнг ва чап қўл билан тўпни уришга, оғирлиги 0,5 кг бўлган оддий ва ҳаво тўпларини ерда думалатиб, улоқтиришга ўргатиш.

Велосипед ҳайдаш. 3 гилдиракли велосипедда ўнгга ва чапга бурилиб, доира бўйлаб, ерга қўйилган буюмларни четлаб ўтиб ҳайдаш ва буйруқ бўйича тўхташга ўргатиш.

Мувозанат сақлаш. Бунда қизик бўйлаб мувозанат сақлаб юриш, бирор нарсани қафтга, бош устида қўйган ҳолда юриш, гимнастика ўриндиқсиди бир-бири билан алмашиб ўтиш, тахта устида оёқ учиди юриш, югуриб келгандан сўнг ўриндиқсиди мувозанат сақлаб туриш, бир оёқни букиб, иккинчисиди туриш ҳамда иккала томонга айланиш, қўллар белда, ён томонларда кўзни юмиб юриш кабилар назарда тутилди.

Умумривожлантирувчи машқлар

Қўл ва елка учун машқлар. Қўлларни олдинга, ён томонларга, юқорига кўтариш ва ҳар сафар навбат билан пастга тушириш. Қўлларни ёнга, олдинга

узатган ҳолда қафтларни очиб-ёпиш ва айлантириш. Қўлларни бирин-кетин навбат билан олдинга ва юқорига кўтариш, тушириш орқага силташ. Қўлларни тирсақдан букиб айланма ҳаракат қилиш.

Оёқ учун машқлар. Оёқ учуда тик туриш, навбати билан аввал товонда сўнг оёқ учуда туриш, кетма-кет бир неча марта ярим ўтириб туриш, оёқ қафтларини букиш ва ёзиш, оёқ панжалари билан арқонни йиғиш товон билан буюмларни бир жойдан иккинчи жойга кўтариш.

Гавда учун машқлар. Қўллар белда, уларни ён томонга узатиб гоҳ чап, гоҳ ўнг томонга буриш, оёқларни жуфтлаб олдинга эгилиш, қўл бармоқларини оёқ учига тегизиш: бирон нарсани полга қўйиш ва олиш, бир оёқни кўтариб унинг остидан бирор буюмни ўнг қўлдан чап қўлга ўтказиш ёки аксинча қўлларга таянган ҳолда иккала оёқни кўтаришга уриниш, буклаш ёки тўғрилашга ҳаракат қилиш. Тиззаларга таяниб туриб белни букиш ва тўғрилаш, қўлларни навбат билан кўтариш, чалқанча ётган ҳолда қўллар билан турли ҳаракатларни бажариш; айланиб қоринда ётиш, қўлни узатиб бирор буюмни ушлаб туриш, қорни билан ётган ҳолда олдинга узатилган қўлни, елка ва бошни кўтариш кабилар назарда тутилади.

Сафланиш ва қайта сафланиш. Мустақил ҳолда алоҳида гуруҳчаларга ва бутун гуруҳ билан бир қатор бўлиб сафланишга, доирача сафланиш, алоҳида гуруҳга қайта сафланиш, мўлжал бўйича текисланиш, чапга, ўнгга, орқага айланиш, шунингдек, кетма-кет юришдан жуфт-жуфт бўлиб юришга ўтишга ўргатиш. 3 гуруҳга сафланиб туриш.

Ҳаракатли ўйинлар. “Учди-учди”, “Чори чамбар”, “Кўз бойлагич”, “Читти гул”, “Қоч болам, қуш келди” в.б.

Спорт машқлари. Велосипед минниш ва унда доира бўйлаб юриш, ўнгга ва чапга бурилиш. Роликларда учиш; роликли пойафзални мустақил кийиш ва ечиш, дастлабки ҳолатга тўғри туриш, икки оёқлаб юриш, сузишга тайёрлаш, Суздаги ўйинлар “Тўпнинг кетидан суз” в.б.

Рақс машқлари. Ҳаракатларни мусиқа билан бошлаш ва тамомлаш, мусиқа мазмунини ва қисмларга қараб мустақил равишда ҳаракатни ўзгартириш, бир қатор ва жуфт бўлиб дадил қадам ташлаб, шаҳдам юриш, енгил югуриш, бир вақтнинг ўзида чапак чалиб ўнг оёқни тўпиллатиш, қўлларни майин ҳаракат қилдириш, ҳаққалаб сакраш, оёқ учи ва товонларни олдига қўйиш ҳамда эркин рақсларда ўзбек халқ рақс ҳаракатларидан самарали фойдаланиш, лапарлар айтишда қатнашиш назарда тутилади.

Чиниқтириш ва соғломлаштириш

Соғломлаштириш ишлари. Эрталабки бадантарбия вақтида болаларни юриш, сакраш ҳамда қўл ва оёқ гавдага мўлжалланган машқларни фаол бажаришга одатлантириш.

Сайр вақтидаги ҳаракатли ўйинлар давомида жисмоний тарбия бўйича ўрганган ўйин қоидаларига риоя этишга ундаш, турли гуруҳлардаги ролларни бажариш қўникмаларини ўстириш. Фаслга қараб велосипед ҳайдаш, роликли коньки, чана учиш, миллий курашнинг айрим усулларини ўрганиш.

Ўқув йили охирида болалар гавдани тик ҳолда тутиб, эркин юриш ва югуриш гимнастика деворига чиқиб тушишни ҳамда ўз ихтиёри билан ҳаракатли машқларни бажаришни қўллаб-қувватлаш.

Ҳар хил усулларда қўл бармоқлари, тизза ва оёқ панжалари, товон ва кафт, корин кабиларда эмаклашни, турган жойда сакраш, ерга енгил тушиш, турган жойда 70 см гача сакраш. ерга чизилган чизик устидан мувозанатни сақлаган ҳолда чизикдан чикмай юриш. сафга биттадан, жуфт-жуфт бўлиб, текис сафланишни ҳамда фазода чамалашни, икки гилдиракли велосипед учиш, ўнг ва чапга бурилишни билишлари керак.

Эрталабки бадантарбия. Ҳар куни кагталар назоратида бадантарбия машқларини хонада, дарчаларни очиб қўйган ҳолда бажариш. Очик ҳавода эса спорт кийимида бажариш. Қўл, оёқ, гавда учун машқларни аниқ ва изчиллик билан бажариш, қоматни тўғри тутиш.

Чиниктириш. Ҳар куни эрталаб бадантарбия машқларини бажариш, ҳар қандай об-ҳавода ҳам ҳаракатли ўйинлар ўйнаш. Уйқуга ётишдан олдин хонани шамоллатиш. Ҳар куни оёқларни ювиш, секин-аста сув ҳароратини пасайтириб бориш. Хона ҳароратидаги сувда ҳўлланган губка ёки пахмоқ қўлқоп билан дастлаб қўлларни, кейин оёқларни, кўкракни, корин ва орқани тескари йўналишда тери қизаргунча артиш. Сув ҳароратини ҳар куни 1°C ҳароратдан пасайтириб бориш.

Қоматни тўғри тутиш. Қомат ўзгаришининг олдини олишга ёрдам берувчи жисмоний машқларни мунтазам равишда бажариш (“қайиқча”, “мушук”, “велосипед”, “бешик”). Стол агрофида ўтирганда, уйқу вақтида гавдани тўғри тутиш. Қўлни икки ёнда тутиш, бош бир мунча кўтарилган ҳолда олдинга қараш.

Ҳаракатлантирувчи тартиб. Ҳар куни эрталаб бадантарбия машқларини бажариш, тўп, арқон, бадминтон ўйнаш. Ҳар кунги сайрларда қатнашиш, ўз ташаббуси билан ҳаракатлантирувчи амалларни бажариш. Ҳаракатли ўйинлар ва машқларда фаол қатнашиш. Масъулиятли ролни бажариш, ўйин қондаларига бўйсунуш, тезкорликни, эпчилликни ривожлантириш. Бир неча ҳаракатли ўйинларнинг мазмуни ва қондаларини билиш, уларни ташкил эта олиш.

Гигиена ва ўз-ўзига хизмат

Тахминий кун тартиби:

7.00 – 7.30	Ўриндан туриш, эрталабки ювиниб – тараниш (уйда)
7.30 – 8.30	Қабул, соғлигини текшириш, ўйинлар, эрталабки бадантарбия
8.30 – 9.00	Нонушта
9.00 – 9.15	Ўйинлар, машгулотларга тайёргарлик
9.15 – 10.00	Машгулотлар
10.00 – 10.20	Сайрга тайёргарлик
10.20 – 12.10	Сайр
12.10 – 12.30	Сайрдан қайтиш
12.30 – 13.00	Тушлик
13.00 – 15.10	Уйқу
15.10 – 15.40	Уйқудан туриш, ювиниш
15.40 – 16.00	Енгил 2- тушлик
16.00 – 16.30	Ўйинлар, мустақил фаолият
16.30 – 16.50	Сайрга тайёргарлик
16.50 – 18.00	Сайр
18.00 – 18.20	Сайрдан қайтиш

18.20 - 18.45	Кечки овқат
18.45 - 19.30	Ўйинлар, болаларни уйга кетиши
19.30 - 20.00	Сайр (уйда)
20.00 - 20.30	Тинч ўйинлар, гигиеник муолажалар (уйда)
20.30 - 7.00	Тунги уйкуга тайёрланиш, тунги уйку (уйда)

Ухлаш гигиенаси:

- айнан бир вақтда ухлашга ётиш;
- ухлаш олдида хонани шамоллатиш;
- ювиниш, оёқни ювиш, тишни тозалашга ўргатиш;
- овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва бирор ишни бажаргандан сўнг қўлни совун билан ювиш;
- тартиб билан, гаплашмасдан овқат ейиш, овқатлангандан кейин тишларни тозалаш;
- тишни тўғри тозалай билиш;
- овқатдан кейин оғизни чайқаш;
- қаттиқ нарсаларни тишда чақмаслик, касалланган тишни ўз вақтида даволаш.

Овқатланиш гигиенаси:

- тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш;
- стол атрофида ўзини тўғри тута билиш, овқатланиш жиҳозлари – қошиқ, санчки, салфеткалардан тўғри фойдалана билиш;
- овоз чиқармасдан тартибли овқат ейиш;
- овқатланиб бўлгандан сўнг қошиқ ва санчкини тақсимча устига қўйиш;
- стол атрофида ўтирганда қоматни тўғри тутиш;
- овқатни тўла чайнаб, ютиб бўлмагунча гаплашмаслик;
- овқатни оз- оздан олиш, оғизда яхшилаб чайнаш, салфеткадан унумли фойдаланиш;
- стол устини йиғиштириб қўйиш ва идиш-товоқларни ювиш.

Маданий – гигиеник кўникмаларни эгаллаш ва ўз-ўзига хизмат қилиш жараёни:

- Шахсий гигиена кўникмаларини мустақамлаш, ташки аъзолар тозалигини кузатиб бориш, тишларни тўғри тозалаш;
- баданни тоза сақлашга риоя қилиш;
- кийим – бош ва таранишдаги тартибсизликка барҳам бериш;
- тартибли ва саранжом – саришта бўлиш;
- дастрўмолдан фойдаланиш.

Шахсий гигиена:

- тоза чойшаб, кўрпа-тўшақда, шамоллатилган хонада ухлашга одатлантириш;
- уйқудан турганда ювиниш;
- уйкуга ётишдан олдин оёқни ювиш, ҳожатхонадан батартиб фойдаланиш. Бурунни тоза сақлаш;
- қўл, оёқ ва бадан учун фойдаланиладиган сочиқларни фарқлашга одатлантириш;
- хар хил нарсаларни оғизга солмаслик;
- тирнок, қалам ва бошқа нарсаларни тишламаслик;

- тоза даструёмолчадан фойдаланиш.

7. Шикастланишнинг олдини олиш

Кўчадан ўтиш қоидаларини билиш.

Фақат кўк чироқ ёнганда ўтиш.

Йўлақдан юриш, кўчадан ўтишда йўлақлардан ўтиш қоидаларига риоя қилиш.

Бошқарувчининг ҳаракатларини тушуниб олиш, транспортдан тушишда ва чиқишда эҳтиёт бўлиш.

Ота – оналари билан бир йўналишда ҳаракат қилишга ўргатиш.

Зиналардан тушиш ва чиқишда панжарани ушлаш, юқоридан сакрамаслик, аргимчокларда ҳаддан зиёд тез учмаслик, қайчининг тўмтоқ томонидан ушлаб узатиш, пичоқнинг тигини тесқари ушлаб кеса билиш, ўткир предметлар билан йўнамаслик.

Юриш, югуришда бир-бирига туртиниб кетмаслик.

Ҳаракатларни мувофиқлаштирган ҳолда фазода мўлжал олиш.

Муайян жойгача, муайян йўналишда ҳаракат қилишда бошқаларга ҳалақит бермаслик.

Ҳовузда чўмилганда, сувнинг кўкракдан чуқурроқ жойига кетиб қолмаслик, бир – бирини сувга “ботириш”га интилмаслик, шўнғимаслик.

Барча бахтсиз ҳодисалар ва шикастланишлар ҳақида кагталарга дарҳол маълум қилиш.

Ўрта гуруҳ (4-5 ёш)

№	Машғулот номи	Ўқув йили давомида				
		ҳафтада	бир ойда	1-ярим йиллик	2- ярим йиллик	Жами
1	Атроф олам билан таништириш	1	4	16	20	36
2	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3	Нутқ ўстириш	2	8	32	40	72
4	Бадий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
5	Илк математик тасавурларни шакллантириш	1	4	16	20	36
6	Расм	2	8	32	40	72
7	Аппликация	0,5	2	8	10	18

8	Қуриш-ясаш	0,5	2	8	10	18
9	Лой иши	1	4	16	20	36
	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
10	Мусика	2	8	32	40	72
	Жами	13	52	208	260	468

Ижтимоий- ҳиссий ривожланиш

Катталар билан мулоқот. Катталарнинг муносабатига нисбатан эҳтиёж уйғотиш.

Катталарнинг ҳиссий ҳолатини (суюниш, гурурланиш, тинч ҳолат, жаҳл чиқиш) ҳис қилишни шакллантириш.

Катталар ва болалар билан мулоқотни барча фаолиятларда олиб бориш (масалан: ўйин, қоғоз ва табиий жиҳозлардан тайёрланган нарса ва ўйинчоқлар билан тажриба ўткази олиш).

Катталар гапини англаш, мулоқот вақтида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиш ва намойиш қилиш, катталар билан мулоқот қилишга эҳтиёж сезиш, катталарнинг ҳикояларига нисбатан қизиқиш уйғотиш.

Катталар билан мулоқотга кириша олиш, ўз фикрини катталарга баён қилиш, диалогик нутқдан фойдаланиб суҳбатлаша олиш, ўз хоҳишини сўзлар билан ифодалаш, катталардан сўз орқали ёрдам сўраш, оила аъзоларига нисбатан илиқ муносабатда бўлиш, уларнинг илтимосларини бажаришга интилиш, ўз оиласи ва танишлари тўғрисида ҳикоя қилиб бериш, кимни яхши кўриши, нимани яхши кўрмаслигини айтиш;

Катталар билан жуфтликда ўйнаш малакасини шакллантириш, катталарга миннатдорчилик билдириш, катталарга саволлар билан мурожаат қилиш, катталар билан мулоқотда ўз фикрини баён қила олиш, сўзли кўрсатма орқали катталарнинг топшириқларини бажара олиш;

Катталар билан мулоқот олиб бориш учун саволлар билан мурожаат қилиш, катталарга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиш, катталар билан мулоқот қилишдан қониқиш, катталар билан самимий мулоқотда бўлиш.

Тенгдошлари билан мулоқот. Тенгдошлари билан мулоқотга киришиш, биргаликда ўйнашга интилиш.

Ўзаро мулоқотга киришиш малакасини тараққий эттириш;

одоб билан саломлашиш ва хайрлашиш, бошқаларни исми билан чақириш, сахналаштирувчи ўйинларда ижро қилаётган родини сўз билан ифодалаш;

мулоқот даврида боланинг “Мен” образини шакллантириш;

тенгдошлари билан ҳамкорликка кириша олиш, биргаликда ўйнашга интилиш, тенгдошлари билан саломлаша ва хайрлаша олиш, тенгдошларини исми билан чақириш, қандайдир маълумотларни тенгдошларига етказишга интилиш.

Ҳиссий ривожланиш бўлими.

“Мен” концепцияси ёки ўз-ўзини англаш. Ўзининг ҳис-туйғулари ва кечинмаларини ифода этиш, ўз-ўзини англай бошлаш, ўзига нисбатан, ўзининг

кучига нисбатан ишонч уйғотиш, ўзи мустақил фаолият кўрсатишга интилиш, катталар ва тенгдошларининг диққатини жалб қилиш.

Ўйин фаолиятида ўзи учун рол танлаш, ўз ҳолатига жавоб бериш, ўз имконият ва ютуқларини турли фаолиятларда намоён қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, тенгдошига нисбатан муҳаббати ва мойиллигини ифодалаш.

Ўз хулқ-атворини бошқа кишиларга нисбатан баҳолаш, ўғил бола ва қиз болага хос маълум фаолият турларини қўллаш, ўз ҳиссий ҳолатини тўғри англаш.

Тенгдошлари орасидан ўзини ажратиб олиш, тенгдошлари орасида ўзини англай билиш, ўз ҳиссиётларини ифода қила олиш (“Мен ёқтираман”, “Мен ёқтирмайман”).

Ҳиссий ифодалаш. Ўзининг ҳис-туйғулари ва чекинмаларини ифодалаш, кайфиятини сўз билан ифодалаш.

Катталарга нисбатан самимий муносабатини сўз билан ифодалаш, ота- онаси билан самимий муносабат ўрнатиш.

Дўстини қўллаб-қувватлаш, ижобий ҳис-туйғулар орқали ўртадаги низоларни бартараф қилиш.

Тенгдошларининг тарбияси билан боғлиқ салбий кечинмаларни очик-ойдин айти олиш, яқинларининг ички кечинмаларини ҳис эта олиш.

Болалар жамоасида:

- болаларни ўз-ўзини англашига йўналтириш;
- болаларда бир- бирларига нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларни бирлашишга ёрдам бериш;
- болаларнинг бир-бирига нисбатан самимий муносабатда бўлишларига интилиш;
- болаларни ўз фикрларини сўз билан ифодалашга кўмак бериш;
- ўз ҳиссиётларини сўз ва кайфиятларини имо-ишора билан ифодалашга ўргатиш;
- болаларда дўстона муносабатларни тарбиялаш, дўстини қўллаб-қувватлаш ҳиссини тарбиялаш;
- ўртадаги низоларни енгишга ўргатиш лозим.

Ўз ҳиссий туйғуларини ифода қилиш, ҳиссий ҳолат ва унинг сабаблари ўртасидаги боғлиқликни тўғри тушуниш, катталар билан самимий оҳангда сўзлаша олиш, одоб билан саволларга жавоб бериш, тенгдошларини исми билан чақирриш, кўполлик қилмаслик, ўртоқлари билан мулоқотда ўз фикрини ифода қила билиш:

агар ўзи тушунмаса савол билан мурожаат қилиш;

кичикинтойларга нисбатан яхши муносабатда бўлиш;

катталар ва тенгдошларининг ҳис-туйғуларини, уларнинг кечинма ва турли ҳиссий ҳолатларини сўз билан ифодалаш;

турли хилдаги ҳиссий ҳолатларни тушунишга интилиш;

жаҳли чиққанида, кўрққанида ўзини тута олиш қобилиятини шакллантириш (итармаслик, бошқаларни урмаслик, ўйинчоқни бошқалардан тортиб олмаслик ва бошқалар);

одоб билан саломлашиш ва хайрлашиш, ўз истаклари ва тақлифларини айтишга ўргатиш;

кўрсатилган ёрдамга, тенгдоши ўйинчоғини тортиқ қилганда унга миннатдорчилик билдириш, ўртоғининг илтимосини қабул қилиш, бошқаларнинг сўзларини диққат билан тинглай билиш, ўзининг қаршилигини бошқаларни ҳафа

қилмасдан ифодалашга интилиш;

Ўзи ва ўз кучига нисбатан ишонч уйғотиш (“Мен бажара оламан”), ўзи мустақил фаолият кўрсатиш (“Мен ўзим”). Боланинг ўзига нисбатан хурматни тарбиялаш. Масалан: уни тенгдоши кучи етмайдиган нарсани бажаришга ундаса, қатъиян инкор қилиш (кўзига қараш, табассум қилиш, “Кел ярашамиз”- дейишга ўргатиш);

Ўзини бошқа болаларнинг ҳатти-харакати билан таққослаш, тенгдошларининг ютуқ ва камчиликларига эътиборли бўлиш, катталарнинг тенгдошларига берган баҳолари билан жиқиқиш, ўзларининг тенгдошлари билан таққослай билиш;

Ўзларига ижобий баҳо беришларига эҳтиёж сезиш, мустақилликни шакллантириш;

меҳнат фаолиятида болаларга ёрдам бериш, меҳнат маҳсулига хурмат билан қараш каби сифатларни шакллантириш;

катталар, тенгдошларнинг кайфияти, ҳиссий ҳолатини сезиш;

Ўзининг ҳис-туйғуларини ифода этиш, ўз-ўзини англай бошлаш, ўзига, ўзининг кучига нисбатан ишонч уйғотиш, ўзи мустақил фаолият кўрсатишга интилиш, катталар ва тенгдошларининг эътиборига эришиш.

Ўйин фаолиятида ўзи учун рол танлаш, ўз ҳолатига жавоб бериш, ўз имконият ва ютуқларини турли фаолиятларда намоён қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, тенгдошига нисбатан муҳаббати ва мойиллигини ифодалаш;

Ўз хулқ-атворини бошқа кишиларга нисбатан баҳолаш, ўғил бола ва қиз болага хос маълум фаолият турларини қўллаш, ўз ҳиссий ҳолатини тўғри англаш;

тенгдошлари орасидан ўзини ажратиб олиш, тенгдошлари орасида ўзини англай билиш, ўз ҳиссий ҳолатини ифода қила олиш (“Мен ёқтираман”, “Мен ёқтирмайман”);

катталарга нисбатан самимий муносабатини сўз билан ифодалаш, ота- онаси билан самимий муносабат ўрнатиш;

дўстини қўллаб-қувватлаш, ижобий ҳис-туйғулар орқали вужудга келган низоларни бартараф қилиш.

Ўқув йили охирида бола:

- катталар билан муносабат ўрнатади;
- катталар ҳамда тенгдошларининг кайфиятини, ҳиссий ҳолатини сезади;
- уюшган ўйин жамоаларига кириша олади;
- мулоқот даврида ва ҳамжихатликда олиб бориладиган фаолиятларида (суюниш, завқланиш ва бошқа ҳолатлар) шаклланади;
- атрофдагиларнинг ўзига нисбатан самимий ва носамимий муносабатларини англайди;
- катталарга ёрдам сўраб мурожаат қилади;
- жуфтликда ўйнашга интилади;
- ролларни тақсимлаб, биргаликда келишиб, ҳамкорликда ўйнайди;
- турли мавзуларда суҳбатлашади;
- тенгдошлари орасида ўзини ажрата олади;
- яқинларининг ички кечинмаларини тушуна бошлайди;

Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик

Теварак-атрофдаги билим ва тасаввурларни чуқурлаштириш асосида болаларнинг сўз бойлигини ошириш ва фаоллаштириш. Болаларни ўзининг эҳтиёжини қондириш учун мурожаат қилиш, савол бериш, ўзининг ҳатти

ҳаракатларини бошқариш, фаолиятини сўз билан ифодалаш, табиат ҳодисаларини ифодалай олиш, бир қанча содда гаплардан ҳикоя туза олиш, турли буюмлар ва расмларни диққат билан кўриш малакасини ҳосил қилиш.

Нутқни ривожлантирувчи муҳитни яратиш мақсадида таълимий ўйинлар ўтказиш.

Товуш маданиятини тарбиялаш. Болаларнинг h, k, o', e, r, l, s каби товушларни аниқ, тўғри талаффуз этишларини мустаҳкамлаш. Она тилидаги барча товушларни аниқ, тўғри талаффуз этиш. Сўзларни ўргача балансда, донадона талаффуз этиш, жумла охирида тўхтаб, бир меъёردа гапириш малакаларини ўстиришни давом эттириш. Фонетик идрокни, эшитиб, товуш ва сўзларни фарқлашни шакллантириш. Сўзларни адабий талаффуз қодаларига риоя этган ҳолда айтишларини такомиллаштириб бориш. Болаларга турли суҳбатларда иштирок этиш, суҳбат мавзуи бўйича берилган саволларга тўғри жавоб кайтариш ва саволларни тўғри бера билиш кабиларни ўргатишни давом эттириш.

Луғат иши. Теварак-агрофдаги нарса-ҳодисалар ҳақидаги билим ва тасавурларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш асосида болалар луғатига буюмлар, улар қандай махсулотлар (ёғоч, темир, чинни, пластмасса)дан тайёрланганлиги, сифати ва уларнинг вазифасини билдирувчи сўзларни киритиш. Шу билан бирга турли касбларни билдирувчи номлар: ошпаз, энага, сотувчи, курувчи, хайдовчи. Уларнинг бажарадиган ишлари: пиширади, боқади, соғади, қуради, ҳайдайди. Буюмларнинг жойлашиш ўрни: ўнгда, чапда, ўртасида, орқасида, яқинида, ёнида. Вакт жиҳатдан ҳар бир кун турли қисмларга бўлиниши: эрталаб, кундузи, кечкурун, кечаси ва б. Инсонларнинг ҳолат ва кайфиятларини (хафа, хурсанд), қарама-қарши маънони билдирувчи сўзлар (антонимлар): катта-кичик, узун-қиска, қоронғи-ёруғ каби сўзлардан фойдаланишга ўргатиш. Туркум тушунчаларини англатувчи сўзлар: сабзавот, мева, мебель, пойафзал кабиларни тушуниш ва қўллаш малакаларини ўстиришни давом эттириш.

Луғатини фаоллаштириш. Болаларнинг ўз нутқларида ўрганган сўзларидан, айниқса, буюмларнинг номи, қисмларини билдирувчи отлардан, уларнинг ранги, туси ва хоссаларини англатувчи сифатлардан: силлиқ, ғадир-будур, оғир, енгил, синади, синмайди каби кўп фойдаланиладиган феъл ва равишлардан мустақил, эркин, тўғри фойдаланиш малакаларини ўстириш.

Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш. Болаларни гапирганда, ҳикоя қилганда сўзларни грамматик жиҳатдан тўғри ўзлаштиришга, яъни отни келишиқ жиҳатдан тўғри турлашга – кўғирчоқ, кўғирчоқни, кўғирчоқнинг, кўғирчоқка, кўғирчоқда, кўғирчоқдан каби, бирлик ва кўпликда тўғри айтишга – копток-коптоқлар, китоб-китоблар каби; феълларни шахс ва замонда тўғри тушлашга – ўйнадим, ўйнадинг, ўйнади, ўйнадингиз ўйнадилар каби; айрим сўзларнинг ясалыш усулларини (қанд-қандон, гул-гулдон, туз-туздон кабиларни) ўргатиш, Болаларнинг жумлани тўғри тузишларига, гапнинг ҳар хил турларидан (содда, қўшма) ўринли фойдаланишларига эътибор бериш.

Боғланышли нутқни шакллантириш. Болаларнинг сўзлашув ва ҳикоя қилиб бериш нутқини ўстириш. Уларни суҳбат пайтида фаол иштирок этишга ундаш. Болаларда саволларга жавоб бериш, савол бериш малакаларини ўстириш, мавзу бўйича берилган саволларга тушуниб, қиска ва тўлиқ жавоб бериш, ўртоқларнинг бераётган жавобларига эътибор бериш малакасини такомиллаштириш.

Болаларни ҳикоя қилиш малакасини шакллантиришда таниш ҳикоя ва

эртақларни мустақил ҳолда қайта ҳикоя қилишга, воқеаларни кетма-кет боғланган ҳолда, грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар тузиб баён қилишга ўргатиш. Болаларнинг бадий асарларни қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстириш. Адабий асарлари мазмунли, мантиқий изчилликда, асар қаҳрамонларининг суҳбатини ифодали сўзлаб беришга ўргатиш.

Машғулотларда биринчи марта ўқиб берилган кичик эртақ ва ҳикояларнинг мазмунини қайта ҳикоя қилишга, ўртоқлари ҳикоя қилаётганда эътибор билан тинглашга ундаш.

Ўйинчоқлар, турли буюмлар ва фасллар бўйича тасвирловчи (аввал тарбиячининг саволлари, сўнгра у берган намуна ва режа асосида) ҳикоя тузишга ўргатиш.

Болаларга таниш эртақ ва ҳикояларни тинглашни, уларда иштирок этувчи персонажларнинг гапларини ўзига хос хусусиятларини тушуниб, ифодали тарзда ҳикоя қилаётган ўртоқларининг нутқини диққат билан эшитишни, асар матни ногўтри айтилган жойларни пайқашга ўргатишни давом эттириш.

Буюмларнинг (кийим, идиш-товоқ, мебел) номини, белгиси ва вазифаларини айтиб, тарбиячининг саволлари ва намуналари асосида кичик-кичик тасвирий ҳикоялар тузишга ўргатиш. Воқеабанд(сюжетли) расмлар бўйича ҳам кичик ҳикоялар тузиш малакаларини шакллантиришни давом эттириш. Болаларни мустақил ҳикоялар тузиб, ўз фикрларини эркин ва изчил баён этишга ўргатиш.

Бадий адабиёт билан таништириш. Болаларда бадий адабиётга бўлган қизиқиш, муҳаббат ва завқланиш кўникмасини шакллантиришда давом этиш. Уларга халқ оғзаки ижоди намуналари: мавсум (“Бака-бака-бум, бойчечак”, “Чучвара қайнайди-я” ва ўйин кўшиқлари (“Данагим-данак”), ялимачоқ (“Офтоб чиқди оламга”) ва қизикмачоқ (“Олатой,булатой”)лар, чеклашмачоқ (“Бир дегин...”) ва ҳукмлагич (“Қалдирғоч, ғоч-ғоч”)лардаги оҳангнинг мазмунга кўра ўзгариб боришини англаш, бадий сўзни ҳис этиш туйғусини кучайтириш. Халқ кўшиқларидан ўз ўрнида мустақил фойдаланишларига имконият, топишмоқ, тез айтишлар ёрдамида болаларнинг зехни, идроки, тафаккурини кенгайтириш. Болалар диққатини эртақ (“Овчи, Кўкча ва Доно”, “Ҳалоллик” ўзбек халқ эртағи) ларнинг ўзига хос хусиятларига (бошланма, такрор, тугалланма) қаратиш.

Болаларда бадий асарни руҳан ҳис этиш, уни тушуниш, мазмунини сўзлаб бераётганида шошилмай, раво баён эта билиш, ҳар бир сўзни аниқ талаффуз қилиш малакаларини ўстириш. Болаларнинг асар қаҳрамонлари ҳагги-ҳаракатларини (Н.Норқобилов “Дўст”, Х.Тўхтабоев “Таъзир”) баҳолашга, уларнинг маънавий сифатларидан: яхши, ёмон, жасур, кўрқоқ кабиларни (Я.Саъдуллаева “Ғишт”) тушунишга, хафа, хурсанд каби руҳий ҳолатларини (Т.Йўлдош “Ойим уйда бўлсалар”) ҳис эта олишларига эришиш. Асар воқеалари асосида ишланган расмлар ҳақидаги таассуротларини баён қилиш.

Буюк алломаларимиз Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида қисқача маълумот бериш, уларнинг айрим асар (А.Навоий “Шер билан Дуррож” в.б.) лари билан таништириш. Болалар қалбида бадий адабиёт воситасида аждоқларга ҳурмат, ифтихор, она Ватанга садоқат, (С.Тожи “Ватан”, А.Орипов “Баҳор шамоли”) эзгуликка меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотиш.

Болаларга шеър (Р.Файз “Балик”, Ҳ.Раҳмат “Яхши сўз”) ёд олиш ва ифодали ўқиётган (К.Турдиева “Баҳор”, Э.Воҳидов “Укамнинг жанги”)ларида кофия, такрорий сўз ва ритмга эътибор беришни, мазмунни оҳанг воситасида (сўроқ, ҳис-

ҳаяжон, буйрук, илтимос, эрқаланиш оҳанги) ифодалай билишни, керак жойида сукут сақлаш (пауза)га рия этишни ўргатиш.

Ўқиш ва саводга тайёргарлик. “Товуш”, “Сўз”, “Ғап” сўзларини тушунишга, ўйинларда ва амалий машқларда қўллашга ўргатишни давом этиш. Икки сўздан ғап тузиш (масалан, “Бола ўтирибди”, “Қуш сайраяпти”, “Биз сайр қиляпмиз”). Ғап ва сўз ҳақидаги тушунчаларни амалий машқлар давомида мустақамлаб бориш.

Оддий чизиқлар, илғаклар нусхаларини кўчиришга ўргатиш.

Ўқув йили охирида бола:

- Болалар она тилидаги ҳамма нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш;
- нутқ товушлари ва сўзлар ўртасидаги фарқларни англаш;
- йил давомида танишган сўзларини (қасб-хунар, буюмларнинг сифати ва хоссалари, ўрни, кун қисмлари ва б.) ўз ўрнида фаол ишлатиш;
- жавоб бераётганда, ҳикоя қилаётганда сўзларни грамматик жиҳатдан тўғри ўзлаштириш; жумлаларни тўғри тузиш;
- қисқа эртак ва ҳикояларни мустақил қайта ҳикоя қилиш;
- ўйинчоқ, турли буюмлар ва воқеий (сюжетли) расмлар бўйича ҳикоялар тузишга ўрганишлари лозим;
- китобга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;
- китобдаги расмларга қараб бадиий асарнинг мазмунини гапириб бериши, асарнинг парчасини эшитганида унинг номини айтиши, болаларнинг ҳаётига яқин шеърлар, қушлар, ҳайвонлар, ўйинчоқлар ҳақидаги саккиз қатор шеърларни ёдлай олиши керак;
- топишмоқлар, санамалар, мақолларнинг мазмунини идрок эта олиш;
- асарда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг хатги-ҳаракатларини баҳолай олиш: яхши, ёвуз, жасур;
- руҳий кечинмаларини (хафа, хурсанд) таърифлай олиши;
- шеър, эртак, топишмоқ, ҳикоя, санамаларни ифодали айта олиши;
- бадиий сўздан эмоционал завқлана олиши, шеърни ёддан ифодали айта олиши, эртак ва ҳикояларни сўзлаб бера олиши, асар мазмуни асосида берилган саволларга имкон қадар аниқ ва дадил жавоб бера олиши;
- бадиий асарларга ишланган расмлар бўйича ҳикоя қила олиши;
- “Товуш”, “Сўз”, “Ғап” сўзларини тушуниш, ўйинларда ва амалий машқларда қўллай олиш каби малакаларни эгаллаши;
- оддий чизиқлар, илғаклар нусхаларини кўчира олиши лозим.

Билиш жараёни: Атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Элементар математик билим ва кўникмалар

Сон ва санок. Болаларга тўғри усуллардан фойдаланиб 3, 4, 5 сонларининг ҳосил бўлиши билан таништириш ва бу сонлар доирасида санашни ўргатиш: бир қатор кўйилган предметларни санаб, сонни тартиб билан айтиш, сонни от билан мослаштириб, охириги сонни саналган предметларга тааллуқли қилиб айтиш, масалан, “Бир, икки, уч, - ҳаммаси бўлиб учта қалам”, “Бир, икки, уч, тўрт - ҳаммаси бўлиб тўртта қалам” тарзида.

3, 4, 5 сонлари доирасидаги сонли карточкалар билан таништириш.

Болаларга 3, 4, 5 гача бўлган санок ва тартиб сонларни ўргатиш, “Қанча?”,

“Қайси?”, “Нечанчиси?”, “Санок бўйича нечанчи?”, “Нечанчи ўринда?”, “Ҳаммаси бўлиб нечта?” саволларига жавоб бериб, санок ва тартиб сонлардан тўғри фойдаланишни ўргатиш.

Болаларга предметларнинг икки гуруҳини қиёслашни машқ қилдириш ва таққослашни ўргатиш, масалан (“Бир, икки, уч, тўрт, беш – ҳаммаси бўлиб бешта копток”, “Бир, икки, уч, тўрт – ҳаммаси бўлиб тўртта кубик. Бешта кўп, тўртта кам. Коптоқлар кубиклардан битта кўп экан”).

5 гача бўлган сонни ўзидан кичик бўлган иккита сонга (буюмлар мисолида) ажратиш. Масалан, “Сенда 5 та олма бор, иккитасини уқангга бердинг. Ўзингда нечта қолди?” деган савол билан мурожаат қилиш.

Предметларнинг кам гуруҳига етишмаган предметни қўшишни ёки кўп гуруҳдан битта ортиқча предметни олишни ва гуруҳлар ўртасида бир хил миқдордаги ҳар хил предметлардан иборат тенглик ҳосил қилишни ўргатиш. (“Қарточканинг юқори қаторида учта анор, пастки қаторида тўртта олма, анорлар олмалардан битта кам. Агар яна битта анор қўйсақ анорлар ва олмалар сони тенг бўлади”).

Катталиқ. Болаларга предметларни (3, 4, 5 тагача) узунлиги, энига кўра бир-бирининг устига қўйиб қиёслашни ўргатиш.

Нарсаларнинг қалин-юпқалигини қиёслаш, “қалин”, “юпқароқ”, “бир хил” сўзларини нутқда тўғри қўллашни ўргатиш.

Узунлиги, кенглиги ҳар хил бўлган бир неча предметни (5 тагача) бир-бирининг устига узунлиги, кенглигига кўра ортиб ва камайиб борадиган тартибда қўйиб қиёслашни ўргатиш (энг кенг, торроқ, яна торроқ, энг тор тасма).

Геометрик шакллар. Доира, квадрат, учбурчак шаклларини бир-биридан фарқлашни мустаҳкамлаш.

Тўғри тўртбурчак шакли билан таништириш, тўғри тўртбурчак-квадратни фарқлаш ва айтишни, уларни сезиш - ҳаракат ва кўриш усуллари орқали ўрганиш.

Овал шакли билан таништириш, доира, овални фарқлаш ва айтишни, уларни сезиш - ҳаракат ва кўриш усуллари орқали ўргатиш.

Куб, шар, цилиндр каби шаклларнинг номини айтиш ва бир-биридан фарқлашни ўрганиш.

Шакллар ҳар хил ўлчамда бўлиши мумкинлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш (катта доира - кичик доира, катта квадрат - кичик квадрат).

Таёқчалардан тўғри тўртбурчак, квадрат, учбурчак ясашга, бу шакллардан фойдаланиб турли нарсалар ясашни ўргатиш.

Теварак- атрофда мўлжал олиш. Нарсаларни ўнг қўл билан чапдан ўнгга қараб териш кўникмасини мустаҳкамлаш.

У ёки бу предметнинг ўзига нисбатан жойлашувини сўз билан ифодалашни ўргатиш (олдимда - стол, орқамда - шкаф, пастда - пол, юқорида - шип, ўнг томонимда - дераза, чап томонимда - эшик, шкаф - узоқда, стул - яқинда).

Болаларга берилган йўналишда (олдинга-орқага, ўнгга-чапга) ҳаракат қилишни ўргатиш.

Вақтни чамалаш. Болаларнинг кун - тун ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, вақтни ифодаловчи кун - тун сўзларини нутқда тўғри қўллашга ўргатиш асосида вақт ҳақида тасаввурларини мустаҳкамлаш.

Болаларнинг сутка қисмлари ҳақидаги тасаввурларни аниқлаш (кечаси, кундузи, эрталаб, кечкурун) ва мустаҳкамлаш.

“Кеча”, “Бугун”, “Эртага” тушунчаларини фарқлаш ва бу сўзлардан тўғри

фойдаланишни ўргатиш.

Харакат тарзини ифодаловчи сўзларни (тез, секин) ўргатишни давом эттириш.

Қуриш-ясаш

Болаларга содда воқеабанд ўйин масалаларини лойихалаб оддий қурилмаларни: “лего” туридаги ўйин бўлақларидан моделлар йиғишни, 6-8 та қисмлардан пазллар ясашни, коғоздан буклаш йўли (оригами) орқали содда шаклларни ясашни ўргатиш.

Тялиний ўйин ва машқлар. Математика машғулотларда эгалланган билим ва кўникмалар қуйидаги ўйин - машқлар орқали мустаҳкамланади:

“Ким чакқон?”, “Саногини топ”, “Ўрнини топ”, “Топган-топалок”, “Ким топқир?”, “Кластер”, “Кейинги сонни топ”, “Ким бекинди?”, “Шартли белгилар асосида ҳаракат қиламиз”, “Яқин-узоқ”, “Кейинги сонни айт”, “Шакл яса”, “Кенг-тор”, “Ўхшашини топ ва қиёсла”, “Кун-тун”, “Кимга қанча?”, “Қайси ўйинчоқ яширилган?”, “Кимда шунча?”, “Дарвозадан ўтинг”, “Келинг, санаймиз”, “Қайси ўйинчоқ қайси сонга тегишти?”, “Шарлар”, “Товушига кўра сонини топинг”, “Ким тезроқ териб олади?”, “Тескарисини айтинг”, “Гулли гилдирак”, “Микдорига кўра танланг”, “Кўлингизда нима бор?”, “Катта ва кичик нарсалар”, “Қайси доирани кўйиш зарур?”, “Маҳсус топширик”, “Нима ўзгарди?”, “Кимга нима?”, “Худди шундай халқани топинг?”, “Кўрсаткични тўғриланг”, “Бу қандай шакл?”, “Нарсаларнинг номини айтинг?”, “Геометрик лото”, “Сехрли қопча”, “Сотувчисиз дўкон”, “У ерда нима бор?”, “Ким топқир ва уddaбурун?”, “Олдинга-орқага”, “Кимнинг бўйи балинд?”.

Ўқув йили охирида бола:

- 5 гача санайди;
- бир жойда турган буюмларни (5 тагача) тартиб сони билан айта олади;
- сони 5 тагача бўлган икки гуруҳдаги буюмлар сонини таққослайди;
- буюмларнинг шакли, катта-кичиклиги, узун-қисқалиги, қалин-юпқалигига кўра фарқлайди;
- доира, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак, овал шаклларини бир-биридан фарқлайди;
- шар, куб, цилиндрларнинг номини айта олади ва уларни фарқлайди;
- таёқчалардан тўғри тўртбурчак, квадрат, учбурчак ясай олади;
- предметларни (7 тагача) узунлиги, энига, қалин-юпқалигига кўра бир-бирининг устига қўйиб қиёслайди, “энг кенг”, “торроқ”, “яна торроқ”, “энг тор”, “қалин”, “юпқароқ”, “бир хил” сўзларини нутқда тўғри қўллайди;
- аниқ бир йўналишни ифодаловчи олдинга, орқага, ўнгга, чапга, юқорида, пастда каби сўзларни нутқда қўллай олади;
- у ёки бу предметнинг ўзига нисбатан жойлашувини сўз билан ифодалай олади;
- кун, тун, эрталаб, кундузи, кечкурун, кеча, бугун, эртага, тез, секин каби вақтни ифодаловчи сўзларни тушунади, нутқда қўллайди;
- “лего” туридаги ўйин бўлақларидан содда моделлар йиғади;
- 6-8 та қисмлардан пазллар ясайди;
- коғоздан буклаш йўли (оригами) орқали содда шаклларни ясайди;

Агроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Она Ватан ва агроф-олам. Болаларда туғилиб ўсган жойларига муҳаббат уйғотиш.

Ўз шаҳар, кишлоқ, маҳалла ва кўчаси ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Яшаш жойидаги меъморчилик ёдгорликлари, чиройли курилишларга қизиқиш уйғотиш, уларнинг номларини тўлиқ айтишга ўргатиш.

Болаларнинг ўзлари яшаётган кўча, маҳалла, туман ва вилоятни номлашга одағлантириш. Уларнинг ўз исми шарифини, ота-онасининг исмларини билишларига эришиш.

Болаларда уларнинг умумий Ватани - Ўзбекистон ҳақида тасаввур уйғотиш.

Болаларга “Конституция сабоқлари” асосида илк тушунчалар бериш.

Буюк сиймолар. Халқимизнинг Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари машҳур кишилари ҳақида маълумот бериш ва улардан фахрланиш туйғусини уйғотиш, Навоийнинг болалиги ҳақида ривоятлар айтиб бериш.

Ҳосил байрами “Меҳржон” деб номланиши ҳақида қисқача сўзлаб бериш. Бу байрам ҳар йили куз фаслида ўтказилиши, унда дала меҳнатқашларининг меҳнат натижалари кўз-кўз қилиниши, ҳар хил кўргазмалар, савдолар ташкил этилиши, ўйин-кулгу хурсандчиликда байрам нишонланиши ва унда қовун, узум сайли ўтказилиши ҳақида сўзлаб бериш.

Болаларнинг диққат эътиборини ҳарбийларга жалб қилиш. Болалар маънавиятига ҳарбий ватанпарварлик ҳиссини сингдириш. Ҳарбий касблар билан таништириш.

Болаларни ўзбек халқининг миллий байрамлари билан таништириш, “Наврўз” халқимизнинг қадимий байрамларидан бири эканлиги, уни катталар ҳам, болалар ҳам байрам қилишлари ҳақида тушунча бериш. Байрамда сумалак, ҳалим, кўк сомса, чучваралар пиширилиши, уни қандай нишонланиши ҳақида маълумот бериш.

Миллий қадриятлар, урф-одатларимизни улуғлаш, унинг қадрига етиш туйғусини такомиллаштириш.

Катталар меҳнати. Болаларда катталар меҳнатига ҳурмат ва қизиқиш ҳиссини тарбиялаш. Ўзбек халқининг миллий хунармандчилик меҳнати- дурадгорлик билан таништириш.

Дехқон меҳнати ҳақида қисқача маълумот бериш.

Болаларда ўз тарбиячиси ва бошқалар меҳнати ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Болаларни катталар меҳнати билан таништириш жараёнида уларда инсон ва унинг меҳнатига ҳурмат ҳиссини шакллантиришга эътиборни кучайтириш.

Транспорт воситалари. Болаларни ҳудуддаги транспорт воситалари билан таништириш, улардан фойдаланиш қонун - қоидалари ҳақида маълумот бериш.

Жамоат транспорти (автобус, трамвай, троллейбус, поезд, самолёт, юк машиналари) турлари ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, уларни номини айтиш ва ҳаракат муҳитига (ер, осмон, сув) ва вазифаларига (юк, йўловчи) кўра фарқлашга ўргатиш. Транспорт воситаларини бошқарувчи касб эгалари ҳақида қисқача тушунча бериш (хайдовчи, учувчи, денгизчи ва ҳ.к.).

Йўл ҳаракати қоидалари билан таништиришни давом эттириш. Светофор ва унинг вазифаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Буюмлар ҳақида. Теварак-атрофдаги буюм ва хом-ашъёлар, уларнинг хилма хил сифатларига эътиборни жалб қилиш, қаттиқ ва юмшоқ буюмлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Уй-рўзғор буюмларининг шакли ва ранги, эстетик сифатларига (гилам,

кўрпа, тўшак, кўрпача, ёстиқ, чойшаб), каттиқ буюмлар ва уларнинг сифатлари ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш. Буюмларни умумлаштириш, масалан: чой идишлари(чайнак, пийёла, патнис, ликопча), ошхона буюмлари(чўмич, капкир, қозон, коса, пичоқ, това, челак, чайнак, лаган, товоқ, тоғорача, жува), фарқлаш, бир турдаги буюмларни гуруҳлаш, жуфтлаш кўникмасини шакллантириш.

Устки кийимлар. Кийимлар, устки кийимлар (атлас кўйлак, яхтак, чопон), бош кийимлар (рўмол, телпак, дўппи, қалпоқ), пойафзал (туфли, этик, шиппак) турлари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш.

Бола ўз танасининг қисмларини ўрганеди.

Болага ўзининг кўринишини таърифлаб беришга, ички органлар (юрак), тирсак, ияк, елка, қаби мураккаб қисмлар қаерда жойлашганлигини кўрсатишга ўргатиш. Одам шаклини чизишга ўргатиш.

Ўқув йили охирида бола:

- ўзи туғилиб ўсган кўча, қишлоқ ёки шаҳарнинг номи, маҳалласи;
- ўз исм-шарифи, ота-онасининг исми
- Алишер Навоийнинг болалиги ҳақидаги ривоятлар;
- байрамлар ҳақида тасаввурга эга бўлиши «Наврўз», «Меҳржон» байрамлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот, катталар меҳнатлари ҳақида тасаввурларга эга бўлишлари;
- транспорт ва ундан фойдаланиш, кўча ҳаракати қоидалари;
- кундалик ҳаётда ишлатиладиган буюмлар ва уларнинг вазифаларини билишлари керак;
- ўзининг кўринишини таърифлаб бера олади.
- юрак, тирсак, ияк, елка, юрак қаби мураккаб қисмлар қаерда жойлашганлигини кўрсата олади.
- Одам шаклини чиза олади.

Жонли ва жонсиз табиат, ер қурраси тўғрисида тасаввурга эга бўлиш

Жонсиз табиат. Болаларга об-ҳаво ҳолатини (совуқ, иссиқ, илик, кувёшли, булутли, шамол эсяпти, ёмғир ёғаяпти, дўл ёғаяпти), сув ва қорнинг айрим хусусиятларини(сув тиник, қор юмшоқ бўлиши, ундан қорбобо ясаш, қорбўрон ўйнаш мумкин ва ҳоказо; қор қуруқ ҳам бўлади) фарқлашни ўргатиш.

Айрим предметлар сувда чўкишини, айримлари чўкмаслигини: иссиқ кунда кўлмақ сув тез, совуқ кунда секин қуришини англаб олишларига ёрдам бериш.

Жонсиз табиатнинг айрим хусусиятлари (тош-қаттиқ, қум-сочилувчан)ни фарқлашни ўргатиш.

Болаларга об-ҳаводаги ўзгаришларни (совуқ шамол эсяпти, ёмғир, қор ёғаяпти) фарқлашга ўргатиш. Қорнинг хусусиятлари (совуқ, юмшоқ, ёпишқоқ, хўл, қуруқ) билан таништириш.

Болаларни тонг, кундуз, кечқурун, кечаси тушунчалари билан таништириш, кун қисмларида инсонлар ва болаларнинг ҳаракатлари ҳақида суҳбатлар ўтказиш.

Ўсимликлар дунёси. Сабзавотлар (бақлажон, қарам, шолғом, турп, пийёз) ва мевалар (анор, анжир, беҳи узум, ўрик) билан таништиришни давом эттириш. Болаларга сабзавот ва меваларнинг номларини, ранги, шакли, таъми, овқатга ишлатилишининг (хомлигича, пиширилган, тузланган ва қуритилган ҳолда) характерли белгиларини билишлари: Сабзавотлар полизда мевалар эса дарахтда ўсиши билан таништириш. Болаларга сабзавотлар ҳар йили экилишини, мевалар

эса кўп йиллик ўсимлик ҳисобланиши ҳақида қисқача тушунча бериш.

Сабзавот ва мевалар етиштиришда катталарнинг меҳнати ҳақидаги тасаввурни шакллантириш.

Кузда дарахтлар баргининг тўкилиши, ўтларнинг сарғайиши, дала ва боғларда йғим-терим ишларининг бошланиши ҳақида суҳбатлар уюштириш.

Кузнинг охирида дарахтларнинг барги буткул тўкилиб бўлиши, ўт-ўланларнинг эса хазонга айланиши, фақат игна баргли арчаларгина ҳар доимгидек кўм-кўк қолиши ҳақида тушунча бериш.

Уругдан ўсимликлар ўстириш (ўсишидаги изчиллик, ўсиш учун зарур шароитлар, парвариш қилиш) ҳақида; ўсимликлар ҳаёти ва ўсишининг айрим шартлари (улар ерда ўсади, уларни сув билан сугориш керак, тупроқ серозука бўлиши учун уни ўғитлаш, ёруғлик керак) ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш.

Болалар диққатини кунлар илиши билан дарахтларнинг куртак чиқариши, гуллаши, барг ёзиши, ўт-ўланларнинг кўқариши кабиларга жалб этиш.

Гилос ва шафтоли дарахтнинг гулини киёслаш ва фарқлашга ўргатиш.

Ўсимликларнинг тузилиши ҳақидаги тасаввурни аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Дарахтларда битта тана, йўғон ва ингичка шохлар, япроқлар бор. Буталар ва бир неча ингичка тана, шох, барглари борлиги, ўтсимон ўсимликларда поя, барг, гуллар борлиги, ўсимликлар илдизлари билан ўзларини ерда тутиб туриши ва ердан сув ҳамда озуқа моддаларини олиши ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

Атрофдаги ўсимликларнинг куйидаги белгиларига қараб таниш:

дарахтлар, буталарнинг барглари, пўстлогига; ўтсимон ўсимликларнинг ранги ва гулининг шаклига қараб таниш.

Юмшоқ мевалар, сабзавотлар билан, ўсимликлар ўсадиган жойлар (хийбон, мактабгача таълим муассасаси, боғ) билан таништириш. Таниш ўсимликлар номларини эслаб қолишга ўргатиш.

Мактабгача таълим муассасасида сабзавотлар ўстирилиши ҳақидаги тасаввурларни аниқлаш, кенгайтириш.

Ҳайвонот дунёси. Куз-қиш даврида олмахон, қуён ва типратикан сингари ҳайвонлар ҳаёти ва табиий шароитлари (қаерда яшаш, қандай юриши, нималар билан озиқланиши, душманларидан қандай ҳимояланиши) ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш

Фасллар ўзгариши билан қуён, олмахон, типратикан каби ҳайвонлар ҳаёти (табиий шароитда улар қаерда яшайдилар, нималар билан озиқландилар, душманлардан қандай қутуладилар) билан таништириш. Уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари (ит, кучукчалар, мушук, мушукчалар), қушлар (чумчук, кабутар, мусича ва бошқалар), атроф муҳитда учрайдиган хашаротлар (чумоли, капалак, хон кизи, ниначи каби)ни фарқлашга ўргатиш.

Уй ҳайвонларининг ҳаёти, инсонларнинг уларни парвариш қилишдаги меҳнатлари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш.

Уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Болалар уларнинг тана қисмларини, юриш-туриш хусусиятларини ажрата билишни ва тўғри характерлашни, нима билан озиқланишини қандай юриши, қандай фойда келтиришини, одамлар улар тўғрисида қандай гамхўрлик қилишлари ҳақида билимларини кенгайтириш.

Болаларни уй ҳайвонлари ҳаёти ҳақидаги тасаввурларини бойитиш. Уларни уй ҳайвонлари ва паррандаларни парвариш қилишда катталарга яқиндан ёрдам

беришга ўргатишни давом эттириш.

Ёввойи ҳайвонлар (куён, олмахон, типратикан) ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш, уларнинг баҳорги-ёзги мавсумдаги табиий шароитдаги ҳаёти (овқатланиш, туллаш, уя қуриш, болаларни ўстириш, болалари ҳақида ота-она ғамхўрлиги хусусиятлари) билан таништириш; ташқи кифёси, ҳатти-ҳаракатига кўра ёш ҳайвонларнинг катталаридан фарқ қилишини кўрсатиш.

Қунлар илиши билан болалар диққатини қушлар кўпайиб, ҳашаротлар пайдо бўла бошлагани, қунлар совиши билан ҳашаротлар буткул кўринмай қолганига, муассаса ҳовлисидаги қушлар ҳам камайиб кетганига қаратиш. Совуқ киш қунида қорни очиб овқат излаётган қушчага нақадар қийин эканлигини ҳис этишга ундаш. Болаларда қушларга ғамхўрлик қилиш ҳиссини тарбиялаш.

Қушларнинг нима билан озикланиши, қишлоқ хўжалигига келтирадиган фойдаси ҳақида ҳам қисқача маълумот бериш. Қушларга ҳайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш кераклигини тушунтириш.

Табиат бурчагида пиёз ўстириш, парвариш қилиш, ташқари совуқ бўлишига қарамай, хонада уларнинг ўсиш сабабини тушунтириш.

Ўрмон ҳайвонлари уларнинг юриш-туриш хусусиятларини билишни ва тўғри характерлашни; яшаш шароитлари, нима билан озикланишини қандай юриши, қандай фойда келтириши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Уй ҳайвонлари ҳаёти, ёз вақтида одамлар уларни парвариш қилишдаги меҳнатлари (сигир, эчки, қўйлар яйловларда ўтлаши, одамлар ўт ўриши, ҳашак жамғаришлари ва ҳоказо) ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш. Яқин атрофдаги ҳайвонларни, ҳовлига келадиган қуш, капалак, қўнғиз ва ниначиларни бир-биридан фарқлашга ўргатиш.

Болаларни уй ҳайвонлари ҳаёти ҳақидаги тасаввурларини бойитиш. Уларни уй ҳайвонлари ва паррандаларни парвариш қилишда катталарга яқиндан ёрдам беришга ўргатишни давом эттириш.

Ўқув йили охирида бола:

- муассаса ҳовлисидаги 3-4 хил дарахт;
- маданий ва бегона ўтсимон ўсимликлардан 1-2 хили, баъзи сабзавот ва мевалар, уй ҳайвонлари, уларнинг болалари, қуш ва ҳашаротларни таниши ва уларни гуруҳлай олиши;
- 4-5 хил хона ўсимликларини номини билиши;
- фасллар алмашиши ва об-ҳаводаги айрим ўзгаришлар (ёмғир, қор ёғиши, қуёш чараклаб туриши)ни пайқашлари ва табиатни муҳофаза қилиш ҳақида дастлабки тушунчага эга бўлишлари;
- жонсиз табиатнинг айрим хусусиятлари (тош-қаттиқ, қум-сочилувчан)ни фарқлай олишлари;
- предметларни кузатади, оддий тажрибалар (чўқади-чўқмайди, йиртилади-йиртилмайди) ўтказишни билиши лозим.

Тасвирий фаолият

Мазкур ёшда тасвирий фаолият шиддат билан ривожланади. Болалар тақдим этган гоя ва фикрлар тугалланмаган, қатъий бўлмаса-да, улар чизган ва ясаган расм, аппликация ва қуриш-ясаш ишлари янада турли-туман сюжетларга бой бўла боради (улар предметли ва кўп деталли бўла борадилар). Мазкур ёшда майда моторика тизимида ижобий ўзгаришлар амалга ошади (чакқонликнинг ортиши,

кўз ҳаракатини қўл ҳаракати билан уйғунлаштира олиш, бармоқ ҳаракатларини кузатиш каби).

Болаларда атроф-оламни эстетик идрок этиш ва ахлоқий-эстетик туйғуларни ривожлантириш, табиат билан мулоқот, иллюстрация ва расм сюжетларига фаол муносабатни шакллантириш, оиласи, кадрдон уйи, болалар мактабгача таълим муассасаси, туғилган юртини севиш ва ардоқлашни тарбиялашни давом эттириш.

Болаларнинг турли тасвирий фаолият турларига, халқ амалий санъатига нисбатан барқарор қизиқишларини шакллантириш ва ривожлантириш, уларда чизаётган расмларида ифодали тимсолларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, пластик материаллар билан ишлаш, аппликациялар яратишга нисбатан қизиқишни янада орттириш. Болаларда ўз ғоялари устида ўйлай билишга тааллуқли амалий малакалар, тимсолларни тақдим этишда тасвирий воситаларни тўғри қўллай билиш, расм, аппликация, иллюстрация, ўзбек халқ ўйинчоқ ва қўғирчоқларини билиш, уларнинг номини айта олиш, улардаги ифодали воситалар: шакл ва рангларни англай билиш малакаларини шакллантириш, уларнинг жамоа билан бирга расм чизиш, аппликация қилиш, қуриш-ясаш ишларини амалга ошириш. Болаларни расомлар, амалий безак санъати усталари меҳнати билан таништириш. Болаларда санъатнинг муайян тури бўйича билимларни таркиб топтириш: масалан: сурат-репродукция, хайкалгарошлик (тасвирий санъат, архитектура), ўйинчоқ (амалий безак санъати, ота-оналари билан бирга музейга боришни уюштириш).

Тасвирий фаолият турлари бўйича болалар меҳнатини баҳолашда дўстона мулоқот муҳитини яратиш.

Расм чизиш. Расм чизишда айлана, яеси, тўғрибурчак ва учбурчакли шаклларга эга (мева ва сабзавотлар, ўйинчоқлар) расмини чизишга, расмда нарсаларни ягона горизонтал чизик бўйлаб тасвирланишига ёки қоғоз варагини тўлиқ эгаллашига, болаларни нарсаларнинг ҳажмини расмда тўғри ифодалашларига эришиш.

Ранг ва бўртма кўринишлар ҳақида болаларнинг билимларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш. Таниш рангларга қўшимча ранглар киритиш: тўқ сариқ, жигарранг, ҳаво ранг, пуштиранг, оч яшил ранг кабилар. Болаларни турли ранглارни бир-бирига қўшиб, янги ранг ҳосил қилишга ўргатиш. Қалам, фломастер, мўйқалам кабилардан тўғри фойдаланишга ўргатишни давом эттириш, бўяш жараёнида мўйқаламни бир йўналишда текис юритишга ўргатиш (чапдан ўнгга, агар бола чапақай бўлса, аксинча, юқоридан пастга), расмларни қалам ва фломастер билан бўяш, уларни қоғоз устида энгил юритиш, бунда қоғоз контуридан чиқиб кетмаслик, кенг чизикларни мўйқаламда борича, тор чизик ва нуқталарни мўйқалам учиди кўйишга ўргатиш.

Уларга образга хос характер хусусиятларини кўрсатиш (пахмайган жўжа, зирхли типратикан). Болаларни тўғри чизик, квадрат, айлана, тўғри бурчак (бурчакларга ва томонларга), тасма, квадрат, доира, тўғрибурчак (ўртаси, бурчак ва томонлари)га, ритмик изчиллиги ва симметриясига риоя қилган ҳолда, нақш элементлари чизишга ўргатиш.

Борлиқнинг турли ҳодисаларини тасвирлаш (хазонрезги, қорбўрон), ранглар ҳақидаги билимларига асосланиб, қисмлардан муайян нарса тузиш ва бўяш кўникмаларини шакллантириш (янги йил арчаси, байрамона безатилган уй).

Расм ва иллюстрациялар кўрсатиш орқали болаларнинг нарсалар эстетик сифатлари ҳақида тасаввурларини кенгайтириш.

Болаларнинг турмушдаги мавжуд нарсаларни (таом, қоса, рўмол, гиламчани)

ифодаловчи силуэтлардан нақшлар тузиш кўникмаларини ривожлантириш.

Болаларга нарсалар ва персонажларнинг шакли, ўзига хос хусусиятлари, шаклан турли-туманлиги, қоғоз варағи юзасида жойлаштирилишини ўргатиш. Ушбу нарсаларнинг ягона мазмунга қамраб олинishi, нарса ва ҳодисаларнинг ифодали тасвирланишига эришиш (уйда шамлар ёнмоқда, балиқлар сузиб юрибди).

Безакли композициялар тузишда рангларнинг тўғри уйғунлаштирилишига эришиш (кўгирчоқни чиройли куйлак ва янги рўмол билан ясантирамиз).

Дастур бўлимлари бўйича олинган билимлардан фойдаланиш ва ушбу билимларни расмлар орқали ўз таассуротларини ифодалашда қўллаш.

Безакли расмлар. Эстетик идрокни шакллантириш ва ривожлантириш учун халқ усталари (Ҳамро буви) томонидан ясалган ўйинчоқлардан фойдаланиш зарур. Болаларни эстетик идрокни ривожлантиришга қаратилган нақшлар яратишга ўргатиш учун намуна сифатида халқ усталари (Ҳамро буви) яратган ўйинчоқлардан фойдаланиш лозим (нақш ўрнида қоғоздан қиркиб олинган, болалар томонидан лойдан ясалган ўйинчоқ силуэтларидан фойдаланиш мумкин. Болаларни миллий матолар – беқасам, хонатлас, адрас билан таништириш. Миллий матоларда ўз аксини топган ўзбекона анъаналар, уларга хос ранглар, ранглар уйғунлигини таъкидлаб кўрсатиш, мазкур рангларнинг қандай аталиши, элементлари ҳақида маълумот бериш. Қундалик турмушда кенг ишлатиладиган буюмлар (таксимча, товоқча, гиламча) кўринишида ишланган нарсалар шакли ичига нақшлар тўқиш, шунингдек, нақшларни доира, тўртбурчак шаклида яратиш.

Пластин (лой) билан ишлаш. Пластик материаллардан нарса ясашга нисбатан болаларда барқарор қизиқишларни шакллантириш, уларда пластик материаллардан нарса ясаш техникаси ва лойларнинг хусусиятлари ҳақида аввал ўзлаштирилган билимларни мустақкамлаш (доира ҳаракат орқали кафт орасида лой бўлагини яссилас, ҳосил бўлган шаклдан узук ясаш, болаларда ясалган нарсаларни безаш истагини уйғотиш), икки қўл кафти билан эзгилаб, кафт орасида айлана ҳаракат орқали лойдан думалоқ, ясси шаклли сабзи, олма, бодринг, лимон кабиларни ясаш.

Бир неча қисмларни тўғри жойлаштириб, қисмлар тенглигига риоя қилган ҳолда, нарса ясаш; чимдиб ясаш усулини ўзлаштириш.

Лойни ясси шаклига келтириб, енгил ҳаракат билан унинг зарур четларини чимдиб, майда деталларни ясаш (куш тумшуғи, мушук қулоқлари каби); керакли жойларини силлиқлаш (печенье, кулча).

Пластик материаллардан бир неча қисмли нарса ясаш, бунда ҳар бир қисм учун ажратиладиган пластик материалнинг етарлича бўлишига эътибор бериш (масалан, узун пўстин кийиб олган қизалоқ, қорқиз), пластик материалдан сюжетли тасвир яратиш (куш дон чўқимоқда).

Доира шаклидаги лойни эзгилаб, ичи чуқур идишча (таксимча, товоқ) ясаш усулларини ўргатиш.

Характерли белгиларни бўрттириб тасвирлаш, шунингдек, безакли қисмлар (қанот, пат, пластик материалдан ясалган нақшлар билан безаш) кабиларда болаларни ҳайкалтарошлик қаламини ишлатишга ўргатиш.

Болаларнинг тасвирий ва техник билим ва кўникмаларини дастурнинг барча бўлимлари юзасидан ёрқин образларни тасвирлашга йўналтириш (нарса, сюжет ва нақш).

Апликация. Апликацияга қизиқишни ривожлантириш, бунда турли тасвирий

ифодаларни яратишга, аппликация имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга эътибор бериш. Болаларни қайчини тўғри ушлаш ва қирқиш (кўндалангига кенг ва тор тасмачалар қирқиш, улардан турли ифодаларни ҳосил қилиш: зина, девор, ўриндик, дарахт, бутоқ ва б.); ўсимлик ва геометрик шакллардан квадрат, доира нақшлар ҳосил қилиш ва уларни елимлаш.

Бурчакларни доира шаклида қирқиш йўли билан квадрат ва тўғри бурчакдан доира қирқишни ўргатиш (сабзавотлар, ҳўл мевалар, гуллар ва б.). 2-3 тайёр шаклларнинг қисмларини қўйиб чиқиш ва елимлаш (уйча, кўзикорин). Рангларига қараб навбати билан думалоқ ва ясси шаклларни ёнма-ён ёпиштириш (пирамида, маржон). Болаларни жамоа таркибида ишлашга ўргатиш.

Қоғоздан тўртбурчак ва тўғри бурчакли тўртбурчак кесиб олиш, тўртбурчакни диагонал бўйлаб кесиш натижасида турли шакллар (қайиқ, уй) ҳосил қилиш, доирани икки ва тўртга бўлиб ярим ва чорак айлана ҳосил қилиш, мазкур бўлақларни елимлаш натижасида 2-3 шакл вужудга келади (кўзикорин, вагон).

Жамоавий меҳнат маҳсулотларини яратишга ўргатиш (яшнаб турган боғ). Қирқиш ва ёпиштириш малакаларини мустақамлаш.

Нақш, сюжет ва нарса тимсолларини яратиш билан ўз таассуротларини гавдалантириш.

Қуриш-ясаш. Болаларнинг қуриш-ясаш материалларини фарқлаш ва номларини билишга оид лаёқатларини ривожлантиришни давом эттириш, болаларга қуриш-ясаш жараёнида ушбу материалларнинг қуриш-ясаш хусусиятлари (шакли, катталиги, пишиқлиги)ни ҳисобга олиб фойдаланишни ўргатиш (ғиштча, узун ва қиска пластина, гўлача, призма).

Қуриш-ясаш намуналарини таҳлил этиш, асосий қисмларини фарқлаш, уларнинг катта-кичиклиги ва ҳажмига мослаб уйғунлаштиришни билиш (паст уй ва унинг девори, томи).

Бирор объектнинг турли конструкцияларини амалга оширишни ўргатиш, умумий ва турли жиҳатларини ажратиш, қиёслаш, қурилишнинг баландлиги, узунлиги ва кенглигини мустақил ўлчаш, болаларга тарбиячи томонидан берилган кўрсатма (худди шундай гараж қур, фақат кенгроқ бўлсин) асосида қуриш-ясаш тамойилларига риоя қилишга ўргатиш.

Қоғоздан конструкциялар ҳосил қилишга ўргатиш (қоғоз варағининг қоқ ўртасидан буқлаб, икки четини бир-бирининг устига текис қилиб устма-уст қўйиш ва шаклнинг асосий қисмига деталларни ёпиштириш, табиий материал (бутоқ, япроқ, тухум пўчоғи)дан елим ёки пластилин ёрдамида ёпиштириш йўли билан турли конструкциялар ҳосил қилиш).

Болаларни ўйинчоқ ҳажмига мувофиқ қуриш-ясаш ишларини амалга оширишга ва уларни ўйнашга ўргатиш (айиқча учун ётоқ жойи).

Асосий шаклга деталлар (уйча ва автобус)ни ёпиштирган ҳолда, қоғоз варағини икки тенг қисмга буқишни машқ қилиш (уйча, автобус).

Турли рангли деталлардан фойдаланиб, майда ва йирик қуриш-ясаш материалларини қўллаган ҳолда қуриш-ясаш ишларини амалга оширишга ўргатиш.

Табиий материаллардан турли нарса-буюмлар тайёрлаш, уларнинг қисмларини мустақамлаш учун пластилин ва елимдан фойдаланиш (қайиқча, қалпоқча).

Ўқув йили охирида бола:

- нарса ва ҳодисалар тасвирини қатъий шаклларда, турли тасвирий фаолият материаллари: рангли қалам, фломастер, акварел бўёқ, мўйқалам

кабилардан фойдаланиб, расмга мос ва чиройли ранглари танлаш ва кўллаш билиши;

- нарсалар қурилиши, шакли, қисмларининг жойлаштирилиши, ҳажмига кўра ўзаро мослигини расмда тўғри ифодалаш;
- расмда бир неча нарсаларни уйғунлаштириш, қоғоз бўйлаб уларни тўғри жойлаштириш (бир чизик бўйлаб ёки қоғознинг бор бўйича) ҳамда расмга танланган сюжетга мувофиқ унча мураккаб бўлмаган сюжетларни тақдим эта олиши;
- ўйинчоқ силуетларни Ҳамро буви ўйинчоқларига ўхшаш элементлар билан безаш, турмуш нарса-ҳодисалари воситасида нақшлар яратиши;
- ўз иш ўрнини тартибли сақлаши, ишини тугатгач, столини йиғиштириб қўйиши;
- ягона сюжетли композицияга уйғунлаштирган ҳолда, турли усуллар (ёйиш, чимдиш, тортиш, чўзиш, чаплаш, эзгилаш, сиқиш кабилар)ни кўллаб, пластик материаллар (лой, мум кабилар)дан ҳар-хил ўйинчоқларнинг тимсолларини ҳамда нарса-буюмларни ясаш. Иш жараёнида ҳайкалтарошлик қаламидан фойдаланиши;
- кайчини тўғри ушлаш, у билан тўғри, диагонал – квадрат, тўғри бурчак шакллари қирқиш, қиялатиб қирқишни билиши;
- бир неча қисмдан ташкил топган нарсаларни таркибий қисмларга ажратиш ва елимлаши;
- хоҳишга кўра ёки танланган нарса рангига мувофиқ қоғознинг ранг-тусини танлаши;
- тўртбурчак, доира шаклидаги ўсимлик ва геометрик шаклларни ранг-туси, катталиги, шаклини ҳисобга олган ҳолда, навбатма-навбат қўйиб тасмага елимлаш ва нақш ҳосил қилиши, бунда тасмага геометрик ва ўсимлик шакллари навбати билан ёпиштирилади, уларнинг ранг-туси, шакли, ҳажми ҳисобга олинади);
- қуриш-ясаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, (пол ва столда турадиган) қурилиш материалларидан фойдаланишни билиши;
- тарбиячининг топшириғига кўра қурилиш дизайнини амалга ошириши.

Музыка

Музыка тинглаш. Болаларнинг музыка тинглашга қизиқишларини ривожлантириш. Тингланган асарнинг мазмуни ва характерини ажратиш, суҳбат қуриш ва ўз тасуротлари билан ўртоқлашишга ўргатиш. “Какку” (Х.Мухамедов), “Касал кўғирчоқ” (П.Чайковский).

Товушлардан оҳанглар, оҳанглардан эса куй ҳосил бўлиши ҳақида тасаввурга эга бўлиш. Болаларни мусикий асарнинг 2 қисмли шакли билан таништириш, қисмлар ўзгаришини фарқлаш, музыка асарини мазмунини англашга ўргатиш. “Қор” (Ш.Ёрматов), “Кўғирчоғим алла-ё” (Х. Мухамедов).

Асар кайфияти ва уни очиб берувчи ифода воситалари ҳақида суҳбатлар ташкил қилиш (“Кўнғироқчалар” В. Моцарт, “Арқон сакраш” А. Хачатурян), халқ куйларидаги халқона оҳанглар билан таништириш (“Норим-норим”, “Дўлонча” ўзбек халқ куйи, “Чаманда гул” ўзбек халқ кўшиғи,). Тинглаш учун куйидаги асарлар тавсия этилади: “Айик ва қушчалар” (Р. Ребиков), “Қувноқ ракс” (А.Берлин), “Бинафша” (Ғ.Қодиров), “Барабан” (В. Кубинская), “Улоқчам” (С.

Бобоев), “Типратиков” Н. Норхўжаев.

Муסיкий-ритмик ҳаракатлар. Муסיқа асарларининг қисмлар ўзгаришига қараб ҳаракатларни ўзгартириш, марш, кўшиқ, рақс қуйларига мос ҳаракатларни бажариш, бошловчининг кетидан муסיқага мос юриш, югуриш ва сакраш. Рақс ҳаракатларининг номларини билиш ва уларни бажаришда кўл ҳаракатларини эркин ва майин бўлишига ўргатиш.

4-5 ҳаракатни кетма-кет, ўзаро бир-бирига боғлаб ҳамда муסיқага мослаб ижро эта олиш. Рақсларда кайфиятларни билдирувчи ҳаракатлардан “йўқ”, “аразлаш”, “ярашиш” ва ҳ.к. ифода этиш, юз, кўз имо-нишорасининг берилган кайфиятга мос бўлишига ўргатиш. Гуруҳ бўлиб, кичик гуруҳларга бўлиниб, яқка ҳолда ҳаракатланишга ўргатиш, хонанинг бир қисмидан иккинчи қисмига (марказдан бурчакка, ўнгдан чапга ва ҳ.к.) ўтишда ўз ҳаракатларини бошқара олиш.

Болаларни доира бўйлаб ҳаракатланиш, юриш ва енгил югуришга ўтиш, доирада машқлар бажариш, бир оёқни олдинга чиқариб, товонига қўйиш ўргатиш. Турли атрибутлар билан машқлар бажариш. (“Баргчалар”, “Доирачалар билан рақс (“Шикилдоқлар билан рақс”, “Тасмалар билан рақс “Туллар билан рақс”)),

Халқ ўйинларини ўргатиш.

Рақс. Болаларни йил бошида сочма, бир жойдаги рақслардан (“Ярашамиз “Қўғирчоқлар рақси”, “Ўйнайман» М Икрамова”) секин-аста доира бўйлаб ҳаракатланиб ижро этиладиган рақсларни “Қорпарчалар рақси”, “Пахтаой” узб халқ муסיкаси «Рўмолим» ўзбек халқ куйи, ўргатиб бориш.

Жуфтли рақслар ижро этиш (“Ўтирамиз-турамиз”, “Полька”), алоҳида ўғил болалар ва қиз болалар ҳаракатларидан тузилган рақсларни ўргатиш, халқ лапарларидан айрим намуналар билан таништириш.

Кўшиқ айтиш. Кўшиқнинг сўзларини аниқ ва дона-дона талаффуз этиш, ижрочилик кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, биргаликда қуйлаш, ансамбл ва яқка ҳолда қуйлаш кўникмаларини ҳосил қилиш. “Куз”, “Сарик баргчалар”, “Қувноқ болалар кўшиғи” (М.Икрамова), “Пахтаой”, “Богчамиз” (Ғ.Қодиров), “Шамол” (С.Абрамова).

Қуйлаш вақтида елка, бош ва оёқларни тўғри тутиш ва тўғри нафас олишга ўргатиш. Болаларнинг овозларига шикаст етказмай, секин-аста ривожлантириш. “Қорбобо”, “Қуёнлар” (Ғ.Қодиров), “Олма” (К.Абдуллаев), “Оппоқ қантим” (Д.Зокиров), “Бир, икки, уч” (Н. Норхўжаев), “Иноқ ўйнаймиз” (Ф. Назаров), “Этикчам”, “Чилдирма” (Д.Омонуллаева).

Кўшиқ репертуарини болаларнинг ёшига мос турли мавзудаги кўшиқлар билан бойитиб, уларнинг нутқ ва тафаккурлари, теварак-атроф, байрам ва сайллар, урф-одатлар ҳақидаги билимларини бойитиб бориш, она Ватанга меҳр-муҳаббат ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш. “Дўмбоқчалар кўшиғи” (Х.Раҳимов), “Онажон” “Кўзмунчок” (З.Қаюмова), “Арча” (А.Берлин), “Биринчи қор», «Қурбака» Д.Омонуллаева “Келди яна баҳорой”, “Юртимда байрам бўлсин” (Л.Турсунова), “Турналар”, “Камалак”, “Баҳор гуллари” (М.Икрамова), “Шамол” (С.Абрамова), “Кўшиғимиз авжида” (Т.Азимов), “Саъва” (С.Абрамова), “Чаманда гул” (ўзбек халқ кўшиғи “Тойчоғим” С.Бобоев, “Ёмгир томчилайти” Д. Омонуллаева).

Болалар қолғу асбоблари билан таништириш. Металлофон, доирача, ёғоч қошиқчалар билан таништириш. Уларнинг номларини, чалиш усулларини билиш, овозидан фарқлаш.

Товушлар ҳақида тушунча бериш, уларни фарқлашга ўргатиш.

Кўнғироқчалар, бубен, шиқилдоқчалар, каби болалар чолғуларида катталарга жўр бўлиб чалиш (“Оқ теракми, кўк терак” ўзбек халқ кўшиқлари, “Олатой” ўзбек халқ куйи, “Пьеса” А.Левиев, “Жўжаларим” М.Хусейнли (парча), “Марш” А.Муҳамедов (парча)).

Мусикий таълимий ўйин. Болаларни чакқонлик, зийракликка чорлаш билан бир вақтда мусикани диққат эътиборни ривожлантирувчи “Рўмолчани узат”, “Тулки ва товуклар”, “Куёнлар ва айик”, “Оқ теракми-кўк терак” ўйинларини ташкил қилиш. Давра кўшиқларида мустақил ҳаракатланишга ўргатиш (“Баҳор гуллари” М.Иқромова).

Мусикий-таълимий ўйинлардан “Мусиқали сандиқча”, “Исмингни куйлаб бер”, “Қайси чолғу яширинган”, “Кўнғироқчалар”, “Юрамиз-югурамиз”, “Ўрмонда”, “Куёш ва булут”, “Мушук ва мушукчалар”, “Куш ва кушчалар”, “Кувноқ мусиқачилар”, “Капалаклар ва гуллар”, “Кўғирчоқ-ўйинчоқ”, “Ким келяпти”, “Қайси чолғу чаялпти” «Кувноқ паровоз» ўйинларини такшил этиш.

Мусиқага оид маълумотлар. Болаларда мусиқий ва шовқин товушлар ҳақида тасаввур пайдо қилиш ва уларни фарқлашга ўргатиш. Товушнинг баланглик, тембр, динамик хусусиятларини болаларнинг ёшлари ва имкониятларига мос ҳолда тушунтириш.

Фортепиано, доира чолғулари ҳамда металлофон, бубен, кўнғироқча каби болалар чолғулари билан таништириш, улар ижросидаги куйлардан баҳраманд қилиш.

Марш, ракс, кўшиқ ҳақида илк тушунчалар ҳосил қилиш.

Ўқув йили охирида бола:

- айрим чолғу асбобларида чалиш усулларини билади;
- айрим чолғу асбобларини овоз тембридан фарқлай олади;
- болалар чолғуларидан ташкил топган оркестрда катталар ёрдамида иштирок эта олади;
- ўз ҳаракатларини мусиқага мослай олади.
- хор бўлиб, ансамбл ва яқка ҳолда куйлайди;
- фортепиано, доира, карнай чолғу асбобларини кўриниши ва овозидан фарқлайди, номларини билади;

4-5 ёшли болалар билан ўтказиладиган эрталиклар

	Эрталиклар	Ўтказиш вақти
1	Меҳржон байрами	25-октябрь-5 ноябрь
2	Арча байрами	25-декабрь-30-декабрь
3	Онажонлар байрами	5-7 март
4	1-июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни	1-июнь

Ўйин фаолияти

Воқеабанд-ролли ўйинлар. Ўйин мазмунини бойитиш ва ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишни давом эттириш: билвосита раҳбарлик методларидан фойдаланган ҳолда, болаларни мустақил тарзда ўйин ғояларини яратишга олиб келиш.

Тарбиячи билан бирга ўйналадиган ва 2–3 та ролни ўз ичига олган ўйинларда биллаша олиш, ролларни бўлиш (она, ота, болалар), ўйин ҳаракатларини бажариш, кондаларга ва умумий ўйин ғоясига мос тарзда ҳаракат қилиш кўникмаларини

такомиллаштириш.

Ўйин учун зарур нарсаларни ва анжомларни танлашга ўргатиш.

Мактабгача ёшдаги болаларда воқеабанд–ролли ўйинда қурилиш материалларидан яратилган қурилмалардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш. Болаларни турли мураккабликдаги тузилмаларни қуришга ундаш (масалан, бир неча машиналар учун гараж, 2–3 қаватли уй, машиналар ёки поездлар ўтиши учун мўлжалланган, икки йўналишда ҳаракатланадиган кенг кўприк ва б.)

Болаларни нима қуриш ҳақида келишиб олишга, материалларни ўзаро бўлиб олишга, ҳаракатларни мувофиқлаштиришга ва биргаликдаги уринишлар орқали натижага эришишга ўргатиш.

Болалар ўртасидаги дўстона муносабатларни тарбиялаш, ўртоқларнинг манфаатлари билан ҳисоблашиш кўникмаларини ривожлантириш.

Болаларнинг рол танлашда, ғояни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, анжомлардан фойдаланишдаги мустақил ҳаракат соҳаларини кенгайтириш; ўйновчиларнинг катталар касбий фаолиятини мушоҳада қилишлари ҳисобига ижтимоий муносабатларни ривожлантириш.

Ҳаракатли ўйинлар. Болаларнинг ҳаракатли фаолиятидаги фаоллигини, яъни эпчиллигини, тезкорлигини, маконда мўлжал ола билиш қабиларини ривожлантиришда давом этиш;

Тенгдошларининг унча катта бўлмаган гуруҳи билан ўйналадиган таниш ўйинни ташкил қилишдаги мустақиллигини тарбиялаш.

Қойдаларга мустақил роля қилишга ўргатиш.

Ўйинларда болаларнинг ижодий қобилиятларини (ўйин вариантларини ўйлаб топиш, ҳаракатларни алмаштира билиш) ривожлантириш.

Саҳналаштириш ўйинлари. Янада мураккаброқ ўйин кўникмалари ва малакаларини (бадиий образни идрок қила билиш, персонажларнинг ривожланиши ва ўзаро ҳаракатланишини кузатиш қобилиятларини) қўлга киритиш орқали болаларнинг театрлаштирилган ўйинларга бўлган қизиқишларини ривожлантиришда ва қўллаб–қувватлашда давом этиш.

Муסיқий, сўз, кўриш образларидан фойдаланган ҳолда зарур бўлган руҳий сифатларни (идрок қилиш, тасаввур қилиш, диққат, тафаккур), ижрочилик кўникмаларини (ролга кириш, тасаввурдаги муҳитда ҳаракатланиш кўникмаси) ва сезгиларни (мушак ва ҳиссий) ривожлантириш учун саҳна машқларини ўтказиш.

Болаларни таниш адабий асарлар бўйича оддий парчаларни саҳналаштиришга ўргатиш, образни акс эттириш учун маълум ифода воситаларидан (оҳанг, юз ҳаракати, имо–ишора) фойдаланиш.

Болаларни ролни, сюжетни, ролга кириш воситаларини танлашда ташаббус кўрсатиш ва мустақилликка ундаш, битта образни яратиш учун синов ишларини ўтказишга имкон бериш.

Асар қаҳрамонининг ҳис–туйғу ҳолатини сезиш ва тушуниш, бошқа персонажлар билан ролли муносабатларга киришишга ўргатиш.

Ҳар бир боланинг ўйнаётган роли миқдори ва табиатини кузатиш орқали театрлаштирилган фаолиятда ҳар томонлама ривожланишига ёрдам бериш.

Узоқ давом этадиган ўйинга бир неча болаларни бирлаштиришга имкон бериш, жой, ўйин анжомларини тақдим этиш орқали режиссёрлик ўйинини ривожлантиришга ёрдам бериш.

Болаларни театрлаштирилган ўйинларда образли ўйинчоқлардан, лойдан,

пластмассадан, пластилидан мустақил ясалган, киндер–совгадан чиққан ўйинчоқлардан фойдаланишга ўргатиш.

Ҳиссий–таъсирий тажрибани тўплаш, спектаклда қўлланадиган ифода воситаларини болаларнинг тушунишлари учун катталарнинг педагогик театри имкониятларидан фойдаланишни давом эттириш.

Таълимий ўйинлар. Нарсаларни ташқи белгилари бўйича қиёслаш, гуруҳлаш, қисмлардан (кубчалар, мозаика, пазллар) бутунни тузиш кўникмаларини такомиллаштириб бориб, нарсаларнинг хоссалари ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлашга йўналтирилган дидактик ўйинларга болаларни ўргатиш.

Болаларнинг тери орқали сезиш, эшитиш, таъм билиш сезгиларини ривожлантириш (“Ушлаб кўриш(таъм, чиқарган овози) орқали аниқла”). Кузатувчанликни ва диққатни ривожлантириш (“Нима ўзгарди?”, “Халқача кимда?”).

Болаларнинг оддий столда ўйналадиган ва босма ўйинларни ўзлаштиришга бўлган интилишларини рағбатлантириш (“Домино”, “Лото”).

Ўқув йили охирида бола:

- Ўйин учун бирлашиб, ролни қабул қилиши, ролда ўзини тутиш усулларини эгаллаши;
- ролдаги ўзаро тенг тобеликка риоя қилиш (сотувчи харидор) ва ролли мулоқот юритиш;
- ўзаро муносабатда бўлиб, ташаббус кўрсатиш ва янги ролларни ёки ҳаракатларни таклиф қилиш, сюжетни бойитиш;
- дидактик ўйинларда кийинчиликларга чидаш, қондаларга риоя қилиш;
- стол усти ва босма ўйинларда етакчилик ролини ўйнаш (йил охирига бориб), тенгдошларига ўйин қондаларини тушунтириш;
- театрда (кўғирчоқ, драматик) бадиий образни тўғриликча қабул қилиш;
- мустақил театрлаштирилган (режиссёрлик, драматик) ўйинларда унинг ўтказиладиган жойини безаш, бадиий ифода воситаларидан(ҳаракат, оҳанг, юз ҳаракати), анжомлардан, реквизитлардан фойдаланган ҳолда ролга кириш;
- театр касблари ҳақида дастлабки оддий тасаввурларга эга бўлиш.

КАТТА ГУРУҲ

5-6 ёш болаларнинг ривожланиш хусусиятлари

Бу даврда боланинг бўйи бу даврда 7-8 см га ўсади. Унинг оёқлари гавдасига нисбатан тезроқ ривожланади, оғирлиги 20-22 кг ни ташкил этади. Болаларнинг умуртқа суяклари котмаганлиги туфайли тез қийшайиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам суякларнинг тўғри ўсишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак. Уларнинг юраги чақалоқ юрагига нисбатан 4-5 баробар катталашган, бироқ мускуллари ҳали етарли даражада мустаҳкамланмаган бўлади. Олти ёшга етганда мия пўстлогининг асаб катакчалари ривожланиб, оғирлиги ва ташқи кўринишидан катталарникига яқинлашади. Шунинг учун ҳам боланинг асабларига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Унинг талаффузи аниқ, нутқи раvon бўлишини таъминлаш керак. Боланинг бу фаолиятида нуқсон бўлган тақдирда унинг олдини олиш чораларини кўриш лозим. Бу ёшдаги болаларнинг сўз бойлигининг ривожланишига алоҳида эътибор бериш лозим. Уларнинг нутқидаги сўзлар боланинг фикр ифодалаш эҳтиёжларини тўла қондириши керак. Бу даврда

болаларнинг математик тафаккури, ҳисоблаш кўникмаларини ривожланиши лозим. Дастлабки иқтисодий тушунчаларга эҳтиёж сезилади. Боланинг фарз қилиш қобилиятини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Жисмоний ривожланиш

Тарбиячи жисмоний тарбия фаолиятига оид турли усуллари болалар билан биргаликда уларнинг хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда танлаши мақсадга мувофиқдир. Уларни жисмоний тарбия бўйича машқларни онгли равишда тушуниб, аниқ ва тўғри бажаришга, ҳаракатли ўйинларнинг қоидаларига риоя этишга ўргатиш, енгил юриш ва югуришга, юриш вақтида таянчга кучлироқ таяниб итарилиб чопишга, оёқни баландроқ кўтариш, қадам оралиғини ошириш учун секин, ўртача тезликда, тез югуришга, югуриш вақтида, турли тўсиқлардан сакраб ўтишга ўргатиш.

Югуриб келиб баландлик ва узунликка сакраш, сакрашнинг турига қараб ерга тушиш, тушаётган вақтда ўзини йиғиштириб олиш кўникмаларини шакллантириш, бир қўл билан коптокни отиш ва илиб олишга, бирор буюмни қулочкашлаб отишни, ирғитиб ташлаш билан бирга қўшиб олиб боришга, тирмашиб чиқиш ва тушишнинг турли хил усуллари ўргатиш, болани ўз ҳаракатини бажаришга, таҳлил қилишга, ўзга болалар хатти-ҳаракати билан қиёслашга, қоматни тўғри тутишга, мускулларни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи машқларни бажаришга ўргатиш.

Болаларни велосипедда учиш, сузишга оид турли усуллар, ҳар хил спорт ўйинларининг қонун қоидаларини қисқача ўргатиб бориш. Ўйинда ўзлаштирилган қоидаларга риоя қилишларига ҳам имконият яратиш. Кураш тушишининг айрим усуллари, қоидаларини ўргатиш. (Масалан, самбо усуллари).

Жисмоний сифатларни ўстириш, мувозанат сақлаш, ҳаракатни бошқариш ҳамда фазода мўлжалга олишни шакллантиришни давом эттириш лозим.

Уюшқоқлик, фаоллик, мустақиллик, дўстона муносабатлари ва ўзаро ёрдам қабиларни тарбиялаш. Спортнинг турли хиллари билан таништириш машҳур спортчилар билан қисқача таништириш уларнинг ҳаётига оид қизиқарли воқеаларни сўзлаб бериш шу орқали болалар қалбида спортга нисбатан муҳаббатни уйғотиш.

Асосий ҳаракатлар

Юришни машқ қилиш. Турли усулларда ярим ўтирган ҳолда товонда бармоқ учлари билан қадам ташлаб турли томонга оёқни ёнлама қилиб, қарсақ чалиб юриш, оёқ учида, қўлларни бош орқасига қўйиб юриш. Кўзни юмган ҳолда 3-4 метр масофани ўтиш, оёқларни чалиштириб юриш. Ҳаракатларни бажариб юриш.

Югуришни машқ қилиш. Оёқ учида кичик ва катта қадам ташлаб тўсиқларни ошиб ёки айланиб ўтиш, югуриш вақтида турли буюмлар орасида илон изи бўлиб югуриш (югуриш 1,5-2 дақиқа давом этади) ҳамда 60-100 метрга ўрта тезликда югуриш.

Сакрашни машқ қилдириш. Турган жойда оёқни жуфтлаб сакраш, оёқни чалиштириб тўғирлаб, галма-галдан ўнг ёки чап оёқдан сакраш, оёқни жуфтлаб ёнламасига пастроқ тўсиқ устидан сакраб ўтиш: гоҳ ўнг оёқда, гоҳ чап оёқда сакраш, 80 см узунликка сакраш югуриб келиб баландликка узунликка сакраш,

кимирлаб турган ва кимирламай турган арғимчок устидан сакраш.

Отиб ва илиб олиш иргитишни машқ қилдириш. Тўп билан бажариладиган машқларни мукамаллаштириш. Тўпни кетма-кет 1 метр юқорига отишга ўргатиш. Тўпни ерга ташлаш ва икки қўл билан илиб олиш, юқорига отиб то тушгунга қадар қарсақ чалишга улгуриш, кетма-кет 10 марта ерга уриб ўйнаш. Турли усулларда илиб олиш, оғир тўпларни думалатиш кабиларни ўргатиш.

Эмаклаш ва ўрмалаб чиқишни машқ қилиш. Тўрт оёқлаган ҳолда бош билан тўпни 3-4метр масофага итариш. Тўсиклар устидан эмаклаб ўтиш ўриндик устида орқага ва олдинга эмаклаш, қорин билан силжиш ўриндик остидан эмаклаб ўтиш, силжиш турларини алмаштириб туриш гимнастика деворига чаққон чиқиш арқонни ушлаб осилиш. Ётган ҳолатни эгаллаш шунингдек, эмаклаб ўтиш, нарвонга тез чиқиб тушиш, тирмашиб чиқишнинг турли усулларидан фойдаланиб нарвонга чиқиш ва тушиш арқонга имкони борича юқорига тирмашиб чиқиш.

Мувозанат қилишни машқ қилиш. Чекланган тор йўл бўйлаб ёнлама қадам қўйиб, биринчи оёқ товонига иккинчи оёқ учини текизиб ўтиш, бошга қум халтачани қўйиб қия тахта устидан тўғри ва ёнлама юриш, қия тахта устида оёқ учиди чошиб чиқиш ва орқага қайтиб тушиш (дор ўйини) Гимнастика ўриндигида тик туриш ва оёқ учиди кўтарилиш, сўнг товонга оғирликни ташлаб ўтириш, орқага айланиш “Қалдирғоч бўлиб туриш” гимнастика ўриндиги устидан юриб ўтиш, қўлни-қўлга бериб жуфт бўлиб айланиш.

Велосипед ҳайдаш. 2 ёки 3 гилдиракли велосипедда тўғри, муюлишлар билан, айлана қилиб, илонсимон усулда ҳайдашга ўргатиш.

Умумривожлантирувчи машқлар

Қўл ва елка камари мускули учун машқлар. Дастлабки ҳолат: қўллар кўкрак олдида, қўллар елкада, тирсақлар туширилган биринчи ҳолатдан ён томонга чўзиш, қўлларни тирсақдан букиш ва тўғрилаш иккинчи ҳолатдан қўлларни юқорига кўтариш, қўлларни бош орқасига қўйган ҳолатдан ён томонга ёзиш, юқорига кўтариш қўлларни олдинга, бармоқларни кулф қилган ҳолда (бармоқларнинг ташқи томонини ичкарига буриб) қўлларни олдинга ва юқорига кўтариш, иккала қўлни галма-гал бир вақтда юқорига кўтариш ва орқага узатиш, бармоқларни букиш ва ёзиш.

Оёқ учун машқлар. Турган жойда қадам ташлаш кетма-кет бир неча марта ўтириб туриш, оёқ бармоқлари билан майда нарсаларни қисиб олиб кўтариш ва пастга тушуриш;

Уларни бир жойдан иккинчи жойга қўйиш, оёқ учлари билан таёққа суяниб, оёқ товонларини қадамлаб ён томонга қўйиш.

Гавда учун машқлар. Деворга ёпишиб тик туриш қўлларни юқорига кўтариш ва тушириш, гимнастика деворига елка билан ёпишиб туриш, букилган ва ёзилган ҳолда оёқни навбати билан кўтариш, олдинга букилиб, энгашиш, таяниб ўтириш, бир оёқда таяниб ўтириш ҳолатига ўтиш ва иккинчисини ён томонга узатиш. Чалқанча ётиб бир-бирига чалиштириб ҳаракат қилдириш, ўтирган ҳолда бошни оёқкача энгаштириш, қоринга ётган ҳолда қўлларга тираниш, бош, елкани кўтариб иккала қўлни тўғрилаш ҳамда гимнастика деворига осилиб гавдани кўтариш.

Сафланиш ва қайта сафланиш. Мустақил равишда сафга, қаторга туриш, икки гуруҳга жуфт бўлиб туриш ва ундан сўнг айлана бўйлаб туриш, бир сафдан, бир неча гуруҳга бўлиниш ва қайта сафланиш, чап ва ўнгга қайта сафланиш, чап ва ўнгга қадам ташлаб бурилишлар қилиш. Оёқ учига қараб текисланиш бурчак

ҳосил қилиб кетма-кет юриш, диагонал ҳосил қилиб юриш.

Спорт машқлари. Велосипед учиш.

Сузиш. Сувда нафас чиқариш, қўл ҳаракатларини ўрганиш ҳамда эркин усулда сузиш.

Сувдаги ўйинлар. “Қутича”, “Денгиздаги тўлқинлар”

Чиниктириш ва соғломлаштириш

Эрталабки гигиеник бадантарбия машқлари. Ҳар куни катталар назоратида эрталабки бадантарбия машқларини бажариш. Бадантарбия машқларини очик ҳавода гиламча устида, енгил кийимда предметлар билан ва уларсиз бажариш, машқларни сув муолажалари билан тугаллаш. Муайян изчилликда, аниқ, шиддат билан мускулларни таранг ҳолга келтириш, машқларни, коматни тўғри тутган ҳолда бажариш.

Чиниктириш. Хонада енгил кийимда бўлиш, деразанинг кичик дарчасини очиб қўйиш. Эрталабки бадантарбия машқларини ҳар куни, ҳар қандай ҳавода бажариш. Кийим ва пойафзални мавсумга ва машқ турига мувофиқ танлаш. Юз, бўйин, қўлни тирсаккача совуқ сув билан ювиш. Бадантарбиядан сўнг дарҳол губка ёки уй ҳароратдаги сувда ҳўлланган кичикроқ пахмок сочиқ билан тана аъзоларини артиш: аввал қўлларни, кейин баданни курук сочиқ билан тана қизаргунча, тезда курук қилиб артиш. Фақат катталарнинг руҳсати билан чўмилиш, катталарнинг назорати остида чўмилишнинг асосий қоидаларига риоя қилиш. Ялангоёқ юрганда оёқни шикастлантириш хавфи йўқ жойларда юриш. Чиниктириш қоидаларини онгли равишда бажариш.

Қоматни тўғри тутиш кўникмасини тарбиялаш. Эрталабки бадантарбия машқларини мунтазам равишда бажариб туриш. Бадантарбия машқлари таркибига тўғри қоматни шакллантирадиган, ясситовонликнинг олдини оладиган машқларни киритиш (катталар билан биргаликда). Тўғри қоматни мустақил назорат қилиб бориш қоидаларига риоя қилиш: орқа билан деворга суяниб, тик туриш, деворга елкани теккизиб туриш, юришда ана шундай ҳолатни сақлаш.

Ҳаракат тартиби. Узоқ давом этадиган сайрлар ва экскурсияларда иштирок этиш. Бадантарбия машқларини бажариш. Ҳаракатли ўйинларда фаол қатнашиш. Машғулотлардан ташқари ҳаракатли ўйинлар ўйнаш.

Ҳаракатли ўйинлар

Югуриб ўйналадиган ўйинлар: “Қувлашмачок”, “Ғозлар”, “Айёр тулки”, “Қуён уйчаси”, “Оқ теракми – кўк терак”

Сакраш ўйинлари: “Нима баланд”, “Ерда турма”, “Сакрайди-сакрамайди?”

Эмаклашга оид ўйинлар: “Байроқчага ким биринчи етади”, “Ўт ўчирувчилар”

Иргитишга доир ўйинлар: “Овчилар ва қуёнлар”, “Халкага тушир”, “Коптокни уриб чиқар”, “Чиллак”

Ўйин эстафеталар: “Нишонни мўлжалга ол”, “Тўсиқли йўлакча”

Эрмак ўйинлар: ўзбек халқ ўйинлари

Спорт ўйинлари: Баскетбол, бадминтон, футбол, хоккей

Гигиена ва ўз-ўзига хизмат

Тахминий кун тартиби

7.00 – 7.30	Ўриндан туриш, эрталабки ювиниб – тараниш (уйда)
7.30 – 8.30	Қабул, соғлигини текшириш, ўйинлар, эрталабки бадантарбия
8.30 – 8.55	Нонушта
8.55 – 9.10	Ўйинлар, машғулотларга тайёргарлик
9.10 – 10.40	Машғулотлар
10.40 – 11.00	Сайрга тайёргарлик
11.00 – 12.35	Сайр
12.35 – 12.50	Сайрдан қайтиш
12.50 – 13.20	Тушлик
13.20 – 15.20	Уйку
15.20 – 15.50	Уйкудан туриш, ювиниш
15.50 – 16.10	Енгил 2 -тушлик
16.10 – 16.40	Ўйинлар, мустақил фаолият
16.40 – 17.00	Сайрга тайёргарлик
17.00 – 18.10	Сайр
18.10 – 18.20	Сайрдан қайтиш
18.20 - 18.45	Кечки овқат
18.45 – 19.30	Ўйинлар, болаларни уйга кетиши
19.30 – 20.00	Сайр (уйда)
20.00 – 20.30	Тинч ўйинлар, гигиеник процедуралар (уйда)
20.30 – 6.30 (7.00)	Тунги уйкуга тайёрланиш, тунги уйку (уйда)

Ухлаш гигиенаси. Айнан бир вақтда ухлашга ётиш, ухлаш олдидан ювиниш, алоҳида ўринда ухлаш.

Шахсий гигиена. Қўлларни овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва ифлосланганда ювиш. Фақат индивидуал (ўзининг) тароқдан фойдаланган ҳолда тараниб юришни билиш. Уйкудан олдин ва кейин тишни мустақил равишда тозалаш. Овқатдан кейин оғиз ва томоқни чайиш. Қаттиқ жисмларни тишламаслик.

Овқатланиш гигиенаси. Тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш. Санчки, қошиқдан фойдалана билиш. Тартибли овқат ейиш, сочиқдан фойдаланиш. Ошхона жиҳозлари, сочиқдан тўғри фойдалана олиш, тартибли овқатланиш, овқат вақтида гавдани тўғри тутиш. Идиш-товокни столдан йиғиштириб олиш ва ювиб қўйиш.

Маданий – гигиеник кўникмаларни эгаллаш ва ўз-ўзига хизмат қилиш. Мустақил равишда ювиниш, қўлларнинг тозалигига риоя қилиш. Кичкинтойларга қандай қилиб юз – қўлларни тўғри ювишни кўрсатиб бериш. Тишларни тўғри тозалаб, тараниш, дастрўмолдан фойдаланиш. Овқатдан сўнг оғизни чайиш.

Мустақилликни намоён қила билиш. Батартиблик, ҳамиша чиройли кўринишга эга бўлиш иштиёки. Кийимларни тартибли равишда ечиб, уларни жойига осиб қўйиш. Ўнг ва чап оёқ пойабзалларини фарқлай билиш, уларни тўғри кийиш. Кўзгуга қараб кийимларидаги камчиликларни баргараф этиш, дастрўмолдан тўғри фойдалана олиш. Хонада тартиб ва озодаликни сақлаш, кийимларни тоза

ва тартибли кийиш. Тенгдошларининг кийимларидаги тартибсизликларга барҳам бериш. Озодалик ва тартибга одатланишни тарбиялаш. Шахсий буюмларини ювишни ва тугма қадашни билиш, ўйнаб бўлгандан сўнг ўйинчоқларни жойига олиб қўйиш, уларни эҳтиётлаш ва тоза сақлаш.

Ўзига хос гигиена. Шамоллатилган хонада тоза ўрин – кўрпада ухлаш. Эргалаб бадантарбия машқларини бажариш, сув муолажалари билан шугулланиш. Уйқу чоғида кўлларни кўрпа устига чиқариб ётиш. Ичакларни ва қовуқни ўз вақтида бўшатиб, ҳожатхонадан батартиб равишда фойдаланиш. Бурунни тоза сақлаш. Қўл, оёқ ва бадан учун фойдаланиладиган сочиқларни фарқлашга одатлантириш.

Тирноқларни тишламаслик, қалам ва бошқа буюмларни оғзига солмаслик. Бармоқлар, тил, соч толаларни сўрмаслик.

Шикастланишнинг олдини олиш. Йўлакдан ва кўчадан ўтаётганда (катталар билан биргаликда) эҳтиёткорликка риоя қилиш. Кўчанинг одам ва машиналар ўтадиган жойида ўйнамаслик, велосипедда учмаслик, йўлак ўртасида туриб гаплашмаслик. Транспортдан тушишда эҳтиёт бўлиш, трамвайнинг олдида, автобуснинг орқасидан ўтиш.

Дарахтларга чиқмаслик. Зинанинг панжарасини ушлаб тушиш. Қайчидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш. Юриш, чопиш вақтида енгил ҳаракат қилишни ривожлантириш, энг оддий хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш. Ҳаракатни мувофиқлаштириш, фазода мўлжал олиш (бошқаларга ҳалақит бермаслик, маълум бир йўналишда муайян жойгача юриб бориш). Ҳаракатлардаги чаққонлик (тўпни думалатиш, кеглиларни уриб тушириш)ни ривожлантириш, хавфсизликнинг оддий қоидаларига амал қилиш. Нотаниш жойда чўмилмаслик, сув кўкракдан келадиган жойдан нарига кетмаслик, шўнгимаслик.

Рўй берган барча бахтсиз ҳодисалар, шикастланишлар ҳақида катталарга хабар бериш.

Катта гуруҳ (5-6 ёш)

№	Машғулот номи	Ўқув йили давомида				
		ҳафтада	бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	Жами
1	Атроф олам билан таништириш	2	8	32	40	72
2	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3	Нутқ ўстириш	2	8	32	40	72
4	Бадий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
5	Илк математик тасавурларни шакллантириш	1	4	16	20	36
6	Расм	2	8	32	40	72

7	Апликация	0,5	2	8	10	18
8	Куриш-ясаш(қўл меҳнати*)	0,5	2	8	10	18
9	Лой иши	1	4	16	20	36
	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
10	Мусиқа	2	8	32	40	72
	Жами	14	56	224	280	504

Ижтимоий- ҳиссий ривожланиш

Катталар билан мулоқот. Катталар ва болалар билан ўйин ва бошқа фаолиятлари орқали ҳиссий жиҳатидан мазмунли мулоқотни ташкил қилиш.

Жамоада ўзини тутишга ўргатиш, агар инсон чарчаса, нимадандир аразласа, кайфияти бузилса, жадли чиқса унинг кайфиятини сезиш қобилиятини шакллантириш.

Инсонларнинг театр, музей, кўргазма, транспорт, почта, банк, стадион, магазинда ўзини тутиш ҳақидаги видеофилмларни, расмларни кўрсатиш орқали ўзини тута билиш ҳақидаги билимларини кенгайтириш, шунингдек болалар муассасасидаги ўйинлари, машғулоти, байрамлари ҳақидаги махсус тасвирланган видеофилмлар орқали тасаввурларини кенгайтириш. Музей, театр, кўргазмалар, сайр ва экскурсияларни ташкил қилиш воситасида катталар ва тенгдошлари дунёси билан қизиқтиришни тарбиялаш.

Катталарнинг ҳиссий ҳолатини (суюниш, гурурланиш, тинч ҳолат, жадли чиқиши) ҳис қилиш имкониятини шакллантириш.

Бошқа болаларнинг илтимосларини бажаришга интилишини қўллаб-қувватлаш, таклифларга жавоб беришни тарбиялаш.

Ўз ихтиёри билан саломлаша билиш, катталарга, тенгдошига миннатдорчилик билдириш.

Мурожаат қилишнинг турли муқобил шаклларида фойдаланиш:

“Ассалому алайкум”, “Ҳайрли тонг”, “Ҳайрли кун”, “Лаббай”, “Хўп бўлади” “Кўришгунча”, “Яхши боринг”, “Раҳмат”, “Илтимос,...”, “Ҳайр” каби бошқа сўзлар билан мурожаат қилиш.

Жамоада ўзини тутишни ўргатиш, агар инсон чарчаса, нимадандир аразласа, кайфияти бузилса, жадли чиқса унинг кайфиятини сезиш.

Тенгдошлари билан мулоқот. Мулоқотга кириша билиш, биргаликда ўйнашга интилиш бола ўз тенгдошлари ўртасида ўз ўрнини англай билиш.

Бунда тарбиячи:

- болаларда бир - бирларига нисбатан қизиқиш уйғота билиши, уларни жамоага бирлаштиришга ёрдам бериши;
- болаларнинг бир - бирига нисбатан самимий муносабатда бўлишларига интилиши;
- болаларни ўз фикрлари ва ҳиссиётларини сўз билан ифодалашини қўллаб қувватлаши;
- болаларда дўстона муносабатларни тарбиялаш, дўстини қўллаб-қувватлаш ҳиссини тарбиялаши;

- ижобий ҳис- туйғулар орқали ўртадаги низоларни енгишга ўргатиши лозим.
- ўз шахсини ҳаққоний баҳолаш, катталар билан самимий оҳангда сўзлаши, одоб билан саволларга жавоб бериш, тенгдошларини исми билан чакириши, кўполлик қилмаслик, ўртоқлари билан мулоқотда ўз фикрини ифода қила билиш, агар ўзи тушунмаса савол билан мурожаат қилиш, кичикинтойларга нисбатан яхши муносабатда бўлиши лозим. Ҳиссий ҳолатларни бошқариши, болалар билан ўзаро муносабатда қувона билиш ва завқлана олиши лозим.

Катталарнинг ҳиссий ҳолатини тушунишга интилиш ва ўзининг муносабатини билдира олиш.

Меҳнат фаолиятида ўртоғига ёрдам бериши, ўртоғининг ютуқлари билан қувониши, бошқаларнинг меҳнати натижаларига ҳурмат билан қараш каби сифатларни шакллантириш.

(“Мен хурсандман”, “Мен мамнунман”, “Менинг кайфиятим яхши”, “Менинг кайфиятим ёмон”, “Мени ранжитишди”) каби кайфиятини билдирувчи сўз билан ифодалашга ўргатиш. Ижобий ҳолатларни ҳам, салбий ҳолатларни ҳам очик сўз билан ифодалаш, бошқаларга нисбатан ўзининг таъсирини бола томонидан ижобий баҳолаш қобилиятини шакллантириш;

Тенгдошлари ва ўзлари томонидан содир қилинадиган ҳолатлари орқали катталар ва болалар хулқ-атворлари ҳиссий ҳолатлари, кайфиятини тасвирлай билиши лозим. “Мана бундай қилсак – бошқаларга ҳам, менга ҳам яхши бўлади”;

“Буни қилиш мумкин эмас, чунки у хафа бўлади” каби хулоса чиқаришга ўргатиш;

Жамият меъёрлари ва қонун-қоидалари билан мос ҳолда “яхши”, “мумкин”, “бажариш лозим”, “мумкин эмас” каби тушунчаларни фақат тушуниш эмас, балки шу ҳолатларни бажаришни ҳам билиш;

Бошқаларни тушуниш, уларга ёрдам бериш, кучсизларга, хафа инсонларга, кекса инсонларга эътиборли бўлиш, гуруҳдаги янги келган болаларга, уйига келган меҳмонларга самимий муносабатда бўлишга ўргатиш;

Кичиклар, катталар, шунингдек тенгдошлари: ўғил ва қиз болалар билан мулоқат қилишга ўргатиш;

Ўзаро алоқа ва муносабатни ўрнатишда вербал ва новербал усуллардан (нутқ ва имо-ишора): вазминлик, ҳурмат билан тақлифлар, саволлар, илтимослар билан чиқиш; жавобларни диққат билан эшитиш, саволларга ширинсуханлик билан жавоб бериш, мулоим табасум қилиш; бошқаларга ўз ёрдамини тақлиф қилиш;

Болалар билан саломлашиш, катталарга, тенгдошига миннатдорчилик билдиришга одатлантириш;

Ўзига ёққанлиги, самимийлиги, илтифот кўрсатишни ифодалашга ўргатиш;

Қабул қилинган ижтимоий мулоқот қоидалари ёрдамида ўзини ҳимоя қилишга интилиш, тенгдоши қичқирганида, жаҳли чиққанида, устидан кулганида, менсимаганида ўз мавқени тиклаш ҳиссини уйғотиш.

Ўзига ишонмаган, уятчан болалар билан олиб бориладиган ишларни шакллантириш:

- ўта мулоқотга киришувчан, қитмир, ўз манфаатини кўп кўзлайдиган болаларга (авторитар бошқарув воситасида ўзининг фикрини тасдиқлаш, яхши ўйинчоқларни, ролларни тақсимлаш). Мен сенга нима қилдим? Нима

учун сен мен билан шундай иш қилаяпсан? каби саволлар билан мурожаат қилиш, “Кел, яхшиликча сен билан ўйнайлик” каби таклифлар киритиш, “Мен бошқалар билан расм чизгим келаяпти, бошқа болалар билан ўйнай қол” каби тушунтиришлар орқали рад қилиш;

- инсонларга нисбатан муносабатларида мулоқот қилишда ўз фикрини билдириш (ўйин орқали бола юмшоқ мулоғим овоз билан “рахмат”, “илтимос” каби сўзларни, бошқаларга нисбатан “балли”, “яша” каби сўзларни ифодалаш, бунда ўз фикрини амалга ошириши, ўз фикрини ўзгартириш имконини бериш (“Сен буни яхши ўйлабсан, лекин бунинг хожати йўк”).

Ўзининг ҳиссий ҳолатини тушунтириш.

Катталарга турли мавзуда мурожаат қилиш, катталарнинг саволларига хоши билан жавоб бериш, ўз она Ватани, сеvimли ўйинчоқлари, халқ миллий анъаналарига ва одатларига қизиқиш билан қараш, одоб билан мулоқотга кириша олиш (саломлашади, хайрлашади, миннатдорчилик билдиради), муомалада нутқ ва имо-ишораларни қўллаш олиш.

Мулоқот чоғида маълум қонун-қоидаларга риоя қилиш, ота-оналар билан самимий оҳангда сўзлаша олиш, юзага келадиган низолар ҳақида келишиб олиш, ўз қизиқиши ва эҳтиёжини назарда тутиш, танишларини ва оила аъзоларини сурат орқали исmlарини айтиш.

Катталар билан самимий ҳамкорлик қилиш, катталарнинг тушунишларига мухтожлик, ўйнаш даврида катталарнинг ўзаро муносабатларини ифодалаш.

Катталар томонидан ўрнатилган тартиб-қоидага риоя қилиш, турли мулоқот турларидан фойдаланиш, биринчи мартаба кўрган кишилар тўғрисида саволлар билан мурожаат қилиш (“Ким бу?”, “Унинг исми нима?”).

Тенгдошлари билан самимий муносабат ўрнатиш, тенгдошлари билан низоли вазиятларда келишиб олиш, тенгдошларига ўз ёрдамини кўрсатиш.

Тенгдошлари билан мулоқотда ўз фикрини айта олиш, тенгдошлари билан юзага келадиган низоларни бартараф қилиш.

Дўстлари тенгдошларининг ютуқ ва камчиликларига диққат билан қараш, тенгдошлари билан мулоқот даврида тенгдошларининг шахсий хусусиятларини ажрата олиш.

Тенгдошлари билан мулоқотга кириша олиш, ўйинда ролларни тақсимлай олиш.

Ўзини ҳар хил ёшда ва ҳолатларда таний олиш, атрофдагиларга яхши кўринишни исташ, топшириқни бажаришда сабр-тоқат, қатъиятлилиқни ифодалаш, ўйинни ташкиллаштира билиш.

Жаҳли чиққанида ўзини тута олиш, ўз хошибини катталарнинг талаби билан мувофиқлаштириш, берилган топшириққа масъулият билан қараш.

Ўзини бошқа болалар билан таққослаш, фаолиятларда мустақиллиқнинг шакланганлиги, ўзига нисбатан самимий ва носамимий муносабатларни англаш

Ўзига-ўзи берган баҳоси билан катталарнинг баҳосини солиштириш, ўз-ўзини танқидий баҳолаш, ўз камчиликларини тан олишни англаш.

Муסיқий асарларни мамнунлик билан тинглаш ва уларга жўр бўлиш, адабий қахрамонларнинг ҳолатларини тушуниш.

Катталар билан муносабатда қувониш ва завқлана билиш, тенгдошларига меҳрибончилик курсата олиш.

Ўзларини катталарнинг баҳоси билан ўлчаш, мустакил равишда ўз кайфи ятини ифодалаш. Ўз ҳиссиётларини сўз билан ифодалаш, катталарнинг ижобий ҳислатларни англаш.

Ижтимоий ривожланиши

Катталар билан мулоқот. Катталар билан мавзудан ташқари ҳолатларда ҳам мулоқот қилиш, катталарнинг саволларига ҳоҳиш билан жавоб бериш, ўз она Ватани, унинг табиати, сеvimли ўйинчоқлари, халқ миллий анъаналарига ва одатларига қизиқиш билан қараш, одоб билан мулоқотга кириша олиш (саломлашади, хайрлашади, миннатдорчилик билдиради), муомалада нутқ ва имо-ишораларни қўллай олиш.

Катталар билан мулоқот қилишда таниш қонун-қоидаларига риоя қилиш, ота-оналар билан самимий оҳангда сўзлаша олиш, катталар билан юзага келадиган низолар ҳақида келишиб олиш, катталар билан мулоқотда ўз қизиқиши ва эҳтиёжини назарда тутиш, танишларини ва онла аъзоларини сурат орқали исmlарини айтиш.

Катталар билан вазиятдан ташқари мулоқотга кириша олиш, катталар билан самимий ҳамкорлик қилиш, катталарнинг тушунишларига муҳтож, ўйнаш даврида катталарнинг ўзаро муносабатларини ифодалаш.

Катталар билан мулоқот даврида мактаб ҳақидаги тасавурларини уйғотиш, катталар томонидан ўрнатилган тартиб-қоидага риоя қилиш, катталар билан турли мулоқот турларидан фойдаланиш, катталар билан мулоқотда имо-ишора орқали мурожаат қилиш, биринчи мартаба кўрган кишилар тўғрисида саволлар билан мурожаат қилиш (“Ким бу?, Қаердан у?, “Унинг исми нима?”)

Катталар билан мулоқот қилишда тартиб-қоидаларга риоя қилиш

Тенгдошлари билан мулоқот. Тенгдошлари билан самимий муносабат ўрнатиш, тенгдошлари билан низоли вазиятларда келишиб олиш, тенгдошларига ўз ёрдамини кўрсатиш.

Тенгдошлари билан мулоқотда ўз фикрини айта олиш, тенгдошлари билан юзага келадиган низоларни бартараф қилиш.

Дўстлари тенгдошларининг ютуқ ва камчиликларига диққат билан қараш, тенгдошлари билан мулоқот даврида уларнинг шахсий хусусиятларини ажрата олиш.

Тенгдошлари билан мулоқотга кириша олиш, тенгдошлари билан мулоқот даврида ўйинда ролларни тақсимлай олиш;

Ҳиссий ривожланиши

“Мен” концепцияси ёки ўз-ўзини англаш тушунчаси. Ўзини ҳар хил ёшда ва ҳолатларда таний олиш, атрофдагиларга яхши кўринишни исташ, топшириқни бажаришда сабр-тоқат, катъиятлиликни ифодалаш, ўйинни ташкиллаштира билиш.

Жаҳли чикканида ўзини тута олиш, ўз хоҳишини катталарнинг талабига бўйсундириш, берилган топшириққа масъулият билан қараш.

Ўзини бошқа болалар билан солиштириш, фаолиятларда мустақилликнинг шаклланганлиги, ўзига нисбатан самимий ва носамимий муносабатларни англаш

Ўзи берган баҳоси билан катталарнинг баҳосини солиштириш, ўз-ўзини танқидий баҳолаш, ўз камчиликларини тан олишни англаш.

Ҳиссий ифодалаш. Мусиқий асарларни мамнунлик билан тинглаш ва уларга жўр бўлиш, адабий қаҳрамонларнинг ҳолатларини тушуниш.

Катталар билан муносабатда қувониш ва завқлана билиш, тенгдошларига меҳрибончилик курсата олиш.

Ўзларини катталарнинг баҳоси билан ўлчаш, мустақил равишда ўз кайфиятини ифодалаш.

Ўз хиссиётларини сўз билан ифодалаш, катталарнинг ижобий хислатларни англаш.

Йил охирида бола:

- мулоқотга кириша олиш малакасига эга бўлади;
- оддий коммуникатив малакаларни ўзлаштиради;
- гамхўрлик, сахийлик кўрсатади, ёрдам сўрай олади ва ёрдам кўрсата олади;
- бошқаларнинг истак-ҳоҳишларини ҳурмат қилади;
- ўзини тута олади ва ўз эҳтиёжлари тўғрисида фикр билдира олади;
- янги шароитга тезда мослаша олади;
- атрофдагиларнинг турлича муносабатларини тушуна олади;
- ўзига таниш катталарнинг ва тенгдошларининг хиссий ҳолатидаги ўзгаришларни билади;
- ўз хулқини ва мулоқот қилиш усулларини бошқара олади;
- катталар ва тенгдошлари билан бирга олиб бориладиган фаолиятида бошқаларга ҳалакит бермайди;
- одамлар билан мулоқот олиб боришда ўз мавқеини сақлай олади, ўзини ҳурмат қила олади;
- ўзининг имкониятларини билади;
- бошқаларнинг хиссий ҳолатини яхши тушунади;
- тенгдоши ва катталарни хиссий қўллаб-қувватлайди;
- низоларни бартараф қилиш усулларидан фойдаланади.

Нутк, ўқиш ва саводга тайёргарлик

Болаларни она тилида бемалол сўзлаша олиш, кенг тарқалган содда гапларни ишлатиш, мураккаб гапни грамматик жиҳатдан тўғри туза олиш, расмлар устида ҳикоя туза олиш, антоним, синоним ва қиёсий сўзларни ишлатишга, тенгдошлари ва катталар билан ўз хис туйғуларини билдириб диологда қатнашишга ўргатиб бориш.

Нуткнинг товуш маданиятини шакллантириш. Она тилидаги барча товушларни тўғри талаффуз этиш малакаларини мустақамлаш Фонетик идрокни ўстиришда давом этиш. Болаларга s-z, p-f, t-d, p-b, l-r, u-o', x-h, k-g товушларини тўғри талаффуз этиш ва уларни фарқлашни; овоз сифатларини (баланд, ўртача, паст, йўғон, ингичка, жуда ингичка), нутк суръатини (тез, ўртача, секин) тарбиялаш, сўзда товуш ўрнини белгилашга ўргатиш (m-m-m-mu-shuk, m-u-u-u-shuk, mu-sh-sh-sh-uk; “товуш” иборалари билан таништириш ва уларни фарқ қилишга, машқларда, ўйинларда уларни қўллашга ўргатиш. Адабий нуткни тарбиялашни давом эттириш.

Товушларни тўғри талаффуз этишни, айрим унли ва ундош товушларини ўзлаштиришни мустақамлаш. Болалар эшитганда ва талаффуз этганда товушларни (узун-қиска, жарангли-жарангсиз) ажрата олишни машқ қилдириш товуш талаффузидаги нуксонларни йўқотиш. Сўзлаётганда тўғри нафас олишни ривожлантириш.

Болаларнинг сўзларни адабий тил нормалари асосида орфоэпик жиҳатдан

тўғри, аниқ, дона-дона қилиб талаффуз этишларини такомиллаштириш. Овоз кучининг паст-баландлигини нутқ суръатига нутқ муносабати шароитга қараб ўзгартири билишни шакллантириш, оҳанг воситаларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш.

Болаларга қаттиқ ва юмшоқ ундош “h” ва “x” товушларини ажратиш ва тўғри талаффуз этиш машқларини бажартириш (бу товушлар устида ишлаш кейинчалик ҳам давом эттирилади).

Болаларнинг сўзларни аниқ ва бурро талаффуз этишларини машқ қилдиришни давом эттириш. Бунда адабий тил нормаларига асосланиб сўзларни тўғри талаффуз этиш, сўзлашув мавзуси бўйича тасвирий воситалардан, овознинг паст-баландлиги, нутқ суръатидан тўғри фойдаланиш малакасини таркиб топтириш.

Луғат иши. Болаларнинг теварак-атрофдаги ходисалар ҳақидаги билимларини аниқлаш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш асосида уларнинг нутқини бойитиш ва фаоллигини ошириш. Болалар луғатига республика, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, шаҳар, қишлоқ ва кўчалар, касб-хунарга оид (ғишт терувчи, бўёқчи, дурадгор, пахтакор, ғаллакор, чорвадор, ўқитувчи, тарбиячи), қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган машиналар (экскаватор, кўтарма кран, трактор, комбайн...), нарсаларнинг ўзига хос муҳим белгилари ва ранги (ёрқин, очик, одми, пишиқ, пухта ва шу кабилар, одамларнинг ўз меҳнатига нисбатан муносабатини ифодаловчи (бетартиб, эҳтиёткор, тadbирли, синчков, сарамжом-сарийшта ва шу каби) ном ва сўзларни киритиш мумкин.

Халқ мақоллари, маталлари ва ибораларини тушунтириш (“Қаттага хурмат, кичикка иззатда бўл”, “Бирни кессанг, ўнни эк”, “Дўст бошга иш тушганда синалади”, “Яхши сўз билан, ёмон мушт билан”, “Ёлғон гапирмасанг, хижолат чекмайсан” ва бошқалар). Қарама-қарши маъноли (антоним) сўзларни (узун-қиска, кеча-кундуз, кучли-кучсиз, паст-баланд) маъноси бир хил, аммо айтилиши хилма-хил бўлган сўзлар (синоним)ни (хурсанд, шод, кувноқ; баҳор, кўклам, наврўз, кўркам, чиройли, гўзал ва бошқалар), айтилиши бир хил, аммо маънолари хилма-хил бўлган сўзлар (омоним)ни (ўт-майса, ўт-ариқдан ўтиш, ўт-олов ва бошқалар) тушуниб, ўз ўрнида тўғри қўллаш малакаларини мустаҳкамлаш.

Луғатни фаоллаштириш. Болаларнинг нарсаларнинг номларини тўғри айтишга ўргатиш, бу нарсаларни бир-бири билан солиштириб, айрим фарқларини тушуниш ва шу орқали уларнинг луғат бойлигини ошириш. Масалан, нарсаларнинг нимадан қилинганлиги, шакли, ранги, сифати, ўлчови, хоссаларини аниқлашга ўргатиш.

Сўз туркумлари ҳақидаги тушунчаларни болалар қай даражада тушунишлари ва қўллашларини аниқлаш. Умумлаштирилган сўзларни тўғри тушунишларига, улардан ўз нутқларида фойдаланишларига эътибор бериш.

Буюмларнинг нимадан ясалганини билдирувчи сўзлар (чинни лой, металл, пластмасса, газлама ва бошқалар)ни ўзлаштиришлари, бу ўзлаштиришнинг давом этишига аҳамият бериш.

Болаларда она тилига нисбатан муҳаббат, тўғри гапиришга ўрганиш истагини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш.

Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш. Болаларда ўз нутқи ва бошқалар нутқига нисбатан танкидий муносабатни тарбиялаш, уларни тўғри гапиришга ўргатиш, гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакасини мустаҳкамлаш. От, сифат, феълларнинг мураккаб грамматик

шаклларидан фойдаланишни машқ қилдириш. Жониворлар, нарсалар, идиш-товоқлар, касблар бўйича шахсларнинг номларини топиб айтишга ўргатиш.

Ўз нуткида уюшиқ бўлакли, содда ёйиқ ва қўшма гапларнинг турли хилларидан фойдаланиш малакасини мустақамлаш, (боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап. Масалан: Малика келди ва биз бирга китоб кўрдик. Мадина кўрқди, шунинг учун биз аргимчоқ уча олмадик. Бунда кўмакчи ва боғловчи сўзлардан фойдаланишга ўргатиш). Болаларни равишдан фойдаланишга ўргатиш (тез юрди, секин гапирди), сўз яшаш малакаларини мустақамлаш (Ўқит-ўқитувчи, балиқ-баликчи, балиқлар ва бошқалар).

Бир фикрни турли воситалар билан баён қилишга, (Шахзода хурсанд бўлди, Шахзода қувонди) бир-бирининг ўрнини, босадиган гапларни (Биз гул экмаймиз, чунки ёмғир ёға бошлади. Ёмғир ёға бошлагани учун биз гул экмаймиз) тузишга ўргатиш.

Болаларга тўғри грамматик шаклларни машқ қилдиришда кўпроқ оғзаки машқ ва ўйинлардан фойдаланишга ўргатиш. Масалан: “Айт-чи қандай?” оғзаки ўйини: “Қор қандай?” Оппок, муздай, совуқ, майда; “Гул қандай?” Чиройли, кизил, хушбўй...

Болаларни содда (Қизил олма) ва қўшма гаплар (Биз полизга экин экдик) тузишга (аввал намуна асосида, кейин мустақил), бунда барча сўз туркумларидан фойдаланишга ўргатиш.

Болаларни гапирганда сонни отга (стол устида бешта нок ва еттита олма бор), сифатни отга (чиройли кўйлақ, кизил олма), сифатни феълга (кўшиқни ёқимли куйлайди, расмни чиройли чизади) тўғри боғлаш, ҳайвонларнинг болаларини билдирувчи отларни кўплик соннида (тойчоқлар, кўзичоқлар, бузоқчалар) тўғри ишлатиш малакаларини такомиллаштириш. Болаларни турли усуллар билан янги сўзлар яшаш (гул-гулдон, гулзор, гулчи, Гулнора, қанд-қанддон, сув-сувли, сувчи ва бошқалар)га, нутқда сифатдошлардан (ўкиётган бола, ўйнаётган капалак) фойдаланишга ўргатиш.

Боғланишли нутқни шакллантириш. Болалар билан оғзаки нутқнинг икки шакли-сўзлашув ва ҳикоя қилиб бериш нутқини ўстиришни давом эттириш. Уларни суҳбат пайтида фаол иштирок этишга ундаш, мавзу бўйича берилган саволларга тушуниб, қисқа ва тўлиқ жавоб бериш ўртоқларининг бераётган жавобларига эътибор бериш малакасини такомиллаштириш.

Болаларни нутқнинг ифодали воситалари: имо-ишора, юз ҳаракатлари, овоз сифатлари (баланд, ўртача, паст, жуда паст ва ҳоказо)дан фойдаланишга ўргатиш, нутқий мулоқот маданиятини тарбиялаш. Бадий асарни қайта ҳикоя қилиш, мустақил ҳикоялар тузишда воқеаларни кетма-кет боғланган ҳолда, грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар тузиб баён қилишга ўргатиш. Болаларнинг бадий асарларни қайта ҳикоя қилиш малакасини ўстириш. Адабий асарлари мазмунли, манتيқий изчилликда, аниқ ва тасвирий ифодалардан фойдаланган ҳолда ҳикоя қилишга ўргатиш.

Тарбиячи қайта ҳикоя қилишни ўргатаётганда болалар диққатини, айниқса, эртакнинг бошланиши, такрорланиши, хулоса қисмига, ҳикоялардаги икки қаҳрамоннинг ўзаро нутқи кабиларга қаратиши лозим.

Болалар асар воқеаларини сўзлаётганда овоз оҳангининг хилма-хил турини (сўроқ, ҳис-ҳаяжон, хайратланиш, илтимос) кабиларни қўллай билишларига эришиш.

Болаларга ўйинчоқлар ва буюмлар ҳақида ҳикоя тузишни ўргатаётганда ўйинчоқларни таърифлаб беришга, ўйинчоқларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи белгиларини (ранги, шакли, қандай ўйналиши ва бошқалар) аниқ сўзлар орқали ифодалашга ўргатиш.

Ижодий ҳикоя қилиш. Болаларни тарбиячи томонидан айтилган ҳикоя ёки эртакни ниҳоясига етказиш, жумлаларни қисқа, лўнда тузиш, тасвирий воситалардан фойдаланишга ўргатиш.

Болаларни шахсий тажрибалари асосида, тарбиячи таклиф этган ҳаётий мавзулар бўйича мантикий ривожланиб боровчи ҳикоя ёки эртак тузиш қобилиятларини ривожлантириш. “Лоланинг мактабгача таълим муассасасидаги биринчи куни”, “Метрода”, “Циркда”, “Бизнинг оила”, “Бизнинг жонли бурчагимиз”, “Мен қушларни овқатлантирдим”, “Мен арча байрамини қандай ўтказдим”, “Дам олиш куни”, “Бизнинг мактабгача таълим муассасаси”, “Гулзоримиздаги гулларни қандай етиштирдик”, “Танланган ўйинчоқлар бўйича ҳикоя тузиш”, “Боғчамда ёқтирган ўйинларим”, “Энг яқин ўртоғим”, “Дадамларга қарашдим”, “Зўр мультфильм кўрдим”, “Кўғирчоқ театрига бордик” ва бошқалар.

Болаларнинг қахрамонларнинг рухий кечинмаларини таъсирчан бера билишга ўргатиш. “Қиш”, “Биринчи қор”, “Янги йил байрами”, “Қорбобо”, “Энг яхши фасл”, “Мен онамга ёрдамчи”, “Мен дадамга ёрдамчи”, “Онамларнинг байрами”, “Мен Наврўз байрамини қандай ўтказдим?” кабилар.

Болаларга мазмунли расмларда акс эттирилган воқеаларни изчил баён қилишни, персанажларнинг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан ўз муносабатларини билдириш, ҳикояни мантикли тугалашни, топишмоқлар ўйлаб топишни ўргатиш.

Суратлар бўйича сўзлаб, ҳикоя қилишда, болаларга суратда тасвирланган воқеаларга муносабат билдириб, мустақил ҳикоя тузишга ўргатилади. Жумлани грамматик жиҳатдан тўғри тузишларига, товушларни аниқ талаффуз этишларига эътибор берилади. Шу билан бирга расмда акс эттирилган мазмунли воқеага қараб, илгари нима бўлганини ва кейин нима бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр юритишга ундаш мумкин. Табиат манзаралари акс эттирилган суратга қараб тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш. Шу билан бирга тарбиячи болаларга ўзлари тузган ҳикояларидаги персанажларга қисқача таъриф беришларига, уларнинг ҳатти-ҳаракатларига ўз муносабатларини билдириб ўтишларига ҳам диққатини қаратиш ва ўргатиб бориш лозим. Мустақил танланган мавзу бўйича ҳикоя айтилаётганда воқеаларнинг изчиллиги, тугал мантиққа эга бўлиши, тасвирий ифода воситаларидан ўринли фойдаланишларига аҳамият бериш. Болаларни таққослаш усулидан фойдаланиб топишмоқлар ўйлаб топишга ўргатиш.

Бадий адабиёт билан таништириш. Болаларда бадий адабиётга бўлган қизиқиш ва муҳаббатни ривожлантириш, бадий асардаги гўзаллик, нафосатни ҳис этиш кўникмасини мустаҳкамлаш. Болаларни халқ оғзаки ижодидан: кўшик (“Наврўз келди-ёз келди...”, “Лайлак келди...”), эртак (“Зумрад ва Қимнат”, “Сахий билан Бахил”, “Эгри билан Тўғри”), дoston (“Тўрўғлининг туғилиши”, “Ширин билан Шакар”), афсона (“Етти гўдакнинг ризқи”), ривоят (“Ибн Сино шогирдлари”) лар билан таништиришда давом этиш. Мақол, тез айтиш, санамаларни мустақил айта олиш, топишмоқларга ўйлаб, фикрлаб жавоб бериш. Шарқнинг буюк алломалари (Ю.Х.Ҳожиб “Қутадуғу билиг”дан парча, А.Навоий “Ҳимматли бўлсанг”) ҳақидаги тушунчаларини бойитиш.

Болаларни бадий асарда акс этган воқеалар ҳақида (М.Муродов “Сенинг

галинг”, К.Раҳим “Хўрозқанд”) мулоҳаза юритишга, тўғри хулосалар чиқаришга ундаш. Эртак”, “Гилам”)нинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш. Болаларда шеърий асарлардаги (Ш.Отабек “Аччиқ чой”, А.Обиджон “Сохта амаки”) юмор, ҳазил, кинояни тушуниш, табиат манзаралари (Қ.Мухаммадий “Тонгда”, Зулфия “Олтин куз”) тасвирдан завкланиш кўникмасини мустаҳкамлаш. Шеърий асарлардаги (Ш.Саъдулла “Ниначи”) ёрқин бадий тасвир воситаларидан сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш ҳақидаги бошланғич тасаввурларини шакллантириш. Насрий ва шеърий асарлар орасидаги асосий фарқларни тушунтириш. Эртак (“Олтин тарвуз”- ҳаётда бўлмаган, ҳаёлий, уйдирма воқеалар тасвирланади) ва ҳикоя (Ф.Мусаёнов “Тўлаб бер”- ҳаётий воқеалар ҳикоя этилади) жанрининг бир-биридан фарқли хусусиятлари ҳақида қисқача маълумот бериш. Болаларда эртак, ҳикоя, шеър, топишмоқ тўқишга бўлган ҳавасни шакллантириш. Бадий асарни саҳналаштириш ва ижро этиш.

Болаларни асар ғоясини тушунишга, тасвирий воситаларини ҳис этишга, шеърий нутқдаги мусикийлик, оҳангдорлик, ритмни пайқай олишга ўргатиш.

Бадий асар (Э.Воҳидов “Ўлка”, Н.Ориф “Она юртим”, Э.Раимов “Қуйга тўлсин, она-Ватан”) воситасида болалар қалбида халқ, она Ватан, табиат, ҳайвонот оламига муҳаббат, меҳр-шавқат туйғуларини ўстириш. Уларнинг бадий сўз кудратини ҳис этиш, асар қаҳрамонларига баҳо бериш ва улар ҳақидаги фикрларини баён этиш кўникмаларини ривожлантириш.

Ўқиш ва саводга тайёргарлик. Товушларни тўғри талаффуз этиш ва сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва такомиллаштириш.

Унли ва ундош товушлар ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантиришни давом эттириш:

- болалар она тилидаги ҳамма нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш;
- нутқ товушлари ва сўзлар ўртасидаги фарқларни англаш;
- йил давомида танишган сўзларини (касб-хунар, буюмларнинг сифати ва хоссалари, ўрни, кун қисмлари ва б.) ўз ўрнида фаол ишлатиш;
- жавоб бераётганда, ҳикоя қилаётганда сўзларни грамматик жиҳатдан тўғри ўзлаштириш;
- она тилида бемалол сўзлаша олишга, содда ва мураккаб гапни грамматик тўғри туза олиш, антоним, синоним ва қиёсий сўзларни ишлата олиши, жумлаларни тўғри тузиш;
- қисқа эртак ва ҳикояларни мустақил қайта ҳикоя қилиш;
- ўйинчоқ, турли буюмлар ва воқея (сюжетли) расмлар бўйича, мустақил ижодий ҳикоялар тузиш;
- болалар китобга қизиқиш билдириш;
- бир қанча маълум асарлар ва адабий қаҳрамонларни ва асардан, телекўрсатувдан парчаларни эслаб қолиб айта олиш малакаларига эга бўлади;
- айрим адабий асарлардан лавҳалар саҳналаштиришга қатнашиш иштиёқи бўлади;
- эртак ва ҳикоя жанрларининг фарқларини билиши, асар юзасидан билдирилган фикрни матндан мисоллар келтириб асослай олиши керак;
- болаларда тез айтишларни айттириш, топишмоқларни топиш, санамалар, мақолларни, эртак ва ҳикояларни, кўшиқларни мустақил айта олиш;

- топишмоқлар тўқиш малакаси бўлиши керак;
- товушларни тўғри талаффуз этиш ва сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасавурларга эга бўлиши;
- унли ва ундош товушларни фарқлай олиши;
- оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини эгаллаши;
- гапни сўзларга бўлиш, сўзларни бўғинларга бўлиш;
- маълум товушларни ўрнини аниқлаш (сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида);
- сўзда товушлар кетма-кетлигини аниқлаш;
- товушларни эшитиб фарқлаш.
- илмоқ, гажак, чизикчалар, таёқчалар элементларини чиза олишлари лозим.

Билиш жараёни: Атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Элементар математик билим ва кўникмалар

Сон ва саноқ. Болаларга тўғри усуллардан фойдаланиб 6, 7, 8, 9, 10 сонларининг ҳосил бўлиши билан таништириш. Бу сонлар доирасида санашни ўргатиш: бир қатор қўйилган предметларни санаб, сонни тартиб билан айтиш, сонни от билан мослаштириб, охириги сонни саналган предметларга тааллуқли қилиб айтиш. Масалан, “Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти - ҳаммаси бўлиб олтига китоб”.

Болаларга предметларнинг икки гуруҳини қиёслашни машқ қилдириш (“Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти – ҳаммаси бўлиб еттита сабзи”, “Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти – ҳаммаси бўлиб олтига куён. Еттита кўп, олтига кам. Агар куёнларга сабзиларни бериб чиқсак, битта сабзи ортиб қолади”).

10 гача бўлган саноқ ва тартиб сонларни ўргатиш, “Нечта?”, “Нечанчи?”, “Саноқ бўйича нечанчи?”, “Қанча?”, “Қайси?”, “Нечанчиси?” “Жами қанча?” саволларига жавоб бериб, саноқ ва тартиб сонлардан тўғри фойдаланишни ўргатиш.

Сони 10 гача бўлган икки гуруҳдаги буюмлар сонини таққослаш тенглаштириш, биттага камайтириш ва биттага орттириш.

Предметларнинг кам гуруҳига етишмаган предметни қўшишни ёки кўп гуруҳдан битта ортиқча предметни олишни ва гуруҳлар ўртасида бир хил миқдордаги ҳар хил предметлардан иборат тенглик ҳосил қилишни ўргатиш. (“Картчканинг юқори қаторида олтига олма, пастки қаторида еттита нок, ноклар олмалардан битта кам. Агар яна битта нок қўйсак олмалар ва ноклар сони тенг бўлади”).

Сон предметнинг жойланишига боғлиқ эмаслиги ҳақида тасавурни шакллантириш.

0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 рақамлари билан таништириш.

10 гача бўлган сонларни бирликлардан иборат таркиби билан таништириш, масалан: (4-бу 1, 1, 1 ва яна 1, 9-бу 1, 1, 1, 1, 1, 1, 1 ва яна 1).

10 гача бўлган сонларни ўзидан кичик бўлган 2 та сондан ҳосил қилишни ўргатиш (масалан: 4-бу 3 ва 1; 1 ва 3; 2 ва 2 кам)

10 дан 1 гача тесқари санашни ўргатиш.

10 сони ичида сонларнинг қўшниларини - олдинги ва кейингисини топишни машқ қилиш. Масалан, “5 дан олдин 4, 5 дан кейин 6 сони келади. 4 ва 6 сонлари 5 сонининг қўшнилари”.

Ёнма - ён турган 10 гача бўлган сонларни қиёслашга ўргатиш.

Тенгсизликдан тенгликни (ёки тенгликдан тенгсизликни), кам сонга битта предметни кўшиб ёки кўп сондан битта предметни олиб, тенг йиғиндилардан бирига бир предметни кўшиб ёки йиғиндилардан биридан бир предметни олиб тенгликка ва тенгсизликка қандай эришишга ўргатиш (масалан: “Саккиз – саккизга тенг, саккизга предметга битта предмет қўшилса, тўққизга бўлади, бир предметга кўп бўлади.”, “Ўн ўнга тенг: агар ўнга предметдан битта предмет олинса, тўққиз бўлади, бир предметга кам бўлади”).

Берилган сон бўйича гуруҳлар тузишга ўргатиш, масалан: (8 тадан, 9 тадан, 10 тадан ва ҳақозо).

Арифметик масала ечишнинг (санашга асосланган) тузилиши билан таништириш. Кўйиш ва айиришга доир масалаларни ечишда битталаб кўйиб ва битталаб айириб ҳисоблаш усули билан таништириш.

10 ичида бармоқ, саноқ чўпи ва буюмлар ёрдамида кўйиш ва айиришни ўргатиш.

Болаларга уйининг номерини айтишни ўргатиш.

Катталиқ. Узунлиги, кенглиги ҳар хил бўлган бир неча предметни (10 тагача) бир-бирининг устига узунлиги, кенглигига, қалин-юпқалигига кўра ортиб ва камайиб борадиган тартибда кўйиб қиёслашни ўргатиш (энг кенг, торроқ, яна торроқ, энг тор лента). Предметлар қандай тартибда териб чиқилганини тушунтириб беришга ўргатиш.

Турли узунликка, кенгликка, баландликка эга предметларни кўпайиб бориш ёки камайиб бориш тартибда (10 тагача бўлган предметлардан фойдаланиб) териб чиқишга ўргатиш, масалан: баланд, паст, янада паст, янада пастроқ, энг паст.

Бутунни 2 та, 4 та тенг қисмга бўлишни, бутун билан қисмни таққослашни ўргатиш.

Шартли ўлчов билан таништириш. Таққосланаётган предметлардан бирига тенг бўлган ўлчам ёрдамида иккита предметни узунлиги (кенглиги, баландлиги) га қараб таққослашга ўргатиш.

Нарсаларни кўз билан чамалаб, миқдори, катталиги (узун (қиска), кенг (тор), энли (энсиз), баланд (паст), қалин (юпқа)) каби намуна ва унга тенг бўлган болалар учун таниш нарсалар ёки ҳаракатлар натижасида қиёсланувчи нарсаларнинг ўлчамини аниқлашга ўргатиш.

Геометрик шакллар. Шакллар ҳар хил ўлчамда бўлиши мумкинлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш (катта доира - кичик доира, катта квадрат – кичик квадрат).

Шакллар ва унинг айрим белгилари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш: Масалан, тўртбурчакнинг 4 та бурчаги ва 4 та томони (тўртбурчакнинг турли кўринишлари мисолида) бор.

Болаларнинг шар, куб, цилиндрлар ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш ва улар ёрдамида турли мавзуларда лойиҳалар яратиш.

Доира ва овал шаклини фарқлашга доир турли машқларни бажартириш.

Қуршаб турган нарсалар орасидан таниш бўлган геометрик шаклларни топа олишга ўргатиш: Масалан, лаган, нон доирага ўхшайди; столнинг усти, девор, эшик ва деразалар тўртбурчакка, рўмолча квадратга, қизчалар бошидаги рўмол учбурчакка, стакан цилиндрга ўхшайди ва ҳақозо.

Учбурчак ва тўртбурчаклардан турлича катта ўлчамдаги нарсалар ва шакллар тузиш.

Турли геометрик шакллар тўпламидан ҳар хил ўйинлар ўйнаш, махсус шакллар

тўпламидан фойдаланиб, намунадаги нарсаларни ясашни ўргатиш.

Таёқчалардан тўғри тўртбурчак, квадрат, учбурчак ясашга, бу шакллардан фойдаланиб турли нарсалар ясашга ўргатиш.

Таёқчалардан ҳосил бўлган геометрик шакллардан бир нечта таёқчани олиш усули билан кўринишини ўзгартиришга доир муаммоли вазифаларни ҳал этишни ўргатиш.

Махсус фигуралар тўпламидан фойдаланиб, намунадаги қисмлардан ташкил топган шакл-силуэтлар ҳосил қилишга ўргатиш.

Лабиринтлар ва уларнинг ечими билан таништириш.

Теварак - атрофда мўлжал олиш. Болаларнинг атрофдаги нарсаларнинг ўзига нисбатан вазиятини сўз билан ифодалаш кўникмасини мустаҳкамлаш: ўнгда, чапда, олдинда, орқада, узоқда, яқинда.

Болаларни кўрсатилган йўналишда мўлжал олишга, берилган шарт бўйича ўз ҳолати ўрнини белгилашга ўргатиш (шундай тургинки, машина ўнг томонингда, копток олдинда бўлсин).

У ёки бу предметни бошқа бир предметга нисбатан жойлашганлигини сўз билан ифодалашга ўргатиш (кучукчанинг чап томонида - қуён, кучукчанинг ўнг томонида - айиқча).

Болаларни қоғоз варағи сатҳини мўлжалга олишга, қоғознинг ўнг, чап, юқори, паст қисмларини, ўртасини аниқлашга ўргатиш.

Вақтни чамалаш. Болаларнинг вақт ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш: “Эрталаб”, “Кечкурун”, “Кундуз”, “Тун”, “Кеча”, “Бугун”, “Эртага” тушунчаларини фарқлаш ва бу сўзлардан тўғри фойдаланиш кўникмасини мустаҳкамлаш.

Болаларни ҳафта кунлари билан таништириш ва ҳафта кунлари номларини изчиллик билан айтишга ўргатиш. Кеча ҳафтанинг қайси куни бўлганлигини, бугун қанақа кун, эртага қайси кун бўлишини аниқлашни ўргатиш.

Болаларнинг вақт ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш. Йил фасллари билан таништириш ва фаслларнинг номини тўғри кетма-кетликда айтишга ўргатиш.

Қуриш-ясаш. Лего жиҳозларидан лойиҳалар яратишни, 8-10 қисмдан кам бўлмаган пазлларни йиғишни ва қоғозларни букиб (оригами йўли билан) шакллар ясашни ўргатиш.

Қурилиш материаллари тўпламларидан турли мавзуларда лойиҳалар яратишга ўргатиш.

Таълимий ўйин ва машқлар. Болалар йил давомида эгаллаган билим ва кўникмалар куйидаги ўйин машқлар орқали мустаҳкамланади:

“Кун қисмлари”, “Тўғри жойлаштир”, “Тескари санок”, “Қаерга борасан, нимани топасан?”, “Кеча, бугун, эртага”, “Топган-топалок”, “Бутун ва қисмлар”, “Рангли доиралар ва оваллар”, “Ҳафта”, “Кластер”, “Мозанка”, “Байроқчага қараб юр”, “Фасллар”, “Ким билса давомини санасин”, “Бир хилини топ”, “Ҳа-йўк”, “Йил фасллари”, “Топинг нечта ўйинчок?”, “Ўнгда-чапда, олдинда-орқада”, “Қўнғироқча қаерда жиринглапти?”, “Мен қандай сон ўйладим?”, “Тараж”, “Етадимми?”, “Қўп, оз, шунча”, “Мунчоқларни илга тизинг”, “Шаргли белгилар асосида ҳаракат қиламиз”, “Поезд тузинг”, “Зинапоя”, “Ўз сонингизни эслаб қолинг”, “Дарвозадан ўтинг”, “Бошқа қўлимда нечта?”, “Бир-бирига қараб”, “Дарчани беркитинг”, “Бу кимнинг қутиси?”, “Ким биринчи?”, “Ким энг топқир?”, “Ким зийракрок?”.

Ўқув йили охирида бола:

- 10 гача тўғри ва тескари тартибда санай олади;
- 10 гача бўлган сонни ўзидан кичик бўлган иккита сонга ажрата олади;
- ёнма-ён турган сонлар орасидаги муносабатларни тушунади;
- 10 ичида бармоқ, санок чўпи ва буюмлар ёрдамида қўшиш ва айиришни билади;
- “Нечта?”, “Нечанчи?”, “Санок бўйича нечанчи”, “Қанча?”, “Қайси?”, “Нечанчиси?” “Жами қанча?” саволларига жавоб бериб, 10 ичида санок ва тартиб сонлардан тўғри фойдалана олади;
- сони 10 гача бўлган икки гуруҳдаги буюмлар сонини таққослаш тенглаштириш, биттага камайтириш, биттага орттиришни билади;
- қайси предмет кўпلىгини ёки камлигини 10 тагача аниқлай олади;
- уйининг номерини билади;
- доира, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак, овалларни фарқлайди;
- махсус шакллар тўпламидан фойдаланиб, намунадаги нарсаларни ясай олади;
- таёқчалардан ҳосил бўлган геометрик шакллардан бир нечта таёқчани олиш усули билан кўринишини ўзгартиришга доир муаммоли вазифаларни ҳал эта олади;
- шар, куб ва цилиндрларни танийди;
- лабиринтларни билади ва уларнинг ечимини топа олади;
- предметларни қандай қисмлардан ташкил топганлигини, уларнинг хусусиятларини (катталиги, шакли, номи) фарқлайди,
- бутунни 2 га, 4 га тенг бўлакка бўлишни билади, бутун билан қисмни таққослайди ва фарқлайди;
- предметларни (10 тагача) узунлиги, эни, қалин-юпқалигига кўра бир-бирининг устига қўйиб қиёслайди, “Энг кенг”, “торроқ”, “яна торроқ”, “Энг тор”, “қалин”, “юпқароқ”, “бир хил”, “баланд”, “паст”, “янада паст”, “янада пастроқ”, “Энг паст” сўзларини нутқда тўғри қўллайди;
- буюмларни ўзига нисбатан ўрнини аниқлай олади (тепада - пастда, ўнгда – чапда, олдинда - орқада), сигнал бўйича турли йўналишда ҳаракатланади (олдинга - орқага, чапга - ўнгга);
- қоғоз варагининг ўнг, чап, юқори, паст, ўртасини аниқлай олади;
- сутка қисмлари - эрталаб, кундузи, кечкурун, тунни фарқлайди;
- кеча, бугун, эртани билади;
- ҳафта кунларининг номини, кетма-кетлигини, бугун ҳафтанинг қайси куни эканлигини айта олади;
- йил фаслларининг номини билади;
- пул ва унинг кўриниши, ундаги рақамлар ва қийматни танийди;
- “лего” жиҳозларидан лойиҳалар яратиш;
- 8-10 та қисмлардан пазллар ясайди;
- қоғоздан буклаш йўли (оригами) орқали содда шаклларни ясайди;
- қурилиш материаллари тўпламларидан турли мавзуларда лойиҳалар яратади.

Атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Она Ватан ва атроф-олам. Болаларда мустақил Ўзбекистон давлати ҳақидаги

тушунчаларни кенгайтириш. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарлари, Буюк ипак йўли ҳақида қисқача маълумот бериш.

Болаларга “Конституция сабоқлари” асосида илк тушунчалар бериш.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги, герби, байроғи ва мадҳияси ҳақидаги билимларини шакллантириш. Мадҳияни ижро эта олишни ўргатиш. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бошқарилиши, Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳри эканлиги ҳақидаги тушунчаларни бериш.

Болаларнинг ўз тугилган юртига меҳр-муҳаббат ҳиссини шакллантириш.

Болаларга ўзлари яшаётган шаҳар, қишлоқ, маҳалла, кўчаси ҳақида маълумот бериш. Уларнинг номлари билан боғлиқ бўлган жиҳатларини англатиш. Уй манзилени билишга ўргатиш

Болалар қалбида ўз халқига муҳаббат ва ҳурмат туйғуларини таркиб топтириш, миллий гурурни тарбиялаш, уларга ўзбек халқининг меҳр-окибатли, меҳмондўст, меҳнатсевар ва камтарин эканлигини сингдириш. Ўзбекистоннинг ҳудуддаги тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлар ҳақида тушунча бериш, уларга қизиқиш ва ҳурмат ҳиссини тарбиялаш

Буюк сиймолар. Болаларни тарихимиз ва буюк Шарқ алломалари, уларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништиришни давом эттириш.

Навойнинг буюк мутафаккир олим, ёзувчи, давлат арбоби бўлганлиги ҳақида маълумот бериш. Унинг одоб-ахлоқ, тарбияга оид, ота-оналарга муҳаббат ҳиссини уйғотувчи, болалар ёшига мос асарлари билан таништириш.

Буюк инсонлар: Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ҳақида илк тушунчалар бериш.

Анъанавий байрамлар. Болаларнинг ўзбек миллий байрамлари Наврўз, Мустақиллик байрами ҳақидаги тасавурларини янада кенгайтириш, бойитиш.

Шакл ва мазмун жиҳатдан хилма-хил бўлган сайлларни мунтазам равишда ташкил қилиб туриш. Масалан катта сайл(бойчечак, она ер саховати, гилос, олма) ва қушлар ҳамда гуллар байрами ва х.к..

Машхур саркардалар. Болаларнинг миллат тарихига қизиқишларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг одил подшоҳ, шоир ва буюк саркарда бўлганлиги ҳақида тушунча бериш.

Амир Темури ҳақида маълумот бериш. У машхур саркарда, йирик давлат арбоби эканлиги ҳақида маълумот бериш.

Ҳарбий кўшинлар ва уларнинг вазифаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Ватанга муҳаббат ва уни кўз қорачигидек сақлаш ҳиссини тарбиялаш

Халқ амалий санъати. Болаларни ўзбек халқининг миллий санъатига оид асарлар: сўзана, наққошлик, зардўзлик, кулолчилик, миллий хунарамандчилик намуналари ва меъморчилик ёдгорликлари билан таништириш.

Болаларда ўз халқига нисбатан муҳаббат ва ифтихор туйғусини тарбиялаш мақсадида ўзбек халқ оғзаки, тасвирий санъат асарлари ва хунарамандчилик намуналаридан фойдаланиш.

Катталар меҳнати. Болаларнинг катталар меҳнати ҳақидаги тасавурларини умумлаштириш. Кишилар меҳнатига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш. Ишлаб чиқариш корхоналари, қурилишлар, далаларда қилинадиган меҳнат ҳақидаги билимларини такомиллаштириш. Меҳнатнинг шу жойда тарқалган турлари билан болаларни яқиндан таништириш. Уларни яқин атрофдаги корхонага олиб бориш(мебель,

автомобил, телевизор, чинни ишлаб чиқарувчи корхона, новвойхона ва ҳ.к.). бу корхонанинг номи, у ерда кимлар ишлаши, қандай маҳсулот ишлаб чиқариши, меҳнат қуроли ва асбоблари ҳақидаги билимларини аниқлаш ва такомиллаштириш.

Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни мамлакат аҳолиси учун аҳамияти билан таништириш. Машинасоз, тикувчи, косиб, нонвой, ошпаз, ўймакор, бўёкчи, ҳайдовчи каби касблар билан таништириш. Ишнинг мақсади, натижаси ва уларнинг жамият учун аҳамияти, турли хил «ақли» машиналарнинг кишилар меҳнати билан энгиллаштириши, товарлар сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни тезлаштиришдаги роли ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам рўзгорга керакли маҳсулотлар, техника асбоблари, машиналар, кийимлар, матолар ва иплар чиқарилади.

Ўзбекистон полизлари ва боғларида етиштириладиган ширин-шакар маҳсулотлар миришқор деҳқонлар ва заҳматқаш боғбонларнинг меҳнати туфайли эканлиги ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.

Ўзбек халқи қадим-қадим замонлардан бери деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиши ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш. Ўзбекистонда пахта, буғдой, арпа, шולי, каноп, маккажўхори ва бошқалар экилади.

Чорвачиликка оид касблар: чўпон, отбоқар, сут соғувчилар ва бошқа касблар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Кишиларнинг дала, боғ, полизлардаги, чорвачилик фермасидаги меҳнатлари мазмуни билан таништириш. Масалан, деҳқон эрта куздан бошлаб ер ҳайдаб, келгуси йил ҳосилини экиш учун тайёрлаши, ўғитлашнинг аҳамияти, эрта баҳордан ерга уруғ экиш, уни парваришлаши, вақтида сугориши ва ҳ.к.

Боаларни пахтакорларнинг машаққатли меҳнати билан таништириш, унинг ерга ишлов бериб, чигит экиши, то ҳосилни йиғиб-териш олгунча гўзани асраб-авайлаб ўстириши, вақтида сугориб, ишлов бериш шу билан бирга-бу ишларда об-хаво инжиқликларини энгиши кераклиги ҳақида тушунча бериш.

Пиллакорлар меҳнати билан таништириш. Пилланинг юртимиз бойлиги эканлиги, у билан бошқа давлатларни ҳам таъминлашимиз ҳақида сўзлаб бериш. Пилланинг ипакли газлама холига келгунча бўлган машаққатли меҳнати билан таништириш.

Ипак куртлари тут барги билан озикланиши ва пилла ўраши, ундан ипаклар ечилиб ўралиши ва ипакдан турли газламалар, хон атласлар тўкилиши ҳақида суҳбатлар ўтказиш. Пиллакорлар касбига муҳаббат уйғотиш.

Халқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган қурилиш ҳақида қисқача тушунча бериш. Боаларга паҳса деворли, хом ва пишган ғиштли ва бетон уйлар ҳақида тушунча бериш.

Маданий-маиший хизмат ходимлари, уларнинг вазифалар (тарбиячи, ўқитувчи, тикувчи, сотувчи, шифокор ва ҳ.к.) тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш. 2-3 хил касб эгаларининг меҳнат жараёнини кузатиб бориш.

«Ишлаш учун кимга нима керак», «Боғбон-боғбон», «Ким чаққон», «Ниманинг ўрни ўзгарди» каби ўйинларни ўйнаш

Бозор, дўкон, сотувчи, харидор ҳақида тушунча бериш. Сотувчи ва харидор ўртасидаги муомала маданияти ҳақида тушунча бериш. Бозор ва дўконларнинг турлари (озик-овқат, кийим-кечак, ўйинчоқлар, хўжалик моллари каби) ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Транспорт ва алоқа воситалари. Болаларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишни давом эттириш. Светофор белгилари ва уларга амал қилиш ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Транспорт ва алоқа ходимларининг хизмати билан таништириш.

Аҳолининг алоқа воситаси: почта, телефон, телеграф, интернет эканлиги, уларнинг вазифалари хат, мактуб, табрикнома, рўзнома, телеграмма, ахборотларни етказиб бериш эканлиги тўғрисида тушунча бериш. Транспорт воситалари хизматчилари меҳнати ҳақида тушунча бериш. Почта ходимларининг ўзаро меҳнати ва меҳнатнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳақида, бу хизматларни енгиллаштириш учун транспорт воситаларидан, телефон хизматидан фойдаланишлари ҳақидаги тушунчаларини такомиллаштириш.

“Ким бўлсам экан?”, “Ҳайдовчиларга нима керак?” каби мавзуларда суҳбат ташкил қилиш

Буюмлар ҳақида. Буюмларнинг бир неча хил белгилари ва улардан фойдаланиш хусусиятига кўра гуруҳларга ажратиш.

Матодан тайёрланган буюмлар, уларнинг турлари ва фойдаланиш усуллари ҳақида тушунча бериш

Темир ва ёғочдан ишланган буюмлар ва улардан тўғри фойдаланиш ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш

Буюмлар уларнинг ясалиши ва ишлатилиши ҳақида суҳбатлар ташкил этиш.

Бола ўз танасининг қисмларини ўрганади.

Болаларга одамнинг бир неча органлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериш(юрак уради, қон қизил ва суюқ бўлади,...). Одам ва ҳайвон ўртасидаги бир неча фарқланувчи ва умумий жиҳатларни айтиб беришга ўргатиш.

Ўқув йили охирида бола:

- Ўзбекистоннинг Мустақиллик кунини, унинг герби, байроғи, мадҳиясини. Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент эканлиги;
- ўзи яшайдиган кўча, маҳалла, туман ва қишлоғининг номи;
- ҳудуддаги ёдгорлик бинолари ва бошқа тарихий манбалар;
- Ўзбекистонда давлат тили-ўзбек тили эканлиги;
- Буюк инсонлар: Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек , Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳақида илк тушунчаларни билиши;
- миллий байрамлар;
- замонавий ҳарбий қўшинлар, уларнинг вазифалари;
- халқ хунармандчилиги;
- транспорт турлари, йўл ҳаракати қоидалари;
- нарсалар ва улардан фойдаланишни билиши;
- одамнинг бир неча органлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот эга бўлиши(юрак уради, қон қизил ва суюқ бўлади,...)керак.

Жонли ва жонсиз табиат, ер қурраси тўғрисида тасаввурга эга бўлиш

Жонсиз табиат. Болаларни предметлар (шарчалар, кубиклар, ўйинчоқлар машиналар) ҳаракатлари билан таништириш, уларнинг йўллари ва тезликларини қиёслашга ўргатиш.

Моддаларнинг каттик ҳолатдан суюқликка айланиши (музнинг, смола(қора сақич)нинг эриши) ва суюқ ҳолатдан каттик ҳолатга айланиши ҳақида тасаввурни

кенгайтириш.

Суюкликни парга ва аксинча, парни суюкликка айланиши ҳодисалари билан таништириш. Қаттиқ моддаларни суюкликка ва суюкликни қаттиқ моддага айланиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Қор ёғиши, кор бўрони, муз юриши, момақалдиروق, дўл ёғиши, туман тушиши ва шу каби табиат ҳодисалари билан болаларни таништириш.

Болаларга сувнинг инсон ҳаёти учун зарурлиги, ер юзидаги энг бебаҳо бойлик эканлиги, уни асраш бизнинг бурчимиз эканлиги ҳақида тушунча бериш.

Турли хил предметлар: ўйинчоқлар, транспорт ҳаракати ҳақида ва булутлар, қора булут, куёш ҳаракати ҳақида бошлангич тасаввурларни ҳосил қилиш. Бошлангич ҳаракат нуқтасини ва жисм ҳаракат қилаётган чизикни белгилашга, ҳаракат характерини аниқлашга(предметлар секин, тез ҳаракат қилаяпти) ўргатиш

Ўсимликлар дунёси. Маҳаллий ўсимликлар ҳақида болалар тасаввурларини мустаҳкамлаш. Болалар дарахтларнинг 4-5 тури (тут, терак, қайрағоч, тол)ни (баргларига, пўстлоғига, мевасига қараб), буталарнинг хили(наъматак, маймунжон) ни(барглари, ранглари, меваларига қараб) номини айтишлар, фарқлашлари, сабзавотларнинг 6-8 хилини, мевали дарахтлардан 4-5 хили(олма, нок, анор, анжир, олча)нинг номларини, ранглари, шакли, мазаси, овқатда истеъмол қилишда характерли белгиларини билишлари керак.

Сабзавотлар ва мевалар ҳақидаги умумлаштирилган тасаввурларни куйидаги белгиларига қараб шакллантириш: сабзавот ва мевалар овқатда қўлланилади, уларни махсус етиштирадилар: сабзавотлар полиз(дала)да ўсади, мевалар эса боғда етиштирилади.

Ўсимлик (сув куйиш, тагини юмшатиш) ва хайвонлар (овқатлантириш, катталар ёрдамида аквариум ёки қафасни тозалаш)ни парваришлашни билиши

Хона гулларидан алёз билан таништиришни давом эттириш, уларни парвариш қилиш йўлларини ўргатиш.

Болаларда табиатдаги гўзалликдан завқ олишни тарбиялашни давом эттириш. Табиатга зарар етказмаслик, экологияни бузмаслик(теварак-агрофни ифлос қилмаслик, ўт-ўланларни босмаслик, дарахт шохларини синдирмаслик, гулларни юлмаслик, бунинг оқибатида гуллар, капалаклар йўқ бўлиб кетиши, чумолиларнинг инини бузмаслик ва ҳ.к.)ни болалар онгига сингдириш.

Ўсимликларнинг тузилиши, уларнинг айрим қисмлари вазифалари ҳақидаги тасаввурни аниқлаш ва кенгайтириш: илдизлар сувни, озуқа моддаларни шимиб олади, булар поялар орқали, тана орқали, шохлар орқали япроқлар, гуллар, меваларга етказилиши ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Ўсимликларнинг ўсиши учун ҳаво, сув, куёш, озуқали тупроқ зарурлигини амалий ишлар орқали таништириш.

Зарурий шароитлар етишмаслигини билдирувчи белгиларни болалар билишлари керак: ёруғлик кам бўлганида ўсимлик ёруғлик томонга чўзилади, япроқлари ва пояси оқаради, озиқа моддаси кам тупроқда ўсимликлар секин ўсади, иссиқ бўлмаса уруғ унмайди, барглар ёзилмайди, сувсиз ўсимликлар куриб қолади.

Ўсимликларни кўпайтиришнинг усулларида бири-қаламча қилиш билан таништириш. Эрта гуллайдиган ўтсимон, бутасимон ўсимликлар ва дарахтлар билан таништиришни давом эттириш. Баъзи дарахтлар(ўрик, бодом) аввал гуллаб, сўнг барг чиқариши, баъзилари эса барг чиқариб(олма, беҳи) сўнг гуллашини тушунтириш.

Баҳор табиатнинг уйғониш фасли эканлиги ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш. Айрим ўсимликларнинг пиёзидан, дарахтларнинг қаламчасидан, бутасидан кўпайиши мумкинлигини тушунтириш ва ўргатиш.

Мақтабгача таълим муассасаси ҳовлисида болалар билан биргаликда эрта гуллайдиган дарахт ва гул кўчатларини экиш, тагини юмшатиш ва суғоришга ўргатиш. Қуриган шох - шаббаларни қирқиш, кўмилган гул, ток ва анор кўчатларини очиш ва уларни парвариш қилиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Уруғлардан ўсимликлар ўстирилиши (2-3 хил сабзавот гуллайдиган ўсимликлар мисолида), ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишидаги асосий босқичлар ҳақидаги(уруғ униб чиқиши, япроқли поя, гул, уруғ), ўсимликлар ўстириш, уларни парваришнинг асосий усуллари(чопилган ерга ўтказиш, сув қуйиш, ерни юмшатиш, ўтоқ қилиш, озуқа бериш) ҳақидаги тасаввурни шакллантириш.

Ҳайвонот дунёси. Ёввойи ҳайвонлар(тулки, бўри, айиқ)нинг ҳаёти билан таништириш. Ҳайвонларнинг ташқи қиёфаси, яшаш тарзи хусусиятларини ажрата билиш ва характерлаш кўникмасини шакллантириш, улар қаерда яшайди, ўзига қандай уй қуради, қандай юради, кузда, қишда нима билан озикланади, қишга қандай тайёргарлик кўради. Болаларни ҳайвонларнинг кўриниши ва ҳулқидаги умумийлик ва ўхшашликларни ажрата билишга, бир-бирига ўхшашлигига қараб хулоса чиқариш(ўрмон ҳайвонлари, йиртқич ҳайвонлар)га ўргатиш.

Уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш.

Болалар диққатини қуз фаслида об-ҳаво ўзгаришига, дарахт баргларининг сарғайиб тўкилишига, кишилар кийимидаги ўзгаришларга, ҳашорат ва қушларнинг камайиб қолганига қаратиш, буларнинг сабабларини мустақил айтиб беришга ўргатиш

Куз фаслининг энг гўзал хусусиятлари турли-туман ёрқин рангларга бой эканлиги ҳақидаги билимларини аниқлаштириш. Бу даврда мева ва сабзавотлар ғарқ пишади, йигим-терим мавсуми бошланади. Куз фасли ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ҳамда мустақил равишда катталарга ёрдам беришга одатлантириш

Болалар онгига табиатга зарар етказмаслик, экологияни зарарламаслик (теварак-агрофни ифлос қилмаслик, ҳайвон ва қушларга озор бермаслик, уяларини бузмаслик, гулларни юлиш оқибатида гуллар, капалаклар йўқ бўлиб кетиши, чумоиларнинг инини бузмаслик ва ҳ.к.)ни болалар онгига сингдириш.

Ҳайвонот дунёси. Уй ҳайвонлари (туя, от, сигир, қўй, эчки) ва паррандалар (товуқ, хўроз, қурка, ўрдақ, ғоз)нинг асосий турлари, ҳаёти ва шароитлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш ва системалаштириш қуйидаги белгилар асосида умумлаштирилган тасаввурни ташкил қилиш, одамлар ёнида яшайдиган ва ундан кўрқмайдиган ҳайвонлар, фойда келтирадиган ҳайвонлар, инсонлар, уларнинг ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган шароитларни яратиши, уй ҳайвонларининг кишилар ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, уларда ғамхўрлик туйғуларини мустаҳкамлаш.

Болаларга республикамизда қишлаб қолувчи қушлар (мусича, чумчук, каклик, бедана) ҳақида тушунча бериш. Қушларнинг овқатланиши, ташқи кўриниши, улардаги ўзаро ўхшашлик ва фарқли томонларини фарқлашга ўргатиш. Уларга қишда ғамхўрлик кўрсатиш ва хайрихоҳлик муносабатини тарбиялашни давом эттириш.

Қиш фаслининг ўзига хос табиати ҳақида тушунча бериш (қунлар қиска, совуқ, аёзли бўлиши, ариқ ва қўлмакларнинг музлаши, қорнинг паға-паға ёғиши ва б.) ер

юзи ва дарахтлар усти оппоқ қор билан қопланганда табиат қанчалик жозибали кўринишига болалар эътиборини қаратиш, уларнинг эстетик туйғуларини шакллантириш.

Қушлар илиши билан қушлар, ҳашоратларнинг кўпайиши, уларнинг ҳаракатини кузатиш, ин қуриши, тухум кўйиши, бола очиши ва ҳ.к. ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Болаларга қушларнинг донхўрақларига дон солишни, сувларини алмаштиришни ўргатиш. Қафасга пахта, юмшоқ матолардан ташлаб, қушларнинг ҳаракатларини кузатиш. Қушларнинг сайрашини тинглаш ва фарқлашга ўргатиш.

Ниначи, чумоли, асалари, капалакларнинг пайдо бўлиш сабаби, ҳаёт тарзи, нима билан озикланишини тушунтириш.

Баҳорда табиатдаги ўзгаришлар ҳақидаги тасаввурни бир тизимга кетма кетликка тушириш. Иссиқликнинг ортиб бориши билан қор, музларнинг эриб бориши ўртасидаги, тупроқнинг ҳолати. Буларнинг барчасини табиат уйғонишига таъсири тўғрисидаги тасаввурларини шакллантириш.

Ёз фаслида полиз, боғ ва далаларда мевалар пишиши, айрим сабзавотларнинг ер остида мева тугиши ва пишиши(картошка, сабзи, ерғоғок) ҳақида маълумот бериш, меваларни хидидан ажратишга ўргатиш, сабзавот ва меваларни инсон организмига таъсири, фойдаси ҳақида болаларга тушунтириш ҳамда уларни қандай истеъмол қилиш ҳақида суҳбатлашиш.

Ер майдончасидаги ва яқин орадаги ўсимликлар ҳақидаги билимларини аниқлаш. Япроқ, гул, ва мевалари, пўстлоғига қараб дарахт, буталарни фарқлашга ўргатиш. Бошқоқли экинларни ўстириш билан, ўрмон мевалари, кўзқоринлар билан таништириш. Турли хил ўсимликларнинг ўсиш жойлари(ўтлоқ, дашт, ўрмон, дала, боғ, полиз, хиёбон) ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш

Болаларга ўзларига таниш уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг инсон учун фойдали томонлари ҳақида маълумот бериш. Уларни парвариш қилишга ўргатиш.

Ҳашоротлар(капалак, ниначи, чумоли, асалари, чигирткалар)нинг табиий шароитдаги ҳаёти ҳақида тасаввурларини шакллантириш. Маълум жойларда яшайдилар(капалаклар-ўтлоқларда, қурбакалар-ботқоқликларда ва ҳ.к.) овқат излашади(капалаклар, асаларилар-гуллар ширасини, қурбакалар майда чивинларни), душманларидан қочиш учун яхши мосланганликлари (ниначилар тез учади, капалаклар пириллаб учади, чигирткалар, қурбакалар сакрайдилар ва ҳ.к.), учиб кетадиган қушлар(3-4 хили)билан, ташқи кўриниши ҳагги-ҳаракати(нима билан озикланади, нима учун иссиқ ўлкаларга учиб кетади) билан таништириш. Қушлардан бирининг ин қуриш ва бола очиши билан таништириш.

Болаларнинг табиатдаги ёзги ҳодисалар, иссиқлик, намнинг кўплиги билан ўсимликларнинг бирданига гуриллаб ўсиши, барча ҳайвонларнинг фаол ҳаёт бошлаши ўртасидаги алоқадорликлари ҳақидаги тасаввурларни бир тизимга кетма кетликка тушириш.

Ўқув йили охирида бола:

- табиатдаги фасл ўзгаришлари;
- сувнинг хусусиятлари ва ўсимликларнинг ўсиши ҳолати ва ривожланиши учун зарур шароитлар;
- сабзавот ва меваларни парваришлаш;
- бута ва дарахтларнинг барги ҳамда мевасига қараб аташ, фарқлай олиш;
- эрта гулловчи 2-3 хилдаги маҳаллий ўтсимон ўсимликларни;

- 2-3 турдаги доимий қишлоғчи ҳамда учиб келувчи қушларни ташқи кўринишга қараб фарқлай олиш;
- хона ва ер майдонидаги ўсимликларни парвариш қила олиш, табиат бурчагида навбатчилик қилиш;
- табиатдаги предмет ва ҳодисаларга мустақил ҳолатда қизиқиши;
- хайвонларни яхши кўриш, уларни парваришлаш, юриш-туришларини кузатиш, уларни кўрганда завқланиш;
- жонли ва жонсиз табиатни ўрганишга қизиқиш, катталар ва тендошларининг диққатини жонли ва жонсиз табиатда содир бўлаётган таниш, нотаниш предмет ва табиат ҳодисаларига жалб қилиш;
- катталарга табиатдаги нотаниш ёки ўзи учун қизиқарли бўлган предмет ва ҳодисалар ҳақида саволлар бериш, ўзи ва бошқаларнинг диққатини табиат ҳодисалари нағижасида олдиндан кўрилмаган чоралар ва тартибсизликларга жалб қилади ва уларни бартараф қилишга киришади (чикиндиларни, ерга тушиб ётган қуруқ шохларни тозалашда иштирок этади, ерга тушиб ётган шилиққуртни олиб дарахтга қўйиб қўяди);
- табиат қўйнида, шаҳарда, уйда ўзини тутиш кўникмаларига эга бўлади.

Тасвирий фаолият

Бу ёшда болалар расм солишни яхши кўришлари билан ажралиб турадилар. Расмлар мазмунан кенг бўлиб, ҳаётий ва ҳаёлий тасаввурларга асосланади, уларда китоб иллюстрациялари ёки мультфильм қаҳрамонлари тасвирланиши мумкин. Расмлар қизиқарли композиция ечимларини тақдим этиб, уларда мувозанат ҳолати ёки динамик ҳолат тасвирланади. Инсон тасвирида пропорция ва деталлаштириш хусусиятлари акс этади, расмда тасвирланган кишининг жинси ва руҳий ҳолати ўз ифодасини топади.

Болалар ёғоч конструктор деталлари номларини биладилар ва ундан фойдалана оладилар, қуриш ишларида деталларни алмаштиришдан фойдалана оладилар. Қурилишнинг асосий жиҳатларини ажрата биладилар, уларнинг конструкторлик ишларида схема, режа ва шарт-шаронтлардан фойдалана олиш хусусиятлари назарга ташланади.

Улар қоғоз ва табиий материаллардан фойдаланиб, конструкция ишларини амалга оширадилар. Ранг, шакл, кенглик, нарсаларнинг қурилиши кабиларни идрок этишлари анча мукаммаллашади, нафақат асосий ранг-туслар, балки оралик рангларни, шунингдек, тўғрибурчак ва ясси шаклларнинг номларини биладилар.

Болаларда тасвирий фаолият, халқ амалий ва безакли санъатига нисбатан қизиқишни шакллантиришни давом эттириш. Тасвирий санъат асарини идрок этиш лаёқатларини ривожлантириш, уларнинг характери, муаллиф кайфиятини акс эттириш ҳолати, тасвирий воситаларини ҳис этиш ва аниқлашга ўргатишни давом эттириш. Расм солиш, пластик материаллар билан ишлаш (лепка), аппликация ва конструкциялашга оид малакалари, шунингдек, бадий-ижодий лаёқатларини ўстириш, рангни ҳис этиш, шакл ва композиция уйғунлигини идрок этиш, атроф-олам гўзаллигини ҳис қилиш, фикрий операциялар-тахлил, қиёслаш, ўхшашлик ва фарқлилигини идрок этиш, умумлаштириш кабиларни ривожлантиришни давом эттириш. Табиат ҳодисаларини кузатиш, уларнинг кундалик ва мавсумий ўзгаришларини, нарсаларнинг қуёш нурида ва сояда қандай ўзгаришларини билиш хусусиятларини ривожлантириш.

Халқ амалий безак санъати (кулолчилик, тўқимачилик) билан таништиришни давом эттириш (Ҳамро буви ўйинчоқлари мисолида), миллий ўйинчоқлар, шунингдек, ҳудудий хусусиятларни назарда тутган ҳолда, миллий-амалий безак санъати ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Санъат асарларининг жанр ва турларини фарқлаш ҳақида бошланғич тасаввурларни таркиб топтириш, асарлар мазмунини эслаб қолишга, тасвирий воситалар турли-туманлигини англашга оид машқлар ўтказиш.

Ўз иш ўрнини тайёрлаш, тартибли ишлаш, тоза сақлаш кўникмаларини шакллантиришни давом эттириш.

Ўзининг ва бошқа болаларнинг ишларини таҳлил қилиш кўникмаларини ўстириш, болаларни ўз иши натижаларидан завқланишга ўргатиш.

Предметли ва воқеабанд расм чизиш. Болаларда, хусусан, баҳор ёки куз бўёқларини ўзида ифодалаган табиат ҳодисалари тасвирланган (Ў.Т.Тансиқбоевнинг “Куз” расми), тантана (З.Ковалевскийнинг “Ўзбек ҳовлиси” расми), завқ (О.Коровцов “Сирень” расми) каби тасвирий санъат асарларини идрок этишга асосланган эстетик дидни ривожлантириш.

Болаларнинг чизган расмлари орқали атроф-муҳит воқеа-ҳодисалари, адабий қаҳрамонларни тақдим эта олишга оид билим, кўникма, малакаларини ўстириш. Болаларни натурага қараб ва тасаввурга таяниб, мева, сабзавот ва гуллар расмини чизишга ўргатиш. Уларни тасвирланаётган нарсас-ҳодисаларни динамик ҳаракатда кўрсатишга, маконий кенгликда нарсаларни турли-туман жойлашуви, жониворлар ва одамларни (турлича ҳолатда) тасвирлашга (нарсаларнинг ётган ва турган ҳолатлари) ўргатиш (мас., шамол эсаётган вақтда дарахт шохлари букилади, унинг барглари ерга учиб туша бошлайди). Куз табиати (кузда боғ, ёмғирли кун), катталар меҳнати (пахта терими, уй қурилиши), муҳим ижтимоий байрам ва ҳодисалар (Мустақиллик байрами, мушак отиш), ифода воситаларини қўллаш (композиция, колорит, пропорция).

Нарсалар ҳажми ва пропорциясини сезиш ва тақдим этишни ўргатиш (баланд-паст уй, катта-кичик уй). Оёқ-қўл ҳолатини ўзгартириб тасвирлаш орқали инсон танасининг унчалик мураккаб бўлмаган ҳаракатларини тасвирлашга ўргатиш (Қачал полвон дўстларига ёрдамга шошилди, болалар спорт билан шуғулланмоқдалар). Болаларнинг турли тасвирий материаллардан (рангли ва оддий қора калам, акварел ва гуашли бўёқ, сангвин (махсус юмшоқ, тўқ қизил калам), мўйқалам қабилар) фойдаланиб, расм солишининг турли техник усулларини ўзлаштиришларини ривожлантириш.

Оддий каламда, учини қаттиқ босмай ишлашга ўргатиш.

Тегишли йил фасли ва кунини қоғоз варағида тўлиқ акс эттириш учун мос рангга эга бўлган қоғозни ишлатишни ўргатиш. Акварел бўёқ билан ишлаш малакаларини ривожлантириш (рангларнинг тиниклиги ва ўзига хослиги).

Тасаввур ёки натурага қўра нарсалар, ўсимликлар, гуллар, бутуқлар, чинор шохлари, ўрик, сирен қабиларнинг расмларини ишлашга ўргатиш.

Баҳор табиати тасвирини ишлашга ўргатиш (боғ, қушларнинг учуши), байрамлар ва одамлар меҳнати (Мустақиллик, Наврўз, байрамона безатилган кўчалар), эртақ, қўшиқ, шеърдан лавҳалар ишлаш.

Янги ранг ва бўрттириб тасвирланган ўринларга эга бўлиш учун рангларни аралаштириш, гуаш ва акварелларнинг оқ ва қизил ранглари озроқ сувда аралаштирилса, пушти ранг ҳосил бўлиши ҳақида тушинча бериш. Болаларда

ранглар ҳақидаги мавжуд билимларни мустаҳкамлаш ва янги билимларни ривожлантириш (сиёҳ, оч бинафша ва сарғиш ранг).

Болаларда аввал эгалланган билим, кўникма ва малакалардан фойдаланишга интилиш ҳиссини уйғотиш. Эгалланган кўникма ва малакалардан хотира ва тасаввурга кўра индивидуал расмлар яратишда фойдаланиш. Бўёқларни аралаштириб, янги бўёқ ҳосил қилишга ва ундан соялар чизишда фойдаланишга ўргатиш.

Безакли расм. Халқ усталарининг (масалан: кулол Рахимов сулоласи, Ҳамро буви ва б.) ишларига хурмат билан қарашни тарбиялаш. Нақш элементлари, рангларни уйғунлаштириш, ўзбек ва бошқа халқларнинг тасвирий амалий безак санъати билан таништириш. Рангли ва оқ фондан фойдаланиб, безакли нақшлар ясашга ўргатиш. Болаларда қалам ва бўёқдан фойдаланиш техникасини ривожлантириш (штрихларни бир текис ишлаш, қаламни сиқиб ушламаслик, нозик чизиқ ва нукталарни ишлаганда мўйбўёқ(чўтка)ни қоғоз устида тўғри тутишга ўргатиш).

Халқ ўйинчоқлари, уларнинг хусусияти – ранг-туси, тасвирнинг аниқлигини таъминловчи элементлари ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш, ўзбек дўпписи, аёллар ва эркаклар дўппилари, уларнинг ўзига хос фарқлари (эркакларникида гармдори гуллари, аёлларникида гул, барг ва қушларнинг тасвирланиши, рангларнинг ўта ёрқин ва бойлиги) ҳақида билим бериш.

Ўзбек халқ миллий чинни буюмлари (чойнак-пиёла, коса, обдаста, лаган) силуэти (шакли)га нақшлар (илмоқ, ғажак, чизикчалар, таёқчалар) чизиш. Мўйқалам, қалам билан ишлашнинг техник малакаларини шакллантириш (уни учи билан тўғри, тўлқинли, эгри, айлана чизиклар чизиш, оддий чизиклар, илгаклар нухаларини кўчириш, бунда қалам ёки чўткани тўғри ушлашни ўргатиш).

Болаларни бош кийимлар ва либосларнинг айрим қисмлари (дўппи, тўн, куйлак, сўзана) акс эттирилган қоғоз силуэтларни безашда нақшларни уйғунликда ишлатишга ўргатиш, ўзбек безакли матолари ва анъаналарига асосланиб, турли нақш элементларидан фойдаланишга ўргатиш (бўёқ суртиб, тўлқинли, ёйсимон чизиклар ёрдамида пахта чаноғи, гуллар, япроқлар, мевалар).

Олдин ўзлаштирилган малакаларга таяниб, халқ усталари анъаналарига асосланган ҳолда, нақшлар чизиш ва безаш.

Пластелин (лой) билан ишлаш. Пластик материаллар (лой, гил, шўр хамир, папье-маше (елим, гипс ва бўр аралаштирилган қоғоз масса кабилар)дан нарса яшашнинг ўзига хос жиҳатлари билан болаларни таништириб боришни давом эттириш. Предметнинг ўзига ёки тасаввурга асосан нарсалар (мева, сабзавот ва ўйинчоқлар) яшаш, бунда болаларга ясалаётган нарсаларининг характерли хусусиятлари ва бўлаклари уйғунлигини сақлаш, тасвирий ифодаларнинг ўзига хос хусусиятлари, шакллар сиртини безашни ўргатиш. Яхлит бўлақдан фойдаланиш ва ёғоч қалам (ҳайкалтарошлар қалами)ни қўллашга ўргатиш.

Уларда нарсалар яшашнинг конструктив, пластик ва комбинациялашган усулларидан фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш. Яхлит бўлақдан, тасма усулида нарсалар яшашни ўргатиш. Болаларни ясалган фигуралар қисмларини бир-бирига жипс ёпиштириш, ёпиштирилган қисмларни силлиқлаш йўли билан мустаҳкам нарсалар яратишга одатлантириш. Адабий асар қаҳрамонлари тимсолларини яратиш (“Хон атлас ҳақида афсона”), қисмларнинг нисбий катталигига риоя қилган ҳолда, ясалган фигура қисмларини бир-бирига маҳкамлаш,

маҳкамланган жойни силлиқлаш (айиқча, кучукча, кўшоёк), ёпиштириб тасвир ишлашга хос характерли жиҳатларни ҳайкалтарошлар ёғоч қалами воситасида ишлашга ўргатиш.

Болаларни сюжетли тасвирлар яратишга йўналтириш, сопол тагликка фигураларни жойлаштиришни ўргатиш (мушук болалари билан, бола қушларга дон бермоқда).

Инсон ва ҳайвон танасини ҳаракатда акс эттирувчи мураккаб бўлмаган сюжетли нарсалар яшаш (болалар дам олиш пайтида, товук жўжалари билан бирга донламоқда, ғоз анҳорда сузмоқда). Бармоқлар билан ишлаш жараёнида нарсаларнинг майда деталларини яшаш. Ёғоч қаламда тимсолларга кичик деталлар киритиш – жониворларнинг юнглари, қуш қанотлари, кийимлардаги бурмалар каби. Жамоавий ишларни бажаришга қизиқтириш (ҳайвонот боғи, донлаётган қушча).

Нарса яшашда табиий материаллардан фойдаланиш (уруғлар, данаклар). Нарса яшашда тартиб ва озодаликка риоя қилиш, материалларни ҳар қаерга ташламаслик, ишдан сўнг болаларнинг қўлларини тоза қилиб ювишга одатлантириш.

Пластик материаллардан нарса яшашга оид билимларни яқка, жамоавий, безакли ишларда қўллаш ва ясалган нарсалар (ўйинчоқларнинг уйчаси учун интерьер, иншоот ва участка) билан турли ўйинлар ўйнашни рағбатлантириш, халқ усталари аъёналарига кўра, янги ўйинчоқлар яшашни рағбатлантириб бориш.

Амалий санъат билан таништириш. Халқ амалий-безакли буюмларига нисбатан қизиқишни шакллантириш.

Халқ ўйинчоқлари турига қуш ва ҳайвонларни яшашни ўргатиш (Ҳамро буви, Раҳимовлар сулоласи). Болаларда гуашда нақш чизиш кўникмаларини шакллантириш.

Халқ усталари ясаган чинни идишлар (лаганлар, пиёлалар, кўзалар)ни намоиш этиш ва улар орқали болаларни усталарнинг меҳнати билан таништириш. Пластик материаллардан нарса яшашга оид усулларни тарбиячи кўрсатиб берганидан кейин нарса яшаш ва қуригач безаш ҳамда нақшлар чизишга ўргатиш (ангобом).

Маҳсулотни қўл билан ушлаб, ишдан чиқариб қўймаслик учун таглик мосламага айланасига мустаҳкамлаб қўйиш,

Шаклдаги нотекис ғадир-будур жойларни силлиқлаш, иш жараёнида бармоқларни сувда ҳўллаб туришни одат қилиш. Лойдан ясалган ясси текисликдан рельеф яшашга ўргатиш.

Халқ усталари аъёналарига кўра, турли ўйинчоқ ва идишларни мустақил яшаш, нақш ва гуллар, ёпиштирилган нарсалар билан безаш.

Пластик материаллардан нарса яшашга оид эгалланган билимларни халқ усталари аъёналарига асосан ўйинчоқлар яшашда қўллаш, ясалган идишга ҳайкалтарошлар ёғоч қаламида нақш чизиш ва безаш.

Апликация. Қоғозни қирқиб, тасвир ҳосил қилишга оид кўникмаларни мустаҳкамлаш. Нарсалар тасвирини узун ва қиска тасмаларга ажратиб кесиш; ясси тўғри тўртбурчак, квадрат шакл учларини айлана қилиб кесиш, доира ҳосил қилиш, квадратдан 2-3 та учбурчак, кесма, думалоқ ва ясси шаклдан квадрат ёки кичик тўғри бурчак кесиш олиш, қисмлардан тасвир яратиш (республика байроғи, кузги поёндоз). Иншоотни байрамона дизайнда жамоа таркибида ишлаш.

Болаларни қоғоздан қат-қат қилиб тахланган шакл (давра ўйинлари, маржонгул кабилар), устма-уст тахланган симметрик шакллар (гулдон, олма ва б.) кесиш

олишга ўргатиш. Образларга ифодавийлик бериш учун болаларга силуэтли аппликациялар кесиш ва ажратиш усулларини ўргатиш.

Сюжетли композиция яратиш. Болалар мактабгача таълим муассасасида ўтказиладиган байрамларда ишлатиладиган безакларни жамоа бўлиб тайёрлаш.

Турли шакллар қирқиш ва япроқ ва гуллардан нақшлар тузишга оид кўникмаларни мустаҳкамлаш (доира, тўғрибурчак ва ясси шакллар).

Тасвирий образларни тақдим этиш.

Кичик гуруҳлар таркибида индивидуал композициялар яратиш (баҳорий поёндоз, гулзор).

Залин байрамга тайёрлаш, ота-она ва дўстларга совгалар ташкил этиш ҳамда гуруҳларни жиҳозлашда болаларнинг мустақил фаолиятини рағбатлантириш.

Қуриш-ясаш. Болаларга қурилма-конструкцияларнинг амалда қўлланиши ҳақида маълумот бериб, уларни ясашда амалий жиҳатларини ҳам назарда тутиш лозимлигини тушунтириш (кўприк, гараж). Конструкцияларнинг асосий қисмларини ажратиб кўрсатиш. Тарбиячи билан бирга қуриш-ясаш ишлари, унинг асосий жиҳатлари, амалий вазифалари, бунда мустақил ишларнинг режалаштирилиши кабиларни таҳлил қилиш. Қоғоздан, табиий ва чикинди материаллардан конструкция ишларини бажариш.

Болаларнинг қоғозни тенг қисмга буклаш, кути ва гараж ясашда тўртбурчак варақни 16 та тенг бўлакка бўлишга оид малакаларини мустаҳкамлаш.

Табиий материаллардан эҳтиёткорлик билан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, болаларнинг ижодий тасавурлари ва бадиий дидларини ривожлантириш, уларда батартибликни тарбиялаш.

Болаларга тайёр шакллардан конструкциялар ясашни ўргатиш (гугурт кутисидан нарсалар ясаш (мебель, транспорт)).

Табиий материаллардан оддий, лекин ифодали фигуралар ясашга ўргатиш (бўталок, балиқча).

Фигурано тагликка мустаҳкамлаб, деталларни маҳкам елимлашни ўргатиш.

Болаларга қурилишни чизма, расм, фотографиядаги намунага қараб қуришни, зарур қурилиш материалларини мустақил танлаб олишни ўргатиш.

Мўлжал ва режа асосида жамоавий қурилишлар солишни, бамаслаҳат ишлашни, ягона режага кўра ўз қурилишини жамоа қурилиши билан бирлаштиришни ўргатиш. Жамоа билан амалга оширилган қурилишларда қизиқарли ўйинлар уюштириш (хайвонот боғи, болалар мактабгача таълим муассасаси).

Болаларни конструкциянинг амалий вазифаларини билиш ва қуриш-ясаш ишларида буни ҳисобга олишга ўргатиш (кўприк, гараж).

Болаларни янги деталлар ва уларнинг хусусиятлари билан таништириш: турли шакл ва ҳажмдаги ёғоч тахта (узун-қиска, тўртбурчак, учбурчак), чоркирра ёғоч (брус) ва цилиндрлар.

Қоғоз, табиий ва чикинди маҳсулотлардан конструкциялар ҳосил қилиш. Поролон(енгил эластик) мато хусусиятлари билан таништириш, ундан оддий ўйинчоқлар тайёрлашни ўргатиш (жўжа, кўшоёқ).

Чизма, расм, суратларга қараб қуриш ишларини бажариш, зарур қурилиш маҳсулотларини мустақил равишда танлаб олиш.

Қоғоз, табиий ва чикинди маҳсулотлардан конструкциялаш. Кичик композицияларга бирлаштириб, қоғоз цилиндрлардан турли фигуралар тайёрлашга ўргатиш (қизча ва кучукча, бола ва жўжалар).

Диаметрига кўра доира ҳосил қилиш, конусларни елимлаш ва контурга қараб қирқиш (парашют).

Бадий қўл меҳнати. Қоғоз, табиий материаллар (мева, уруг) ва чиқинди материаллар (ғалтак, бўш қутилар, поролон, пўкак кабилар)ни тежаб ишлашга ўргатиш (варақни тўртга буклаш, тайёр андоза бўйича ишлаш – дўппи, пешбанд, ҳамён), катта ҳажмли фигуралар ясаш – букланган жойини текислаш, букланган жойидан кесиш - уй, кубик), қоғоз, табиий материаллар ва чиқиндиларни елим ёрдамида бир-бирига қаттиқ ёпиштириш усулидан фойдаланган ҳолда, бирор нарса ясаб, ҳосил қилинган фигурани тағлиққа мустаҳкамлаш.

Фантазия, ижодий тасаввурни ривожлантириш, бадий дид, бағартиблик, маҳсулотларни эстетик жиҳатдан баҳолаш кўникмаларини шакллантириш.

Ўқув йили охирида бола:

- предметнинг ўзига қараб ва тасаввурларига асосланиб, нарсалар яратиш, табиат ҳодисалари, бадий асар воқеалари, тасвирий восита ва технологияларни қўллаш;
- ифодали тимсоллар яратиш учун турли ранг ва бўрттириб кўрсатадиган сояларни қўллаш;
- тасвири варақда тўлик, бор бўйича акс эттириш;
- халқ амалий-безак санъатига асосланиб, нақш ва композициялар яратишда турли усул ва воситалардан фойдаланиш, амалий безак санъатининг табиатига мос ранглارни танлаш;
- турли усулларидан фойдаланиб ҳар хил шаклдаги нарсаларни ясашни;
- ўзаро уйғунлик, ҳолат ва ҳаракатни акс эттирган ҳолда, унчалик катта мураккаб бўлмаган сюжет композицияларни яратиш;
- ўзбек халқ усталари томонидан яратилган миллий ўйинчоқлар ва сопол буюмлар яратиш анъанасига мувофиқ турли нарсалар ясаш;
- қирқишнинг турли усулларини қўллаб (симметрик янги усуллар, икки марта қат-қат қилиб буклаш, узилмалар ва силуэтлар (контур суратлар) кесининг янги усуллари, кесиш ва узиш усулларини биргаликда қўллаш), турли нарсалар ва мураккаб бўлмаган сюжетларни ифодалаш;
- шахсий қурилишларини амалга оширишни режалаштириш босқичлари бўйича конструктив ечимлар топиш;
- қурилишни амалга оширишда чизма, фотография, расм кабилардан фойдаланиш, зарур қурилиш материалларини қўллаш;
- қурилиш намуналарини таҳлил этиш;
- қоғозни турли йўналишда буқиш, тахлаш, тайёр чизма, андоза билан ишлаш, оригами усулидан фойдаланиш;
- қайчидан тўғри фойдаланиш;
- табиий ва чиқинди материаллардан ўйинчоқлар ясаш.

Мусика

Мусика тинглаш. Болаларда мусика тинглашга иштиёқни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш. 2-3 қисмли мусика асарининг қисмлар ўзгаришини, мусика асарининг кайфияти, характерини мустақил фарқлаш, таассуротлари ҳақида ҳикоя қилишга ўргатиш. Вокал ва чолғу асарларидан баҳраманд қилиш ва болаларда бу жанрлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш ҳамда уларни фарқлашга ўргатиш. (“Сўзсиз кўшиқ” Ф.Назаров, “Салимвойнинг товуғи” И.Ақбаров, “Оромижон” ўзбек халқ

куйи, «Масхарабозлар» Д.Кабалевский)

Марш, кўшиқ ва рақс ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Ўзбек халқ куйлари билан таништириб бориш орқали (“Дутор баёти”, “Норим-норим” куйи, “Фарғонача” ўзбек халқ куйлари) миллий мусиқий меросимизга ҳурмат уйғотиш. Доира ва дутор садоларидан баҳраманд қилиш.

Мусиқанинг кайфиятини ҳис қилиш ва фарқлаш, табиат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини ривожлантириш, («Ўзбекистон Давлат мадҳияси» М.Бурхонов, “Ватангинам” А.Мансуров, “Ватаним” Ф.Назаров, “Опшоқ қор” (“Марварид” гуруҳи, “Аскарый” ўзбек халқ куйи), мусиқанинг ифода воситалари билан таништириш (“Вальс” М.Левиев “Болалар альбоми” П. Чайковский). Шунингдек юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Бинафша кўшиғи”, “Байрам марши” (Д.Зокиров), “Кўғирчоқнинг алласи” (А.Муҳамедов), “Кўшигим, жон, кўшигим” (А.Мансуров), педагог ихтиёрига кўра ёзувли тасмада зарбли чолғулар оркестри ижросида куйлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар. Мусиқанинг темпи, ритми, характерига мос ифодали ҳаракатланиш. Куй қисмлари алмашишига қараб ҳаракатларни ўзгартира олиш. Енгил, пружинасимон юриш, югуриш, сакраш, олдинга ва орқага, ёнга қадам ташлаш, олдинга ҳақкалаш, рақс ҳаракатларини сифатли бажаришга ўргатиш.

Муסיқа остида қаторларга сафланиш ва машқлар бажариш, қаторлардан доирага шаклига ўтиш, катга ва кичик доиралар ҳосил қилиш, бир нечта кичик доирачаларга бўлинишга ўргатиш. Болаларга ўзбекча рақслар билан бир қаторда турли халқлар рақсларини ўргатиш. Болаларни рақсга оид ижодкорликка йўналтириш ва унинг намоён бўлишини рағбатлантириш ва қўллаб қувватлаш.

Ўрганилган рақс элементларини ҳаракатларни такрорлаб ва мустаҳкамлаб бориш. Рақс элементларини бир вақтда оёқ тўпиллатиш ва чапак чалиш билан бажаришга ўргатиш. Баргчалар, гуллар, байроқлар, ленталар билан машқлар бажариш, жуфтликда қўл ушлашиб (қайикча) бўлиб айланиш.

Ҳаракатли ўйинлардан “Қор бўрон”, “Рўмолчани ол”, “Бойланди” ўйинларини ўйнаташ. “Шафтоли-шакар”, “Гулчамбар” кабиларни ташкил этиш.

Рақс. Қисмлар ўзгаришини ҳис қилиб ҳаракатланиш билан бирга мусиқанинг кайфиятини ҳаракатларда акс эттиришга эътибор қаратиш, халқ куйлари билан бирга замонавий ва турли халқлар рақсларидан ўргатиш. “Пахта” рақси (М. Бурхонов), “Палов” (ўзбек халқ куйи), “Жуфтлик рақс” (“Ҳа-ю, читти гул” ўзбек халқ куйи), “Ёмғирпўшталар (соябонлар) билан рақс”, “Жуфтлик полька”, “Сарик барглар рақси”, “Қорпарчалар рақси”, “Қувноқ болалар рақси”, “Ўйинчоқлар билан рақс”, “Ўғил болалар рақси” (“Андижон полкаси”), “Ўзбекча рақс” (Қаринаво), “Замонавий рақс” (ихтиёрий), “Полька”, “Қизалоклар рақси”, “Шўх болалар рақси” кабилар тавсия этилади.

Кўшиқ айтиш. Болаларни соф ва табиий овозда ифодали куйлашга ўргатиш. Тўғри нафас олиш ва куйлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш. Кичик ансамбль бўлиб куйлашга, солист билан куйлашга ўргатиш. “Тойчоғим” (С.Бобоев), “Салом берган болалар”, “Дўппи кийган бола”

Куй оҳангини тўғри ижро этилишига эришиш. Овоз сошлаш ва эшитиш қобилиятини ривожлантириш машқларидан фойдаланиш. Турли кайфиятдаги она Ватан (“Ўзбекистоним” М.Дадабоев), табиат (“Меҳржон байрами” М.Икромова, “Қуз”, “Ёмғиржон” Н.Норхўжаев, “Оқ пахта” К.Абдуллаев, “Олтин пахта” М.Бурхонов, “Дўлана” Н.Рахимов), одоб ахлоқ, дўстлик (“Ўйнайлик омон” ўзбек

халқ кўшиғи, “Бу жуда соз” М.Икромов “Ай-яй—яй” Ш. Ёрматов.) мавзусидаги кўшиқларни ўргатиш. Шунингдек “Қувноқболалар” (А.Мансуров), “Айикполвонлар богчаси” (Т.Тошматов), “Қорбобо” (Ғ.Қодиров), “Сумалак”, “Боғчамиз”(Ш. Ёрматов). Кўшиқ характериға, матниға мос ҳаракаталар бажариб куйлаш соф куйлашға ўргатиш. “Бу боғчада олича” (Ўзбек халқ кўшиғи), “Гинчлик бўлсин”, “Наврўз кўшиғи” (М.Икромов), “Қувноқлар кўшиғи”, “Капалак ва камалак” Н.Норхўжаев, “Онажоним” (М.Дадабоев), “Кўғирчоқ-ўйинчоқ”, “Бинафша”, “Баҳор гуллари” (М.Икромов “Чучмома”, “Чиннигул” Н.Норхўжаев, “Ислом бобо” (Ш.Ёрматов), “Туллар”, “Тулдор капалак” (Ғ.Қодиров), каби кўшиқлар тавсия этилади.

Болалар чолғу асбобида чалиш. Доира, қошиқ, қутича, тахта қарсақ каби чолғулари ва уларда ижро этиш усуллари билан таништириш, овозидан фарқлашға ўргатиш. Зарбли оркестр ташкил қилиш.

Оркестр ҳақида умумий тушунча бериш. Зарбли оркестр билан таништириш, Зарбли халқ чолғуларидан, доира, қутича, тахта қарсақ билан таништириш.

Марш, ракс ва кўшиқ ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Опера ва балет ҳақида тасаввур бериш. Товушлар чўзими билан таништириш.

Музыка раҳбари ва чолғу асбобиға жўр бўлиб чалиш (“Олма пишганда” ўзбек халқ куйи, “Алифбе” В.Моцарт, “Қоринаво”, “Олмани отдим” ўзбек халқ куйи, “Алла” М.Дадабоев), турли характердаги асарларни болалар чолғуларида чалишға ўргатиш (“Уфор” Д.Омонуллаева, “Пьеса” А.Левиев, “Тойчоғим” С.Бобоев). Болаларда чолғучиликка оид ижодкорликни шакллантириш.

Муסיкий таълимий ўйин. Кўшиқларни саҳналаштириш, давра кўшиқларида сўз, муסיқа ва ҳаракатларнинг бир-бириға мос бўлишиға эришиш. Ўйинларда муסיқа машғулотиининг барча бўлимларидан олинган билимларни мужассам ҳолда намоён этишға ўргатиш. (“Муסיқали лото”, “Дирижёр”, “Кўғирчоқ-ўйинчоқ”, “Куйини топ”, “Муסיқали эртақ”).

Образли ҳаракатларни бажаришда болаларни умумийликдан мустақил ва якка бажариш сари етаклаш. Болаларда образли тасаввур қилиш, мустақил фикрлаш, ижодкорлик каби хусусиятларни ривожлантириш.

Муסיкий-таълимий ўйинлар воситасида муסיкий ва номуסיкий товушлар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш (“Товушлар қаерда яшайди”), “Бармоқлар”, “Узун-қисқа таёқчалар”), чолғулар билан таништириш (“Қайси чолғу чалапти”, “Сирли қутича”), муסיкий хотирани ривожлантириш (“Куйини топ”, “Акс садо”), тембрни фарқлашға ўргатиш (“Дўстингни овозидан топ”), машғулотларда олинган билимларни мустаҳкамлаш.

Муסיқаға оид маълумотлар. Нота ва товушқатор билан таништириш.

Ўқув йили охирида бола:

- муסיқа асарининг шаклини мустақил аниқлай олади;
- тингланган, куйлаган ва чалган асарларининг номи ва ижодкорларини билади;
- муסיқа асарининг мазмунини тушунади ва кайфиятини фарқлайди;
- бир октава оралиғида ноталарни билади, товуш қаторини куйлайди;
- вокал ва чолғу муסיқасини фарқлай олади;
- оркестр, ва хор ҳақида умумий тушунчаға эға бўлади;
- муסיқаға мос мустақил ҳаракатлана олади;
- куй қисмлари ўзгаришиға қараб ҳаракатларини ўзгартира олади;

- айрим симфоник оркестр ва узбек халқ чолғу асбобларини номларини билади ва таниб олади; (скрипка, труба, барабан, дойира, дутор, карнай, най)
- халқ чолғуларини фарқлайди;
- турли образли ҳаракатлар ўйлаб топади;
- байрам эрталиклари ва кўнгил очиш соатларида фаол иштирок этади.

5-6 ёшли болалар билан ўтказиладиган эрталиклар

№	Эрталиклар	Ўтказиш вақти
1	Мустақиллик байрами	25-август-30-август
2	Ҳосил байрами	25-октябрь - 5 ноябрь
3	Янги йил	25-декабрь-30-декабрь
4	Онажонлар байрами	5-7 март
5	Наврўз байрами	20-март -20-апрель

Ўйин фаолияти

Воқеабанд–ижроли ўйинлар. Болаларнинг ўйин гоёларини ва кўникмаларини такомиллаштириш ва кенгайтириш. Воқеабанд–ролли ўйинларни ташкил этиш истагини шакллантириш.

Ўйин учун мавзу танлашни рағбатлантириш; борлиқни идрок қилиш давомида, адабий асарлар ва телекўрсатувлар, экскурсиялар, кўргазмалар, саёҳатлардан олинган билимлар асосида сюжетни ривожлантиришга ўргатиш.

Болаларни ўйин мавзуси бўйича келишишга, ролларни бўлишга, зарур шароитни тайёрлашга, биргаликдаги ҳаракатларнинг кетма–кетлиги бўйича келишишга, биргаликда ўйналадиган ўйиндаги алоқаларни йўлга қўйиш ва бошқаришга, яъни келишиш, ярашиш, ён бериш, ишонтиришга ўргатиш. Ўйин давомида юзага келадиган зиддиятларни мустақил равишда ҳал қилишга ўргатиш. Болаларнинг барқарор ўйин бирлашмаларининг мустаҳкамланишига ёрдам бериш.

Ўз ҳаракатларини шерикларининг ҳаракатлари билан мослаштириш кўникмаларини шакллантиришда давом этиш, ўйиндаги роллараро биргаликда ҳаракатланиш ва ўзаро муносабатларга риоя қилиш. Персонажлар билан биргаликдаги ролли ва воқеабанд ҳаракатлар давомида юзага келадиган туйғуларни ривожлантириш.

Роллар таркибини кенгайтириш, роль ҳаракатларини ва ўйин сюжетиغا мос тарздаги ўзини тутишга келишиш ва мўлжаллаш, бирлашувчи сюжет йўналишлари миқдорини кўпайтириш орқали ўйинни мураккаблаштиришга ўргатиш.

Таниш ўйинни янгича фикрлар (катталар иштироки, анжомларни ўзгартириш, ўринбосар нарсаларни ёки янги ролни киритиш) туфайли бойитиш. Ижодий жиҳатдан ўзини намоён қилиш учун янги ўйинларнинг юзага келиши ва ривожланиши учун шароит яратиш;

Ўйин учун зарур бўлган қурилмаларни жамоа бўлиб яратишга, бўлажак ишни режалаштиришга, мўлжалланган ишни бажаришга болаларни ўргатиш.

Машғулотлар давомида олинган конструктив кўникмаларни қўллашга ўргатиш.

Ўйинчоқларни белгиланган жойга саранжомлик билан йиғиштириб қўйиш одатларини шакллантириш.

Харакатли ўйинлар. Болаларни ўзларига таниш бўлган ҳаракатли ўйинларни мустақил тарзда ташкиллаштиришга ўргатишда давом этиш. Мусобақа элементлари мавжуд бўлган ўйинларда иштирок этишга ўргатиш. Болаларни халқ ўйинлари билан таништириш.

Тенгдошлар билан мустақил ўйнаганда ростўйликни, ҳолисликни тарбиялаш.

Театрлаштирилган ўйинлар. Болаларни ўйин ҳаракатларига фаол тарзда жалб қилиш орқали театрлаштирилган ўйинларга бўлган қизиқишларини ривожлантиришда давом этиш. Болаларда ўзларини турли ролларда синаб кўриш истагини ҳосил қилиш.

Хар бир болага чиқиш қилиш ва ўйин жараёни бўйича фикр билдиришга имкон бериш орқали ижодий ва ишончли муҳитни яратиш.

Болаларни мавжуд барча имкониятларни қўллаган ҳолда спектакль ва концертни тайёрлаш ва ўтказиш учун ижодий гуруҳлар тузишга ўргатиш.

Ўз қўллари билан яратилган анжомлар ва кийимлардан фойдаланган ҳолда роль бўйича ўзини тутишга ўргатиш.

Мустақил ижодни, ролда ўзини эркин сезишни рағбатлантириш.

Артистлик сифатларини тарбиялаш, концерт, цирк, спектакллардан сахналар кўйиш каби театрлаштирилган томошаларга болаларни жалб қилиш орқали уларнинг ижодий имкониятларини очиш. Болаларнинг тенгдошлари, ота-оналари ва бошқа меҳмонлар олдида чиқиш қилишларига имкон бериш.

Таълимий ўйинлар. Болаларни 2-4 тадан гуруҳчаларга бирлаштирган ҳолда таълимий ўйинларни ташкил этиш; ўйин қоидаларига риоя қилишга ўргатиш.

Болаларнинг хотираси, диққати, тасавури, тафаккури, нутқи ва сенсор қобилиятларини ривожлантириш. Нарсаларни киёслашга, уларнинг белгиларидаги (ранг, ўлчам, материалдаги) арзимас фарқларни сезишга, нарсаларни умумий белгилари бўйича бирлаштириш, қисмлардан бутунни (йиғма кубчалар, мозаика, пазллар) йиғиш, нарсалар жойлашувидаги ўзгаришларни (олдинда, орқанда, ўнгда, тагида, устида, ўртасида, ёнида) аниқлашга ўргатиш.

Тури-туман таълимий ўйинлар ва ўйинчоқлар билан (халқ, электрон, компьютер ўйинлари ва б.) ишлаш истагини шакллантириш.

Ўйин ҳаракатларига нисбатан ижобий ҳиссий муносабат ҳосил қилган ҳолда болаларни ўйинда мустақил бўлишга ундаш.

Гуруҳ бўлиб ўйин ўйнаш қоидаларига риоя қилишга ўргатиш. Ижодий мустақилликни тарбиялаш. Дўстона муносабат, интизом каби сифатларни шакллантириш. Ўйин-мусобақалардаги адолатли рақобат маданиятини шакллантириш.

Ўқув йили охирида бола:

- қандай ўйин ўйнаш, бунда қим қандай ролни ўйнаши ҳақида шериклари билан келишиш, ўйин қоидаларига риоя қилиш;
- ўйновчи болалар сонига қараб ўйин мазмунини кенгайтириш;
- ўйин мазмунини бойитишга ёрдам берадиган турли ахборот манбаларидан (кино, адабиёт, экскурсия ва б.) фойдаланиш;
- кўп ҳолатларда қўллаш мумкин бўлган материал, ўринбосар нарсалардан фойдаланган ҳолда ижодий буюм-ўйин муҳитини яратиш;
- таълимий ўйинларда ўз имкониятларини баҳолай билиш ва аччиқланмасдан мағлубиятни тан олиш;
- тенгдошларига ўйин қоидаларини тушунтириш;

- спектаклни кўриб бўлгандан кейин актёрлар ўйинини, қўлланган бадий ифода воситаларини ва сахна асарининг бадий безакларини баҳолаш;
- ўз ижодий тажрибасида мактабгача таълим муассасасида ва уй шароитида қўйилган спектаклларда ўйналган бир неча ролларга эга бўлиш; турли хил анжомлардан фойдаланган ҳолда ўз спектаклини безаш.

МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲИ

6-7 ёш болаларнинг ривожланиш хусусиятлари

Бола ҳаётининг еттинчи йилида ундаги ҳаракатлар кўлами кенгайди ва аниқлашади, унинг жисмида ҳаракатларнинг ўзаро мослашуви бошланади. 6-7 ёшли болалар ўзини идора қилиш ва ўз ҳаракатларини назорат қилиш имкониятига эга бўла бошлайди. Бу ёшдаги ўғил болаларда мустақил фаолият кўрсатиш, ташаббускорлик ривожланади ҳамда катталар фикрини тинглаш иштиёқи шаклланади. Бу даврда боланинг бўйи 120 см га етади, оғирлиги 22-24 кг бўлади. Бу ёшда бола чиникади, қизиқувчан бўлади, ўз саломатлигини назорат қила олади. Унинг идрок кучи ва тафаккури жадал ривожланади, моддий борликни билишга интила бошлайди. Болаларда гигиеник малакалар шакллана боради.

Болани мактабга тайёрлаш жараёнида уларда фаолиятнинг янги тури бўлган таълим олишга ўқишга иштиёқ уйғотиш лозим. Бу ўринда болаларни руҳан таълим жараёнига киришишга тайёрлаш мақсадида дастлабки ўқув элементларини ўргатиш лозим.

Ҳар қандай олти ёшли бола мактабга қабул қилиниши мумкин. Бунинг учун у жисмонан, руҳан ҳамда ақлий жиҳатдан таълим олишга тайёр бўлиши керак. Болаларни мактабга тайёргарлик даражасини аниқлашда ташхис марказларининг хулосаларига таяниш лозим. Шу билан бир қаторда мактабнинг моддий-техник базаси олти ёшли болаларга таълим бериш имкониятига эга бўлиши шарт. Ўқитувчининг педагогик-психологик билим даражаси, ахлоқ-одоби ва шахсий сифатлари олти ёшли болаларга таълим ва тарбия бериш учун лойиқ бўлганда, у олти ёшли болаларни ўқитиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун ҳам 6-7 ёшли болалар, уларни қабул қиладиган мактаблар ҳамда бу болаларни ўқитадиган ўқитувчилар педагогик-психологик нуктаи назардан алоҳида-алоҳида диагностика қилиниши ва шундан кейингина таълим жараёнига киришилиши керак.

Жисмоний ривожланиш

Жисмоний машқлар ва ўйинлар йўли билан ҳаракатларни такомиллаштириш жараёнида жисмоний сифатларни ўстириш. Кундалик ҳаракат фаоллигига бўлган эҳтиёжини шакллантириш. Югуришнинг мустақил машқ қилиш, унчалик мураккаб бўлмаган ўйин ва мусобақалар уюштириш; машқлар ва ўйинларни танлашда машгулотлар учун жойларни тайёрлашда ва жиҳозларни сақлашни таъминлашда ташаббус кўрсатиш.

Машгулотлар вақтида барча ҳаракатлантирувчи машқларнинг табиий ҳолда, енгиллик билан ва тўғри бажарилишига эришиш. Юришнинг ҳар хил турларидан шароитга қараб фойдаланишга ўргатиш. Югуриш техникасини такомиллаштириш. Сакраш кўникмаларини шакллантиришда давом этиш, сакраётганда мумкин қадар зичроқ сакраб ерга тушаётганда оёқларни олдинга чиқариб ерга тушиш, ерга

тушишда турғунликни сақлаш учун кўллари орқага силжитгандан сўнг уларни эркин равишда олдинга, ён томонларга, юқорига чўзиш, югуриб келиб узунликка сакрашда тезлаштирилган югуришни кўллаш.

Болаларга предметларни узокка ва нишонга иргитишда бармоқларни охириг марта кучли ҳаракатлантириб отишга ўргатиш. Копток билан хилма хил ва ишонч билан ҳаракат қилишга ўргата бориш. Турли усуллар билан гимнастика нарвончасига, арқонли нарвончага тирмашиб чиқишни машқ қилдириш. Арқон ва ходача бўйлаб тирмашиб чиқиш билан таништириш.

Жисмоний сифатлар-тезкорлик, чаққонликни ўстириш. Машқларни бажариш пайтида чидамлилиқ ва куч кўрсатишга имкон бериш; мувозанат сақлашни ҳис этишни, ҳаракатларни бошқаришни ва бўшлиқда чамалашни такомиллаштириш. Берилган масофани ўрта тезликда югуриб ўтишга ўргатиш. Турган жойида ва ҳаракат вақтида тезлик билан сафланиш ва қайта сафланишга; колоннада, сафда доирада текисланишга ўргатиш тўғри қадди-қоматни шакллантириш. Уюшқоқлик билан ҳаракат қилишга, матонат, мустақиллик кўрсатишга ўргатиш жисмоний машқларга қизиқтиришни кўллаб-қувватлаш, уларни фақат кўрсатгандагина эмас, балки сўз билан тушунтирганда ҳам аниқ бажаришга ўргата бориш. Машқларни аниқ, берилган тезликда, мусиқа билан бир усулда бажариш. Ҳаракатли ўйинларда мустақил қатнашиш, спорт ўйинларидаги ҳаракатлар кўникмасини ўзлаштириш иштиёқини ўстириш, ўйинда ўз хатти-ҳаракатига ва тенгдошининг ҳуқуқига адолатли ҳамда виждонан баҳо бериш ўзаро дўстлик муносабатларини намойиш қилишга ўргатиш.

Эргалабки бадантарбия машқини мунтазам равишда бажариш иштиёқини шакллантириш, уни ўтказаетганда уюшқоқликка, машқлар комплексини мустақил бажариш кўникмасига эришиш. Жисмоний машқларни илдам ҳаракат қилиб, ўзига тўлиқ ишонч билан аниқ бажара олишга ўргата бориш.

Очик ҳавода ўтказиладиган ҳаракатли ўйинларда ва сайр вақтидаги жисмоний машқларни бажаришда, болаларни ўйинда жамоаларга бўлиниб иштирок этишга, эстафеталарда бутун жамоанинг манфаатларини ҳисобга олиб ҳаракат қилишга адолатли ва хайрихоҳ бўлишга ўргатиб бориш. Чаққонлик, чидамлилиқ каби бир қатор жисмоний сифатларни намойиш қилишга эришиб ва уларни такомиллаштира бориб, спорт ўйинлари ва машқларининг элементларини ўрганиш.

Кучли ақлий фаолият билан боглик бўлган машгулотларда чарчашнинг олдини олиш ва ишлаш қобилиятини сақлаш мақсадида энгил жисмоний машқларни бажариш кераклигини болаларга маълум қилиш. Жисмоний дақиқаларни тайёрлаш ва ўтказишда кўрсатиладиган ташаббускорлик ва мустақилликни ўстириш. Болаларни ҳаракат қилишдаги ва хилми-хил ўйинлар ўйнашдаги ижодий фаолиятини ривожлантириш.

Кўнгил очар тадбирлари ва байрамларида кўлга киритиладиган шахсий натижаларни яхшилаш билан бир қаторда, қизиқ-қизиқ ўйинларни ўйлаб топувчиларни, ижодий мустақиллик кўрсатувчиларнинг ташаббусини кўллаб қувватлаш. Болаларни жамоада яхши ютуқларига эришишга, ўйин иштирокчиларини ва жамоадаги шерикларини ҳурмат қилишга, тенгдошларининг ютуғидан қувона олиш кўникмасига ўргатиш.

Мустақил фаолият жараёнида ҳаракатларнинг турли хилларини мунтазам машқ қилиш одатини шакллантириш. Турли хил жисмоний машқларни ва спорт ўйинлари элементларини мустақил бажараетган пайтда ёки очик ҳаводаги ўйинлари

элементларини мустақил бажараётган пайтда ўйин эстафеталарида ва энгил мусобоқаларида борган сари юкорироқ натижаларга эришишга интилишларини рағбатлантириш.

Асосий ҳаракатларни машқ қилдириш. Юришни машқ қилиш. Юришнинг икки тури (энгашиб, тик туриб юриш)га ўргатиш. Турли сафланишларда (биттадан, иккитадан, тўрттадан колонна бўлиб, доира олиб, саф тортиб) юриш; кўллар билан ҳар хил ҳаракатларни бажариб юриш. Оддий ҳолатдаги ва оёқларни чалкаштириб гимнастик юриш, ўнг оёқни ташлаб, ўтириб туриб, орқа билан туриб кадамни олдинга ва орқага қўйиб, кўзларни юмиб юриш.

Югуриш машқлари. Энгил шиддат билан югуриш. Оёқларни тиззаларни қаттиқ букиб, бошни орқага ташлаб, оёқларни олдинга тўғри ташлаб югуриш; тўсиқлар-барерлар, ичи тўлдирилган тўпларнинг устидан сакраб ўтиб уларга оёқни тегдирмасдан, югуриш тезлигини сақлаган ҳолда югуриш, йўналишни ва мувозанатни сақлаган ҳолда орқа билан югуриш.

Югуриш, юриш, сакраш, тўсиқларнинг тагидан ўтиш, табиий шароитлардаги тўсиқларни энгиб ўтишлар билан олиб бориш. 10 м масофани жуда кам кадам қўйиб югуриб ўтиш 1.5 - 2 минутгача узлуксиз югуриш. Ўртача 60-100м. тезлик билан югуришни тез югуриш билан алмашлаб чопиб ўтиш; худди шундай қилиб 200-300м. югуриш паст баланд жойлардан секинлик билан 300 метргача чопиб ўтиш. Тезлик билан 20м. масофани танаффуслар қилиб югуриш, 3 x 10, 10м. югуриш бир-бирини қувиб ўтиб югуриш. 30м. масофани мумкин қадар тезроқ ўтиш (йил охирига келиб тахминан 6.5-7.5 секунд ичида)

Сакраш машқлари. Бир жойда туриб икки оёқда орқага айланиб сакраш; ўнг, чап оёқларда сакраш, турган жойда 30-40 мартадан сакраш, 5-6м. олдинга сурилиб сакраш, қум билан тўлдирилган қопчани оёқлар орқасига ўтказиб олиб чизикча, арғамачи устидан ёнлаб хатлаш; 6-8 тўлдирма тўплаб устидан хатлаб сакраш бир оёқ билан чизик, арқонча устидан олдинга ва орқага, ўнг ва чапга, турган жойида ва олдинга сурилиб сакраш. Тўла ўтирган ҳолатдан юкорига сакраш. Бола қўли кўтарилгандан 20-30см. баландликда бўйи етадиган илиб қўйилган предметга етиш мақсадида турган жойида ва югуриб келиб сакраш. Уч кадам ташлаб югуриб келиб баландликдаги предмет учига сакраб чиқиш, унинг учидан сакраб тушиш. Қалта арғамчи учидан икки оёқлаб ҳаққалаб ва ҳаққаламасдан, оёқдан оёққа сакраш, арғамчи билан югуриш. Айланиб турган арғамчи ичидан югуриб ўтиш, турган жойида арғамчи ичида сакраш айланаётган арғамчи ичига кириш, унинг ичидан бир ёки бир неча марта сакраб ўтиш ва қочиб чиқиш, айланаётган арғамчи ичидан жуфт бўлиб югуриб ўтиш. Арғамчи устидан сакраб ўтгандек қатта халқа орасидан ўтиш.

Ташлаш, илиб олиш ва иргитиш машқлари. Коптокни юкорига ерга ташлаш ва уни камида 10 марта икки қўл билан илиб олиш, бир қўл билан камида 10 марта ташлаш ва илиб олиш, худди шу машқнинг ўзини чапак чалиб айланиб ва бошқача усуллар билан бажариш худди шунинг ўзини коптокни бир қўлдан иккинчи қўлга олиб полга уриб бажариш. Коптокни бир бирига пастдан, бошидан ошириб иргитиш.

Эмаклаб юриш ва тирмашиб чиқиш машқлари. Эмаклаб юриш гимнастика ўриндиғи бўйлаб қоринда ва елка билан ётиб қўлларга таяниб ва оёқларни итариб хона бўйлаб эмаклаб юриш, гимнастика ўриндиғи устидан қатор қилиб қўйилган тўсиқлар ичидан эмаклаш. Гимнастика деворининг бир зинапоясидан иккинчи

зинапоясига диагонал бўйича ўтиш. Нарвонга чиқиб тушиш, тезликни ўзгартириш, тирмашиб чиқишнинг бир хил ва кўп номли усулларида фойдаланиб тезликни ўзгартириш, ҳаракатлар координациясини сақлаш, арқон нарвончадан, арқон бўйлаб ўрмалаб чиқиш, арқонга оёқ товонлари билан тирмашиб олиб чиқиш (арқон учини тарбиячи ушлаб туради); арқонни товонлар билан ўраб олиш, оёқларни тўғирлаш, шу вақтда қўлларни букиш, арқонни қўллар билан то у тўғирлангунча ушлаб олиш, арқонга иккони борчи юқорирак тирмашиб чиқиш

Мувозанатни сақлаш машқлари. Гимнастика ўриндиғи бўйлаб оёқларни ёни билан қўйиб ёнлаб, кум солинган копчани орқалаб, бир оёқ билан ўтириб иккинчисини эса ўриндиқнинг ёнидан олдинга ўтказиб; тўғри оёқни кўтариб ва унинг тагида қарсақ чалиб ўтиш. Гимнастика ўриндиғи бўйлаб юриш, ўртага келганда тўхташ ва таёқчанинг устидан хатлаб ўтиш. Гимнастика ўриндиғи бўйлаб тўғри ва ён томон билан ўтиш. Оёқлар учидан туриш, берилган сигнал бўйича кўзларни юмиб бир оёқ учидан туриш, куб, гимнастика ўриндиғи устидан туриб худди ўшандай қилиш, қўлларни юқорига кўтарган ҳолда қимирлатиб, орқага айланиш. Катта тўлдирма тўп устидан мувозанатни сақлаб туриш, кўзларни юмиб айланиш, тўхташ, берилган ҳолатни эгаллаш.

Умумривожлантирувчи машқлар.

Қўллар ва елка камари учун машқлар. Қўлларни юқорига олдинга, ён томонларга кўтариш, товонларни жуфтлаб оёқ учларини очиб, тик тутган ҳолатда оёқ учидан кўтарилиш, бир оёқни учини орқада қолдириб, деворга суяниш. Қўлларни кўкрак олдида тутган ёки елкаларга қўйган ҳолатдан уларни юқорига ён томонларга чўзиш. Елкаларни кўтариш ва пастга тушириш. Тирсақда букилган қўлларни олдинга ва ён томонларга шахдам ёзиб (бармоқлар мушт қилиб сиқилган), тирсақларни орқага букиш (2-3 марта) ва қўлларни кўкрак олдидаги ҳолатдан ён томонларга чўзиш. Қўллар тирсақдан букилган ҳолда айлана ҳолатдан ён томонларга чўзиш. Қўллар тирсақда букилган ҳолда айлана ҳаракатлар қилиш. Бир қўлда бармоқлари билан халқани вертикал ўқ атрофида айлантириш, биллақлар ва қўл панжалари олдинда ва ёнда. Панжаларни айлантириш, бармоқларни ёйиш ва бирлаштириш, бармоқларнинг учларини навбатма-навбат бош бармоқ билан букиш.

Оёқлар учун машқлар. Оёқни олдинга узатиб чалиштириш. Қўлларни бош орқасига, елкаларга қўйиб туриб ўтириш. Турган ҳолатда ҳар қайси оёқни айрим-айрим ҳолда навбат билан букиш, бир оёқни айрим-айрим ҳолда навбат билан букиш, бир оёқни кетма-кет 2-3 марта букиб кўтариш. Оёқлар кенг ёзилган ҳолда ўтириш, оёқни олдинга силтаб кўтариб, тўғирланган оёқ учини олдинга чўзилган қўлларнинг кафтларига теккизиш. Нарвон поғонасини, стул суянчиғини бир қўл билан ушлаб туриб, оёқни эркин равишда олдинга ва орқага силкитиш.

Гавда учун машқлар. Бошни пастга эгиш, юқори кўтариш, ён томонларга буриш. Қўлларни юқорига кўтариб, ён томонларга ёйиб, белга тираб, бош орқасига қўйиб ён томонларга бурилиш. Қўлларни юқорига кўтариб, атрофга ёзиб, олдинга энгашиш. Турган ҳолда гавданинг юқори қисмини айлантириш. Орқага таяниб ўтириб, икки оёқни кўтариш, оёқ учларини чўзиш, оёқларни худди шу ҳолатда туриб туриш. Ўриндиқнинг орқасига таяниб, ўтирган ҳолда унинг устидан тўғирланган оёқни ошириб ўтказиш. Чалқанча ётган ҳолатдан оёқларни зичлаб туриб ўтириш ва яна ётиш. Орқа билан ётиб, икки оёғини баравар кўтариш.

Бир оёқда ўтириб туришни синаб кўриш. Орқа билан ётган ҳолатда гимнастика ўриндиғида тортилиш ва ўз гавдасини кўтариш. Кўкрак бараваридаги деворга суяниб (гимнастика нарвончасининг поғонасини ушлаб) кўлларни букиш ва очиш. Гимнастика нарвончасига орқа билан суяниб туриш ва кўлни бошдан ошириб, унинг поғонасини мумкин қадар юқорироғидан ушлаш; тизза кўзидан букилган оёқларни полдан навбатма-навбат кўтариш.

Сафланиш ва қайта сафланиш. Мустақил, тез ва уюшқоқлик билан биттадан, иккитадан сафланиш. Звенода бир қатор турганда текисланиш. Битта звенодан юриб туриб бир неча звенога, битта айланадан бир неча айланага бўлиниш ва қайта сафланиш. “Бир-икки” деб санаш, бир қатор ва икки қатордан бўлиб қайта сафланиш. Ҳаракат вақтида майдон бурчакларида бурилишлар қилиш. Юриб келиб ҳамманинг бараварига тўхташини машқ қилиш.

Велосипедда учиш. Велосипедда тўғрига, айлана бўйлаб, “илон изи” қилиб учиш. Машқлар ва ўйинларни бажариш, велосипедни бир кўл билан бошқариш.

Сузиш. Сувда нафас олиш ва нафас чиқариш (кетма-кет 3 мартадан 10 мартгача), сувга боши билан шўнгиш, сувда кўзларни очиш. Кўкрак билан ва елкада сузишни, оёқлар билан ҳаракатлар қилишини (юқори, пастга) бажариш. Сув остида кўлларни ерга тираб олдинга сурилиш. Дамлама ўйинчоқ, гардиш ва тахтани кўлга ушлаб сузиш. Кўллар билан ҳаракат қилишни ўргатиш. Ёрдамчи жиҳозларсиз ўзи мустақил ҳолда сузишга уриниб кўриш. Сувда хилма-хил машқларни бажариш. Эркин ҳолда 10-15 м сузиш.

Чиниктириш ва соғломлаштириш

Эрталабки гигиеник бадантарбия машқлари. Ҳар куни эрталабки бадантарбия машқларини бажариш. Бадантарбия машқларини очиқ ҳавода гиламча устида, енгил кийимда буюмлар билан ва уларсиз бажариш, машқларни сув муолажалари билан тугаллаш. Муайян изчилликда, аниқ, шиддат билан мускулларни таранг ҳолга келтириш, машқларни қоматни тўғри тутган ҳолда бажариш.

Чиниктириш. Хонада енгил кийимда бўлиш, деразанинг кичик дарчасини очиб қўйиш. Эрталабки бадантарбия машқларини ҳар куни, ҳар қандай ҳавода бажариш. Кийим ва пойафзални мавсумга ва машқ турига мувофиқ танлаш. Юз, бўйин, кўлни тирсаккача совуқ сув билан ювиш. Бадантарбиядан сўнг дарҳол губка ёки уй ҳароратдаги сувда ҳўлланган кичикроқ пахмоқ сочиқ билан тана аъзоларини артиш, аввал кўлларни, кейин баданни қуруқ сочиқ билан тана қизаргунча, тезда қуруқ қилиб артиш. Фақат катталарнинг руҳсати билан чўмилиш, катталарнинг назорати остида чўмилишнинг асосий қоидаларига риоя қилиш. Ялангоёқ юрганда оёқни шикастлантириш хавфи йўқ жойларда юриш. Чиниктириш қоидаларини онгли равишда бажариш.

Қоматни тўғри тутиш кўникмасини тарбиялаш. Эрталабки бадантарбия машқларини мунтазам равишда бажариб туриш. Бадантарбия машқлари таркибига тўғри қоматни шакллантирадиган, яситовонлиқнинг олдини оладиган машқларни киритиш (катталар билан биргаликда). Тўғри қоматни мустақил назорат қилиб бориш қоидаларига риоя қилиш, орқа билан деворга суяниб, тик туриш, деворга елкани теккизиб туриш, юришда ана шундай ҳолатни сақлаш.

Ҳаракат тартиби. Узоқ давом этадиган сайрларда иштирок этиш. Бадантарбия машқларини бажариш. Ҳаракатли ўйинларда фаол қатнашиш. Машгулотлардан

ташқари ҳаракатли ўйинлар ўйнаш.

Очиқ ҳаводаги спорт ўйинлари: Югуриб ўйналадиган ўйинлар: “Тез ол, тез сол”, “Предметни алмаштир”, “Бойқуш”, “Кимнинг гуруҳи тезроқ тўпланади”, “Ўз шеригингни қуллаб ет”, “Кўз бойлаш”, “Халқани ким тезроқ гилдиратиб боради?” в.б.

Сакраб ўйналадиган ўйинлар: “Қурбақа ва қарқара”, “Кўлга тушма”, “Бўри хандақда”.

Иргитиб илиб олиш ўйинлари: “Кимнинг номи айтилса, ўша коптокни илиб олади”, “Тўхта”, “Энг мерган ким”, “Овчилар ва ҳайвонлар”.

Остидан ўтиш ва тирмашиб чиқиш ўйинлари: “Қушларнинг учиб ўтиши”, “Маймунларни тутиш”.

Эрмак ўйинлар. “Кўз бойлаш”, “Арқончани ким тезроқ ўради?”, “Қуёни овқатлантир”.

Ўзбек халқ ўйинлари: “Ердан баланд”, “Мени топ”, “Қумли халтачани чуқурга тушир”, “Хўрозлар”.

Гигиена ва ўз-ўзига хизмат

Тахминий кун тартиби

7.00 – 7.30	Ўриндан туриш, эрталабки ювиниб – тараниш (уйда)
7.30 – 8.30	Қабул, соғлигини текшириш, ўйинлар, эрталабки бадантарбия
8.30 – 8.55	Нонуштага тайёргарлик, нонушта
8.55 – 9.10	Ўйинлар, машғулотларга тайёргарлик
9.10 – 11.00	Машғулотлар
11.00 – 11.15	Сайрга тайёргарлик
11.15 – 13.00	Сайр (ўйинлар, меҳнат, кузатиш, ҳаракатли ўйинлар -10 дақиқа, жисмоний машқлар 20 – 30 дақиқа)
13.00 – 13.15	Сайрдан қайтиш
13.15 – 13.35	Тушлик
13.35 – 15.25	Уйқу
15.25 – 15.50	Уйқудан туриш, ювиниш
15.50 – 16.05	Енгил 2 тушлик
16.05 – 18.15	Ўйинлар, мустақил фаолият, сайр
18.15 – 18.40	Кечки овқат
18.40 – 19.30	Ўйинлар, болаларни уйга кетиши
19.30 – 20.10	Сайр (уйда)
20.10 – 20.40	Тинч ўйинлар, гигиеник муолажалар (уйда)
20.40 – 6. 30 (7.30)	Тунги уйқуга тайёрланиш, тунги уйқу (уйда)

Ухлаш гигиенаси. Айнан бир вақтда ухлашга ётиш, ухлаш олдидан ювиниш, алоҳида ўринда ухлаш.

Шахсий гигиена. Овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва бирор иш қилгандан сўнг қўлларни ювиш. Санчки, қошиқдан бемалол фойдалана билиш. Тартибли овқат ейиш, сочиқдан фойдаланиш. Овқат пайтида коматни тўғри тутиш. Фақат индивидуал (ўзининг) тароқдан фойдаланган ҳолда тараниб юришни билиш. Овқатдан кейин оғиз ва томоқни чайиш. Қаттиқ жисмларни тишламаслик.

Овқатланиш гигиенаси. Тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш, ётиш олдида овқат емаслик. Ошхона жиҳозлари, сочиқдан тўғри фойдалана олиш, тартибли овқатланиш, овқат вақтида гавдани тўғри тутиш. Идиш-товуқни столдан йиғиштириб олиш ва ювиб қўйиш.

Маданий – гигиеник қўниқмаларни эгаллаш ва ўз-ўзига хизмат қилиш жараёни. Мустақил равишда ювиниш, қўлларнинг тозалигига риоя қилиш. Кичикинтойларга қандай қилиб юз – қўлларни тўғри ювишни кўрсатиб бериш. Тишларни тўғри тозалаб, тараниш, дастрўмолдан фойдаланиш. Овқатдан сўнг оғзини чайиш.

Мустақилликни намоён қила билиш. Батартиблик, хамиша чиройли кўринишга эга бўлиш иштиёқи. Кийимларни тартибли равишда ечиб, уларни жойига осиб қўйиш. Ўнг ва чап оёқ пойафзалларини фарқлай билиш, уларни тўғри кийиш. Кўзгуга қараб кийимларидаги камчиликларни бартараф этиш, дастрўмолдан тўғри фойдалана олиш. Хонада тартиб ва озодаликни сақлаш, кийимларни тоза ва тартибли кийиш. Тенгдошларининг кийимларидаги тартибсизликларга барҳам бериш. Озодалик ва тартибга одатланишни тарбиялаш. Шахсий буюмларини ювишни ва тугма қадашни билиш, ўйнаб бўлгандан сўнг ўйинчоқларни жойига олиб қўйиш, уларни эҳтиётлаш ва тоза сақлаш.

Ўзига хос гигиена. Шамоллатилган хонада тоза ўрин – кўрпада ухлаш. Эргалаб бадантарбия машқларини бажариш, сув муолажалари билан мустақил шугулланиш. Ичакларни ва қовуқни ўз вақтида бўшатиб, хожатхонадан батартиб равишда фойдаланиш. Бурунни тоза сақлаш. Қўл, оёқ ва бадан учун фойдаланиладиган сочиқларни фарқлаш. Тирноқларни тишласмаслик, қалам ва бошқа буюмларни оғзига солмаслик. Бармоқлар, тил, сочларни сўрмаслик. Тоза дастрўмолчадан фойдаланиш.

Шикастланишнинг олдини олиш. Йўлакдан ва кўчадан ўтаётганда (катталар билан биргаликда) эҳтиёткорликка риоя қилиш. Кўчанинг одам ва машиналар ўтадиган жойида ўйнамаслик, велосипедда учмаслик, йўлак ўртасида туриб гаплашмаслик. Транспортдан тушишда эҳтиёт бўлиш, трамвайнинг олдида, автобуснинг орқасидан ўтиш.

Дарахтларга чиқмаслик. Зинанинг панжарасини ушлаб тушиш. Қайчидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш. Юриш, чопиш вақтида энгил ҳаракат қилишни ривожлантириш, энг оддий хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш. Ҳаракатни мувофиқлаштириш, фазода мўлжал олиш (бошқаларга халакит бермаслик, маълум бир йўналишда муайян жойгача юриб бориш). Ҳаракатлардаги чаққонлик (тўпни думалатиш, кеглиларни уриб тушириш)ни ривожлантириш, хавфсизликнинг оддий қоидаларига амал қилиш. Нотаниш жойда чўмилмаслик, сув кўкракдан келадиган жойдан нарига кетмаслик, шўнгимаслик.

Рўй берган барча бахтсиз ҳодисалар, шикастланишлар ҳақида катталарга хабар бериш.

Тайёрлов гуруҳ (6-7 ёш)

№	Машгулот номи	Ўқув йили давомида				
		ҳафтада	бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	Жами
1	Атроф олам билан таништириш	2	8	32	40	72

2	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3	Нутқ ўстириш	1	4	16	20	36
4	Саводга тайёрлаш	1	4	16	20	36
5	Бадиий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
6	Илк математик тасаввурларни шакллантириш	2	8	32	40	72
7	Расм	2	8	32	40	72
8	Апликация	0,5	2	8	10	18
9	Қуриш-ясаш (қўл меҳнати*)	0,5	2	8	10	18
	Лой иши	1	4	16	20	36
10	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
11	Муסיқа	2	8	32	40	72
	Жами	15	60	240	300	540

Ижтимоий- ҳиссий ривожланиш

Боланинг катталар ва тенгдошлари билан мулоқот қилиш доирасини кенгайтириш, (бошқа гуруҳ тарбиячиси, мудира, услубчи, психолог, муассаса меҳмони, тенгдошларининг ота-онаси).

Инсонларга нисбатан муносабатларида мулоқот қилишда ўз фикрини айта билиш қобилиятини шакллантириш. Одобли сўзларни “рахмаг”, “илтимос”, каби сўзларни , бошқаларга нисбатан “балли”, “ яша” каби сўзларни айта билишга ўргатиш, бунда ўз фикрини таъкидлай билишга ўргатиш.

Катталарнинг ҳиссий ҳолатини (суюниш, гурурланиш, тинч ҳолат, жаҳди чиқиши) ҳис қилиш имкониятини шакллантириш.

Катталар билан мулоқот қилишнинг кенглиги, улар билан ўйин орқали мазмунли мулоқотга кириша билиш, ўз ихтиёри билан саломлаша билиш, катталарнинг саволларига жавоб бериш, сўз билан миннатдорчилик билдириш.

Катталар билан мулоқотда ўз таклифларини билдира олиш, катталар билан ўта мулоқотчан, катталар билан мулоқотга киришганда бошқаларга халақит бермаслик, катталар билан вазиятдан ташқари мулоқотга кириша олиш, катталар билан ўз таассуротлари билан ўртоклаша олиш.

Улар билан бўлган суҳбатда ўз ҳиссиётлари билан ўртоклаша олиш, атрофдаги таниш кишилар билан тезда мулоқотга кириша олиш, (қўшнилари, қариндошлар), катталарга тўғри муносабат билдира олиш, ўзига ёққан мавзуда катталар билан мулоқотга кириша олиш, катталарга ўз таклифларини билдира олиш, илтимос қила олиш.

Ҳиссий кечинмаларини сўз билан ифодалаш, тенгдошлари билан мулоқот қилишнинг кенглиги.

Тенгдошини сўз орқали таърифлаш, тенгдошлари билан низолашиб қолишса,

келишиб олиш

Мулоқот мобайнида ўз таклифларини билдира олиш, тенгдошлари билан ўта мулоқотчан, ўз ҳиссиётлари билан ўртоқлаша олиш, тенгдошлари билан низоли вазиятлардан мустақил чиқа олиш.

Катталар ёрдамида ўз камчиликларини бартараф қилиш, жамоада ўзини тута билиш.

Ўзини шахс сифатида англаш, камчилигини тушунишга интилиш, ўзларини катталарнинг баҳолаши билан солиштириш, ўз фамилияси, исми, ёши, турар манзили, оила аъзоларини билиш, бошқаларнинг хоҳишини хурмат қилиш.

Ўзини хурмат қилиш, ўз кадр-қимматини билиш, ўзини танқидий баҳолаш, ўз миллий анъаналарини ва маданий кадриятларини билиш ва улар билан мағрурлана олиш (миллий кийим, ўйин, урф-одатини ҳамда тарихини билишга интилади).

Катталар ва тенгдошларига самимий муносабат билдириш.

Катталар ва тенгдошларига нисбатан ўзаро хурмат билан қараш.

Сахийлик, яхшилик ва раҳмдиллик кўрсатиш, ўз кайфияти ва бошқаларнинг кайфиятини тушуниш.

Ижтимоий ривожланиш:

Катталар билан мулоқот. Катталар билан мулоқот қилишнинг кенглиги, катталар билан ўйин орқали мазмунли мулоқотга кириша билиш, ўз ихтиёри билан саломлаша билиш, катталарнинг саволларига жавоб бериш, катталарга сўз орқали миннатдорчилик билдириш.

Катталар билан ўзаро мулоқотга кириша олиш, катталар билан муружаат қилишнинг турли усулларидан фойдаланиш, катталар билан мулоқот қилиш доирасини кенгайтириш, нотаниш булган катталар билан мулоқотга кириша билиш.

Тенгдошлари билан мулоқот. Мулоқот вақтида ҳиссий яқинликни сўз билан ифодалаш, тенгдошлари билан мулоқот қилишнинг кенглиги.

Тенгдошини сўз орқали баҳолаш, тенгдошлари билан низолашиб қолишса, келишиб олиш.

Тенгдошлари билан мулоқотда ўз таклифларини билдира олиш ва улар билан ўз ҳиссиётларини ўртоқлаша олиш, ҳамда низоли вазиятлардан мустақил чиқа олиш.

Ҳиссий ривожланиш:

“Мен” концепцияси ёки ўз-ўзини англаш тушунчаси. Катталар ёрдамида ўз камчиликларини бартараф қилиш, жамоада ўзини тута билиш;

Ўзини, ўз мавқеини ва камчилигини англашга интилиш, ўзларини катталарнинг баҳолаши билан солиштириш, ўз фамилиясини, исмини, ёшини, манзилини, оила аъзоларини билиш, бошқаларнинг хоҳишини хурмат қилиш.

Ўзлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, ўзининг шахсий ахлоқий сифатларини баҳолай ва англай олиш, қайси шаҳарда яшайди, ўзи тўғрисида, бошқа болалар тўғрисидаги маълумот билан алмаша олиш.

Ўзини хурмат қилиш, ўз кадр-қимматини билиш, ўзини танқидий баҳолаш, ўз миллий анъаналарини ва маданий кадриятларини билиш, улар билан мағрурлана олиш (миллий кийим, ўйин, урф-одатини ҳамда тарихини билишга интилади).

Ҳиссий ифодалаш. Катталарга ва тенгдошларига нисбатан ўзаро хурмат билан қараш.

Сахийлик, яхшилик ва раҳмдиллик кўрсатиш, ўз кайфияти ва бошқаларнинг кайфиятини тушуниш.

Катталар ва тенгдошларига самимий муносабат билдириш

Ўз ҳиссиётларини сўз билан ифодалай олиш, ўзини ва бошқаларнинг ҳолатларини таққослаш ва баҳолаш.

Ўқув йили охирида бола:

- бир-бирини тушуна олади, ўз кадр-қимматини ва бошқаларнинг баҳосини билади;
- катталар ва тенгдошлари ўртасидаги муносабатда ўзида ишонч ҳиссини тарбиялай олади;
- ёкмаган нарсаларга нисбатан ўз муносабатини билдиради;
- ўз кайфиятини ва бошқаларнинг кайфиятини тушунади;
- инсоннинг ҳиссий ҳолатини сўз билан ифодалай олади;
- ўз ҳиссиётлари, ҳислари, таассуротлари билан бўлиша олади;
- турли вазиятларни ўзи хатти-харакатларини тўғри баҳолайди, катталар ва тенгдошларига яхши муносабат билдира олади;

Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик

Товуш маданиятини шакллантириш. Она тилидаги барча товушларни тўғри талаффуз этиш малакаларини мустаҳкамлаш Фонетик идрокни ўстиришда давом этиш. Болаларга s-z, p-f, t-d, p-b, l-r, u-o', x-h, k-g товуш гуруҳларини тўғри талаффуз этиш ва уларни фарқлашни, овоз сифатларини (баланд, ўртача, паст, йўғон, ингичка, жуда ингичка), нутқ суръатини (тез, ўртача, секин) тарбиялаш, сўзда товуш ўрнини белгилашга ўргатишни давом этиш.

Болаларга бир бўгинли сўзлардан ва бўгиндан товушни ажратиб олишга, бўгинларнинг товушлардан тузилганлиги, нутқнинг энг кичик қисми товуш эканини, унинг хусусиятлари, товушларнинг тури, товушни нусхада белгилаш ҳақида маълумот бериш. Товушларнинг тўғри талаффузи устида ишлаш.

Сўздан товушни ажратиш. Товуш сўз ёки бўгинлардан ажратилиши ҳақида тушунча бериш.

Товушга хос хусусиятларни (Товушларни талаффуз қилиш, яъни айтиш ва эшитиш) тушунтириш.

Унли ва ундош товуш ҳақида тушунча бериш. Унли ва ундош товушларнинг талаффузини болаларга машқ қилдириш.

Унли ва ундош товуш ҳақида тушунча бериш. Унли ва ундош товушларнинг талаффузини болаларга машқ қилдириш.

Лугат иши. Болаларнинг атроф-оламдаги ҳодисалар ҳақидаги билимларини аниқлаш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш асосида уларнинг нутқини бойитиш ва фаоллигини оширишда давом этиш. Болалар лугатини Ватан, Ватанимиз рамзлари: байроқ, герб, мадҳия, Ватан ҳимоячилари, шаҳар, қишлоқ, маҳалла ва кўчалар, ёдгорликлар, майдонлар, байрамлар ҳақида сўзлар билан кенгайтириш, касб-хунарга оид (учувчи, фазогир, шифокор, мисгар, ганчкор, ўймакор, наққош, муҳандис, пахтакор, ғаллакор, чорвадор, ўқитувчи, тарбиячи), қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган машиналар, транспорт ва алоқа воситалари ҳақидаги билимларини кенгайтириш, болаларнинг лугатини уларнинг теварак оламдаги воқелик билан бевосита танишишлари асосида, билиш фаолиятлари жараёнида: кузатишлар, кўздан кечириш, сурат асосида олиб бориладиган

сухбатлар, саёхатлар ва ҳақозолар вақтида бойитиб бориш. Янги ўзлаштирган сўзлардаги товушларни тўғри талаффуз этилишига эътибор бериш.

Нарсаларнинг ўзига хос муҳим белгилари ва ранги (ёрқин, очиқ, одми, пишиқ, пухта ва шу кабилар), одамларнинг ўз меҳнатига нисбатан муносабатини ифодаловчи ном ва сўзларни киритиш.

Халқ мақоллари, маталлари ва топишмоқларини тушунтиришни давом эттириш (“Қушни асраган, одамни асраган билан баробар”, “Яхшидан раҳмат, ёмондан лаънат”, “Бугунги ишни эртага қўйма”, “Куч-бирликда”, “Булбул чаманни, одам Ватанни севар”, “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” ва бошқалар). Қарама-қарши маъноли (антоним) сўзларни (узун-қиска, кеча-кундуз, кучли-кучсиз, паст-баланд маъноли бир хил, аммо айтилиши хилма-хил бўлган сўзлар (синоним) ни (хурсанд, шод, қувноқ, баҳор, кўклам, наврўз, кўркам, чиройли, гўзал ва бошқалар), айтилиши бир хил, аммо маънолари хилма-хил бўлган сўзлар (омоним) ни (ўт-майса, ўт-ариқдан ўтиш, ўт-олов ва бошқалар) тушуниб, ўз ўрнида тўғри қўллаш малакаларини мустаҳкамлашда давом этиш.

Луғатни фаоллаштириш. Болаларга нарсаларнинг номларини тўғри айтишга ўргатиш, бу нарсаларни бир-бири билан солиштириб, айрим фарқларини тушуниш ва шу орқали уларнинг луғат бойлигини оширишда давом этиш. Масалан, буюмларнинг хоссалари ва ҳолатини ифодаловчи сифатловчи сўзлар (масалан шиша идиш, юпка, тиник, мўрт, тез синадиган) нимадан қилинганлиги, шакли, ранги, сифати, ўлчови, хоссалари, вазифаларини англатувчи сўзларни ўргатишда давом этиш.

Жинс ва турни билдирувчи тушунчаларни болалар қай даражада тушунишлари ва қўллашларини аниқлаш. Умумлаштирилган сўзларни тўғри тушунишларига, улардан ўз нутқларида фойдаланишларига эътибор бериш.

Буюмларнинг қайси жисмдан ясалганини билдирувчи сўзлар (чинни лой, металл, пластмасса, газлама ва бошқалар)ни ўзлаштиришлари, бу ўзлаштиришнинг давом этишига аҳамият бериш.

Болаларда она тилига нисбатан муҳаббат, тўғри гапиришга ўрганиш истагини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш.

Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш. Болаларда ўз нутқи ва бошқалар нутқига нисбатан танқидий муносабатни тарбиялаш, уларни тўғри гапиришга ўргатиш, гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакасини мустаҳкамлаш. От, сифат, феълларнинг мураккаб грамматик шаклларида фойдаланишни машқ қилдириш. Жониворлар, нарсалар, идиш-товокларнинг, касблар бўйича шахсларнинг номларини топиб айтишга ўргатиш.

Ўз нутқида уюшиқ бўлакли, содда, ёйиқ ва қўшма гапларнинг турли хилларидан фойдаланиш малакасини мустаҳкамлаш, (боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап. Масалан: Лола келди ва биз ўйнадик. Ёмғир ёғди, шунинг учун биз саёхатга бора олмадик. Бунда кўмакчи ва боғловчи сўзлардан фойдаланишга ўргатиш). Болаларни равишдан фойдаланишга ўргатиш (тез юрди, секин гапирди); сўз яшаш малакаларини мустаҳкамлаш (Ўқит-ўқитувчи, балиқ-балиқчи, балиқлар ва бошқалар).

Бир фикрни турли воситалар билан баён қилишга ўргатиш. Раъно касал. Раъно бетоб. Раънонинг боши оғрипти. Раънонинг мазаси қочиб қолди.

Болаларни бир-бирининг ўрини, босадиган гапларни тузишга ўргатиш. Масалан: Биз саёхатга бормаймиз, чунки ёмғир ёға бошлади. Ёмғир ёға бошлагани

учун биз саёхатга бормаймиз.

Болаларга тўғри грамматик шаклларни машқ қилдиришда кўпроқ оғзаки машқ ва ўйинлардан фойдаланиш. Масалан: “Айт-чи қандай?” оғзаки ўйини: Қор қандай? Оппоқ, муздай, совуқ, майда”; Гул қандай? Чиройли, қизил, хушбўй.

Болаларни гапирганда сонни отга (стол устида бешта нок ва еттига олма бор), сифатни отга (чиройли кўйлак, қизил олма), сифатни феълга (кўшиқни ёқимли куйлайди, расмни чиройли чизади), тўғри боғлаш; хайвонларнинг болаларини билдирувчи отларни кўплик сонидан (тойчоқлар, кўзичоқлар, бузоқчалар) тўғри ишлатиш малакаларини такомиллаштириш. Болаларни турли усуллар билан янги сўзлар ясаш (гул-гулдон, гулзор, гулчи, Гулнора, қанд-қанддон, сув-сувдон, сувчи ва бошқалар)га, нутқда сифатдошлардан (ўқийётган бола, ўйнаётган капалак) фойдаланишга ўргатиш.

Боғланишли нутқни шакллантириш. Болаларни суҳбат пайтида фаол иштирок этишга ундаш, мавзу бўйича берилган саволларга тушуниб, қисқа ва тўлиқ жавоб бериш ўртокларининг бераётган жавобларига эътибор бериш малакасини такомиллаштириш.

Қайта ҳикоя қилишни ўргатаётганда болалар диққатини, айниқса, эртакнинг бошланиши, тақроқланиши, хулоса қисмига, ҳикоялардаги икки қаҳрамоннинг ўзаро нутқи кабиларга қаратиш.

Болалар асар воқеаларини сўзлаётганда овоз оҳангининг хилма-хил турини (сўроқ, ҳис-ҳаяжон, хайратланиш, илтимос) кабиларни қўллаш билишларига эришиш.

Болаларга ўйинчоқлар ва буюмлар ҳақида ҳикоя тузишни ўргатаётганда ўйинчоқларни таърифлаб беришга, ўйинчоқларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи белгиларини (ранги, шакли, қандай ўйналиши ва бошқалар) аниқ сўзлар орқали ифодалашга ўргатиш.

Ижодий ҳикоя қилиш. Болаларни тарбиячи томонидан айтилган ҳикоя ёки эртакни ниҳоясига етказишга, жумлаларни қисқа, лўнда тузишга, тасвирий воситалардан фойдаланишга ўргатиш.

Болаларни шахсий тажрибалари асосида, тарбиячи таклиф этган ҳаётий мавзулар бўйича мантиқий ривожланиб боровчи ҳикоя ёки эртак тузиш қобилиятларини ривожлантириш: “Куз”, “Мехмонда”, “Дўконда”, “Хайвонот боғида”, “Ўжар жўжа”, “Қиш”, “Қишда қушларнинг ҳаёти”, “Автобусда”, “Баҳор”, “Аҳмаджон кучукчани қандай топиб олди?”, ва бошқалар.

Болаларга қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини таъсирчан бера билишга ўргатиш. “Қиш”, “Биринчи қор”, “Янги йил байрами”, “Қорбобо”, “Энг яхши фасл”, “Мен онамга ёрдамчи”, “Мен отамга ёрдамчи”, “Онамларнинг байрами”, “Мен Наврўз байрамини қандай ўтказдим?”.

Болаларга мазмунли расмларда акс эттирилган воқеаларни изчил баён қилишни, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ўз муносабатларини билдириш, ҳикояни мантиқли тугаллашни, топишмоқлар ўйлаб топишни ўргатиш.

Болаларни таққослаш усулидан фойдаланиб топишмоқлар ўйлаб топишга ўргатиш.

Бадий адабиёт билан таништириш. Болаларда бадий адабиётга бўлган қизиқиш ва муҳаббатни янада ривожлантириш, бадий асардаги гўзалликни, нафосатни ҳис этиш кўникмасини тобора кучайтириб бориш.

Болаларнинг халқ оғзаки ижоди жанрлари, хусусан, дostonга (“Рустамхон”

достондан парча) бўлган кизикишларини ошириш, халқ донолигининг акси бўлган мақол, топишмоқлардаги сўз кудратини, образли фикрларни хис этиб, уларда ифода этилган чуқур маъноларни тушуна боришларига эришиш. Ҳадисларга нисбатан ҳурматни янада кучайтириш. Шарқнинг буюк алломалари (“Навоийнинг дўсти” “Берунийнинг дам олиш кунлари” ривоят) ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Болалар насрий асарларда акс этирилаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятига чуқурроқ тушунишларига, қахрамонлар рухий ҳолатларидаги ўзгаришларни (З.Иброҳимова “Уйку хафа бўлди”, О.Бегали “Раҳмдилнинг дарахти”) хис этишларига, асарда рўй берадиган айрим нохуш воқеалар (Ф.Мусаҷонов “Энди ҳеч ким зерикмайди”, З.Иброҳимова “Мардона”), ножўя ҳаракатлар (Ф.Мусаҷонов “Қўшоквойнинг ҳиммати”, Т.Ғойибов “Алдоқчи ҳакка”, “Тулкивой” ўзбек халқ эртаги), тўкнашувлар (М.Муродов “Энг қимматли нарса”)нинг сабаб ва оқибатлари ҳақида фикрлаб, мустақил хулосалар чиқаришларига алоҳида аҳамият бериш. Қахрамонлик тасаввурларини шакллантириш (И.Арабшоҳ “Амир Темурнинг Жайхундан шошилинич ўтиши”, “Уч оғайни ботирлар” (ўзбек халқ эртаги), ботирлик, жасурлик каби ҳислатларни тарбиялаш. Болалар насрий асар мазмунини сўзлаб бераётганларида, нутқларида бадий тасвир воситаларидан ижодий фойдаланиш, фикрларини раво, эркин баён этиш кўникмаларини, бадий асар шакли ҳақидаги тушунчаларини (шеър, хикоя, эртак) мустаҳкамлаш. Шеърни (Н.Нарзуллаев “Ўлкам”, П.Мўмин “Ватан-бу”, О.Абдураҳмон “Уста”, М.Аъзам “Ер айланади”, Ҳ.Раҳмат “Қадрдоним баҳор”, Р.Файз “Момоқаймоқ”, Т.Убайдулло “Инсон бешиги” в.б.) ифодали айтиш йўлларини яна ҳам пухтароқ ўргатиш.

Ўқиш ва саводга тайёргарлик. Товушларни тўғри талаффуз этиш ва сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва шакллантириш.

Унли ва ундош товушлар ҳақида тушунча бериш.

Жарангли ва жарангсиз товушларни ажратишга ўргатиш асосида фонематик идрокни ва тасаввурни ривожлантириш.

Оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантириш:

- гапни сўзларга бўлиш, сўзларни бўгинларга бўлиш;
- маълум товушларнинг ўрнини аниқлаш (сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида);
- сўзда товушлар кетма-кетлигини аниқлаш;
- бўгинлардан сўзлар тузишга ўргатиш;
- сўзлар иштирокида гап тузиш;
- товушларни эшитиб фарқлашга ўргатиш.

Илмоқ, чизик, таёқча, гажак элементларини чизишга ўргатиш.

Берилган товушни ҳарф белгиси билан таништириш.

Кесма босма ҳарфлар ёрдамида товуш-ҳарф таҳлил ва синтези бўйича машқларни бажаришга ўргатиб бориш;

Кесма босма ҳарфлар билан ишлашда болаларга кесма ҳарфлардан бўгин туздирини ва ўкитини. Тузилган бўгинлардан ёки бўгинли карточкалардан сўз туздирини ва ўкитини. Ўз исмини кесма босма ҳарфлардан туза олиш. Сўзнинг бўгин-товуш таҳлилинини ўтказиш. Бўгин ўқишда ундош товуш унли билан бирга бўгин ҳосил қилишини тушунтиришда давом этиш. Бунда болаларга ундош (D) товушини ичда сақлаб, кейин унлини (а)қўшиб бирга ўқиш лозимлигини амалий кўрсатиш.

Кесма босма ҳарфлар ёрдамида бўғин ва сўзларни тузиш ва уларни бўғинлаб ўқишга ўргатишда давом этиш.

Намунадан турли сўзларни олиб чизишга, ўз исмини ва 2-3та сўзларни босма ҳарфларда мустақил равишда ёзишга ўргатиш.

Изоҳ: Тайёргарлик давридаги тушунчалар асосий даврда ҳам мустаҳкамланиб, чуқурлаштирилиб борилади.

Ўқув йили охирида бола:

- болалар она тилидаги ҳамма нутқ товушларини тўғри талаффуз қилишга;
- нутқ товушлари ва сўзлар ўртасидаги фарқларни англаш;
- йил давомида танишган сўзларини (касб-ҳунар, буюмларнинг сифати ва хоссалари, ўрни, кун қисмлари ва б.) ўз ўрнида фаол ишлатиш;
- жавоб бераётганда, ҳикоя қилаётганда сўзларни грамматик жиҳатдан тўғри ўзлаштириш;
- жумлаларни тўғри тузиш;
- қисқа эртақ ва ҳикояларни мустақил қайта ҳикоя қилишга;
- ўйинчоқ, турли буюмлар ва воқеий (сюжетли) расмлар бўйича, мустақил ижодий ҳикоялар тузиш;
- болаларда асарда иштирок этаётган қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини тушуниб, раво баён этиш, шеърый асарларни ёд олиш, ифодали ўқишга ўрганишлари лозим;
- болалар бадиий асардаги маъно-ғояни мустақил тушуниб, ўзлари учун аниқ хулоса чиқариб олиш, шеърый асарларни ёд олиш, ифодали ўқиш малака кўникмаларига эга бўлишлари керак;
- айрим адабий асарлардан лавҳалар саҳналаштиришга қатнашиш иштиёқлари уйғонади.
- товушларни тўғри талаффуз этиш ва сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасавурларга эга бўлиши;
- унли ва ундош товушларни фарқлай олиши;
- жарангли ва жарангсиз товушларни ажрата олиши;
- оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини эгаллаши;
- гапни сўзларга бўлиш, сўзларни бўғинларга бўлиш;
- маълум товушларнинг ўрнини аниқлаш (сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида);
- сўзда товушлар кетма-кетлигини аниқлаш;
- бўғинлардан сўзлар тузади;
- сўзлар иштирокида гап тузади;
- товушларни эшитишда фарқлайди;
- илмоқ, чизиқ, таёқча, гажак элементларини чиза олади;
- берилган товушни босма шаклидаги ҳарф белгисини танийди;
- кесма босма ҳарфлар ёрдамида товуш-ҳарф таҳлил ва синтези бўйича машқларни бажара олади;
- кесма босма ҳарфлардан бўғин тузади ва ўқий олади. Ўз исмини кесма босма ҳарфлардан туза олади.
- намунадан турли сўзларни олиб ёзади ва чизади, ўз исмини ва 2-3та сўзларни босма ҳарфларда мустақил равишда ёза олади.
- кесма босма ҳарфлар билан ишлай олади: бўғин тузади ва ўқийди;
- бўғинли карточкалардан бир нечта сўз тузади ва ўқийди;

- сўзнинг бўгин-товуш таҳлилини билади.

Билиш жараёни: атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Элементар математик билим ва кўникмалар

Болаларнинг мантикий тафаккурини ва ҳисоблаш малакасини ўстириш.

Сон ва санок. Болаларда 10 гача бўлган предметларни тўғри ва тескари санаш кўникмасини мустаҳкамлаш, кўрсатилган сонга биноан предметларни санаб чиқишни машқ қилдириш.

0 дан 9 гача бўлган рақамлар билан таништириш.

1-10 гача бўлган сонларнинг ҳар бири учун олдинги ва кейинги сонни топишни болаларга машқ қилдириш; 1-10 сонлари ўртасидаги нисбатни тушунишни мустаҳкамлаш; истаган сондан бошлаб тўғри ва тескари тартибда сон номини айтиш, «гача ва кейин», «олдинги ва кейинги» ибораларни тушуниш.

10 гача тартиб билан санаш, миқдор ва тартиб санокни фарқлаш, «қанча?», «қайси?», «ҳисоб бўйича нечанчиси?» деган саволларга тўғри жавоб бера олиш.

Турли ҳолатда жойлашган (доира бўйлаб, квадрат ичида, бир қатор) 10 гача бўлган бир хил ва турли хил предметларнинг сонини аниқлашни машқ қилдириш.

Икки кичик сондан 10 гача бўлган сонларни ҳосил қилишга (аниқ материал асосида) ўргатиш.

10 гача бўлган сонни ўзидан кичик бўлган иккита сонга (буюмлар мисолида) ажратиш. Масалан, “Сенда 10 та ёнғоқ бор, учтасини акангга бердинг. Ўзингда нечта қолди?” деган савол билан мурожаат қилиш.

15 гача санаш кўникмаларини (кўргазмалиликка таяниб) такомиллаштириш.

10 дан 15 гача бўлган рақамлар билан таништириш.

Ёнма-ён турган сонларни қиёслашни машқ қилдириш (12-11 дан 1 та кўп, 11 эса 12 дан 1 та кам). Сонлардан ҳар бирини 1 тага ошириш ва камайтиришга ўргатиш (15 гача бўлган сонлар ичида).

Болаларни (кўргазмалилик асосида) арифметик масалалар ва унинг структуралари билан таништириш.

1 дан 20 гача санашни ўргатиш. 1 дан 20 гача бўлган сонлар ўртасидаги муносабатларни (кўргазмалиликка таяниб) тушунишни мустаҳкамлаш. (16 сони 15 дан 1 та кўп, агар 16 ни 1 га камайтирилса 15 бўлади; 15 сони 16 дан 1 та кам, агар 15 га 1 та қўшсак 16 бўлади).

15 дан 20 гача бўлган сонларнинг рақамлар билан белгиланиши билан таништириш. Айтилган ёки рақам билан белгиланган сондан кейин келувчи ва олдинги соннинг номини айтишга ўргатиш.

Сонни иккита кичик сонга ажратиб териб қўйишга (20 гача), кўргазмалилик асосида ва иккала кичик сондан яхлит сонни тузишга ўргатиш.

Оддий арифметик масалаларни тузиш ва ечишни машқ қилдириш. Вазифаларнинг ечимини «ёзишда» сонларнинг рақам белгилари ва амал белгилари: плюс (+), минус (-), баробар (=) дан фойдаланиш.

Мисолларни рақамлар ёзилган карточкалар ёрдамида ифодаб ечишга ўргатиш. $\square + 3$ кўринишидаги қўшиш $\square - 3$ кўринишидаги айириш усули билан таништириш; бундай кўринишда 3 сонининг таркибий қисмидан фойдаланиш (Масалан: қўшишда $5+3$; $5+1+2$; $5+2+1$; айиришда $8-3$; $8-2-1$ ёки $8-1-2$).

Пул қийматлари ва нарх-наво ҳақида дастлабки тушунчалар бериш. Масалалар ечиш. Пластик карточка, терминал ҳақида илк тушунча бериш.

Катталиқ. Шартли ўлчов билан таништириш. Шартли ўлчов ёрдамида предметларнинг кенглигини, узунлигини ўлчаш ва таққослашга ўргатиш.

Суyoқ ва тўкилувчи жисмларни шартли ўлчов бирлиги билан ўлчашни ва ўлчаш натижасини сон билан айтишни ўргатиш.

Турли нарсалар (меваларни, сабзовотларни ва бошқалар) ни икки тенг қисмларга бўлишни ўргатиш, олинган қисмларни «ярим», «иккидан бир қисм» деб аташга ўргатиш.

Болаларни шартли ўлчов ёрдамида предметлар кенглиги, узунлигини ўлчашга ўргатишни давом эттириш ва ўлчаш натижасини сон билан айтишга ва тегишли рақамлар билан белгилашга ўргатиш.

Турли нарсалар (геометрик шакллар, меваларни ва бошқалар)ни ўнта тенг қисмларга бўлишни ўргатиш.

Кўз билан чамалаб ўлчашни ривожлантиришни давом эттириш, ўз чамасини ўлчов бирлиги билан ўлчаб кўриб текширишга ўргатиш.

Геометрик фигуралар. Болаларни доира, квадратни икки тенг қисмга бўлишга, олинган қисмларни «ярим», «иккидан бир қисм» деб аташга ўргатиш. Аниқ материал ёрдамида бутун қисмдан катта, қисм эса бутундан кичкина эканлигини белгилаш.

Кўпбурчаклар ҳақида тасаввур бериш: учбурчак, тўртбурчак-бу кўпбурчак. Болаларни кўпбурчак элементлари (томонлари, бурчаклари, бурчак учлари) билан таништириш.

Таёқчалар ёрдамида турли шаклларни ясаш.

Болаларга доирани, квадратни 4 га бўлишни ўргатиш. Аниқ материал асосида бутун қисмдан катта, қисм эса бутундан кичкина эканлигини белгилаш.

Болаларни 2 та, 4 та учбурчаклардан битта кўпбурчаклар тузишга, кичик тўртбурчакдан битта катта тўртбурчак тузишга ўргатиш.

Бешбурчак ва олтибурчак билан таништириш.

Етишмаган шакл, жисмни (шар, куб, цилиндр) топишга доир мантиқий масалаларни ечишни ўргатиш.

Геометрик фигуралар кўринишини ўзгартиришга ўргатиш: кичик учбурчаклардан тўртбурчак шаклини ясаш ва бошқалар.

Таёқчалардан ҳосил бўлган геометрик шакллардан бир неча таёқчани олиш усули билан кўринишини ўзгартириш.

Махсус шакллар тўпламидан фойдаланиб, намунадаги нарсаларни ҳосил қилиш.

Теварак-атрофда мўлжал олиш. Болаларни қоғоз варағи сатҳида предметларнинг қандай жойлашганлигини (чапроқ, ўнгрoқ, ўртасида, юқорироқ, пастроқ аниқлашга) ўргатиш.

Дафтар сатҳини аниқлаш ва шаклларни штрихлар орқали чизишни машқ қилиш.

Болаларга предметларни пол, каттик қоғоз, дафтар варағи устига жойлашни машқ қилдириш.

Теварак атрофдаги нарсаларнинг вазиятини аниқлашга доир машқлар.

Вақтни чамалаш. Болаларни соатларнинг турлари ва уларнинг тузилиши (стрелкалари, цифрблати) билан таништириш. Вақтнинг энг кичик бирликлари

сония ва дақиқа ҳақида тушунча бериш. Ярим соатгача аниқликдаги вақтни белгилашга ўргатиш.

Келгуси ой, сана номи билан таништириш. Кеча қандай сана бўлганлигини, эртага қандай сана бўлишини айтишга ўргатиш.

Ҳафта кунлари ва йил фасллари изчиллиги ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, келгуси ойнинг номини айтишни машқ қилдириш.

Қуриш-ясаш. Болаларга йил давомида лево жиҳозларидан лойиҳалар яратишни, 20 қисмдан кам бўлмаган пазллارни йиғиш ва қоғозларни букиб (оригами йўли билан) шакллар ясашни ўргатиш.

Қурилиш материаллари тўпламларидан турли мавзуларда лойиҳалар яратишга ўргатиш.

Таълимий ўйин ва машқлар. Эгаллаган билим ва кўникмалар куйидаги ўйин машқлар орқали мустаҳкамланади:

“Нима ўзгарди?”, “Нечта бир хил рангли доира?”, “Математик эстафета”, “У ерда қанча колди”, “Майдаланг”, “Домино”, “Уддабурон санокчига - байроқча”, “Доирани айлантиринг”, “Топинг-чи, кимнинг бўйи узун?”, “Геометрик домино”, “Шаклларни тўртга чўнтакка жойланг”, “Зийрак бўлинг”, “Берилган шаклни ким тезроқ туза олади?”, “Қандай шакл ҳосил бўлади?”, “Шаклни топинг”, “Қайси шакл етишмайди?”, “Мен нимани айтсам шуни бажаринг”, “Қаерга бориб, нима топасиз?”, “Шаклларни тўғри жойлаштиринг”, “Тескари санок”, “Қаерга борасан, нимани топасан?”, “Кеча, бугун, эртага”, “Топган-топалок”, “Бутун ва қисмлар”, “Атомлар”, “Рангли доиралар ва оваллар”, “Ҳафта”, “Кластер”, “Мозаика”, “Байроқчага қараб юр”, “Фасллар”, “Ким билса давомини санасин”, “Бир хилини топ”, “Ҳа-йўқ”, “Йил фасллари”, “Топинг нечта ўйинчоқ?”, “Ўнгда-чапда, олдинда-орқада”, “Кўнгирокча қаерда жиринглаяпти?”, “Мен қандай сон ўйладим?”, “Гараж”, “Етадимми?”, “Кўп, оз, шунча”, “Мунчоқларни ишга тизинг”, “Шартли белгилар асосида ҳаракат қиламиз”.

Ўқув йили охирида бола:

- икки кичик сондан ташкил топган биринчи ўнлик таркибини билади;
- икки кичик сондан ташкил топган иккинчи ўнлик таркибини (кўргазмалиликка таяниб);
- 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 рақамларини билади;
- «+», «-», «=» ишораларини;
- 10 гача бўлган сонларни тўғри ва тескари санаш;
- 20 гача бўлган сонларни тўғри санаш;
- предметлар миқдорини рақам (рақамлар) билан белгиланган сонга солиштириб чиқиш;
- мисолларни рақамлар ёзилган карточкалар ёрдамида ифодалаб ечиш;
- бир амалли масалаларни қўшиш ва айириш орқали тузиш ва ечиш;
- шартли ўлчов ёрдамида предметлар узунлигини ўлчашни ва натижани сон ва рақам билан айтиш;
- суюқ ва тўкилувчи jismlарни шартли ўлчов бирлиги билан ўлчашни ва натижани сон ва рақам билан айтиш;
- бир нечта учбурчаклар, тўрт бурчаклардан катта ҳажмдаги шакллар ва предметлар тузиш;
- махсус шакллар тўпламидан фойдаланиб, намунадаги нарсаларни ҳосил

қилиш;

- таёқчаларнинг ўрнини алмаштириш асосида берилган шакллар (учбурчак, тўғри тўртбурчак, квадрат)ни ўзгартиришга оид топшириқларни бажариш;
- кўпбурчакларнинг элементларини (томонлари, бурчаклари, учлари) билиш;
- нарсалар (геометрик шакллар, мевалар, сабзовотлар ва бошқалар) ни 2, 4 ва 10 тагача тенг қисмларга бўлиш;
- бутуннинг қисмдан қатталиги, қисм бутуннинг қисми эканлигини тушунади;
- катак қоғози варағи сатҳини мўлжал олишни, қоғоз варағининг ўнг, чап, юқори, паст, ўртасини аниқлаш;
- буюмларнинг ўзига нисбатан ўрнини аниқлаш (тепада-пастда, олдинда-орқада, ўнгда-чапда);
- сигнал бўйича турли йўналишда ҳаракатланиш (олдинга-орқага, тепага-пастга);
- ҳаракат давомида, юриб кетаётганда йўналишни ўзгартириш;
- кун қисмлари, уларнинг кетма-кетлиги, кундалик фаолиятларнинг тақсимланиши;
- ҳафта кунларининг номини айта олиш ва кетма-кетлиги;
- йил фасллари, уларнинг номи, кетма-кетлигини ва ўзига хос хусусиятларини;
- йил тақвими, ўтаётган ой, сана, ҳафта куни ҳақида;
- соат турлари ва унинг ишлатилиши;
- лего жиҳозларидан лойиҳалар яратади;
- 20 қисмдан кам бўлмаган пазлларни йиғади;
- қоғозларни букиб (оригами йўли билан) шакллар ясайди;
- қурилиш материаллари тўпламларидан турли мавзуларда лойиҳалар яратишни билади;
- пул қийматлари, нарх, пластик карточка, терминал ҳақида дастлабки тушунчага эга бўлади.

Атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Она Ватан ва атроф-олам. Болаларнинг мустақил Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини бойитиш. Ўзбекистоннинг қадимий шахарлари ва Буюк ипак йўли ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.

Болаларга “Конституция сабоқлари” асосида илк тушунчалар бериш.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги, герби, байроғи ва мадҳияси ҳақидаги билимларини такомиллаштириш. Мадҳияни ижро эта олишни ўргатиш. Ўзбекистон Республикаси Президент томонидан бошқарилиши, Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳри эканлиги ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Ўзбек халқининг оғзаки ижоди намуналари асосида болалар қалбида ўз миллатига муҳаббат, миллий ғурур хиссини тарбиялаш.

Буюк сиймолар. Болаларни тарихимиз ва буюк Шарқ алломалари, уларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништиришни давом эттириш.

Навоийнинг буюк мутафаккир олим, ёзувчи, давлат арбоби бўлганлиги ҳақида маълумот бериш. Буюк инсонлар: Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, бастакор Юнус Ражабий, мусаввирлар Камолиддин Бехзод, Ўрол Тансиқбоев ҳақида тушунча бериш.

Анъанавий байрамлар. Болаларнинг ўзбек миллий байрамлари Наврўз,

Мустақиллик байрами ҳақидаги тасавурларини янада кенгайтириш, бойитиш.

Шакл ва мазмун жиҳатдан хилма-хил бўлган сайлларни мунтазам равишда ташкил қилиб туриш. Масалан: катта сайл(бойчечак, она ер саҳовати, гилос, олма) ва қушлар ҳамда гуллар байрами ва ҳ.к..

Халқ амалий санъати. Болаларни заргарлик, зардўзлик, мисгарлик, ганчкорлик каби халқ ҳунармандчилиги билан таништириш.

Катталар меҳнати. Болаларни катталар меҳнати ҳақидаги тасавурларини ривожлантириш, кишилар меҳнатига ҳурмат ҳиссини тарбиялашни давом эттириш. Болаларга деҳқончилик, чорвачилик ҳақида сўзлаб бериш ва уларни деҳқон, чорвадор ва боғбон меҳнатининг мазмуни билан таништириш. Бозор ҳақида тушунча бериш.

Касб-хунарга оид (“Дўкон”, “Деҳқон бобо”, “Почта”, “Чевар”, “Ҳайдовчи”, “Ўқитувчи”, “Ҳамшира”, “Бозор-бозор”, “Ошпаз”) турли ўйинлар ўйнаш.

Транспорт ва алоқа воситалари. Транспорт воситалари ва йўл ҳаракати қоидалари билан таништиришда давом этиш. Почта алоқаси хизмати билан таништириш. Почтанинг вазифаси ва аҳамияти ҳақида маълумот бериш. Телефон алоқаси ва телеграфчилар, уларнинг меҳнати, телефон хизматининг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида маълумот бериш. “Почта-почта”, “Кимга нима керак?”, “Телефон-телефон”, “Компьютер”, “Ҳайдовчи” каби мавзуларда суҳбат ва ўйинлар ташкил этиш

Буюмлар ҳақида. Буюмларнинг бир неча хил белгилари ва улардан фойдаланиш ҳақида тушунча бериш. Мағодан қилинган буюмлар, уларнинг турлари ва фойдаланиш усуллари ҳақида тушунча бериш. Темир ва ёғочдан ишланган буюмлар ва улардан тўғри фойдаланиш ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш. Буюмлар уларнинг ясалиши ва ишлатилиши ҳақида суҳбатлар ташкил этиш.

Бола ўз танасининг қисмларини ўрганади.

Болаларга одамнинг бир неча органлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот бериш (юрак уради, қон қизил ва суюқ бўлади,...).Одам ва ҳайвон ўртасидаги бир неча фарқланувчи ва умумий жиҳатларни айтиб беришга ўргатиш. Болаларга одамнинг тузилиши тўғрисидаги турли расмларни таклиф қилиш ва уларга тана қисмларининг номи, жойлашуви ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумотлар бериш.

Ўқув йили охирида бола:

- Ўзбекистоннинг мустақиллик кунини, унинг герби, байроғи, мадҳиясини Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент эканлиги;
- ўзи яшайдиган кўча, маҳалла, туман ва қишлоғининг номи;
- худуддаги ёдгорлик бинолари ва бошқа тарихий манбалар;
- Ўзбекистонда давлат тили - ўзбек тили эканлиги;
- буюк инсонлар ҳақида илк тушунчаларга эга бўлиш: Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек;
- бастакор Юнус Ражабий, мусавирлар Камолиддин Бехзод, Ўрол Тансиқбоев
- миллий байрамларни билиши;
- ҳарбий кўшинлар, уларнинг вазифалари;
- халқ ҳунармандчилиги;
- транспорт турлари, йўл ҳаракати қоидалари;
- нарсалар ва улардан фойдаланишни билиши керак;

- тана қисмларининг номи, жойлашуви ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлади.
- одамнинг бир неча органлари ва уларнинг хусусиятлари хақида маълумот эга бўлади(юрак уради, қон қизил ва суюқ бўлади,...).

Жонли ва жонсиз табиат тўғрисида тасаввурга эга бўлиш

Жонсиз табиат. Болаларда жонсиз табиат ҳодисалари хақидаги тасаввурларини шакллантириш.

Ҳаво, магнитнинг хусусиятлари билан таништириш. Болалар учун тушунарли воситалар ёрдамида ҳаво ҳамма жойда: сувда, ғиштда, ерда ва шу кабиларда мавжудлигини тажрибалар орқали кўрсатиш. Ҳавонинг қайишқоқ бўлиши, маълум ҳажми эгаллаши (совун кўпикларини пуфлаш, шарларни пуфлаш) мумкинлигини кўрсатиш. Ҳаво ҳаракатланади(шамол) ва у ҳаракат қилиб, предметларни жойдан-жойга кўчириши ва шунингдек, ҳаракатга қаршилик кўрсатиши мумкин(парашют).

Болаларни магнитнинг хусусиятлари билан таништириш. Магнит ўзига металл буюмларни тортиши, магнитнинг хусусиятлари тўсиқлар орқали ҳам намоён бўлиши(магнитга предметлар сув, қоғоз, пластмасса, ёғоч, картон орқали ҳам тортилиши). Магнит ўзига тортиши ва ўздан итариши билан таништириш.

Ўсимликлар дунёси. Болаларни янги хона ўсимликлари билан таништириш. Уларнинг хусусиятлари: шакли, ҳажми, пояси, барглар, гулининг рангини ажратиш ва характерлашга ўргатиш. Ўсимликларнинг ёруғликка, иссиқликка, намга, озиклантирувчи тупроққа эҳтиёжлари хақидаги тасаввурни шакллантириш. Болаларни ёруғликни сеувчи ва салқинга чидамли, сувни сеувчи ва сувсизликка бардош берувчи ўсимликларнинг ташқи тузилишига қараб фарқлашга ўргатиш.

Сабзавотларнинг (8-9 хили), мева (5 хили)ларнинг ва цитрус ўсимлик (3-4 хили)ларнинг шакли, ранги, ҳажми, таъми, озиқ-овқат сифатида қўлланилиши, белгиларга қараб қиёслаш ва характерлай олиш кўникмасини шакллантириш, умумлаштирилган (сабзавотлар, мевалар, гуллар) сўзларни қўллашга ўргатиш

Болаларда табиатдаги гўзалликдан завқ олишни тарбиялашни давом эттириш. Улар онгига табиатга зарар етказмаслик, экологияни зарарламаслик (теварак-атрофни ифлос қилмаслик, ўт-ўланларни босмаслик, дарахт шохларини синдирмаслик, ҳайвон ва қушларга озор бермаслик, уяларини бузмаслик, гулларни юлмаслик, бунинг оқибатида гуллар, капалаклар йўқ бўлиб кетиши, чумолилларнинг инини бузмаслик ва ҳ.к.)ни болалар онгига синдириш.

Болаларнинг ҳовлидаги барча ўсимликлар ва хонаки(қишда вақтинча ўтказилган) ўсимликларнинг ёруғликка, иссиқликка, сувга, (озуқа) тупроққа бўлган эҳтиёжлари хақидаги тасаввурларини аниқлаш. Ўсимликларнинг ўсиш ва ўсмаслиги шарт-шароитларининг мавжудлиги ва уларнинг турлича талабларга боғлиқлигини белгилашга ўргатиш.

Ўсимликларнинг ўсиши учун ҳаво, сув, қуёш, озуқали тупроқ зарурлигини амалий ишлар орқали таништириш.

Болаларнинг ўсимликларни турли йўл билан кўпайтириш хақидаги билимларини кенгайтириш. Ўсимликлар қаламчасидан, пиёздан, бутасини ажратиб экишдан униши мумкинлигини хонака ўсимликлар мисолида кўрсатиш. Ўсимликнинг ўсиши учун ёруғлик, сув, иссиқлик, озуқали тупроқ зарур эканлиги тўғрисидаги билимларини тажриба, амалий машғулотлар орқали такомиллаштириш. Баҳор гуллари хақидаги тасаввурларини аниқлаш, болаларни уларнинг ранги, шакли,

гуллари, япрокларининг ҳажми, белгиларига қараб қиёслаш асосида характерлашга ўргатиш.

Эрта гуллайдиган ўтсимон, бутасимон ўсимликлар ва дарахтлар билан таништиришни давом эттириш. Баъзи дарахтлар(ўрик, бодом) аввал гуллаб, сўнг барг чиқариши, баъзилари эса барг чиқариб(олма, беҳи) сўнг гуллашни тушунтириш.

Болалар билан биргаликда мактабгача таълим муассасаси ҳовлисида дарахт ва гул кўчатларини экиш, тагини юмшатиш ва сугоришга ўргатиш. Куриган шох-шаббаларни қирқиш, кўмилган гул, ток ва анор кўчатларини очиш ва уларни парвариш қилиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Боғ, полиз ва гулхонада сабзавот ва гул экинлари етиштириш ҳақидаги болалар тасаввурларини бойитиш. Ўсимликларнинг айрим турлари мисолида болалар уларнинг уруғдан кўкариб, то уруғ бергунигача бўлган ўсиш ва ривожланиш даврининг изчиллигини, униб чиқиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни, уларни парваришlash усулларини болалар онгига сингдириш, амалда кузатиш ишларини олиб бориш.

Ёввойи ўсимликлар уруғини тўкиб кўпайиши ва маданий ўсимликларни инсон томонидан етиштирилиши, маданий ва ёввойи ўсимликларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, барча ўсимликларни эҳтиёт қилиш ва уларни қўриқлаш асосида маданий ва ёввойи ўсимликлар ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш. Ўсимликлар қандай белгилари асосида (хонаки, дала, полиз экинлари)маданий ўсимликлар (ўрмон, ўтлоқ экинларини), ёввойи ўсимликларга бўлиниши тўғрисидаги тушунчаларини шакллантириш, гуруҳдаги гуллар номини билиш.

Ҳайвонот дунёси. Болаларни ўзларига таниш бўлган ёввойи (куёнлар, тулкилар ва ҳоказо) ва табиат бурчагида яшовчи ҳайвонларнинг мослашувчанлик хусусиятлари билан таништириш. Ҳайвонларнинг ўзи яшайдиган муҳитга танасининг тузилиши ва ҳатти-ҳаракат билан мосланишига доир белгиларини ажрата билишга ўргатиш. Узун бақувват оёқлари тез югуриш имконини беради (бўри), агар ҳайвоннинг орқа оёқлари узунроқ бўлса, унда ҳайвон катта-катта сақраб юради (куён), ўткир қайрилган тирноқлари дарахтларга тирмашиб чиқишга ёрдам беради (олмахон), тўмтоқ бақувват, олдинги оёқлари ён томонга чиққан, тирноқлари ерни казишга мослашган (тошбақа, кўрсичқон).

Ҳайвонларнинг тана қоплами (ҳимоя учун хизмат қиладиган ранг (куён, олмахон)га, игналар (типратикан), қаттиқ қопламга (тошбақа) эга бўлиб, булар душмандан ўзини ҳимоя қилишда ёрдам) ҳимоя ва мослашув хусусиятига эга эканлиги ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

Ўсимлик (сув куйиш, тагини юмшатиш) ва ҳайвонлар (овқатлантириш, катталар ёрдамида аквариум ёки кафасни тозалаш)ни парваришlashни билиш.

Куз фаслининг ўзига хос хусусиятлари: кунлар совий бошлаб, кундузи қисқаради. Япроклар тўкилади, ўтлар сўлийди, ўсимликлар ўсишдан тўхтади, чунки улар учун зарур бўлган ёруғлик ва иссиқликнинг миқдори камаяди. Совуқ тушиши билан ҳашаротлар яширинади, қушларнинг кўпчилиги иссиқ ўлкаларга учиб кетади, ҳайвонлар қишга тайёргарлик кўрадилар: туллайди (барча ҳайвонлар), овқат тўплайди (олмахон), овқат еб семириб кетадилар ва уйку учун жой излайдилар (типратикан, айиқ).

Болалар учун янги Ўзбекистон шароити учун хос бўлмаган уй ҳайвонлари-шимол бугуси билан таништириш. Уларнинг яшаш жойи, ташқи қиёфаси,

фeъл-атвори, инсон томонидан боқилиши ва улар етказадиган фойдалар ҳақида тасаввурни шакллантириш. Ҳайвонларнинг тана тузилиши ва фeъл-атвори, табиий шароитларга мослашуви юнгининг қалинлиги, унинг қор остидаги мох (шимолда ўсадиган ўсимлик)ни ковлаб олиш кўникмаси, бугунинг кенг қўшалок туёқлари билан лой, тупроқли ер ва ҳатто қия ерларда ҳам юра олиши, ўзининг белгилари билан уй ҳайвонлари тоифасига кириши ҳақида сўзлаб бериш.

Табиат бурчагида яшовчи қушлар ҳақида, уларнинг яшаш шароити, озикланиши, кўпайиши тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш. Қушларнинг учшига мослашганлиги ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш (кенг йиғма қанотлари, думи, енгил патлари ҳавога таяниш ва учиш имконини беради).

Қиш фаслининг ўзига хос табиати ҳақида тушунча бериш (қушлар қиска, совуқ, аёзли бўлиши, ариқ ва кўлмакларнинг музлаши, қорнинг паға-паға ёғиши ва б.) ер юзи ва дарахтлар усти оппоқ қор билан қопланганда табиат қанчалик жозибали кўринишига болалар эътиборини қаратиш, уларнинг эстетик туйғуларини шакллантириш.

Дарахт ва буталар баргсиз, ҳаракатсиз ҳолатда. Ҳашаротлар ҳам, улар билан озикланувчи қушлар ҳам йўқ. Улар иссиқ ўлкаларга учиб кетишган. Қишлаб қолувчи қушлар ўт-ўланларнинг уруғларини ва ўсимликларнинг меваларини, одам яшаб турган жой олдидаги овқат қолдиқларини ейдилар. Одамлар қушларни боқиб турадилар.

Ёввойи ҳайвонларнинг баҳор давридаги ҳаёти ва табиатга мосланганлиги билан болаларни таништиришни давом эттириш, улар уйқудан уйғонадилар, дам олиш ҳолатидан чиқадилар, туллайдилар, жой қурадилар...

Ҳайвонларнинг ривожланиши ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Қушлар ин(уя) қуради, тухум қўяди, болалайди, балиқлар уруғ қўяди ва болалайди.

Болаларни аквариумда боқиладиган балиқларнинг тана тузилиши ва ҳаракатлари, буларнинг ҳаммаси ҳаётга мослашиш белгилари эканлиги билан таништириш. Балиқларнинг танаси, шакли, ҳажми, кўзлари ва оғзининг тузилишини ажрата билишга, бу хусусиятларни уларнинг хатти-ҳаракати, хусусиятлари (яшаш жойи, ҳаракат усули, овқатланиши) билан қиёслашга ўргатиш.

Болаларда баҳор ҳақидаги умумлашган тасаввурни шакллантириш: Қушлар иссиқроқ бўлади, кўёш равшанроқ ёритади, қор ва музлар эриydi, ўтлар, наврўзгуллар пайдо бўлади, қуртақлар тўлишади ва биринчи гуллар, япроқлар пайдо бўлади. Жониворлар уйқудан уйғонади (ҳашаротлар, ҳайвонлар), учиб кетган қушлар қайтиб келиши ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш.

Болаларга ўзларига таниш уй ҳайвонлари, уларнинг ёз фаслидаги ҳаёти ҳақидаги болалар билимларини аниқлаш, улар ҳақида умумлашган тасаввурни мустақамлаш. Қандай белгилар асосида у ёки бу ҳайвон уй ҳайвони гуруҳига кириши ҳақида болалар билимларини аниқлаш. Ҳайвон ва паррандаларнинг инсон учун фойдали томонлари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш. Уларни парвариш қилишга ўргатиш.

Болалар билан ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Қушлар, ҳайвонларнинг болалари жуда нозик туғилиши, улар кўп жихатдан катта ҳайвонлардан фарқ қилиши ҳақида суҳбатлашиш. Кичик ҳайвон ёки парранда кўпинча юнг ёки пат билан қопланмаган, кўзи юмуқ, мустақил юра олмайдиган ва овқатлана олмайдиган бўлади. Ота-оналари улар ҳақида ғамхўрлик қилишлари, иситишлари, овқатлантиришлари, душманлардан қўриқлаши, овқат

излаб топиш, юриш, учиш, тирмашиб чикиш ва сакрашга ўргатишлари ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва кенгайтириш Балиқлар балиқчалари ҳақида гамхўрлик қилмайдилар. Балиқларнинг балиқчалари мустақил равишда овқат излайдилар, душманлардан яширинадилар.

Ёввойи ва қўлга ўргатилган ҳайвонларни таний олишга болаларни ўргатиш. Қандай белгилари билан улар у ёки бу гуруҳга тааллуқли бўлишини тушунтириш.

Ёз фасли ҳақида умумлашган тасаввурни шакллантириш: илик, иссиқ, ёмғир ёғади, момақадироқ бўлади. Ҳашаротлар кўп. Ҳайвонлар фаоллашадилар, болалайдилар. Ўсимликлар гуллайди, етилади, ҳосил беради.

Ёз фаслида полиз, боғ ва далаларда мевалар пишиши, айрим сабзавотларнинг ер остида мева тугиши ва пишиши (картошка, сабзи, ерёнгоқ) ҳақида маълумот бериш, меваларни меваси ҳидидан ажратишга ўргатиш, сабзавот ва меваларни инсон организмга таъсири ва фойдаси ҳақида болаларга тушунтириш ҳамда уларни қандай истеъмол қилиш ҳақида суҳбатлашиш.

Ўқув йили охирида бола:

- йил фаслларининг характерли белгилари ҳақида;
- ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш ҳақида тасаввурга эга бўладилар;
- ўзларига яқин атрофдаги дарахтлар, ўсимликлар номларини, бир неча ҳайвонларни табиатда, расмда таниб олиш ва уларнинг номларини, мустақил равишда ер майдончадаги ва жонли табиат бурчагидаги ўсимликларни парвариш қилиш, сувнинг хусусиятлари ва ҳолатини, ҳайвонларнинг асосий хусусиятларини фарқлашни билиб оладилар;
- катталарга табиатдаги нотаниш ёки ўзи учун кизикарли бўлган предмет ва ҳодисалар ҳақида саволлар беради, ўзи ва бошқаларнинг диққатини табиат ҳодисаларининг натижасида олдиндан кўрилмаган чоралар ва тартибсизликларга жалб қилади ва уларни бартараф қилишга киришади (чиқиндиларни, ерга тушиб ётган курук шохларни йиғади, ерга тушиб ётган шиллиққуртгни олиб дарахтга кўйиб кўяди); буларни ўзи бажара олади.
- табиат кўйида, шаҳарда, уйда ўзини тутиш кўникмаларига эга бўлади.

Тасвирий фаолият

Ушбу босқичда тасвирий фаолият мазмунан янада мураккаблашади, расмлар деталлаштирилган характерга эга бўлади, уларнинг рангли гаммаси кенгайди.

Инсон қиёфаси деталлаштирилган ҳолатга эга бўлади, қўл бармоқлари, кўз, оғиз, бурун аниқ чизгиларга эга бўлади, тасвирланаётган инсон эгнидаги либоси муфассал деталлар билан безатилади. Мазкур ёшда болалар қурилиш материалларидан осонлик билан симметрик ва пропорционал конструкциялар қура оладилар, бунда уларга кўрув назорати хусусияти кўмак беради, унинг ёрдамида болалар зарур материалларни тез ва тўғри танлаб оладилар, шунингдек, улар қурилиш ишларини кўрсатилган намуна ва кўрсатма асосида ёки ўз режаларига кўра амалга ошира оладилар.

Бу ёшда болалар нарсаларнинг қисмларини тўғри идрок этадилар, мураккаб шакл хусусиятларини илғайдилар, яхлит бадий композициянинг ранг-тус ва маконий уйғунлигини англайдилар, нарсаларнинг истикболда қандай ўзгаришларга учраши мумкинлигини идрок этадилар.

Бу даврда эстетик тарбия болаларга санъат асари ва воқеликдаги гўзаллиқни

англатиш, уларда уйғунлик туйғусини эстетик идрок этиш, эстетик баҳолаш, эстетик дид, атроф-борлиқдаги санъат асарлари ва бадий фаолиятга эстетик муносабатни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилади.

Шунингдек, болаларда бадий маданият асосларини шакллантириш, санъатга нисбатан қизиқишни ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

Санъат турлари (тасвирий санъат, адабиёт, мусиқа, амалий декорация, архитектура, театр, рақс, кино, цирк) бўйича болалар билимини мустаҳкамлаш.

Ў.Тансиқбоев, Н.Қорахон, А.Абдуллаев, П.Беньков кабиларнинг санъат асарлари билан таништириш.

Болаларнинг халқ амалий-безак санъати (сополчилик, гиламдўзлик, тўқувчилик), миллий ўйинчоқлар ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва ривожлантириш.

Болаларни меъморчилик санъати билан таништиришни давом эттириш, биноларнинг турли ўзига хос вазифалари ҳақида билимлар бериш (турар жойлар, кинотеатрлар, дўконлар, болалар мактабгача таълим муассасаси, мактаблар).

Болаларнинг ижодий фаолияти ҳақидаги билимларини ошириш: санъат намояндларининг касби (рассомчилик, бастакорлик, актёрлик, рақс, қўшиқчилик), шунингдек, санъатнинг бошқа турларида фаолият юритадиган кишилар (скрипкачи, режиссёр, меъмор) ҳақида маълумот бериш.

Санъат тарихи, турлари, касбий йўналишдаги ва халқ санъатини ўзаро фарқлашга ўргатиш.

Ота-оналар билан бирга кўرғазма, театр, музей ва циркка саёҳат ташкил этиш.

Катталар раҳбарлигида болаларнинг бадий фаолиятда фаол иштирок этишга нисбатан қизиқиш ва иштиёқларини ошириш.

Ишдаги хатоларини илғаш ва уларни тузатиш кўникмаларини шакллантириш.

Предметли ва воқеабанд расм чизиш. Расм орқали болаларда шакл, қурилиш, ранг, қисмлар ифодавийлигини ошириш, тасвирларни варақда тўғри жойлаштириш, нарсаларни предметнинг ўзига кўра ёки тасаввурга асосан чизиш, шунингдек, болаларда композициялаш кўникмаларини такомиллаштириш. Хомаки чизиқлар асосида нарсаларни тасвирлаш: варақ ўлчамига мос тарзда нарса-ҳодиса тасвирининг умумий чизиқларини чизиб олиб, сўнгра деталлар ишлашга ўтиш

Сюжетли расмларда тасвирларнинг ҳажм муносиблигини таъминлашга эътибор бериш (дарахт баланд бўлади, гул эса дарахтдан анча кичик қилиб чизилиши керак). Нарсаларни кенг текислик бўйлаб ҳажман мувофиқлигини таъминлаш. Расмда эрта куз манзараси ва унинг кейинги босқичларини тасвирлаш, ушбу мавсум колоритининг гўзаллигини идрок этиш, сезиш ва ундан завқланиш. Болалар билан бирга тасвирий образларнинг мустақил вариантларини топишда ташаббус кўрсатиш.

Катталар меҳнатини тасвирлаш (ҳосил йиғим-терими, пахта териш, мактаб ва болалар мактабгача таълим муассасаси қурилишида ишлаш).

Мамлакатда кенг нишонланадиган байрам кунларидан лавҳалар чизиш (Мустақиллик, Наврўз). Чизилган ёрқин ранглар орқали кайфиятни беришга интилиш (сабзи ранг, сариқ, яшил ва б.)

Енгил ҳаракатлар билан расмни бўяшга ўргатиш, тасвир шаклидан келиб чиққан ҳолда, бўяшни тўғри режалаштириш.

Маҳсулотнинг ифодали хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, турли тасвирий технологияларни мустақил равишда қўллаш: енгил штрихларни каламда чизиш

мумкин, акварелда бўёқларни қуюқ ва яркинроқ тусда бериш мумкин ва х.к.

Предметнинг ўзига кўра чизиш, бунда нарсага хос ранг ва шаклни тақдим этиш, унчалик мураккаб бўлмаган натюрморт ишлаш (бир даста пахта чаноқлари, хушбўй мевалар, оналар учун байрам гулдастаси). Ҳажмига кўра нарсаларни варақ бўйлаб чиройли қилиб, горизонтал ёки вертикал ҳолатда жойлаштириш.

Расмда тасвирий материаллардан фойдаланишга интилиш кучаяди, оддий ва рангли қалам, акварел бўёқ, қуруқ ва ёғли қалам (рассомлар ишлатадиган рангдор, юмшоқ қалам), сангвин (махсус юмшоқ, тўқ кизил қалам), гел ручка кабилардан фойдаланиш кўникмаларини эгаллаш лозим, болаларга бир расмда бир неча тасвирий материаллардан фойдаланишни ўргатиш керак. Ижодий топшириқларни бажаришда расмда турли ранглари уйғунликда фойдаланиш учун бўёқларни аралаштириб қўллаш усулини ишлата билиш. Ўзбек пейзажист рассомлари иллюстрацияларини томоша қилгач, бир хил ранглари уйғунлаштириб, киш манзараларини тақдим этишга қаратилган мустақил пейзаж яратиш устида ишлаш (“Совук киш куни”, “Тоғларда киш”).

Зарур ҳажмга мувофиқ қоғоз танлаб, расм композицияларини мустақил белгилаш (альбом варағи ёки катта форматли қоғоз).

Болаларнинг тасвир гўзаллигини расмда тақдим этилган аниқ шакл, мулоим нафосат, нарсалар жойлашувидаги уйғунлик, линияларнинг оқилона кесишиши ва сояларнинг тўғри қўйилиши орқали идрок этишларига эришиш лозим.

Уларга об-ҳаводаги ўзгаришлар табиат ранг жилосидаги ўзгаришларга бевосита таъсир кўрсатишини аниқлаш керак (қуёш порлаб турганда осмон тиниқ хаво рангда бўлади, қишда булутли кунда эса унинг ранги кул ранг тусга киради, демак, йилнинг мазкур вақтлари мавсумий хусусиятларини илғаш лозим).

Ранглар номини билиш, табиатнинг тўқроқ рангларда яққол ифодаланган қисмларини ажрата олиш ва уларни расмда акс эттириш.

Рангларнинг номини билиш, ажратиб кўрсатувчи сояларни фарқлаш ва уларни расмда ифодалашга ўргатиш.

Предметнинг ўзига кўра (ўрик ёки олма шохи) характерли деталлари ва қурилишини тақдим эта олиш. Тасаввур ва кузатишлар асосида байрам лавҳалари чизиш («Тошкент-бизнинг пойтахтимиз», «Наврўз»). Пейзаж тасвири орқали зарур колорит, рангларнинг қарама-қарши ва текис товланишини тақдим этиш.

Предметнинг ўзига кўра дарахт, мева, сабзавот ва гуллар расмини чизиш.

Тасвирий санъат асари – пейзаж ва натюрмортларни мустақил кузатиш, уларга ҳиссий-эстетик жиғатдан баҳо бериш, таҳлилда тасвирий терминология (пейзаж, натюрморт, меъморчилик кабилар) дан фойдаланиш.

Безакли расм. Болаларнинг безакли расмлар солишга оид ижодларини ривожлантириш, уларни ўзбек халқ анъаналари асосида нақш яратишга ўргатиш (хон атлас, дўппи).

Рўзғор асбобларини (гиламча, сўзана, қуйлакни) акс эттирувчи нарсаларни тўртбурчак, айлана нақшлар билан ишлатиш орқали болаларни ранглари хис қилишга ўргатиш.

Безакли расм элементларининг номларини билиш – жимжимадор ва бодом нақшли. Янги ранглар уйғунлигини ҳосил қилиш учун ранглари аралаштириб янги ранг ясашни билиш. Рангли, қора ва оқ фонда мустақил нақшларни композициялаш устида бош қотириш.

Турли ҳажмдаги силуэт қоғозларга, жумладан, рўзғор буюмлари ва либосларни

ифодаловчи силуэтларга майда ва йирик элементлардан нақшлар чизиш.

1-2 хил рангли ва ранг-баранг нақшлар чизишда ранглارни ҳис этиш лаёқатини ривожлантириш. Индивидуал ва жамоавий безакли композициялар яратиш.

Ўзбек ва бошқа халқлар амалий санъати анъаналарига асосланиб, турли фонда ва ҳар хил ҳажмда безакли нақшлар чизиш.

Нақшлар композициясига ўсимликлар элементларини (ранглар, мевалар, япроқлар, жимжима нақшлар) киритиш, куш ва ҳайвонлар тасвирини ранг ва нақш элементлари билан уйғунлаштириб тақдим этиш.

Фикран миллий нақш элементларидан фойдаланиб, безакли композициялар тузиш, ясси шаклли нақшлар ишлаш, жамоамехнатида қатнашиш. Композицияларни якка ўзи ва 3-4 кишилик кичик жамоа билан бирга ишлаш.

Ўзбек халқ миллий чинни буюмлари (чойнак-пиёла, коса, обдаста лаган) силуэти (шакли)га нақшлар (илмоқ, ғажак, чизикчалар, таёқчалар) чизиш.

Пластелин (лой) билан ишлаш. Содда шаклли нарсалар (мева ва сабзавотлар) ва халқ усталари анъаналарига асосан, бирмунча мураккаб сопол ўйинчоқлар (эчкича, туя, от) ясаш.

Пластик материаллардан нарса яшашнинг турли усулларини эркин қўллашга ўрганиш, шаклнинг асосий қисми ва бошқа қисмлари, уларнинг бўлаклари, тасвирланган объектларнинг характерли хусусиятларини тақдим этиш, ёғоч қалам ва бармоқлар ҳаракати орқали шакл юзасини қайта ишлаш, силлиқлаш ва мукамаллаштиришни ўргатишни давом эттириш.

Болалар катта ҳажмли фигуралар: шар, цилиндр, конус ҳақидаги билимларга таяниб, нарса шаклини илк марта ўрганиб чиққанларидан сўнг, унинг алоҳида қисмларини ажрата олишлари ва номини айтиб беришлари ҳамда ясашлари лозим.

Тасвирий ифодалар яратиш билан бирга, инсон ва ҳайвонга хос динамика хусусиятларини акс эттириш (қизча ракс тушмоқда, кушча учишга ҳозирланмоқда).

Пластик материаллардан нарса ясаганда болаларда композиция туйғусини ривожлантириш, 2-3 фигурадан иборат мураккаб бўлмаган ҳайкалтарошлик маҳсулотлари гуруҳини ҳосил қилиш, фигураларни умумий асосга бирлаштириш («Чанғичилар», «Болалар қорбўрон ўйнашмоқда»).

Турли идиш-товоқлар ясаш (пиёла, коса, чойнак), уларнинг сиртки қисмини бармоқ учлари ва ёғоч қалам билан силлиқлаш.

Динамик ҳаракат ва яхлит тасвирнинг бўлақларда ифодаланишини назарда тутиб, 2-3 фигурали ҳайкалтарошлик нарса-буюмлари композициясини ҳис этишни ривожлантириш.

Бир парча яхлит пластик материалдан нарса ясаш. Ясалган нарсани ҳаракатда тасвирий ифодалаш («Чанғичилар», «Болалар қорбўрон ўйнашмоқда»).

Инсон, жонивор ва ўйинчоқларни ҳайкалтарошлик асосида тасвирлаш («Биз байрамга чикдик», «Ҳайвонот боғи», «Шоҳга кўнган куш»). Пластик материалдан турли идиш-товоқлар ясаш. Бармоқ ва ҳайкалтарошлар рангли қалами билан шакллар сатҳини қайта ишлашга ва рельефлар билан безашга ўрганиш.

Кишилар ва жониворлардан иборат гуруҳли ҳайкалтарошлик тасвирларини ясаш. Пластик материаллардан нарсалар ясаш техникаси ва усулларини машқ қилиш.

Халқ ижодий анъаналари асосида ўйинчоқ, барельеф кабилар ясаш (афсонавий куш, эсдалик буюмлар, шунингдек, лойга безакли ишлов беришни билиш). Болалар барча босқичларни мустақил бажаришлари лозим: пластина (ясси, қаттиқ

жисм) ясаш, жисм релефини стек (хайкалтарошлар ишлатадиган қалам)да чизиш. Ясалган нарсани гуаш ёки темпера (тухум сариғидан тайёрланган) бўёқлари билан бўяш.

Халқ ўйинчоқларига ўхшатиб безакли фигуралар ясаш ва бўяш.

Халқ ижоди анбаналарига кўра, ўйинчоқ, барелефлар ясаш (совға буюмлари, от, туя кабилар). Сополга безак ишлаш ва ангобда (гилдан тайёрланган махсус бўёқда) бўяш.

Ясалган безакли маҳсулотларни мустақил равишда текшириб чиқиш, уларга эстетик баҳо бериш, тавсирий терминологиядан фойдаланиш (хайкалтарошлик, стек (хайкалтарошлар қора қалами), ангоб).

Апликация. Болаларнинг икки марта букланган қоғоз варағидан симметрик шакллар қирқиш кўникмаларини мустақамлаш (идиш-товоқ, барглар), апликацияда турли фактурадаги (силлик, ялтироқ, тукли) қоғозларни қўллаш.

Предметнинг ўзига ва тасаввурга кўра муайян (предметли ёки сюжетли) тасвир яратиш.

Предметнинг ўзига кўра предметли ва сюжетли нарсалар (сабзавот, ўйинчоқ ва гуллар) тасвирини яратиш.

Геометрик ва ўсимлик элементларининг турли шаклларида қоғозда безакли композициялар тузиш. Образ яратишда болаларнинг бўрттириб ишлов бериш, қоғозларни ажратиш, тасвирларни елимлаш каби усуллардан фойдаланишларини рағбатлантириб бориш, уларни кошнкор тасвир усулларига ўргатиш.

Кўз билан мўлжаллаб қоғоздан унча мураккаб бўлмаган нарса, куш ва хайвонлар силуэтини қирқиш. Соялар театрида ўйнатиш учун силуэтлар тайёрлаш. Янги йил байрами олдидан зални жиҳозлашда иштирок этиш. Образ характериға мувофиқ апликацияларни ажратиш ва қайчида қирқиш усулини биргаликда қўллаш: дарактда қор, пахмоқ жўжа.

Ўзбек халқ нақшлари, жумладан, турли вилоят худудларига хос нақшлар хусусиятлари ва колоритини тақдим этиш ва каштачилик ҳамда йўрмадўзликка оид симметрик нақшлар яратиш.

Болаларда ранг ва колорит ҳиссини ривожлантириш.

Унчалик мураккаб бўлмаган композицияларни яратишда гуруҳ таркибида ижодий ишлашни давом эттириш, наврўз ва бошқа байрамларни ўтказиш учун бинони гуруҳ билан бирга жиҳозлашда иштирок этиш.

Қирқишнинг техник усулларини қўллаб, индивидуал ва гуруҳли ишлар бажариш.

Қуриш-ясаш. Болаларни бино, иншоот, ансамбллар (турар жой, театр, майдон, сарой, минора ва б.)нинг турли қурилма-конструкцияларини кўра билишга ўргатишни давом эттириш.

Қурилиш материалларини конструкциялаш.

Биргина объектни ундан фойдаланишнинг турли шарт-шароитларини назарда тутиб конструкциялаш (пиёдалар учун кўприк, транспорт ҳаракати учун кўприк), қайси деталь қурилиш учун кўпроқ мос келишини аниқлаш, уларни қандай конструкциялаш кўпроқ мақсадга мувофиқ эканлигини белгилаш, истикболда қурилишни режалаштириш кўникмаларини ривожлантириш.

Ягона мазмунга бирлашган катта қурилишни (кўча, уйни) таъминлашга ўргатишни давом эттириш.

Қоғоздан конструкциялар ҳосил қилиш

Учбурчак (куб) шакллардан андоза бичишга ўргатиш. Болаларнинг тўртбурчак шаклли қоғозни 16 та тенг бўлакка бўлишга (сават, кути) оид малакаларини мустаҳкамлаш.

Табиий материалларни конструкциялаш

Инсон, жонивор ва қушларнинг турли фигураларини дуб дарахтининг меваси (чўчкаёғоқ), турли мева данаклари, уруғлар ва бошқа табиий материаллардан тайёрлаш, алоҳида қисмларини пластилин, елим воситасида бирлаштириш, тайёрланган фигурага ифодавийлик ва ҳаракатни таркиб топтиришга (Масалан: “Қизча рақс тушмоқда”, “Қушча дон чўкимокда” каби) ўргатиш.

Қуриш-ясаш материалларидан конструкциялар ҳосил қилиш

Қуриш ишларини амалга оширишда бир вақтнинг ўзида бир неча шарт-шароитларни ҳисобга олиш (уч қаватли турар - жой биносини икки подъездли қилиб ясаш, пиёдалар ва транспорт учун кўприк ясашда муайян миқдордаги ҳажм кенглигини назарда тутиш).

Табиий материалларни конструкциялаш

Тизимча (чилвир) ёрдамида ўйинчоқнинг ҳаракатланувчи қисмини ясаш- (қулоқлари кимираб турадиган қўлбола қуён ёки югура оладиган бола каби). Тайёр шакллардан фойдаланишга ўргатиш (қутичалар, қўлбола буюмлар тайёрлаш учун қоғоз банкахалар (кўғирчоқ ўйин учун аптечка).

Конструкторлик деталларини конструкциялаш.

Турли пластмасса конструкциялар ҳақидаги билимларни кенгайтириш. Расм, шахсий тасаввур ёки тарбиячининг кўрсатмаси асосида турли моделлар яратишга ўргатиш (бино, поезд, самолёт ва б.).

Болаларни скоба ёрдамида пластмасса конструкцияси қисмларини ажратиб йиғиб олишга ўргатиш.

Қурилиш материалларидан конструкция ҳосил қилиш.

Бир неча қурилиш гуруҳини ягона мазмунга бирлаштириш (майдон, аэродром). Жамоавий қурилиш ишлари.

Қоғоздан конструкция ҳосил қилиш. Шаблонга кўра қоғозларни фарқлаш ва рангли қоғоз тасмалар билан қоғоз асосини муқовалаш (китоб учун хатчўп, гиламча) кўникмасини машқ орқали мустаҳкамлаш.

Табиий материаллардан конструкциялар ҳосил қилиш. Тарбиячининг кўғирчоқ намуналарига берган таҳлилига кўра, ўйин ўйнаш учун мустақил тарзда сув ва шамол кўмагида ўйнаса бўладиган турли ўйинчоқлар ясаш.

Конструкторлик деталларидан конструкциялаш. Махсус штифт (металл ўзакча) кўмагида мустаҳкамланадиган конструкторлар билан танишиш.

Қуриш-ясаш материалларидан конструкциялаш. Пол ва столбоп қуриш материаллари билан ишлаш малакаларини мустаҳкамлаш.

Қоғоздан конструкциялаш. Қоғоз билан ишлаш кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш

Табиий материаллардан конструкциялаш. Илдиз шаклидан қўлбола нарсалар ясашга ўргатиш. Бутоқ ва уларнинг ранг-тус ва фактура хусусиятлари. Мазкур қўлбола нарсаларнинг қисмларини бирлаштиришнинг махсус усулларини (елим, пластилин ёки ингичка сим билан бирлаштиришни) мустақил равишда топиш. Болаларнинг фантазиясини ривожлантириш.

Қуриш-ясаш конструкцияларини таҳлил этиш, унинг функционал вазибаларини

белгилаш, шунга мувофиқ унинг шакли ва ҳажмини аниқлаш. Деталларни бир-бирига маҳкамлаш усулларини қўллаб, болаларни иншоотнинг конструктив ечимини излаб топишга йўналтириш.

Бадий қўл меҳнати.

Қоғоз ва картина билан ишлаш. Ажойиб ва гаройиб ўйинчоқлар ясаш, болаларга қоғоз варагини турли усулда букишни (тўғрибурчак, квадрат, турли йўналишда айлана шаклда (дўппи), турли фактурадаги қоғозлардан фойдаланишни ўргатиш.

Рангли қоғоз варағи бўлақларидан нарса ясаш (хатчўп, гиламча).

Оригами техникаси билан ўйинчоқ ясашга ўргатиш.

Мато билан ишлаш. Болаларни турли фактурадаги матолардан фойдаланиб, аппликация ишларини амалга оширишга ўргатиш (капалак учун ипак мато, рангли, ёгли мелқда контур чизиш ва сюжетга мос қилиб қирқиш).

Табиий материаллар билан ишлаш. Табиий материаллар (ёнғоқ, бутоқ, мева, гуллар, уруғлар ва данак пўстлоқлари) дан нарсалар ясаб, уларни мустақил излаб топиш, ягона композицияга бирлаштириш (“Эртак қаҳрамонлари”).

Иш жараёнида болаларда фантазия ва ижодкорликни тарбиялаш.

Ўқув йили охирида бола:

- индивидуал ва жамоавий расмлар чизиш, атроф борлик, ҳаёт ва бадий асар воқеа-ҳодисалари асосида предметли ва сюжетли расм чизиш;
- расм чизишни хомаки режа тузишдан бошлаш, яъни расмнинг айрим штрихларини қора каламда очроқ қилиб чизиб олиш;
- расмда турли тасвирий материаллар ва тасвирий технологияларни қўллаш;
- ўйинчоқ ва болалар ҳаётида фаол қўлланиладиган нарсаларнинг тасвирий силуэтларига халқ амалий безак санъати асосида нақшлар чизиш;
- қисмлар уйғунлиги, ҳолат шакли ва фигура ҳаракатини назарда тутган ҳолда, турли нарсалар ясаш, икки-уч ва ундан ортиқ тасвирлар асосида сюжетли композиция яратиш;
- ёпиштириш ва рельеф усулларини қўллаб, безакли композиция ясаш;
- ўзбек амалий безак санъати асосида ясаган нарсасини нақшлар билан безаш;
- тасвирий композиция жиҳатидан тўғри жойлаштириш, турли предметлардан тасвир ҳосил қилиш, унга халқ амалий безак санъати асосида ҳайвон ва қушларнинг тасвирларини киритиш, ишда турли фактурадаги қоғозлардан фойдаланиш;
- улардан фойдаланиш мумкинлигини назарда тутган ҳолда, турли нарсалар конструкциясини ясаш;
- нарсанинг конструкциясини кўра билиш ва амалий вазифаларини назарда тутган ҳолда уни таҳлил эта олиш;
- расм ёки сўз билан берилган кўрсатма асосида ёғоч ёки пластмасса конструкторлар моделларини яратиш;
- ўйинчоқлар ясаш учун қоғозга шаблонга кўра белгилар қўйиб чиқиш;
- катта ҳажмдаги ўйинчоқлар ясаш.

Музыка

Музыка тинглаш. Музиқа асарининг гўзаллигини ҳис қилиш, мазмунини тушуниш, Ватанга мухаббат ҳисси, миллий гурурини шакллантириш, ёрқин ифода воситаларини фарқлаш, музиканинг 2-3 қисмли шаклини мустақил фарқлай

олиш (“Ўзбекистон Давлат мадҳияси” М.Бурхонов, “Туркистон фарзандимиз” Д. Омонуллаева, “Ўзбекистон мустақил” М. Дадабоев).

Мусика асарининг кириш қисми, банд ва нақарот қисми, шунингдек хотимасини фарқлашга ўргатиш. Мусика воситасида болаларнинг ички дунёсини бойитиш, уларда эстетик дидни шакллантириш. Ўзбек мумтоз, замонавий шунингдек, жaxon мумтоз мусикаси намуналаридан (“Серенада” Ф.Шуберт, “Касал кўғирчоқ” П.Чайковский, “Шахерезада”(парчалар) Римский-Корсаков) болаларни бахраманд қилиш. Турли жанр ва турли кайфиятдаги асарларни (“Туркча марш” В.Моцарт, “Доира ва чилдирмада чал” Д.Омонуллаева “Итальян полька” С.Рахманинов, “Кўғирчоқнинг алласи” А.Мухамедов, “Салимовийнинг товуғи” И. Акбаров, “Ойижон” ўзбек халқ кўшиғи) тинглаш ва фарқлаш, мусиқий образнинг мусиқий-интонацион ривожланишини кузатиш, ифода воситалари билан таништириш (“Суворий” Д.Кабалевский “Кўнгирикчаллик чана” В.Агафонников).

Дутор, рубоб, каби халқ чолғу асбоблари ижросида куйларни (“Ўзбек халқ куйлари” Т.Ҳолиқов, “Дутор баёти” ўзбек халқ куйи, “Тановор”-Т.Ражабий (рубоб), “Нола”-Т.Алимов (танбур) тинглаш ва овозидан фарқлашга ўргатиш. Мажор (очик, ёруғ ва х.к.) ва минор (ғамгин, хафа, қоронғу ва х.к.) хақида тушунча бериш;

Болаларни жонли ижро билан бир қаторда аудио ва видео тасмаларга ёзилган куй ва кўшиқлар, шеърят намуналари, бадий сўздан бахраманд қилиш. Болаларнинг ёшига мос ва уларга тушунарли мазмундаги опера ва балет асарлари билан таништириш.

Мусиқий-ритмик ҳаракатлар. Рақс элементларини мусикага мос, аниқ бажариш билан бирга рақслардаги безак ҳаракатлари билан таништириш. Юриш, югуриш, сакраш, олдинга ва ёнга ҳаққалашни безак ҳаракатларини кўшиб бажаришга ўргатиш. Мусика остида қаторларга сафланиш, бир қатор бўлиб юриш ва югуриш, катта ва кичик доира куриш каби ҳаракатларни, давра кўшиқларини мустақил ижро этиш. Тиззаларни ярим букиб юриш (“Марш”С.Абрамова), ҳаққалаб сакраш (“Стукалка” украин халқ куйи), оёқ учида енгил югуриш (“Югурамиз” Е.Тиличеева), тактнинг кучли ҳиссасига оёқ тўпиллатиш, чапак чалиш ёки бирон предметни (рўмолча, гул, копток ва х.к.) қўлдан қўлга узатиш (“Чертмак” ўзбек халқ куйи). Жуфт бўлиб юриш ва енгил югуриш, жуфтликда рақс ҳаракатларини бажариш. Ҳаракатли ўйинлар ўйнатиш (“Бойланди”, “От ўйини”, “Бойчечак”, “Хурмача боғи”), давра кўшиқларини ижро этиш (“Неваралар кўшиғи”, “Полвон бўламан” “Кенг Туркистон” Н.Норхўжаев), турли жиҳозлар (байроқчалар, коптоқлар, шарлар ва х.к.) билан машқлар ижро этиш (“Ўзбекистон”, “Бинафша” гуруҳи мусикаси).

Рақс. Ўрганилган рақсларни мустақил ижро этиш, яқка ижро эта олишга эътибор қаратиш, жуфтликда ва эркин рақслар ижро этишга ўргатиш. “Ўзбекча рақс” (“Норим-норим” ўзбек халқ куйи), “Жуфтлик рақс” (Д.Зокиров мусикаси), “Замонавий рақс” (мусика раҳбари ихтиёрига кўра).

“Жуфтликда полька” (“Янка полькаси” чех халқ куйи), “Ўзбекча рақс”

(Ғ.Собитов), «Қорпарчалар рақси», «Шиқилдоқлар билан рақс», «Кўғирчоқлар билан рақс», “Ўғил болалар рақси” (мусика раҳбари ихтиёрига кўра танланган куйларга), “Баҳор вальси” Мирзаев (С.Рахманинов “Полька”), “Гуллар билан рақс” (ўзбек халқ куйи), “Баҳор вальси” (М.Мирзаев), “Ҳаққалакам ўйнасам” (“Марварид” гуруҳи), “Замонавий қизалоқ”, “Хайрлашув вальси”.

Кўшиқ айтиш. Болалар овозини шикастланишлардан асраб-авайлаб ривожлантириш. Тўғри нафас олиш ва тўғри куйлаш малакаларини шакллантириш. Болаларнинг ёш хусусиятлари ва овоз диапазонларини ҳисобга олиб репертуар танлаш, кўшиқ матни ва оҳангини аниқ ифода этиш. Чолғу асбоби жўрлигисиз куйлаш, кўшиқнинг банд ва накорот қисмларини фарқлай олишга ўргатиш. Болаларда кўшиқ ижрочилиги, чолғучилик ва актёрлик қобилиятларини мужассам ривожлантириш мақсадида “Тул яхши, лола яхши” (Л. Муждабоева), “Булубулча” (С.Бобоев), “Қиличми-тўкмоқ”, “Шафтолига саволим”, “Юртим чиройли” (Н.Норхўжаев), “Пахтаой” (Ф.Назаров) “Алла”, “Космонавтлар” (Д.Омонуллаева), “Арча кўшиғи” (Ғ.Қодиров), “Қорбобо”, «Қорқиз», «Богча опагон», «Нурли кўнча» (В.Рўзметова), «Биз аскармиз», «Қадим турон» (Н.Норхўжаев), «Офтоб яхшими, одоб яхшими» (М.Икромова). «Шўх чумчуқ» (М.Отажонов), «Онажоним», «Наврўз муборак» (М.Дадабоев), “Тойчоғим”, «Майса», «Капалак», «Онажон» (З. Қаюмова), «Булбулча кўшиғи» (А.Мансуров), «Юртимда байрам бўлсин» Л.Турсунова, «Фонтан» (А.Берлин) каби кўшиқларни ўргатиш тавсия этилади.

Болалар чолғу асбобида чалиш. Жамоа бўлиб ижро этиш малакаларини ривожлантириш билан бирга ансамбль бўлиб ижро этишга ўргатиш. Ижрони баравар бошлаб, биргаликда яқунлаш, куйни мустақил ижро этишга ўргатиш. Болаларда чолғучиликка оид ижодкорликни ривожлантириш.

Музыка раҳбарига жўр бўлиб ижро этиш («Олма» К.Абдуллаев, «Марш» И.Ақбаров), зарбли чолғуларда жўр бўлиш («Ғамгин кўғирчоқ» А.Тамаси, «Диалог» Б.Бартоқ). Кўшиққа чолғуларда жўр бўлиш («Онажоним» М.Дадабоев, «Лайлак келди» ўзбек халқ кўшиғи), халқ куйларини чалиш («Яллама ёрим» ўзбек халқ куйи, «Бибиғул» Қорақалпоқ халқ куйи, «Во поле берёза стояла» рус халқ кўшиғи), чолғу асбоби жўрлигисиз, мустақил ижро этишга ўргатиш («Ах, вы сени» рус халқ кўшиғи «Кари наво» ўзб халқ куйи, «Асп буламан» ўзб халқ куйи).

Ўйин. Саҳна нутқи, яъни ифодали ва аниқ талаффуз қилишни ва саҳна харакати эркинлигини шакллантириш. Ушбу мақсадда айрим эртақларни («Олтин тарвуз», «Зумрад ва Қиммат») саҳналаштириш, мусикалаштиришга эътибор қаратиш.

Харакатли ўйинлар орқали диққат-эътибор, чаққонлик ва зийраклик, харакатларни мусикага мослаш каби сифатлар билан бирга болаларни жисмоний ривожлантириш. «Оқ теракми, кўк терак», «Дор ўйин», «Бойланди» шулар жумласидандир. Кўшиқларни саҳналаштириш орқали харакатли ўйинлар ташкил қилиш («Кичик богбон» И.Ақбаров, «Дехқон кўшиғи» ўзбек халқ кўшиғи), давра кўшиқларини ўргатиш («Тинчлик кўшиғи» (С.Бобоев), «Тинчлик бўлсин» (М.Икромова).

Болаларда мусикий-таълимий ўйинларга бўлган қизиқишни орттириш. Ушбу ўйинларда болаларнинг мусикий билимларга ўргатиш, олинган билимларни мустаҳкамлаш билан бирга ўйинларда зийракликни ривожлантирадиган топшириқларни бериш. Мусикий-таълимий ўйинлардан «Мусикали лото», мусиканинг кайфиятини фарқлашга ўргатувчи «Эртақ қаҳрамонлари», «Қуламизми, йиғлаймиз?», «Кайфият» ўйинлари, тембрларни фарқлашга ўргатувчи «Овозидан топ», «Ўрмонда», «Уч айиқ», «Қайси чолғу чалапти?» ўйинлари, ритми ҳис қилишга ўргатувчи «Узун, қиска таёқчалар», ноталар билан таништириш ва ноталар чўзими ҳақидаги билимларни мустаҳкамловчи «Ғадир-будир ноталар», «Ноталарнинг уйчаси», ўйинлари, темпни фарқлашга ўргатувчи «Денгизми, ирмоқ», «Бармоқлар» ўйинлари, товуш баланглигини фарқлашга ўргатувчи

«Кўнғироқчалар», «Куш ва қушчалар» ўйинлари, чолгулар билан таништиришга қаратилган «Қайси чолғу чалапти», «Сирли қутича», «Оркестр» ўйинларини ташкил этиш тавсия этилади. Пефокарталар ва пиктограммалар оркали болалар билимини аниқлаш.

Мусикага оид маълумотлар. Дутор, рубоб, карнай, най, чанг ва доира чолгулари билан таништириш, уларда чалиш усуллари ва қайси гуруҳга мансуб эканликлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

«Фортэ» ва «пиано» белгилари ва уларнинг аҳамияти ҳақида тушунча бериш. Болаларга оркестр ва унинг турлари, дирижёр ва унинг вазифаси ҳақида умумий тушунча бериш. Регистр, товуш баландлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Якка, дуэт, ва ансамбл ижроликни билиш ва аниқлаш қобилиятини ривожлантириш.

Ўқув йили охирида бола:

- куйлаш ва ҳаракатланишни мусикага мослай олади;
- товушларнинг баландлик, тембр, чўзимлилиқ хусусиятларини эшитиш оркали фарқлайди;
- маълум рақс ҳаракатларини эгаллайди;
- жамоа бўлиб ва якка рақсга туша олади;
- ўйин, рақс ва машқларда мимик ҳаракатларни акс эттира олади;
- халқ чолғу асбобларини кўрниниши ва овоз тембрига кўра фарқлайди;
- болалар чолғулари ансамбли ва оркестрида чалади;
- тингланган, куйлаётган куй ва кўшиқларнинг мазмунини англайди ва баён этади;
- турли мусиқий ўйинларни мустақил ташкил эта олади;
- байрам эрталикларида фаол иштирок этади.

6-7 ёшли болалар билан ўтказиладиган эрталиклар

№	Эрталиклар	Ўтказиш вақти
1	Мустақиллик байрами	25-август-30-август
2	Меҳржон байрами	25-октябрь-5 ноябрь
3	Янги йил байрами	25-декабрь-30-декабрь
4	Онажонлар байрами	5-7 март
5	Наврўз байрами	20-март-20-апрель
6	Хотира ва кадрлаш куни	5-7 май
7	Мактабга кузатиш байрами	25-май-30-май

Ўйин фаолияти

Болаларда барча ўйин турларини ташкиллаштиришдаги мустақилликни, ўзини тутиш қонда ва меъёрларини ривожлантиришда давом этиш.

Ташаббусни, ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш.

Жамоавийлик туйғуларини тарбиялаш.

Воқеабанд-ролли ўйинлар. Болаларни ўйин мазмунига мос тарзда турли ролларга киришга, анжомлар, қурилмалар, қурилиш материалларидан фойдаланишга ўргатишда давом этиш.

Болаларни ўз ўйинларини ўзларича ташкиллаштиришга, ўйин учун етишмаётган нарсаларни (театр ўйнаш учун пагталарни, харид учун пулларни) мустақил танлаш

ва яратишга ундаш.

Ўйинларда атроф-борлик ҳақидаги тасаввурлардан, адабий асарлар ва мультфильмлардан олган таассуротларидан ижодий фойдаланишга ёрдам бериш.

Ижодий ҳаётни, ўз ўйини, гоёсини тенгдошлари гоёлари билан мослаштирган ҳолда ўйинни кенгайтириш қобилиятини ривожлантириш; келиша олиш, барча ўйин иштирокчилар ҳаракатларини режалаштириш ва муҳокама қилиш кўникмаларини шакллантиришда давом этиш.

Ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамга асосланган муносабатларни шакллантириш. Хайрихоҳлик, тенгдошига ёрдам қўлини чўзишга тайёрлик фазилатларини, ўйиндаги ўртоқларининг манфаатлари ва фикрлари билан ҳисоблашиш кўникмаларини тарбиялаш, баҳсли ўринларни адолат билан ҳал қилиш.

Ҳаракатли ўйинлар. Болаларга мустақил фаолиятларида мазмунан турли-туман бўлган ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишга ўргатиш. Жисмоний сифатларини (эпчиллик, тезкорлик, чидамлиликни), ҳаракат мувофиқлиги, маконда мўлжал ола билиш кўникмасини ривожлантиришга ёрдам берадиган унсурларга эга бўлган ўйинлар, мусобақалар ўтказиш.

Ўйин натижаларини ҳолис баҳолашга ўргатиш.

Спорт (бадминтон, баскетбол, стол тенниси ҳоккей, футбол) ва халқ ўйинларига бўлган қизиқишни ривожлантириш.

Театрлаштирилган ўйинлар. Театрлаштирилган ўйинларни ташкил этишда болалар мустақиллигини ривожлантириш.

Саҳналаштириш учун эртақ, шеър, қўшиқни мустақил танлаш, бўлғуси спектакль учун зарур бўлган анжомлар ва декорацияни тайёрлаш, ўзаро мажбурият ва ролларни бўлиб олиш кўникмасини такомиллаштириш.

